

РУСТАМ ЖАББОРОВ

100



ЖУМБОҚЛИ  
ҲИКОЯ

КИМ? НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

РУСТАМ ЖАББОРОВ

100

ЖУМБОҚЛИ  
ҲИҚОЯ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2020

**УЎК:821.512.133-3**

**КБК:84(5ў)7**

**Ж-13**

Жабборов, Рустам

100 жумбоқли ҳикоя / Рустам Жабборов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – 208 б.

ISBN 978-9943-20-708-0

Мазкур китоб юзта ҳикоядан иборат. Ҳикоялар асосан, ривоятлар, тарихий ҳақиқатлар, қизиқарли фактлар асосида ёзилган. Ва ҳар бир ҳикояда бир сир яширинган. Ҳикоя сўнгида келтирилган саволга тўғри жавоб топиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмавермайди. Уриниб кўринг-чи, нечта ҳикоядаги жумбоқни китоб охиридаги жавобларга қарамасдан топар экансиз?

**УЎК:821.512.133-3**

**КБК:84(5ў)7**

ISBN 978-9943-20-708-0

© Рустам Жабборов, «100 жумбоқли ҳикоя». «Янги аср авлоди», 2020 йил.

## Биринчи ҳикоя

---

### УЧ ЭШИК

Бир сайёҳ тақдир тақозоси билан Шарқ мамлакатларидан бирига саёҳат қилиш учун боради. Анча пайт мамлакатни сайр қилади. Иттифоқо, уни миршаблар гумондор шахс сифатида қўлга олишади. Ҳалиги сайёҳнинг ватани ва ушбу мамлакат ўртасида анчадан бери муносабат дўстона эмаслигидан бу юртга келган нариги мамлакат фуқаролари қаттиқ текширув остига олинарди.

Сайёҳни жосусликда гумон қилиб, гарчи тайинли бир далил бўлмаса-да, уни ҳибсга олишади. Сайёҳ бир неча ой ҳибсда қолиб кетади. У билан миршабларнинг ҳам иши бўлмайди.

Мамлакат султонининг ғалати одатлари бор эди. У маҳбуслар билан кўнгил ёзишни хуш кўрар, ашаддий жиноятчиларни турли усулларда қийнаб ўлдиришларини томоша қилар, улар иштирокида турли эрмакларни ўйлаб топарди.

Вақти-вақти билан султонга янги маҳбуслар ҳақида маълумотлар киритилиб турар, у ўз ўлжасини ушбу рўйхатдан танлаб оларди. Кунларнинг бирида у жосус сифатида айбланган сайёҳ ҳақидаги маълумотларни ўқиб, у билан қизиқиб қолади. Унинг айби аниқланмагани боис, уни озод этиб ҳам, жазолаб ҳам бўлмасди. Султон унинг ақлу заковатини синаб кўрмоқчи бўлади. Агар чиндан ақлли бўлса, бемалол ўз уйига, оиласи бағрига кетаверади.

Султон бу гал ҳам ўзича ажойиб бир томоша ўйлаб топди. Унинг амри билан учта эшиги бор битта катта

хона қурилди. Ҳар бир эшик яна биттадан хонага очилар, кейинги хоналарнинг эшикларидан эса бемалол кўчага чиқиб кетиларди.

Гумондор сайёҳни асосий хонага олиб киришди. Султоннинг мулозими ўйин шартини унга тушунтирди.

– Муҳтарам сайёҳ, сизнинг айбингиз бор ёки йўқлигидан қатъи назар, уйингизга эсон-омон етиб олиш имконияти туғилди.

– Ҳўш, мен нима қилишим керак? – маҳбуснинг кўзларида умид порлади.

– Мана, қаршингизда учта эшик турибди, – деди мулозим унга эшикларни кўрсатиб. – Уларнинг ҳар бири битта алоҳида хонага, ундан кейин эса кўчага олиб чиқади. Мен чиқиб кетганимдан сўнг, хоналарнинг бирига султонимизнинг учта ваҳший шерлари олиб келинади. Иккинчи хонага эса султонимизнинг махсус ҳовузида боқилаётган учта тимсоҳ келтирилади. Айтиб қўяй, тимсоҳлар ҳам, шерлар ҳам уч кундан бери ҳеч нарса ейишмаган. Учтинчи хонадан ўтишни ҳам сизга тавсия этмаган бўлардим. Чунки бу хонанинг шифт қисмида улкан ва қудратли лупа ўрнатилган. У қуёш нурини бир неча минг марта яқинлаштириб беради ва бу хонани кесиб ўтаман дегунингизча, кулга айланасиз. Хуллас, сизга эртагача муҳлат берилади. Шер ёки тимсоҳларга ем бўлмасдан, қуёш тафтида куймасдан, ўзингиз танлаган эшикдан чиқиб кета олсангиз, марра сизники. Шунда сиз султонимизнинг буюк марҳаматларига ноил бўласиз. Йўл харажатларингиз султонимиз хазинасидан қопланади ва албатта уйингизга қуруқ қўл билан бормасиз.

Мулозим унга айёрона кўз қисиб, хонани тарк этди. Зум ўтмай, хоналарга шерлар ва тимсоҳларни жойлаштиришди. Сайёҳ эса ўйлай-ўйлай шундай бир чорани топдики, натижада зиён-заҳматсиз кўчага чиқиб олди. Ваъда қилингандек, совға-саломлар билан ўз ватанига кузатилди.

*Савол: Сайёҳ қандай қилиб ўлимдан қутулиб қолди?*

*Иккинчи ҳикоя***ҚАСАМНИ БУЗМАСЛИК ЧОРАСИ**

Бу воқеа ҳам ўтган замонларда бўлиб ўтганди. Бир қишлоқда бир камбағал оила яшарди. Бу оиланинг 12 – 13 ёшлардаги ўғли бўлиб, у ўзига тўқроқ қўшнилари-нинг қўй-эчкиларини боқиб юрарди. Бой ҳаддан ташқари қурумсоқ бўлиб, болага яримта қотган нон берар, шўрлик болакай кун бўйи ана шу нонга қаноат қилиши лозим эди.

Бола кечга яқин силласи қуриб қолар, оёғини аранг судраб уйига кириб келарди. Шу хизматига яраша бой унга арзимас маош тўлар, шу пул бу оиланинг кам-кўс-тига амал-тақал яраб турарди.

Поданинг ичида бир-иккита соғин эчкилар ҳам бор эди. Бир куни бола қирда подани боқиб юраркан, ўйла-ниб қолди. У бойнинг хизматини сидқидилдан бажар-япти. Аммо бой унга етарлича пул бермаяпти. Беради-ган яримта нони билан қорин тўймайди. Бундай ўйлаб қаралса, бойда унинг ҳаққи қолиб кетяпти. Шундай экан, кун бўйи анави эчкиларнинг сутини ичиб, қорнини тўй-ғазса, гуноҳ бўлмас?

У шундай дея эчкилардан бирини шартта ушлаб, унинг сутини тўйгунча эмиб олди. Шундан сўнг у ўзини анча бардам, тетик ҳис этди. Бу ҳол эртасига ҳам, инди-нига ҳам такрорланди. Шу-шу, бола энди кун бўйи оч-лик ва қувватсизликдан қийналмайдиган бўлди.

Бой қурумсоқ, айни пайтда жуда синчков эди. У бо-ланинг аввалгидан кўра анча жонланиб қолгани-ю, эч-киларнинг сути камайиб бораётгани орасидаги боғлиқ-ликни тушуниб етгандек бўлди.

Кунларнинг бирида у подани қайтариб келган бола-ни сўроққа тутди. Аввалига бола ҳеч нарсани тан ол-мади. Аммо қасамга тирагач, ҳаммасини бўйнига олди. Бой боланинг қасамдан қўрқшини билиб олгач, яна уни мажбурлади:

– Агар яна бир марта эчкиларингизнинг сутини ичадиган бўлсам, Худо урсин, деб қачам ич. Бўлмаса, ишсиз қоласан.

Бола ночор қасам ичди. Шу кундан бошлаб, яна кун бўйи яримта қотган нонга қаноат қилиб юрадиган бўлди. Яна олдингидек озиб-тўзиб кетди. Кунларнинг бирида худди ўзига ўхшаб бошқа бир бойнинг подасини боқиб юрадиган ўртоғини кўриб қолди. Унинг ҳам кайфияти йўқ эди.

Маълум бўлишича, у ҳам бир пайтлар подасидаги қўй-эчкиларнинг сутини ичиб юрган, сири фош бўлгач, хўжайини унга ҳам қасам ичирган экан. Аввалига иккиси ҳам узоқ ўйналиб қолишди. Шундан сўнг биринчи бола қувонганидан қарсак чалиб юборди:

– Топдим. Бунинг йўли осон, агар шундай қилсак, оч қолмаймиз, қасамимиз ҳам бузилмайди.

Шериги унинг таклифини эшитиб, ошнасининг заковатига қойил қолди.

*Айтинг-чи, у қандай ҳийла ўйлаб топган бўлиши мумкин.*

*Учинчи ҳикоя*

## **ТИЛЛАНИ ҚАНДАЙ ЎЛЧАШДИ?**

Айтишларича, бу воқеа қадим замонларда Ҳиндистон салтанатида рўй берган экан. Ҳинд рожаларидан бири жуда оғир хасталикка чалинибди. Сарой табиблари уни даволаш учун барча чораларни қўллашибди. Аммо, ҳукмдорнинг аҳволи кундан кунга ёмонлашиб бораверибди.

Шунда унинг дардига даво топиш учун қўшни мамлакатларга ҳам чопарлар йўлланибди. Уни оёққа турғазган табиб учун ҳад-ҳисобсиз бойликлар ваъда қилинибди. Орадан кўп ўтмай пойтахтга қўшни мамлакатдан бир табиб ўз фили билан кириб келибди ва тўғри саройга йўл олибди. Сарой аъёнларига ўзининг табиб экани ва рожани даволашга ҳозирлигини билдирибди.

– Агар рожани оёққа турғизсанг, истаганингча олтинни оласан. Агар бу иш қўлингдан келмаса, ҳаётинг хавф остида қолади, – дейишибди унга аъёнлар.

– Мен розиман, – дебди табиб. – Агар мен рожани даволай олмасам, мени ўлдиришлар. Бордию, рожа оёққа турса, мана шу филлим оғирлигича тилла берасизлар.

Табибнинг бу талабини оғир ётган рожага ҳам етказишибди. Рожа ҳеч иккиланмай унинг таклифини қабул қилибди:

– Фақат, мени дарддан халос этсанг, бўлгани. Истаганингча олтинни ўлчаб берамиз.

Табиб шу куниеқ ишга киришади. Турли гиёҳлар, дамламалар, муолажалар ўз натижасини беради. Рожа кундан кунга соғая бошлади. Санокли кунлар ичида у оёққа туриб кетади. Кўп ўтмай уни қийнаган касалликдан асар ҳам қолмайди. Ниҳоят, табиб ўз ишини битириб бўлгач, уйига қайтиш учун ижозат сўрайди.

Рожа ваъдага мувофиқ, унга филининг вазнига тенг олтинни ўлчаб беришни буюрибди. Аммо, шу ўринда битта муаммо пайдо бўлади. Бунча катта жониворнинг оғирлигини қандай ўлчашади? Бутун мамлакатда филни тортиб кўриш мумкин бўлган тарозини топа олишмайди.

– Менинг ҳақимни келишувга биноан аниқ қилиб ўлчаб беринглар, – деб оёқ тираб туриб олади табиб.

Рожа ўз сўзида туриши керак. Шу боис яна бутун мамлакат бўйлаб жар солинади. «Ким филнинг оғирлигини аниқ ўлчаб беролса, унга катта совға-саломлар инъом этилади.

Мамлакатнинг бир четида, дарё соҳилида бир қайиқчи яшар, у йўловчиларни дарёдан ўтказиб қўйиб, тирикчилик қиларди. Бу хабарни эшитиб саройга отланади. Сарой аъёнларига филнинг вазнини аниқ ўлчовлар билан ўлчаб беришини билдиради. Аввалига унга унча ишонилмайди. Кейин эса у шундай осон ва ишончли йўлни кўрсатадики, унинг услуги рожага ҳам, табибга



ҳам маъқул бўлди. Табиб ўз филининг оғирлигига тенг олтин билан юртига қайтди. Қайиқчига ҳам катта миқдорда совға-саломлар берилди.

*Айтинг-чи, қайиқчи филнинг ҳақиқий вазнини кўрсатиш учун қандай усулни қўллаган?*

### *Тўртинчи ҳикоя*

## **ГУЛЛАР ОРАСИДАГИ ПАРИ**

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир овчи йигит бўлган экан. У кунларнинг бирида овга чиқибди. Даштда бир оҳуни кўриб қолибди ва унинг ортида от солибди. Оҳу жуда чиройли бўлгани сабабли, йигитнинг уни отишга кўзи қиймабди ва тириклай овлашга аҳд қилибди.

Оҳу югуриб-югуриб бир боғ ичига кириб кетибди. Йигит ҳам ўйламай ўша ёққа йўл олибди. Бир пайт қараса, анвойи гуллар қулф уриб очилган, зилол сувлар оқиб ётган гўзал бир боғ эмиш. Боғ тўрида бир тахт бўлиб, унда ҳуснда тенги йўқ бир соҳибжамол ўтирган эмиш. Бояги оҳу эса унинг тиззасига бош қўйиб ётганмиш. Атрофида гўзал қизлар ҳалиги соҳибжамолнинг амрига кўз тикиб туришганмиш.

Йигит дарҳол ҳалиги соҳибжамолга таъзим бажо этибди. Соҳибжамол ҳам унинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб кутиб олибди. Йигит билан анчагача суҳбатлашиб ўтирибди. Маълум бўлишича, бу боғ парилар мулки бўлиб, тахт устидаги соҳибжамол парилар маликаси экан.

Йигит маликани бир кўришда ёқтириб қолибди ва дарҳол унинг қўлини сўрабди.

– Жуда дангал йигит экансан, – дебди қиз.

Журъатингга тан бердим. Аммо сен одам фарзанди-сан, мен эса парилар наслданман. Аждодларимиз қонунлари иккимизнинг оила қуришимизга изн бермайди.

– Сени севиб қолдим, – дебди йигит. – Керак бўлса йўлингда жон беришга ҳам тайёрман. Ҳар қандай қийин-

чилик бўлса чидайман. Ҳар қанда шарт бўлса, бажаришга тайёрман. Фақат сенинг висолингга эришсам бўлгани.

Аслида парининг ўзи ҳам йигитни ёқтириб қолган экан. Бироқ у ҳам ўз наслининг удумларини оёқости қилишни истамабди.

– Унда битта шартимни бажаришингга тўғри келади. Эртага эрталаб мен ана шу боғдаги гуллар орасига кириб, шу гулларнинг бирига айланаман. Сен агар юзлаб гуллар орасида мени топа олсанг, мен сеники бўламан. Агар топа олмасанг, умрбод мени қайтиб кўролмайсан.

Йигит бу шартга рози бўлибди ва изига қайтибди. Эрталабгача маликанинг шarti ҳақида ўйлаб чиқибди ва чиқиш йўлини топгандек бўлибди. Йигит эрталаб ўша сирли боққа йўл олибди. Пари йигит келишидан сал аввалроқ ўзини гуллар орасига урибди ва боғ саҳнидаги юзлаб гуллардан бирига айланибди.

Йигит ҳамма гулларни бирма-бир кўздан кечириб бўлгач, улар орасидан бирини маҳкам ушлабди:

– Мана шу гул – менинг севгилим.

Шу заҳоти ҳалиги гул пари қизга айланибди. Шундан сўнг йигит парилар маликасига ўйланиб, муродига етган экан.

*Айтинг-чи, йигит гуллар орасидан парини қандай ажратиб олди экан?*

#### Бешинчи ҳикоя

### **ЎЛИМДАН ҚУТУЛГАН ВАЗИР**

Ўтган замонларда олис мамлакатларнинг бирида мамлакатни бир султон бошқарар, унинг икки вазири бор эди. Вазирлар бир-бирини болаликдан яхши билишар, бирга таҳсил олишган, жуда кўп йўлларни биргаликда босиб ўтишган эди. Керак пайтда улар ҳар қандай масалада ҳукмдорнинг мушкулини осон қилишар, султон ҳам уларнинг бу ақлу заковати, тадбиркорлигини юксак қадрларди.

Кунларнинг бирида нима бўлди-ю, биринчи вазир султоннинг наздида катта хатога йўл қўйди ва унинг ғазабига учради. Бундай пайтларда султонни ғазабидан туширишнинг имкони йўқ эди. Султон жаҳли чиққанда ҳеч кимни аяб ўтирмасди. Гарчи иккинчи вазир дўстининг гуноҳидан ўтишни ҳар қанча ўтиниб сўрамасин, султон унинг таваллоларига қулоқ осмади. Унинг амрига мувофиқ биринчи вазирни зиндонбанд этишди. Бу ҳали асосий ҳукм эмасди. Султоннинг ғазоби чек-чегара билмасди.

Султон биринчи вазирнинг кирдикорларини яхшилаб мулоҳаза қилиб кўраркан, унга фақат биргина жазони муносиб кўрди. Қатл! Ҳа, биринчи вазирни фақатгина ўлим кутмоқда эди. Иккинчи вазир яна бир бора султоннинг кўнглини юмшатишга уриниб кўрди:

– Олампаноҳ, у бутун умр сизга садоқат ила хизмат қилди. Марҳаматингизнинг чек-чегараси йўқ. Балки унинг тирик қолишига бирор имкон берарсиз. Ахир бир қулингизнинг бир неча йиллик садоқатига бундай баҳо бермоқ сиздек буюк ҳукмдорнинг шаънига тўғри келмас.

Султон ўйга толди. У иккинчи вазирнинг тагдор жумлаларидан ўйга толганди. Ростдан, агар биринчи вазирни қатл этса, қолган вазирларнинг унга бўлган ишончи ва садоқатига зиён етади. Бу эса алалоқибат саройда фитна-фасодга сабаб бўлади. Агар биринчи вазирни афв этса, бу ҳам бир муаммо. Унда буюк ҳукмдорнинг сиёсати қаерда қолади? Қолаверса, биринчи вазир шу жазога муносиб. Султон бу борада қатъий қарорга келганди.

– Майли, шеригинга бир имконият бераман. Иккита қутига «ўлим» ва «ҳаёт» сўзлари битилган икки парча қоғозни беркитаман. У эртага шу икки қутидан бирини танлайди. Агар қутидан «ҳаёт» ёзилган қоғоз чиқса, уни афв этаман. Акс ҳолда...

Иккинчи вазир султоннинг сўзларидаги сохталикни пайқаганди. Зотан, у ҳукмдорнинг феълини яхши биларди. У фикридан бу қадар тез воз кечадиганлардан эмас.

«Балки султон ҳар икки қутига ҳам «ўлим» сўзини ёзиб қўяр? Шунда ҳар икки ҳолатда ҳам биринчи вазир омон қолмайди». Вазир султоннинг маккор нигоҳларидан ана шу мақсадни яққол уқиб турарди.

Иккинчи вазир шу куннинг ўзида зиндонга – шериги ёнига тушди. Унга султоннинг режаси айтиб берди ва ўз хавотирини ҳам гапириб берди.

– Бунга шубҳам йўқ, – деди биринчи вазир. – Султон мени батаҳқиқ ўлдиради. Шу боис, қоғозларнинг ҳар иккисига ҳам ўлим лафзи битилган бўлади. Аммо, агар шундай бўладиган бўлса, мен шундай бир йўл тутаманки, албатта, тирик қоламан.

Эртаси куни султон бутун сарой аҳлини тўплади. Зиндондаги вазирни чиқариб, унга шартини тушунтирди. Маҳкумнинг қаршисига иккита қутини қўйишди. Чиндан ҳам ҳар иккала қутидаги қоғозларда «ўлим» деб ёзилганди. Бироқ, вазир шундай оқилона йўл тутдики, подшоҳ бу ҳийладан сўнг, вазирни озод этишдан бошқа чора тополмади.

*Савол: Вазир қандай йўл тутган бўлиши мумкин?*

### Олтинчи ҳикоя

## СЕН ҚУЛМИ, МЕН ҚУЛ?

Ривоят қиладиларки, ўтган замонларда Шарқ мамлакатларидан бирида бир ўзига тўқ савдогар яшаган эди. У кунларнинг бирида қул бозорига чиқиб, уй ишларига яраб турар деб, бир қул сотиб олди. Қул бақувват, оёқ-қўли чаққонгина йигит эди. Янги ҳожаси унга имкон даражада яхши муомалада бўлди. Уст-бошдан, ейишичидан уни қисмади. Қисқа вақт ичида у қулига анча боғланиб қолди. Қул ҳам меҳнаткашлиги, итоаткорлиги билан ҳожасининг меҳри ва эътиборини қозонди.

Савдогар бир куни олис сафарга чиқадиган бўлди. Қули билан бир карвонга қўшилиб, бегона бир шаҳар-

га кириб бордилар. Бу шаҳарга савдогар биринчи бор келиши эди. Аммо бу ердаги нарх-наво анча арзон эканини танишларидан эшитганди. Савдогар қулини олиб, бир карвонсаройга кириб борди. У ерда бир хонани ижарага олиб, бир оқшом дам олиб, эртаси куни бозор айланадиган бўлишди.

Савдогар қулини ҳам худди ўзига ўхшатиб, башанг кийинтириб қўйганди. Бир қарашда ким ҳожа, ким қул – ажратиб ҳам бўлмасди. Тонг отгач, савдогар ухлаб ётган қулини секин туртиб, уйғотди.

– Тур, бозорга эртароқ кириб, савдони бошламасак, арзон моллар тугаб қолади.

– Турмайман, – деди қул ёстиқдан бошини кўтармай. – Сен ким бўпсанки, эрталабдан менинг уйқумни бузасан?

Савдогар унинг бу муомаласидан ҳайратга тушди.

– Бу нима деганинг? Кимлигингни унутдингми? – сўради савдогар қизишиб. – Мен сенинг ҳожанг бўлман. Сен эса менинг қулим, шахсий мулкимсан. Бундай кўрслик қилишга қандай ҳаддинг сиғди?

– Бу шаҳарда ким сени танийди ва мен сенинг қулинг эканимни ким билади? Ҳожам эканингни тасдиқлайдиган бирор ҳужжат ёки далил борми ёнингда?

– Ақлинг йиғ, – бақирди ҳожа. – Ҳали уйга қайтиб борганингда кунингни кўрсатаман, қулвачча!

– Мени уйингга қайтиб боради, деб ким айтди сенга? Оёқ-қўлимни боғлаб олиб кетмассан? Хўш, ҳозир қўлингдан нима келади?

Уларнинг мунозарасини эшитиб, бир зумда карвонсарой ходимлари ва у ерда дам олаётган савдогарлар уларнинг бошига тўпланишди.

– Нима гап, тинчликми? – сўрашди уларда қул ва унинг ҳожасидан.

– Манави нобакор менинг қулим бўлади, – деди савдогар уни кўрсатиб. – Аммо бу ерда бирорта танишим

йўқлигидан фойдаланиб, ўзининг қуллигини тан олмайпти. Қўйиб берсам қочиб қолмоқчи.

- Ёлғон, - деди қул ҳожаларга хос кибр ва салобат билан. - Бу нонкўр қулим бўлсаям уни худди ўз акамдек кўриб, яхши едириб-ичирдим, кийинтирдим. Ўзим билан сафарга олиб чиқдим. Энди эса, бу ярамас, мендан тониб ўтирибди.

Одамлар уларнинг қай бир қул, қай бири ҳожа эканини фарқламоқдан ожиз эдилар. Иккиси ҳам бир хилда кийинган, афтидан ким қул, ким ҳожа эканини фарқлаш мушкул эди.

- Биз ҳеч нарсани ҳал қилолмаймиз, - деди савдогарлардан бири. - Буларни шаҳар қозисининг олдига олиб бориш керак. Ўзи сўроқ қилиб, аниқлаб олади.

Шундан сўнг икки даъвогарни қозининг олдига олиб боришди. Қози оқил киши эди. У ҳар икки даъвогарни диққат билан эшитди. Даъвогарлар ўз даъвосини такрорлади. Яъни, уларнинг ҳар бири иккинчисининг устидан ҳожаликни даъво қиларди. Ҳар қанча сўраб-суриштирмасин, бу суриштирувлар бирор наф бермади. Кимнинг ҳақиқий қул, кимнинг ҳожа эканини аниқлаш жуда душвор эди. Шундан сўнг қози ҳар иккисини олиб, нариги хоналардан бирига олиб ўтди. Хонанинг деворининг бир кишининг боши сиғадиган туйнуклар бор эди. Қози, даъвогарларнинг ҳар иккисига бошларини ана шу туйнукдан ташқарига чиқаришни буюрди. Улар қозининг амрини бажо келтиришди.

Қози шундан сўнг кутилмаган бир ишга қўл урдики, бир сония ичида ким ҳақиқий қул эканини дарров ойдинлашди.

*Айтинг-чи, қози қандай йўл тутган бўлиши мумкин?*

*Еттинчи ҳикоя***ЎҒРИНИ ТУТГАН ХЎРОЗ**

Айтишларича, бу воқеа қадим замонларда бўлиб ўтган экан.

Бир мактабда муаллим бир қанча ўқувчига сабоқ берарди. Кунларнинг бирида муаллимнинг ҳамёни йўқолиб қолди. Ҳар қанча қидирса-да, топа олмайди. Ҳамёни синфдаги болалардан бири олганига унинг шубҳаси йўқ эди. У энг аввало, йўқолган пулига эмас, ўқувчиларидан бирининг ана шундай ёмон ишга қўл урганидан қайғуда эди.

Болаларни ҳар қанча қисти-бастига олгани билан айбдорни топиб бўлмасди. Шўрлик ўқитувчига бир томондан ўқувчиларидан бирининг қилиғи азоб берса, иккинчи томондан уни аниқлашга чора топа олмаётгани изтиробли эди

У роса бош қотирди. Ўйлай-ўйлай, ниҳоят йўлини топгандек бўлди. Ҳеч иккиланиб ўтирмай, муаллим бир ҳийла ишлатишга қарор қилди. У эртаси куни мактабга битта хўрозни қўлтиқлаб келди ва болаларни тўплаб шундай деди:

– Азиз болалар, минг афсуски, орангиздан биров ҳамёнимни олибди. Мен уни қандай топишни биламан. Мана бу хўроз жуда ғаройиб хусусиятга эга. Мен ҳозир бу хўрозни бир қоронғи хужрага қамайман. Ҳар бирингиз бир мартадан хужрага кирасиз ва хўрознинг бошини аста силаб чиқасиз. Айбдор боланинг қўли хўрознинг бошига тегиши билан у қичқириб юборади. Шу тариқа ўғрини ҳам аниқлаймиз.

Болалар рози бўлишди. Муаллим хўрозни бир қоронғи хонага олиб кирди. Кейин ўзи ташқари чиқиб, болаларни битта-битта хужрага киритди. Шу тариқа болаларнинг ҳар бири хужрага кириб чиқди. Аммо хўрознинг овози чиқмади.

– Устоз, хўроз қичқирмади-ку, демак, ўғри орамиздан эмас экан-да, – чувиллашди болалар.

– Ўғри шу ерда, – деди муаллим кулимсираб.

Кейин эса ҳамма болаларга кафтларини очиб кўрса-тишни буюрди. Ҳамма болалар кафтларини очиб кўр-сатишди. Муаллим дарсдан кейин болалардан бирини ёнига чорлади.

– Ҳамёнимни сен олгансан, тўғрими? – деди.

Бола бошини қуйи солиб айбига иқрор бўлди. Муал-лим унга ўғрилиқ қанчалик нохуш амал эканини тушун-тиргач, бола қайтиб бу ишга қўл урмасликка ваъда берди.

Лекин муаллимнинг ўғрини қандай қилиб билиб ол-гани бошқаларга сир бўлиб қолди.

*Айтинг-чи, муаллим ўғрини аниқлаш учун қандай йўл тутган?*

#### *Саккизинчи ҳикоя*

### **МАЛИКАНИНГ АНТИҚА ШАРТИ**

Ривоятларга кўра, қадим замонларда бир султон яшаган эди. Султоннинг гўзалликда тенги йўқ бир қизи бор эди. Малика вояга етиши билан унга етти иқлимдан совчилар кела бошлади. Шоҳ ҳам, малика ҳам талабгор-лар орасидан энг муносибини топа олмай хуноб эдилар.

Кунларнинг бирида бирданига икки мамлакат шаҳ-зодаси маликага харидор бўлиб келишди. Ҳар икки мамлакат подшоси султон билан яхши муносабат ўр-натганди. Ҳар икки шаҳзоданинг мамлакати бойлик ва куч-қудратда бир-биридан қолишмасди.

Шаҳзодаларнинг ўзи ҳам бир-биридан хушсурат, соғлом ва бақувват эдилар. Уларнинг бирини иккин-чисидан устун кўришнинг иложи йўқ эди. Шу пайтгача маликанинг қўлини сўраб келганлардан ҳеч бири уларга тенг келолмасди. Бинобарин, фақат улардан бири ма-ликани ўзи билан олиб кетиши мумкин. Лекин қайси бири?



Ахийри шаҳзодалардан биттасини танлаш учун муайян шарт қўйишга тўғри келарди. Шартни маликанинг ўзи қўядиган бўлди.

– Сизларга шундай шарт қўяман, – деди малика шаҳзодаларга қарата. – Иккинги отингиз билан шаҳар ташқарисидаги майдонда пойга ўйнайсиз. Мен сизларни маррада кутиб тураман. Фақат маррага кимнинг оти энг охирида етиб келса, ўшанга тегаман.

Шаҳзодалар бу ғалати шартни эшитиб, ҳайрон қолишди. Аммо, барибир маликанинг шартини бажаришлари лозим эди. Белгиланган ялангликка чиқишди. Малика уларни маррада кутиб турарди. Шаҳзодалар эса гарчи мусобақа вақти бошланган бўлса-да, отларини чоптиришни хаёлига ҳам келтирмасди. Чунки уларнинг иккови ҳам маррага ўз рақибидан кейин етиб боришни истарди-да!

Шу тариқа вақт ўтиб борар, малика уларни маррада интизорлик билан кутарди. Шаҳзодалар ҳам ҳамон бир-бирининг отига қамчи босишига кўз тикарди. Шу пайт уларнинг олдига бир мўйсафид келиб қолди:

– Хўш, ўғилларим, бу ерда нимани кутиб турибсизлар?

Шаҳзодалар ҳаммасини айтиб беришди.

– Отахон, малика бизнинг устимиздан кулмоқчимиз? Ахир иккимиз ҳам унга уйланишни хоҳлаймиз, шундай экан, биз бу ерда отимизнинг жоловини тортиб тураверамиз. Очиғи, биз бу вазиятда нима қилишни билмай турибмиз.

Қария уларнинг жавобини эшитгач, кулимсираб уларга бу вазиятдан чиқишнинг энг қулай йўлини кўрсатди. Шаҳзодалар чол айтгандек йўл тутдилар ва марра томон шиддат билан от чоптириб кетишди.

*Айтинг-чи, чол уларга қандай маслаҳат берган бўлиши мумкин?*

## Тўққизинчи ҳикоя

**КАМПИР БАЛОГА ҚОЛДИ**

Хуросонлик уч оғайни Ҳамид, Аҳмад ва Маҳмуд иш қидириб Бағдодга келишди. Бир неча ой мобайнида ишлаб ўн динорга яқин пул жамғаришди.

– Оиламизни ташлаб келганимизга ҳам анча бўлди, – деди кунлардан бирида Ҳамид шерикларига. – Энди Хуросонга қайтиб, оиламиздан хабар олиб келсак яхши бўларди.

– Унда ишлаб топган пулимизни тақсимлаб олайлик, – деди Аҳмад.

– Лекин ўн динорни тенг учга тақсимлаб бўлмайди-ку? – луқма ташлади Маҳмуд.

Улар ўйлай-ўйлай, яна икки динор ишлаб топишга, кейин 12 динорни тенг бўлиб олишга келишишди.

– Лекин унгача бу ўн динорни қаерда сақлаймиз, ёнимизда олиб юролмаймиз-ку? – сўради Ҳамид. – Бирорта ишончли одамга топширишимиз керак.

Улар сўраб-суриштириб, шаҳардаги энг ҳалол ва ишончли одамни излашга тушишди. Кўпчилик уларга чекка маҳаллардан бирида ёлғиз ўзи яшайдиган тақводор кампирга учрашни маслаҳат беришди. Уч оғайни ўша кампирнинг уйини қидириб топишди.

– Хуш келибсизлар, болаларим, – деди кампир уларни очик чеҳра билан қарши оларкан. – Нима хизмат?

– Сизни ўта эътиқодли ва ҳалол аёл деб эшитганимиз учун ёнингизга келдик, – дейишди шериклар. – Биз бу ерда мусофиримиз. Уч ой ишлаб ўн динор пул йиққандик. Яна озроқ ишламоқчимиз. Унгача шу пул сизда туриб турса, қайтиб келиб олардик. Пулни фақат учовимиз бирга келсаккина қайтарасиз.

Кампир бироз ўйлаб рўзи бўлди ва пулни олиб қолди. Уч оғайни яна тирикчилик учун ишга тушишди. Ордан бир-икки кун ўтгач Ҳамиднинг фикри бузилди. У шерикларидан яширинча кампирнинг уйига келди.

– Онажон, биз зудлик билан уйимизга қайтадиган бўлиб қолдик, – деди у кампир билан салом-алик қилгач. – шерикларим мени шаҳар давровозаси олдида кутиб туришибди. Илтимос, пулимизни қайтариб берсангиз.

Кампир унинг сўзларига ишонди ва пулни опчиқиб Ҳамидга тутқазди. Шерикларининг йўқолиб қолганидан шубҳага тушган Аҳмад ва Маҳмуд ишни чала ташлаб тўғри кампирнинг уйига келишди ва пулни талаб қилишди. Кампир бўлган ҳодисани уларга айтиб берди. Аҳмад ва Маҳмуд эса дарровнинг кампирнинг ёқасидан олишди.

– Сиз омонатга хиёнат қилдингиз, пулни фақат учовимиз келганда беринг, демаганмидик? Энди бу пулни ўз ёнингиздан тўлайсиз. Бўлмаса сизни қозига олиб борамиз.

Кампирнинг ўтирган кулбасидан бўлак ҳеч вақоси йўқ эди. Уни икки оғайни қозихонага судрашди. Қози жуда инсофли ва адолатли эди. У даъвогарларни ҳам, кампирни ҳам диққат билан тинглади. Қози кампирнинг қанчалик ҳалол ва тақводор эканини биларди. Айти пайтда кампирнинг ҳақ экани, мусофирларнинг пулини емаганига ҳам иймони комил эди. Аммо у нима бўлганда ҳам адолат нуқтаи назаридан ҳукм чиқармоғи лозим. Шундай қилсинки, кампир ҳам жабр кўрмасин, мусофирлар ҳам норизо бўлишмасин.

Ниҳоят, қози ўз ҳукмини эълон қилди. Мусофирлар қозининг ҳукмига ҳеч қандай эътироз билдира олмасдан ортга қайтишди. Кампир ҳам уларнинг даъвосидан қутулиб қолди.

*Сизнингча, қози қандай ҳукм чиқарган?*

*Ўнинчи ҳикоя*

---

## **АДОЛАТЛИ ТАҚСИМОТ**

Ривоят қиладиларки, араб саҳросида бир бадавий уч ўғли билан умргузаронлик қиларди. Унинг оз эмас, кўп эмас, 23 бош туяси бор эди. Кунларнинг бирида бадавийнинг вақти-соати битиб, уч ўғлини ҳузурига чорлади.

– Азиз фарзандларим, тепамда Азроил қиличини чархлаб турибди. Бир неча дақиқалардан сўнг жон қуши вужудим қафасини тарк этиб кетади. Сизларга туяларимдан бошқа мерос қолдиролмайман. Шу йигирма уч туямнинг тенг ярмини катта ўғлимга, учдан бирини ўртанчамга, саккиздан бирини кенжатоимга васият қилиб қолдирмоқчиман. Отамиз биздан рози бўлсин, десангизлар, меросимни худди мен айтганимдек тақсимланглар!

Ота шу сўзларни айтиб бўлгач, жон таслим этди. Фарзандлар отани тупроққа қўйиб, барча расм-русумларни адо этишди. Мотам муддати тугаб, қалблардаги айрилиқ аламлари совигач, ака-укалар оталаридан қолган меросни унинг васиятига кўра тақсимлашга киришдилар.

Аммо, ўйлаб кўришса, 23 сонини на иккига, на учга, на саккизга тақсимлаб бўларкан. Нима қилишни билмай, уч ака-уканинг роса боши қотди. Ўзларича тақсимлашса, оталарининг васиятига хилоф иш тутишлари мумкин. Ҳаммаси оталари айтгандек бўлиши керак. Бу жумбоқни ечиш учун улар қариндош-уруғ, кўни-қўшниларга ҳам мурожаат қилишди. Улар ҳам тайинли гап айта олмадилар.

Шу муаммо устида бош қотириб туришганда, саҳронинг нариги томонидан туя миниб келаётган бир йўловчи бадавий кўринди.

– Балки, мана шу келаётган одам бизнинг муаммо-йимизни ҳал қилиб берар? – деди ака-укаларнинг бири.

У етиб келгач, ҳамма билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб чиқди. Ака-укалар унга вазиятни тушунтиришди. Бадавий бироз ўйланиб тургач, бу масаланинг чиройли ечимини топди. У туяларни бутунлигича худди ота васиятига мувофиқ тарзда ака-укаларга тақсимлаб берди.

*Ўйлаб кўринг-чи, бадавий қандай қилиб туяларни васиятга мувофиқ, иккига, учга ва саккизга бўла олган?*

*Ўн биринчи ҳикоя***ҚАЛТИС ХИТОБ**

Ушбу воқеа бундан бир неча аср муқаддам Аббосийлар сулоласининг машҳур вакили Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги даврида содир бўлганди.

Хорун ар-Рашид (766 – 809) ўзининг ўта адолатпешалиги, қатъиятлилиги билан ном қозонганди. У жуда кўп масалаларда вазири Жаъфар билан маслаҳатлашар, у билан кўп ҳолларда ҳазиллашиб ҳам турарди...

Кунларнинг бирида Жаъфар халифани ўзининг янги барпо этилган боғига, меҳмондорчиликка таклиф қилди. Боғ ҳар жиҳатдан таъриф тавсифга лойиқ эди. Унда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган дарахтлар ўсар, анвойи гуллар қулф уриб очилган, товуслар хиром этиб, булбуллар хониш қилар, ариқларда зилол сувлар оқиб турарди. Боғда эсаётган майин шабада димоққа гулларнинг муаттар ҳидини олиб кирарди.

Зиёфатга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилганди. Бу ўтириш халифага бениҳоя мамнун бўлди. Айниқса, у боғнинг таровати олдида лол қолганди. Сухбат асносида халифа ўз вазирига ушбу боғ унга жуда маъқул бўлганини айтди.

– Вазири аъзам, бу боғни менга сот, айтган нархингни ҳозироқ беришга тайёрман, – деди халифа.

– Олампаноҳ, бу таклифингиздан бошим кўкка етди, – деди Жаъфар таъзим билан. – Аммо бу боғни сизга сота олмайман. Чунки унга ўзимнинг ҳам меҳрим тушган.

– Менинг амримни шу пайтга қадар ҳеч ким икки қилмаган. Бу боғни сотишга кўнглинг бўлмаса, унда менга ҳадя қил.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, олампаноҳ, уни сизга ҳадя этишнинг ҳам иложи йўқ.

Халифа вазирнинг бу қайсарлигидан жаҳли чиқди.

– Бу нима деганинг? Агар бу боғни менга ё таг-туғи билан сотмасанг, ё совға қилмасанг, севимли хотиним Зубайда талоқ бўлсин!

Вазир ҳам бу вазиятда бўш келмади:

– Олампаноҳ, агар бу боғни сизга ё бутунлай сотсам, ё ҳады қилсам, менинг хотиним ҳам талоқ бўлсин.

Бу можарога гувоҳ бўлиб турганлар ҳангу манг эдилар. Халифа ва вазирнинг ўзлари ҳам бу қалтис баҳснинг моҳиятини ўйлаб даҳшатга тушди. Ахир мантиқан ўйлаб қаралса, ҳар икки вазиятда ҳам икковидан бирининг хотини талоқ бўлиб қолиши мумкин эди. На боғнинг савдосини амалга ошириш, на ундан воз кечишнинг имкони бор эди. Энди боғ даъвоси ҳам эсдан чиқди. Қандай бўлмасин, бу мудҳиш аҳднинг олдини олиш, ҳар икки аёлнинг никоҳи бузилмаслиги учун чора излаш зарур эди.

Вазир боғни сотиб юбормагани ё ҳады қилмаганидан, халифа эса бу боғга харидор бўлганидан афсусда эди. Шу заҳоти ўша пайтдаги Бағдоднинг энг машҳур уламоларидан бири Абу Юсуфни чақирди.

Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим<sup>1</sup> ҳар қандай мураккаб масалаларга ҳам оқилона ечим топадиган мутафаккир эди. У халифа ва вазир ўртасидаги мунозарани ипидан игнасигача айтиб беришни сўради. Кейин бошини қуйи эгиб бироз жим қолди.

– Олампаноҳ, – деди ниҳоят у халифага юзланиб. – Мен бир йўл топдим. Агар шу тахлит иш тутилса, на сизнинг, на вазири аъзамнинг завжалари талоқ бўлади.

– Айт, биз ҳар қандай шартга тайёрмиз, – дейишди халифа ва вазир.

Абу Юсуфнинг тадбири бутун давра аҳлини қойил қолдирди.

*Ўйлаб кўринг-чи, Абу Юсуф қандай йўл туттишни маслаҳат берган бўлиши мумкин?*

---

<sup>1</sup> Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим (731 – 798).

*Ўн иккинчи ҳикоя***«ОРТИҚЧА» НОН**

Иккинчи жаҳон уруши йиллари. Мамлакат ичкари-сида ҳам озиқ-овқат тақчиллиги авжига чиққан пайтлар. Бу пайтларда нон дўконлари олдида одам айниқса тирбанд бўлади. Ҳар бир одам учун белгиланган миқдордагина нон тарқатилган.

Чекка бир шаҳарчадаги дўконда ҳар куни эрталаб нон тарқатилади. Дўконнинг олдидан эрталабдан турнақатор навбат вужудга келади. Нон граммлаб сотилади. Нон олувчиларнинг ҳар бири махсус рўйхатга туширилган. «Юқори»дан ноннинг ҳар мисқоли назорат қилиб борилади.

Нон сотувчи ҳам ноннинг граммини юқори аниқликда ишловчи тарозида ўлчаб сотарди. Бир грамм уриб қолишга ҳақи йўқ. У ҳам ўз оиласига бошқалар билан тенг миқдорда нон олиб боради. Агар одамларнинг ҳақидан бир грамм уриб қоладиган бўлса, жавобгарликка тортилади. «Халқ мулки»ни талон-торож қиладиган бундай хоинни эса аяб ўтиришмайди.

Сотувчи бу ҳолатни яхши тушунарди. Ҳар бир харидорнинг кўзи ўнгида кесиб, тарозига қўйиб, ўраб берарди. Унинг ҳалоллигига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Уваланиб кетмаслиги учун ҳар бир буханкани эҳтиёткорлик билан ушлаб, ҳўлланган пичоқда бўлақларга ажратар, тўкилиб қолган сўнги нон увоғини ҳам териб, эгасига тутқазарди.

– Болаларингиз тузукми? – энг охирида қолган харидор ён қўшнисининг «заборний карта»сига бир қур кўз ташлаб олди-да, кесилган нон бўлақларини тарозига қўйди.

– Яхши, – деди қўшни чол тарози устида турган нон бўлақларидан кўз узмай.

Сотувчи пичоқни ҳўллаб бир бўлақ нон кесди ва тарози кўрсаткичига қаради.

– Мана, қўшни, расо бўлди, – у шундай дея ортиб қолган анча-мунча нон бўлақларини елимхалтага солиб, ўзи ҳам кетишга чоғланди. – Мен ҳам уйга боришим керак, болаларим оч қолиб кетишганди.

Сотувчи қўшниси билан ёнма-ён йўлга тушди. Қўшни чолнинг фикри-зикрини сотувчининг қўлтиғидаги оғиргина халта эгаллаганди.

Сотувчи ҳам ҳамма қатор одам, унинг оиласига, болаларига бир мисқол ҳам ортиқча нон берилмаслигини яхши тушунади. Бор-йўғи иккита боласи, хотини билан яшайди. Лекин қўлтиғидаги нон камида ўн кишини тўйдиришга етади-ку?

Қўшни чол ҳар қанча шубҳаланмасин, сир бой бермади. Ҳар қалай бу сотувчи қандайдир қинғирлик қилаётган бўлиши керак. Фронтда одамлар жон олиб жон беришяпти, қанчадан-қанча болалар қорни нонга тўймаяпти. Бу эса...

Чол шу куниеқ бу маълумотни тегишли жойга етказди. Эртаси куниеқ масъул ходимлар уни зимдан текшира бошлашди.

Сотувчи ўта аниқликда ишларди: ҳар бир харидорнинг ҳужжатини обдан текширар, керакли миқдордаги нонни сўнги граммгача ўлчаб берарди. У ишлатадиган тарозини текшириб кўришди – тарози аниқ ишларди. Лекин савдо тугагач, сотувчининг ёнида ўзига ажратилганидан анча кўпроқ нон қоляпти...

Қонунан олиб қаралганда, унинг ишидан бирор ноўрин ҳаракатни сезишмади. Ахир нон таъминот идорасидан одам сонига қараб ўлчаб берилса, ҳар бир харидорга сўнги граммгача ўлчаб сотилса, сотувчини умуман айблаб бўлмасди. Фақат охирида қоладиган ортиқча нон қаердан келишини ҳеч ким тушунолмасди.

Одамлар ҳам ундан заррача шубҳа қилишмас, нолишмасди. Ахир ҳамма қонунан белгиланган улушини олиб кетяпти-ку? Сотувчига ҳалоллиги сабаб ғойибдан барака ато этилаётган бўлса не ажаб?



Хуллас, ҳар қанча текширсалар ҳам сотувчидан айб топа олмадилар. У эса ҳар куни кечқурун оиласининг улушидан икки-уч ҳисса кўп нон билан уйига кириб бо-раверарди. Аниқ бир исбот бўлмагани сабаб, сотувчига ҳеч қандай жазо қўлланмади.

Уруш ҳам тугади. Дориламон замонлар келди. Дўконлар ҳам, дастурхонлар ҳам нозу неъматларга тўлиб тошди.

Сотувчининг ҳалоллигию, устомонлиги ҳақидаги жумбоқли ҳодиса ҳамон одамларнинг оғзидан тушмасди. Кунларнинг бирида ҳалиги сотувчини таниш-билишлар ўртага олишди.

– Ноннинг ҳар ушоғи тиллага тенг пайтларда ҳам сизнинг оилангиз нонга зор бўлмасдан яшади. Сиз бировнинг нонига хиёнат қилмай туриб, ўз оилангизни зориқтирмай келдингиз. Бунинг сирини энди очарсиз.

Анча кексайиб, кучдан қолган сотувчи хўрсиниб қўйди:

– Ҳа, очлик одамни не куйларга солмайди. Сиртдан қараганда мен ҳеч кимнинг ҳақини еганим йўқ. Ҳатто қилни қирқ ёрадиган текширувчилар ҳам менинг сиримни оча олишмади. Аслида мен жуда оддий усулда одамларнинг ҳақидан уриб қолардим...

*Сиз ҳам ўйлаб кўринг-чи, сотувчи қандай усул қўллаган бўлиши мумкин?*

---

### Ўн учинчи ҳикоя

---

## СОТҚИН КИМ?

Ўтган асрнинг 50-йиллари. Бугунги кунда парчаланиб кетган йирик империянинг овлоқ бир ҳудудидаги қамоқхона. Халқ душмани тамғаси билан қамоққа олинган юзлаб маҳбуслар бу овлоқ жазо масканида не-не машаққатлар юки остида жон сақлашади.

Қамоқхона камераларидан бирида беш киши жойлаштирилган. Уларнинг ҳар бири зиёли экани сезилади. Улар мамлакат мафкурасига қарши ташвиқот олиб

борганликда айбланиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳкум этилган...

Беш маҳбуснинг ҳар бири бир пайтлар йирик илм-маърифат даргоҳларида ишлаган. Шу боис уларнинг суҳбати ҳам кўпинча илмий-маърифий мавзуларда бўлади. Халқнинг ўтмиши, бой маданий мероси, буюк алломалари ҳақида суҳбат қуришади. Гоҳида гап айланиб, сиёсий масалаларга тақалади. Шунда ҳамхоналар қаерда эканликларини ҳам унутган ҳолда, дилларидаги фикрларини тўкиб солади.

Кунлар шу тахлит ўтади. Хонадошлар кўп жиҳатдан ҳамфикр эканликларини тушуниб етишади. Бир-бирларидан хавфсирамай қоладилар. Энди улар назоратчиларнинг қадами узоқлашган пайтда исталган мавзуда, ҳатто гапириш мутлақо мумкин бўлмаган масалаларда ҳам суҳбат юрита бошлашади.

Шундай кунларнинг бирида маҳбуслардан ҳар бири биттама-битта сўроққа чақирилади. Тақиқланган мавзулардаги суҳбатлари учун қўшимча жазоларга тортиладилар. Бунақа мавзуларда оғиз очмаслик учун қаттиқ огоҳлантириш оладилар.

Бу ҳолат жуда афсусларди ва айни пайтда... жуда сирли эди. Ташқаридан уларнинг гапини кимдир эшитиши мумкин эмас. Хонада яширин эшитиш воситалари ўрнатишнинг иложи йўқ. Хонанинг ҳамма ёғи қалин бетон билан қопланган. Улар махфий мавзуларда фақат ярим тунда назоратчилар донг қотган пайтда гаплашишарди.

Бироқ, ўша пайтлар «халқ душмани» сифатида қамоққа олинган маҳбуслар орасига тегишли идораларнинг махфий аъзолари ҳам маҳбус либосида бошқаларга қўшиб қўйилар, у бошқаларнинг юриш-туриши, нималар ҳақида суҳбатлашиши тўғрисида раҳбариятга оқизмай-томизмай маълумот етказиб турарди.

Бу камерада ҳам беш нафар маҳбуснинг бири махфий ходим эканига ҳеч кимнинг гумони қолмаганди. Ле-

кин уларнинг бирортасида шубҳали ҳаракат сезилмас, барчаси бир хилда фикрларди.

– Орамизда сотқин борлиги аниқ, – деди маҳбусларнинг энг ёши улуғи. – Мен ўзимнинг сотқин эмаслигимга юз фоиз ишонаман. Бошқалар ҳам ўзи ҳақида ҳақиқатни фақат ўзи билади. Агар ҳозироқ унинг кимлигини билмасак, ҳаммамиз бир-биримизга душман кўзи билан қарайдиган бўлиб қоламиз.

– Ахир бешовимизни ҳам сўроққа чақиришди. Бешовимизга ҳам бир хил дашном беришди. Қай биримиз сотқин бўлишимиз мумкин, – дейишди унинг ҳамхоналари.

– Буни беш дақиқада аниқлаб олиш мумкин, – деди ҳалиги маҳбус.

– Қанақасига? – тўртала маҳбус бараварига унга қараб қолишди.

– Менга бир варақ қоғоз ва қалам беринглар.

Унинг айтганини бажо келтиришди. Кекса маҳбус қоғоз бетига бир нечта сўз ёзиб, қоғозни буклади-да, эшик тирқишидан ташқарига чиқариб юборди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, эшик очилди ва соқчининг боши кўринди:

– Маҳбус фалончи, сени зудлик билан сўроққа чақиришяпти.

Шу онда беш нафар маҳбуснинг бири ўрнидан турди-да, камерани тарк этди.

– Тамом, – деди кекса маҳбус. – Сотқин ҳозир даврамиздан чиқиб кетди. Энди уни қайтиб бизнинг ёнимизга йўлатишмайди.

Қолган уч нафар маҳбус ҳангу манг бўлиб қолганди.

– Жуда қизиқ бўлди-ку, сиз унинг орамиздаги жосус эканини қаердан билдингиз? Нега уни бизга йўлатишмайди? Сиз қоғозга нима деб ёзгандингиз?

Кекса маҳбус сирли кулимсираб қўйди...

*Сиз ҳам бош қотириб кўринг-чи, кекса маҳбус бир варақ қоғозга нима деб ёзган бўлиши мумкин?*

## Ўн тўртинчи ҳикоя

### МУХБИРНИ КИМ ЎЛДИРДИ?

АҚШ. Калифорния. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари. Чекка шаҳарлардан биридан чоп этиладиган маҳаллий газета таҳририятида рўй берган нохуш ҳодиса зум ўтмай чор атрофга ёйилди.

Газета мухбири Том Смит ўз хизмат хонасида ўлик ҳолда топилганди. Шу заҳоти округ комиссари ўз ходимлари билан етиб келди. Комиссар диққат билан хонани кўздан кечирди. Хонада олишув излари кўринмасди. Ҳамма нарса ўз ўрнида турарди. Стол устида бир нечта оқ қоғоз, газеталар, ёзув қуроллари...

Тўппончадан отилган ўқ мухбирнинг миясини тешиб ўтган, қон томчилари ҳамма ёққа сачраб кетганди. Тўппонча эса мухбирнинг кафтида турарди. Марҳум айнан шу тўппонча билан отиб ўлдирилгани аниқ. Бир қарашда мухбир ўз жонига қасд қилган деган хулосага келиш учун асос етарли эди.

Стол устида мухбирнинг доимий иш қуроли диктофон ётарди. Диктофон комиссарнинг эътиборини тўппончадан кўра кўпроқ тортди. Дастрўмолча билан авайлаб диктофонни қўлига олди. Ўша пайтларда урф бўлган, оддий кассетали диктофон. Кассета ҳам диктофон ичида турибди.

Комиссар диктофон тугмасини босди. Шу заҳоти диктофондан эркак кишининг овози эшитилди:

*«Мен учун ҳаётнинг ҳеч қандай маъноси қолмади. Ўз жонимга қасд қилиш учун бирор-бир аниқ сабабни кўрсата олмайман. Шунчаки, яшашдан зерикдим. Мен бу дунёда ҳамма нарсани кўриб бўлгандекман. Ўлимимда ҳеч кимни айбламаслигингизни сўрайман. Алвидо!»*

Шундан сўнг диктофон лентасидан варанглаган ўқ овози эшитилди ва аудиоёзув тугади.

Комиссар кассетини эшитиб бўлгач, сирли кулимсиради ва «нима дейсан» дегандек ёрдамчисига қаради.

Ёрдамчи ҳам худди шуни кутиб тургандек шоша-пиша мулоҳазаларини билдиришга тушди:

– Бир қарашдаёқ ҳаммаси равшан. Мухбир ўз жонига қасд қилган. Фақат битта нарсани аниқлаштириш керак. Овоз чиндан ҳам мухбирга тегишли эканини унинг яқинларидан сўраб билсак, чиндан ҳам айбдор қидиришга ҳожат қолмайди.

– Адашдингиз, – деди комиссар ишонч билан. – Овоз кимга тегишли бўлишидан қатъи назар битта нарса аниқ. Мухбир ўзини ўзи ўлдирмаган. Буни жуда осон йўл билан исботлаб бера оламан.

*Ўйлаб кўринг-чи, комиссар нимага асосланиб, мухбирнинг ўлимига қотиллик сабаб бўлганини айтмоқда?*

### *Ўн бешинчи ҳикоя*

## **СОХТА ТАНГАЛАР**

1978 йил, Миср. Қоҳира яқинидаги Шоҳлар водийсида археологик қазилмалар давом этмоқда. Гарчи шу пайтга қадар бу ҳудудда жуда кўп тарихий буюмлар, топилмалар қўлга киритилган бўлса-да, қадимшунослар бу ердан ҳали тарихнинг кўплаб тилсимларига жавоб топиш умидида изланишларни давом эттиришмоқда.

Инглиз археологлари ёзнинг жазирамасида ҳам бир лаҳза тин олишмайди. Бу ҳудуддан ора-сирада қадимий буюмлар, қуроллар, қадимги тангалар ҳам чиқиб қолади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Экспедиция аъзоларидан бири чўғдек қип-қизил тупроқ қатламлари орасидан кичик бир чарм ҳамён топиб олди. Негадир ҳамён анча пайт тупроқ остида ётган бўлса ҳам, унчалик эскирмаган эди. Ҳалиги археолог қувончдан ўзини йўқотиб кўяёзди. Дарҳол ҳамённи очиб кўрди. Ичи тўла олтин бўлса керак, деган умидда эди. Йўқ, ҳар қалай тилла эмас экан. Мис чақаларни археолог бир қарашда таниди.

Ҳечқиси йўқ, қадимшунослар учун топилманинг қайси маъданга тегишли экани эмас, тарихий қиммати, қачон, ким томонидан яратилгани муҳимроқ.

У ўзи қазиган чуқурликдан чиқиб, топилмасини ҳам-касбларига кўз-кўз қилди.

– Қаранглар, нима топдим. Мис тангалар!

Шу заҳоти турли ҳудудларни кавлаштираётган археологлар унинг тепасида тўпланишди. Тангаларни кўздан кечиришаркан, ҳар бири ўз фикрини билдиришга тиришди.

– Бу ҳудудда минг йиллар аввал мис чақалар муомилада бўлганини кўрсатади.

– Демак, қадимдан Мисрда мис қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш ривожланган.

– Шошманглар, манави битикларга қаранглар.

Тангаларнинг бир тарафида лотин ёзувида алланималар зарб қилинганди.

– Қаранглар, тангаларда лотинча ёзилган. Демак, бу Римда зарб қилинган.

– Балки бу Юлий Цезар даврига оиддир?

– Ҳа, Миср ва Рим ўртасидаги савдо алоқалари жуда қадим тарихга эга.

Шу пайт экспедиция раҳбари етиб келди ва тангаларни махсус лупа билан кўздан кечирди. Тангаларнинг юза қисмида «Эрамиздан аввалги 50-йил» деган ёзув яққол бўртиб турарди.

– Ана айтмадимми?! – деди археологлардан бири. – Бу айнан Юлий Цезарь даврига тааллуқли. Тангалар Қадимги Римда эмас, айнан шу ерда, Мисрда зарб қилинган. Бу пайт Миср Рим империясига қарам бўлиб турган даврлар эди.

– Мутлақо нотўғри, – деди экспедиция раҳбари тангаларни кўздан кечираркан. – Ахир, наҳотки эътибор қилмаётган бўлсанглар? Тангаларнинг сохта эканлиги шундоқ билиниб турибди-ку?

*Айтинг-чи, экспедиция раҳбари тангаларнинг қалбаки эканини бир қарашда қандай аниқлади экан?*

Ўн олтинчи ҳикоя  
ҚЎЛГА ТУШГАН ЖОСУС

Қадим замонларда икки қўшни мамлакат подшолари ўзаро урушиб қолганди. Жанг узоқ давом этди. Гоҳ у томон, гоҳ бу томон ғолиб келарди. Жанг ҳали-вери тугай демасди.

Ҳар икки томоннинг ҳам кучлари заифлаша бошлади. Томонлар бир-бирининг ички сирларидан хабардор бўлиш учун жосуслик йўлига ўтишди. Тарафлардан бирининг саркардаси душман томонга юбориш учун битта тажрибали аскарини обдан тайёрлади. У қўшни мамлакат тилида ҳам равон гапира олар, кўриниши ҳам улардан унча фарқ қилмасди. Саркарда жосусни худди душман аскаридек кийинтирди. Уларникидек қурол-аслаҳа билан таъминлади.

Аскар душман тараф қароргоҳига йўл олди. Албатта, рақиблар ҳам жосуслари хавфини назардан қочирмаган, қароргоҳга кириб-чиқишни қатъий назорат остига олишганди. Қароргоҳга кираверишда иккита соқчи турар, у кирмоқчи бўлган ҳар бир аскардан калит сўз сўрарди. Сўралган сўзни топиб беролмаса, боши кетишини яхши билган жосус панага бекиниб олганча, кузата бошлади.

Шу пайт бир аскар қароргоҳ қопқасига яқинлашди. Соқчилар унга қараб, «қора» дейишди. Аскар ўйлаб ҳам ўтирмай «оқ» деганди, соқчилар унинг душман эмаслигини пайқаб, ўтказиб юборишди.

Орадан бироз вақтўтгач, яна бир аскар қопқага яқинлашди. Яна ўша тахлит савол-жавоб бўлиб ўтди.

- Яхши.
- Ёмон.
- Ўтавер.

Жосус парол қандай қўйилганига янада пухтароқ ишонч ҳосил қилиш учун анча пайт биқиниб ётди. Шарт оддий эди. Соқчилар исталган бир сўзни айтар, кирмоқ-

чи бўлганлар эса ўша сўзнинг тескарисини айтиб, тезлик билан ўтиб кетишарди.

Жосус бор журъатини тўплаб, қопқа томон юрди. Соқчилардан бири уни кўриши билан «душман!» деб бақирди. Жосус турган ерида қотиб, тили калимага келмай қолди. Шу заҳоти унинг қўл-оёғини боғлаб ҳибсга олишди.

*Айтинг-чи, жосусни қандай қилиб сезиб қолишди?*

*Ўн еттинчи ҳикоя*

### **ВАЛИАҲД ТАНЛОВИ**

Ривоят қиладиларки, Шарқ мамлакатларидан бирида адолат ва юртпарварликда тенги йўқ бир подшоҳ ҳукмдорлик қилганди. У ўз ҳукмдорлиги даврида мамлакат гуллаб-яшнади, тинчлик қарор топди. Халқ ҳам ундан бениҳоя мамнун эди.

Фақат подшоҳнинг дилини битта армон кемирарди. Шу пайтга қадар у шўрликнинг фарзанди, ундан сўнг мамлакатни идора этадиган валиаҳди йўқ эди. Сарой табибларининг узоқ йиллик муолажалари ҳам бесамар кетди. Қарилик остонасида турган подшоҳ охир-оқибат фарзанд кўришдан умидини узди. Начора, Яратган унга бу бахтни раво кўрмаган экан, бандасининг қўлидан нима ҳам келарди.

Фарзандсизлик қисматиға-ку кўнди, аммо у энди мамлакати ва халқининг келажагини ўйлаб, қайғура бошлади. Ахир у ёруғ оламни тарк этгач, бу салтанатни ким бошқаради? Тахтни, раиятни кимга ишониб топширади? Ҳали танда қуввати, дилда шижоати бор экан, энг аввало валиаҳд ташвишидан фориғ бўлиши лозим. Албатта, ундан кейин мамлакатни бошқаришни ким ҳам истамайди, дейсиз? Бироқ, подшоҳ ҳозирданоқ бирор болани тарбиясига олиб, у камолотга етгунча салтанат ва бошқарув сирларини унга ўргатиб бориши зарур.



У ўйлай-ўйлай, бир қаторга келди. Албатта, бундай болани у мамлакат ташқарисидан олиб келмайди. Ўз фуқаролари орасидан танлаб олади. Бу юртдаги ҳар қандай оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандини валиаҳд бўлишини истайди. Бинобарин, ҳамма ўз ўғлини подшоҳга фарзандликка бериш тайёр. Фақат улар орасидан биттасини, муносибини танлаши лозим.

Эртасига жарчилар бутун мамлакат бўйлаб антиқа фармонни эълон қила бошлади: «Мамлакатдаги қайси бир бола подшоҳимизга фарзанд бўлишни ва келгусида салтанатни бошқаришни истаса, эртагаёқ сарой майдони олдида жамулжам бўлсин».

Айтилган пайтда сарой майдони болалар ва уларнинг ота-оналари билан тўлиб тошди. Шунда валиаҳдлик танловининг шартларини эълон қилишди. Унга кўра, ҳар бир талабгор болага уч донадан гул уруғлари тарқатилди. Болалар бу уруғларни уйга олиб бориб экишлари, парвариш қилишлари лозим. Гуллар уч ой деганда ўсиб, гуллайди. Уч ойдан сўнг ҳар бир бола ўзи ўстирган гулни туваги билан шу ерга олиб чиқиши лозим. Подшоҳ гуллар орасидан ўзига ёққанини танлайди. Энг чиройли гулларнинг эгаси валиаҳд бўлади.

Шу куниёқ ҳамма болаларга гул уруғлари тарқатилди. Болалар хурсандчилик билан уй-уйларига тарқалди. Айтилган кун ҳам етиб келди. Майдон гул кўтарган болаларга тўлиб кетганди. Ҳар бир бола меҳр билан парвариш қилинган, бир-биридан чиройли гулларни қўлида тутиб турарди. Подшоҳ гулларни томоша қиларкан, юзида майин табассум ёйилди. Чамаси, у бу гуллар орасидан энг яхшисини танлай олмай ҳайратда эди.

Беихтиёр улар орасида бўш гултувакни тутганча, кўзлари жавдираб турган болага яқинлашди. Унинг бошини силаб, халойиққа юзланди. «Мана шу болани бугундан бошлаб, валиаҳд дея эълон қиламан».

*Подшоҳ нега айнан гул етиштирмаган болани танлаб олди?*

*Ҷн саккизинчи ҳикоя*

**ИЛОН ЧАҚҚАН САЙЁҲ**

Европалик сайёҳлар Африканинг олис саванналари бўйлаб сайрга чиқишганди. Йўл турли хавф-хатарларга тўла эди. Шу боис турли вазиятларда сайёҳларга ёрдам бериш мақсадида улар билан бирга бир шифокор ҳам йўлга чиққанди.

Кутилмаганда сайёҳлардан бири қичқириб юборди. Шериклари дарҳол у томонга ёрдамга шошишди. Бояги қичқирган сайёҳ сонини ушлаганча чирқирарди. Шу пайт шерикларидан бири буталар орасига ўрмалаб кириб кетаётган илонни пайқаб қолди.

Шифокор ярадор сайёҳнинг оёғини текшириб хулосасини айтди.

– Бу Ҷарбий Африка ўрмонларида камдан-кам учрайдиган заҳарли илон. Унга қарши дарҳол чора кўрма-сак, аҳвол чатоқ. Яхшиямки, менда бу заҳарнинг олдини оладиган зиддизаҳар тарёк бор. – У шундай дея ёнидаги дорилар қутичасини титкилашга тушди. Бироздан сўнг у иккита халтачадан икки донадан хапдорини чиқарди. – Манави хапдорилар зиддизаҳар. Булар эса зиддизаҳар билан бирга ичиш керак бўлган катализатор, яъни реакция таъсирини тезлаштирувчи восита. Бир дона тарёк ва биттадан катализатор таблеткага қўшиб икки соат фарқи билан ичилади. Шунда заҳар ўз таъсирини тамоман йўқотади.

Илон чаққан бемор дарҳол дориларни кафтига олди. У шошганидан кафтидаги дориларни адаштириб юборганди.

– Илтимос, буларни қай бири катализатор, қай бири зидди заҳар эканини аниқлаб беринг, – деди у титраб-қақшаганча шифокорга юзланиб.

Шифокор дориларга қараб донг тотди. Ҳар тўртала хапдори ҳам бир-биридан заррача фарқ қилмасди. Уларни на ранги, на ҳиди, на ташқи кўринишидан

фарқлаш мумкин. Лаборатория текширувининг умуман иложи йўқ. Аксига олиб, ҳар икки хил доридан ҳам фақат икки донадан қолганди. Илон чаққан беморга эса тез фурсатда ёрдам бериш керак.

Шифокор бир хавfli маълумотни айтиб қолди:

– Агар бемор адашиб, иккита зиддизаҳар таблеткасини бирдан ичиб қўйса, дозанинг ортиши натижасида шу заҳоти ўлади. Иккита катализаторни ичса, ҳеч қандай наф бермайди. Дориларни биттадан ичиб ҳам бўлмайди. Заҳар тамоман ўз таъсирини йўқотиш учун биттадан зиддизаҳар ва биттадан катализаторни қўшиб, икки маҳал ичиши шарт. Дорилар ичилмаса ҳам, бемор нобуд бўлади. Лекин ҳозирги аҳволда битта зиддизаҳар ва битта катализаторни қандай ажратиб оламиз?

Шунда сайёҳларнинг бири бу масалага оддий ечим топиб берди. Худди шу усул билан илон чаққан сайёҳ қисқа фурсатда оёққа туриб кетди.

*Ўйлаб кўринг-чи, қандай қилиб, дориларни юқори аниқликда тўғри ажратган бўлиши мумкин?*

*Ўн тўққизинчи ҳикоя*

## **ДАҲШАТЛИ ТУШ АСОРАТИ**

Воқеа ўн тўққизинчи асрнинг ўрталарида Лондонда юз берган эди.

Кунларнинг бирида англиялик офицер Жеймс Лоуренсни уйидан ўлик ҳолда топишади. Бу ҳақда биринчи бўлиб офицернинг беваси полицияга хабар қилганди.

Скотленд-Ярд полицияси шу ондаёқ ишга киришади. Марҳум ҳақидаги дастлабки маълумотлар тўпланади. Уни яқиндан таниган-билганларнинг барчаси сўроқ қилинади. Бироқ, унинг ким биландир қасдлашиб юргани ўз исботини топмайди.

Офицер эндигина ўттиз ёшга тўлган, яқинда Хитойга махсус топшириқ бўйича сафарга бориб қайтган экан. Тиббий экспертиза офицер қаттиқ кўрқув натижасида

юраги ёрилиб ўлганини аниқлайди. Бева аёлнинг кўрсатмалари ҳам экспертиза хулосаларига мос тушарди.

Унинг айтишича, офицер сафардан қайтгач, жуда ғалати бўлиб қолган. Тез-тез уйқуси бузилиб, алаҳсираб уйғониб кетадиган одат чиқарган. Фожа юз берган оқшом офицер тинчгина уйқуга кетган.

Худди шу оқшом офицернинг тушида Хитой императорининг саройи кирган. Махсус топшириқ билан Хитойга борган офицерни император айғоқчилари тутиб саройга олиб киришганди. Офицерни Хитойга қарши жосусликда айблашган. Император ортиқча сўроқ қилиб ўтирмай, англиялик офицерни ўлимга буюрган. Шу заҳоти жаллодлар офицернинг қўлини орқасига қайириб, қатл майдонига олиб чиқишган. Ҳукм ўқилгач, офицер бошини кунда устига қўйган. Жаллод ўткир қиличини унинг боши устида даст кўтарган. Худди шу аснода хотини эри унга Хитойдан совға сифатида олиб келган елпиғични эрининг бўйнига оҳиста теккизиб уни уйғотмоқчи бўлган. Офицер эса қилич бўйнини кесяпти деб ўйлаган ва ҳали уйқусидан уйғонмай туриб, қўрқувдан жон таслим қилган.

Скотленд-Ярд терговчиси ҳужжатларни, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан пухта танишиб чиқади. Кейин эса офицернинг бевасини чақиради. Бева аёл олдинги кўрсатмаларини яна бир карра такрорлайди. Терговчи аёлга диққат билан тикилиб тургач, мийиғида кулимсирайди.

– Сизнинг гапларингиз бошдан-оёқ уйдирма. Аслида нима бўлганини яширмасдан айтиб бермасангиз, ўзингизга муаммо орттирасиз, миледи.

Шундагина аёл барчасини тан олишдан бошқа чораси йўқлигини тушунади ва асл ҳақиқатни баён этиб беради.

*Айтинг-чи, терговчи бева аёлнинг алдаганини қаердан билган бўлиши мумкин?*

*Йигирманчи ҳикоя***СЕРГАП ЙЎЛОВЧИНИНГ ТАНБЕҲИ**

...Ҳайдовчининг негадир кайфияти йўқ эди. Баъзан ҳар бир йўловчи билан ҳазиллашиб, ҳатто латифалар айтишадиган ҳайдовчининг бугун ҳеч ким билан гаплашгиси йўқ...

Ҳозиргина таксига чиққан аёл билан ҳам пешойна орқали бош ирғаб саломлашган бўлди. Аёл кўринишидан кўҳликкина бўлса-да, у билан гаплашишга ич-ичидан рағбати йўқлигини сизди. Ўзи шунақа бўлади. Эрта-лаб арзимас нарса туфайли асабийлашади-да, кечгача тунд кайфиятда юради.

– Амаки, ўзингиз тузукмисиз? Негадир кайфиятингиз йўқ? – деди аёл уни гапга солиш мақсадида.

Ҳайдовчи худди уни эшитмагандек, йўлида давом этарди. У қарийб қирқ йилдирки, киракашлик қилади. Ёшлик пайтида машинага қиз-жувонлар ўтириб қолгудек бўлса, роса яйраб кетар, боргунча уларни ҳар хил гаплар билан кулдириб, хурсанд қилиб борарди. Энди эса... ёши олтмишдан ошиб қолди. Иложи борича ўзини бунақа хандон-хушон суҳбатлардан четга оладиган бўп қолган. Қолаверса, машинасида ўтирган бу жувон кичкина қизи тенги бўлса керак. У билан нимани ҳам гаплашарди?

Атай қилгандек, аёл анчагина гапга чечан чиқиб қолди.

– Ҳа, хафа бўлманг, ҳаммаси изига тушиб кетади.

Ҳайдовчи яна бир қараб олди-да, йўлдан кўзини узмади.

– Дугонамнинг туғилган куни эди. Эримдан-ку, амаллаб жавоб олдим. Қайнонам бўлса, нақ сувимни сиқиб олди-да. Яхшиям қайнотам жонимга ора кирди. Бўлмаса, уйдан чиқмай ўтирардим.

«Ўзи қайси келин қайнонасида рози бўлиб гапириб-дики, сен гапирсанг...» уйлади ҳайдовчи. Йўловчи аёлнинг эса гапи тугамасди. У гапиргани сари ҳайдовчининг мияси ғувиллар, жеркиб беришдан ўзини аранг тутиб

турарди. Қолаверса, машинасига чиққан ҳар бир одамнинг эркалигу инжиқлигини кўтариши керак. «Камроқ гапиринг» деса, кўнглига оғир ботади.

Бирдан миясига ажойиб фикр урилди. Аёл машинага чиққанидан бери унинг ўзи бир оғиз ҳам гапирмаганини аниқ билади. Демак, бемалол ўзини кар-соқов кўрсатса бўлади.

– Кеча овсиним билан бозорга тушгандик. Роса нархлар осмонга чиқиб кетибди...

Ҳайдовчи пешойна орқали аёлга имо-ишора қилиб, қулоғи эшитмаслиги, ўзи ҳам гапиролмаслиги, шу боис унга гапириш бефойда эканини тушунтирган бўлди. Шу билан аёл ҳам бозордаги саргузаштларини тўхтатишга мажбур бўлди.

«Хайрият-ей, эртароқ каллам ишламабди-да, – ўйланди ҳайдовчи. – Бундан кейин шунақа сергапроқ йўловчи чиқиб қолса, айнан ҳозиргидек йўл тутаман».

...Манзилга етиб келга, ҳайдовчи ҳисоблагичда кўришиб турган нархни кўрсатди. Аёл сумкасидан пул олиб узатди. Кейин эса эшикни ёпаркан, ойнага эгилиб, ҳайдовчига танбеҳ берган бўлди:

– Амаки, гапимни эшитишни истамас экансиз, очиқ айтсангизам бўларди. Устимдан кулдингиз-да? Билиб турибман, сиз кар ҳам, соқов ҳам эмассиз.

Ҳайдовчининг устидан бир челак сув қуйилгандек бўлди. Қаерда қовун туширди экан? Барибир аёл ҳаммасини тушунибди-ку? Лоақал қаерда хато қилганини англаши керак-ку?

– Қизим, – ойнадан бошини чиқарди ҳайдовчи. – Мени кечиринг, фақат, илтимос, сизни алдаганимни қардан билганингизни айтиб кетинг...

Аёл ортига қайрилди.

– Биринчидан, кар-соқовларга йўловчи ташишга рухсат берилмайди. Иккинчидан...

*Аёлга ҳайдовчининг кар-соқов эмаслигини аниқлаган иккинчи сабаб ҳақда сиз ҳам ўйлаб кўринг-чи?*

*Йигирма биринчи ҳикоя***БАҲОНАНИНГ МИСИ ЧИҚДИ**

Акбар, Анвар, Асқар ва Адҳам университетда битта факультетда, бир гуруҳда ўқишар, битта уйда ижарада туришарди. Дарсга ҳам бир пайтда бориб, бир пайтда қайтишарди. Курсдошлари уларнинг ҳар доим дарсга бир пайтда келиб, бир пайтда кетишларига ўрганиб ҳам қолишганди.

Қунларнинг бирида тўртовлон қайсидир домланинг дарсига кеч қолишди. Сабаб жуда оддий эди: худди дарс бошланадиган пайтда телевизорда йигитлар мухлислик қиладиган футбол жамоасининг ўйини намойиш этилиши керак. Бу ўйин йигитлар учун домланинг маърузасидан кўра қизиқроқ эди. Домла эса тишлаган ерини узадиганлардан. Асоссиз дарс қолдирганларни умуман кечирмайди. Узрли сабаб топилса-ку, хўп-хўп, акс ҳолда семестрнинг охирига бориб, бундай талабаларни тавбасига таянтиради.

Ўйин айнан ўша домланинг дарси бошланадиган пайтда тугади. Таксида дарсга етиб боргунча, камида қирқ беш дақиқа вақт ўтади. Демак, дарсни ярмига кирса бўлади. (Агар умуман боришмаса, гуноҳлари янада оғирлашиши мумкин.) Аммо кечикиш сабабини нима деб изоҳлаш мумкин?

– Биз вақтли йўлга чиққандик, аммо йўлда машина бузилиб қолди, деб жавоб берамиз, – дея шартта баҳона тўқиб ташлади Акбар.

– Битта машина бузилиб қолган бўлса, шартта тушиб бошқаси билан келсанглар бўларди-ку, деса-чи? – сўради Адҳам.

– Шуям муаммоми? – бунинг ҳам йўлини топди Асқар. – Пулини аввалдан тўлаб қўйгандик. Ҳайдовчи пулимизни қайтариб бермади. Бизнинг бошқа пулимиз йўқлиги учун машинанинг тузалишини кутдик, деймиз.

– Домлани биласан, жуда эзма ва синчков, – дея унинг гапини илиб кетди Анвар. – Эринмасдан «қани,

қаери бузилибди, нима бўпти», деб эзмаланиб ўтиради, шунинг учун тўртовимизнинг гапимиз бир жойдан чиқиши керак. Гапимиз бир-бирига тўғри келмай қолса, шарманда бўламиз. Хўш, машина қандай қилиб бузилсин?

– Унда бир овоздан, «машинанинг балони ёрилиб кетди» деймиз, – илиб кетди Асқар.

– Шунинг учун соат неччида, қайси бекатдан қанақа русумдаги машинага ўтирдингиз, деб сўраб қолса-чи?

Ҳамхоналар бир овоздан бу саволларга ҳам жавоб топишди.

Чиндан ҳам дарс ярмидан ўтганда улар дарсга кириб келишди. Домла кўзойнаги ортидан йигитларга қараб, кинояли илжайди:

– Дарсни сизлар келишингиздан олдинроқ бошлаб юборибмиз, узр...

– Гап шундаки... биз вақтли йўлга чиққандик, аммо биз ўтирган машинанинг ярим йўлда балони тешилиб қолди. То уни тузатгунча кутиб ўтиришимизга тўғри келди.

Домла қандай савол бермасин, талабалар аввал роса пухта тайёрланишган эмасми, ҳар бир саволга бурро-бурро жавоб қайтаришди.

– Майли, ҳозирча ўтиринглар, сизлар билан дарсдан сўнг битта-битта гаплашаман...

Домлани тутган еридан кесмай қўймасди. Тўртовлоннинг ҳар бирини биттадан олдига чақирди. Улар келишилгандек машинанинг кўриниши, русуми, ҳайдовчиси, машина бузилган вақт ва ҳоказолар ҳақидаги саволларга айнан бир хил жавоб қайтаришди. Аммо, домла шундай бир савол бердики, бунинг ёрдамида талабаларнинг машина ҳақидаги гаплари ёлғон экани равшан бўлди-қолди.

*Ўйлаб кўринг-чи, домла йигитларга қанақа савол берган бўлиши мумкин?*



*Йигирма иккинчи ҳикоя***ДЕҲҚОН НИМА ДЕГАНДИ?**

Воқеа қадим-қадим замонларда юз берганди. Бир юртда ҳаддан ташқари золим подшоҳ яшарди. У ҳар куни ҳатто кўнгилхушлик учун ҳам одамларни қатл этишни ёқтирарди. Айнан ана шу кўнгилхушлик учун янги-янги усуллар, баҳоналар ўйлаб топарди.

Подшоҳ мамлакатининг бир четидан дарё оқиб ўтар, бу дарё устидан одамлар ҳар куни турли мақсадларда ўтиб қайтишарди. Подшоҳ мамлакат бўйлаб сайр қиларкан, беихтиёр ўша кўприқдан ўтиб қайтаётганларга кўзи тушди.

«Нега бу одамлар бежавотир бу кўприқдан ўтиб қайтиб юраверишлари керак? Йўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди».

Шу онда шоҳнинг миясига қизиқ бир эрмак режаси пайдо бўлибди. Шу онда ёнидаги вазирига фармон ҳозирлашни буюрибди. Фармоннинг мазмуни шундай экан:

«Олий ҳазратларининг амрларига биноан, ушбу дарё устидан ўтиб қайтиш қатъий тартибга солинсин. Кўприқдан ўтиб қайтишни назорат қиладиган соқчилар тайинлансин. Кўприқдан ўтмоқчи бўлган ҳар бир одамдан бу кўприқдан ўтиш сабаби суриштирилсин. Агар йўловчи қаерга нима мақсадда кетаётгани ҳақида ҳақиқатни айтса, у дарҳол сувга чўктирилсин. Бордию у ҳақда ёлғон айтгани маълум бўлса, дорга осилсин. Соқчилардан фармон талабларига қатъий риоя қилиш тайинлансин. Хатога йўл қўйган соқчилар ҳам қатл этилсин».

Фармон чиндан ҳам мантиқсиз ва даҳшатли эди. Аммо унга буюк ҳукмдор имзо чеккан. Уни бажармасликнинг имкони йўқ.

Шу кунданоқ кўприк тепасида махсус соқчилар келиб ўрнашди. Кўприк ортида бир қанча дор ёғочлари ҳам қад ростлади. Кўприқдан ўтмоқчи бўлганлар саволга ту-

тилар, алдаганлар дорга осилар, рост гапирганлар сувга улоқтириларди. Дастлабки кунлари бир қанча одам шу тахлит ўлиб кетди. Шундан сўнг ҳеч ким бу ўлим кўпригига яқинлашмай ҳам қўйди.

Аммо бу кўприк одамларга керак эди. Шу кўприк орқали халқ тирикчилик қилар, бир-бирларини йўқлашарди. Аммо жон ҳам ширин, ҳеч ким беҳуда ўлишни истамайди.

Одамлар бу кўприқдан қандай қилиб омон ўтиш ҳақида бош қотиришар, ҳатто баҳс бойлашарди. Шунда бир деҳқон ўрнидан туриб, бу масалага жавоб топганини айтди:

– Мен бунинг йўлини топдим. Мен соқчиларни шундай танг аҳволга солиб қўя оламан. Улар мени қандай ўлдиришни билолмай қолишади. Улар фармонга сўзсиз амал қилишмаса, ўзларининг боши кетишини яхши билишади. Масала подшоҳнинг ўзига бориб тақалгач, у кўприкни очиб юборишга мажбур бўлади.

Одамлар аввал унга ишонишмади. Кейин эса деҳқон кўприқдан беталафот ўтиб кетган тақдирда унга жуда катта ютуқ белгилашди.

Деҳқон қўрқмасдан кўприкка йўл олди. Соқчилар дарҳол унинг йўлини тўсишди:

– Қаёққа? Нима учун кетяпсан?

Шунда деҳқон ҳеч тугилмасдан бир гапни айтди. Бу шундай гап эдики, уни на дорга осиларнинг, на сувга чўктиришнинг иложи бор эди. Фармонни эса беҳато бажариш керак. Шунда улар дарҳол подшоҳга бу жумбоқ ҳақида хабар йўллашди. Подшоҳ ҳам бу жумбоқ олдида ожиз эди. Деҳқонни на сувда чўктириб, на дорга осиб бўлади. Ҳар икки жазони бир пайтда қўллаш фармонда кўрсатилмаган. Фармоннинг бузилиши эса подшоҳнинг обрўйига соя солади.

Шунда деҳқонни қўйиб юбориш тўғрисида фармон берди. Бундан хабар топган бошқа одамлар ҳам кўприқда худди шу жавобни ишлата бошлашди. Шундан

сўнг, ўз-ўзидан фармонни бекор қилишга тўғри келди ва одамлар кўприкдан бемалол ўтиб-қайта бошлашди.

*Ўйлаб кўринг-чи, деҳқон соқчиларга қандай жавоб берган бўлиши мумкин?*

*Йигирма учинчи ҳикоя*

### **ҚАЛПОҚНИНГ РАНГИ ҚАНАҚА?**

Самолёт Бразилия чангалзорлари устида учиб борарди. Шу чоқ қўққисдан ҳавода чайқала бошлади. Бир зумда салонда тўс-тўполон бошланди. Ҳамма жонини асраш илинжида парашютга ёпишди. Бирин-кетин йўловчилар пастга сакрашди. Ўн минг метр баландликдан сакраган йўловчиларни шамол турли тарафларга учуриб кета бошлади.

Самолётда Рио-де-Жанейро университети мантиқ факультетининг уч талабаси ҳам бор эди. Тасодифан улар ўрмон ўртасидаги бир ялангликка тушиб қолишди. Бу ҳудудда тараққиётдан анча орқада қолиб кетган ҳиндулар қабиласи яшарди.

Шу пайт ўрмон ичида антиқа кийинган қабила соқчилари чиқиб келишди. Улар номаълум тилда алланималарни гапиришиб, уч талабаниннг қўлларини орқасига қайириб боғлашди. Шу заҳоти судраб, чангалзор ичига, қабила бошлиғи қароргоҳига олиб кетишди. Қабила бошлиғи, ўрта ёшли, баҳайбат қизил танли эди. У учала талабани бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Кейин эса соф португал тилида гапира бошлади.

– Биз келгиндиларни ёқтирмаймиз. Қўлимизга тушган ҳар қандай оқ танли борки, барчасини қатл этамиз. Аммо сизлар жуда ёш экансизлар. Сизларни битта шарт эвазига озод этамиз. Агар зукко бўлсангиз, жонингизни асраб қолган бўласиз. Бордию, аҳмоқлик қилсангиз, бошингиздан айриласиз.

Талабаларнинг рози бўлишдан бошқа чораси қолмаганди. Сардор ўз тилида мулозимларига ниманидир

буюрди. Зум ўтмай, мулозимлардан бири қўлида бир нечта қалпоқча кўтариб пайдо бўлди.

– Қўлимда бешта қалпоқча бор, – деди сардор уларни бирма-бир асирларга кўрсатиб. – Иккитаси қизил, учтаси оқ. Сизларни олдинма-кетин ўтқизиб қўйиб, орқа томондан ҳар бирингизга шу бешта қалпоқнинг учтаси кийдирилади. Ортиб қолган иккита қалпоқни ҳеч бирингизга кўрсатмаймиз. Орангиздан лоақал биттангиз, бошингиздаги қалпоқнинг рангини тўғри топсангиз, сизлар озод қилинасиз. Фақат биттагина жавоб айтишингиз керак. Бордию, шу биргина жавоб нотўғри бўлса, ҳар учовингиз қатл этиласиз.

Ўша заҳоти уч талабани олдинма-кетин ўтқазиб қўйишди. Бешта қалпоқчадан учтаси талабаларнинг бошига кийдирилди. Энг орқада ўтирган талаба олдиндаги иккита ҳамроҳининг бошидаги қалпоқчани кўра олар, ўртадаги фақат ўзидан олдингисини, олдинда турган талаба эса ҳеч кимнинг қалпоғини кўролмади.

Талабаларнинг ҳар учови мантиқ илмини чуқур биларди. Лекин негадир учови ҳам жим турарди. Сардор энг орқада турган талабадан сўради:

– Бошингдаги қалпоқнинг рангини аниқ биласанми? – талаба умидсиз бош чайқади. Ўртадаги талаба ҳам билмаслигини айтди.

– Сен-чи? – сўради у энг олдинда турган талабадан.

– Биламан, – деди талаба дадил. – Бошимдаги қалпоқнинг ранги – оқ.

Ёввойилар унинг топағонлигига қойил қолиб, қарсақ чалиб юборишди. У тўғри топганди. Сардор асирларни озод қилди. Уларни яхшилаб меҳмон қилиб, совғалар бериб, кузатиб қўйишни буюрди.

*Айтинг-чи, олдиндаги талаба қандай қилиб, бошидаги қалпоқнинг рангини аниқ билди?*

*Йигирма тўртинчи ҳикоя***ЎҒРИНИНГ ИЛТИМОСИ**

Воқеа ўтган асрнинг бошларида юз берганди. Хитойнинг чет вилоятларидан бири. Шаҳар чеккасида яшайдиган бу йигитнинг исми Чжоу, қўлидан келадиган ягона иш эса – ўғрилик эди. Бироқ у ўзи яшайдиган даҳада умуман ўғрилик қилмасди. Шу боис қўни-қўшнилари уни ҳалол-покиза инсон сифатида билишарди.

Чжоу ўзи жамғарган пулларини шаҳардан ташқарида, махфий бир ерда беркитиб қўйганди. Вақти келиб, Чжоу бир қиз билан танишиб оила қуради. Орадан бир йил ҳам ўтмай унинг хонадонида чақалоқ йиғиси янграйди. Ёш эр-хотиннинг қувончи чек-чегара билмасди.

Чжоу тирикчилик важдан кечалари «ов»га чиқар, тонг отганида уйига қайтарди. Хотини эса унинг нима иш билан шуғулланишини билмас, сўрагани билан тайинли жавоб ололмасди. Чжоу кун бўйи уйда бўлар, уй ишларига хотинига қарашар, боласини эркалатиб ўйнатар, қоронғи тушиши билан яна ўз ишига равона бўларди.

Кунларнинг бирида у шаҳарнинг нариги бошида ўғирлик қилаётган пайтда, қўлга олинади. Дарҳол уни маҳкамага олиб боришади. Далиллар ҳам, гувоҳлар ҳам етарли эди. Суд узоққа чўзилмайди. Йигитнинг аввалги айблари ҳам ўртага чиқиб қолгач, уни узоқ муддатга ҳукм қилишади.

Шу тариқа йигитни шаҳар қамоқхонасига жўнатишади. Бу ерда шароит унча ёмон эмасди. Соқчилар ҳам маҳбусларга меъёрида муомала қилишар, ҳатто улар билан суҳбатлашиб, ҳазиллашиб туришарди. Бироқ, қамоқхонанинг ўзига хос тартиблари ҳам бор эди. Маҳбусларга то озодликка чиққунларига қадар яқинлари билан учрашиш ман этилганди.

Чжоу икки йилга яқин вақтини ҳисбда ўтказади. Бу орада у қамоқхона соқчиларидан бири билан жуда иноқлашиб қолганди.

Кунларнинг бирида Чжоу соқчига дейди:

– Илтимос, менга икки кунгина рухсат беринг, менинг зарур бир ишим чиқиб қолди. Икки кунда албатта қайтиб келаман. Қочиб ҳам кетмайман. Бунинг эвазига сизга юз тилла танга бераман.

Аввалига соқчи бунча пулнинг дарагини эшитиб, ҳуши бошидан учеди. Кейин негадир фикридан қайтади.

– Йўқ, оғайни, бунинг иложи йўқ. Ишдан ажралиб қолишни истамайман.

– Сиз умр бўйи ишласангиз ҳам бунча пул топа олмайсиз-ку!

– Барибир, иложи йўқ.

Шу тариқа яна орадан анча пайт ўтади. Кунларнинг бида соқчи пулга жуда муҳтож бўлиб қолади ва Чжоунинг камерасига киради:

– Биламан, сен мард, бир сўзли йигитсан, менга эса пул керак бўлиб қолди. Сенга икки кун эмас, истасанг бир ҳафта муҳлат бераман. Эвазига ўша пулни менга олиб келиб берасан.

– Керакмас, – дейди Чжоу синиқ илжайиб. – Менга ўша, айтган пайтимда рухсат беришингиз керак эди. Энди кеч. Биратўла мuddатимни ўтаб чиқавераман. Пул ўзимга ҳам керак бўлади.

Соқчи ҳафсаласи пир бўлиб, ортига қайтади.

*Айтинг-чи, Чжоу нега бу гал соқчи берган имкониятдан фойдаланмади?*

### *Йигирма бешинчи ҳикоя*

## **КУЁВИНИ ЗАҲАРЛАГАН ҚАЙНОНА**

Фожаи ҳамманинг кўз ўнгида юз берганди: Жек тушлик пайтида меҳмонлар даврасида бир бўлак гўштни еб бўлгач, чорак соат ўтмасдан жон таслим қилган.

Тез ёрдам етиб келганида, йигитнинг жони узилиб бўлганди. Зум ўтмай полиция ҳам етиб келади. Мархумнинг жасадини экспертизага олиб кетишади. Хулосалар

ҳам кўп ўтмай ойдинлашади: марҳум кучли заҳар таъсирида жон берган.

Округ прокуратураси шу куниёқ қотиллик бўйича жиноий қўзғатади. Барча гувоҳлар сўроқ қилинади, далиллар тўпланади. Дастлабки тафсилотлар қуйидагича эди:

Марҳум Жек Хопкинс қайнонаси билан икки хонали квартирада яшаб келган. Жекнинг хотини бир неча йил аввал оғир хасталиқдан вафот этган. Аммо қайнонаси сўнгги дақиқагача қизининг ўлимида Жекни айблаб келган. Уй қизининг номида бўлгани учун, қайнона унинг ўлимидан кейин ҳам куёви билан бир уйда яшаб келган. Жек ҳам бошқа турадиган жойи бўлмагач, шу уйда қайнона билан яшашга мажбур бўлган.

Гувоҳларнинг айтишича, Жек ҳар доим қайнонаси-дан хавфсираб келган. Ҳар куни ухлагани ётишдан аввал ўз хонасига қамалиб, эшикни ичкаридан тамбалаб олган. Агар қайнонаси билан бир дастурхондан овқат ейишга тўғри келса, фақат аввал қайнонаси татиб кўрган овқатни тановул қилган, холос.

Ўша куни ҳам қайнонанинг ҳаракатларида ҳеч ким бирор нохуш асар аломати сезмаган. Ҳатто одамлар билан ҳазиллашган. Ҳаммага қарата:

– Куёвим мени жуда яхши кўради-да! Менам уни жонимдан ортиқ кўраман. Шу боис ҳамиша биз битта идишдан овқатланамиз. Мен ўз овқатимнинг тенг ярмини куёвимга бераман, – деган.

Кейин идишидаги гўшти пичоқ билан қоқ иккига бўлиб, бир бўлагини куёвининг товоғига солиб берган. Куёв гўшти иштаҳа билан паққос туширган. Одамлар овқатланиб бўлиб, ўрнидан қўзғалган чоғда, Жек гул этиб қулаган.

Прокурор эксперт хулосаси билан танишиб чиқаркан, терговчига юзланди:

– Кампирни қаттиқ сиқувга олиш керак. У куёвини қизининг қотили деб билган. Жек ҳам ундан қаттиқ

қўрққан. Ва у қўрққан иш содир бўлган. Жекни ундан бошқа ҳеч ким заҳарламаган.

– Лекин ҳамма далиллар кампирнинг айбсизлигини кўрсатади, – деди терговчи. – Кампир ўз идишидаги гўштдан куёвига берган, ўзи ҳам еган. Фақат у гўштнинг ҳаммаси емаган экан. Биз уни текшириб кўрдик. Унда заҳарли модда топилмади.

Прокурорнинг боши қотди: жиноят юз берган. Қурбон бор. Унинг қандай ўлгани маълум. Ҳатто гумондор ҳам бор. Лекин далил йўқ. Жекни қайнонаси заҳарлаган. Бироқ, қандай қилиб? Қай усулда?

*Балки, сиз ҳам ўйлаб кўриб жиноятнинг очилишига ёрдам берарсиз?*

### *Йигирма олтинчи ҳикоя*

## **ҚОТИЛ ЎЗ ОЁҒИ БИЛАН КЕЛДИ**

Тонг оқариб келмоқда. Лондоннинг чекка кўчалари. Атрофни ҳар доимгидек туман қоплаган. Гувоҳлар кўрсатмаси бўйича етиб келган Скотленд Ярд полицияси ходимлари йўл четида ётган жасадга яқинлашди.

Аёлнинг ўлимига чаккасини тешиб ўтган ўқ сабаб бўлгани кўриниб турарди. Нўхатдек тешиқдан силқиб чиққан қон унинг рангпар ёноқларидан сирғалиб ерга оққан, йўлка устида кичикроқ ҳалқоб ҳосил қилганди.

Изқувар жасаднинг қўлини ушлаб кўрди. Аёлнинг муздек қўллари қотиб қолганди.

– Демак, қотиллик камида икки-уч соат олдин содир этилган, – деди кекса изқувар ёшроқ шеригига юзланиб. – Сумкасини қараб кўринг, балки бирор бизга керакли нарса топилиб қолар?

Ёш сержант унинг айтганларига сўзсиз бўйсунди. Аёлнинг сумкасидан минг фунт-стерлингга яқин пул, пардоз буюмлари ва қўл телефони чиқди.

– Демак, қотилнинг мақсади аёлни тунаш бўлмаган, – деди кекса изқувар ўзига ўзи гапираётгандек бўлиб. – Ҳарқалай сумкада анчагина пул бор экан.



– Қаранг, қулоғидаги сирғаси, бўйнидаги тилла занжирига ҳам ҳеч ким тегмаган, – ёш сержант унинг гапири шу тахлит тасдиқлаб.

– Телефонни менга беринг-чи?

Кекса изқувар янги русумдаги телефонни очиб, сўнги қўнғироқлар бўлимига кирди. Охирги марта, тунги соат иккиларга яқин аёл эри билан гаплашгани маълум бўлди. Рақам айнан «эрим» деб сақланган экан. Изқувар унга сим қоқди.

Бироздан сўнг эркак кишининг хийла бўғиқ овози эшитилди:

– Алло, Кэтрин, азизам, тинчликми?

– Мен Кэтрин эмасман, – деди изқувар бироз туриб.

– А? Сиз кимсиз? Хотинимнинг телефони сизда нима қилади? Унинг ўзи қани?

– Таъзиямни қабул қилинг, – деди изқувар босиқлик билан. – Мен Скотленд Ярдданман. Ҳозиргина чақирув бўйича воқеа жойига етиб келдик.

– Бўлиши мумкин эмас, – деди эркак овози титраб.

– Илтимос, жаноб, мен билан ҳазиллашманг, Кэтрин қани? У нега ўларкан?

– Зудлик билан воқеа жойига етиб келинг. Ҳаммасини шу ерда гаплашамиз, – изқувар шундай дея алоқани узди.

Марҳуманинг эри келгунга қадар яна икки нафар полициячи, шошилишчи тиббий хизмат ходимлари ва экспертлар ҳозир бўлишганди. Кўп ўтмай, ўттиз беш-қирқ ёшлардаги, одмигина кийинган эркак пайдо бўлди. У жасадни ўраб олган одамлар сафини ёриб, аёлнинг жонсиз танаси тепасида бир зум қотиб қолди.

– Кэтрин! Кэтрин! – дея хитоб қилди, кейин эса юзларини кафти билан беркитиб ўкириб юборди. – Нима қилиб қўйдинг, Кэти! Мени кимларга ташлаб кетдинг? Энди мен қандай яшайман! – Атрофга жимлик чўккан, чамаси, ҳеч ким уни юпатишга сўз тополмасди. – Ким? Ким қилди бу ишни? – деди у атрофга юзланиб. – Нега? Ким-

нинг қасди бўлиши мумкин менинг аёлимда? Айтинглар, ўзим ҳозироқ нимталаб ташлайман? Ким ўлдирди менинг Кэтринимни?

Кекса изқувар бир зум эркакка диққат билан тикилиб турди:

– Сиз, – деди у ўта совуққонлик билан. – Уни сиз ўлдирдингиз. Ўзингизни оқлаш учун баҳона тўқиманг. Мен буни аниқ биламан, – кейин ҳамкасбларига юзланди. – Дарҳол қўлига кишан солиб, олиб кетинглар буну...

Ҳамма хангу манг бўлиб қолган, ҳатто ҳалиги эркак ҳам сеҳрлангандек қотиб турарди...

*Сизнингча, изқувар унинг қотиллигини қандай аниқлади?*

### *Йигирма еттинчи ҳикоя*

## **РЕКЛАМА БАННЕРИДАГИ ХАТО**

Американинг нуфузли фармацевтик компанияларидан бири ўз маҳсулотларини бутун дунёга тарқатар ва бундан катта даромад оларди. Компания фойда олишнинг турли йўллари амалда синаб кўрарди. Унинг раҳбарлари кўплаб мамлакатларда ваколатхоналарини очишган, жойларда маҳсулотлар сотилишини мунтазам назорат қилиб боришарди.

Шунингдек, компания раҳбарлари ўз даромадларининг катта қисмини рекламага ажратишарди. Шу боис, бу компаниянинг маҳсулотларига талаб ҳар доим катта бўларди. Компания ҳар гал матбуот, радио, телевидение, жамоат жойлари ва транспорт воситаларида ўз рекламаларини тарқатишарди. Вақти-вақти билан реклама роликлари ва баннерларни ўзгартириб туришар ва бунинг учун мутахассислар билан бамаслаҳат иш олиб боришарди. Энг яхши ролик ва баннер учун танловлар ҳам ўтказишарди.

Кунларнинг бирида компаниянинг реклама агентлари янги баннер лойиҳасини тасдиқлатиш учун раҳбарга

олиб киришди. Унда шамоллашга қарши дори воситасининг рекламаси кетма-кетликдаги учта фотосуратда акс этганда. Биринчи лавҳада каравот ётиб, қалин шарфга ўралганча аксираётган одам, иккинчисида ўша одамнинг тегишли дори воситасининг ичаётгани, учинчисида эса унинг соғайиб, табассум билан ўрнидан туриб кетаётгани тасвирланганди.

Тан олиш керакки, лавҳалар жуда ёрқин ва ишонарли эди. Лойиҳа тасдиқдан ўтгач, бу баннерни барча мамлакатлар бўйлаб тарқатишга ва гавжум жойларга ўрнатишга қарор қилинди. Шу тариқа, баннер Ер юзидаги ўнлаб мамлакатларда миллионлаб нусхаларда тарқатилди ва гавжум жойларга ўрнатиб чиқилди. Ушбу баннердаги суратлар дори қутисиди ҳам акс этирилди.

Компания тез-тез реклама натижалари бўйича мониторинг ўтказиб турарди. Натижалар таҳлил қилинар, қандайдир камчилик аниқланса, у дарҳол бартараф этиларди. Компания йиғилишида реклама ва оммавий алоқалар бўлими бошлиғининг ҳисоботини тинглашди.

– Мазкур реклама баннери 87 мамлакатда уч ярим миллион нусхада тарқатилди. Мингга яқин шаҳарнинг гавжум нуқталарида ўрнатиб чиқдик. Ушбу реклама маҳсулотларимиз савдосига бир мунча ўзгариш ясаган. Олтмишдан ошиқ давлатда ушбу дорига бўлган талаб сезиларли даражада ошган. Аммо айрим давлатларда рекламадан сўнг ушбу дорига талаб тушунарсиз тарзда пасайиб кетган. Ҳатто айрим давлатларда дорихоналардан бу дорини умуман сўрамай қўйишган.

– Айнан қайси мамлакатлар? Аниқроқ гапиринг, – бетоқатланди компания раҳбари.

– Масалан, Миср, Қувайт, Сурия, Эрон, Ливия, Ироқ, Покистон, Иордания, Баҳрайн, Қатар, Жазоир, Марокаш, Тунис, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Ливан, Мавритания, Судан, Яман, Уммон....

– Шошманг, шошманг... – компания раҳбари бирдан сергакланди. – Нега айнан мусулмон мамлакатларда? Бошқа мамлакатларда аҳвол қанақа?

– Европада, Америкада, Осиёнинг бир қатор мамлакатларида дори савдосида бирор муаммо йўқ, – реклама бўлими бошлиғи хиёл тараддудланди.

– Нега, нега айнан мусулмон мамлакатларида бу дорининг савдоси тушиб кетди? Дори таркибида ислом динида тақиқланган моддалар қўшилмаганми?

– Йўқ, – деди компания мутахассисларидан бири. – Бу дори аввал ушбу мамлакатларда яхши сотиларди. Айнан шу баннер тарқатилгач, ўз-ўзидан савдо ҳажми тушиб кетди.

– Нега ахир? – бўғилди компания раҳбари. – Қанақадир сабаб бўлиши керак-ку? Ўрганинглар, бир кун муҳлат, сабабини сўраб-суриштириб менга етказинглар, тамом-вассалом.

Шу кунинг ўзидан вазиятга ойдинлик киритилди. Компания раҳбарияти реклама баннеридаги жиддий хатоликни тузатгач, яна ушбу мамлакатларда мазкур дори воситасига талаб ўзгара бошлади.

*Айтинг-чи, бу ерда қандай хатога йўл қўйилган?*

### *Йигирма саккинчи ҳикоя*

## **ДЕВОНАНИНГ ТАНЛОВИ**

Миср, «Водий ал-мулук» – Шоҳлар водийси яқинидаги Дакрур қишлоғи.

Бу ердаги минг йилларнинг тилсиз гувоҳига айланган кўҳна обидалар ҳамиша сайёҳлар билан гавжум. Қишлоқ аҳлининг катта қисми дунёнинг турли ҳудудларидан келадиган сайёҳлар ҳисобидан кун кечиради. Кимдир сайёҳларни суратга тушириб пул ишлайди, кимдир таржимонлик қилади. Кўпчиликнинг ҳунармандчилик устахоналари бор. Турли хил сувенирлар, папирусга

кўчирилган суратлар, тасбеҳлар ва шунга ўхшаш буюмлар тайёрланади.

Гидлар ҳам асосан шу қишлоқ одамлари. Чунки Шоҳлар водийсининг тарихи, диққатга сазовор жойларини улар ҳаммадан кўра кўпроқ билишади.

Сайёҳлар нафақат Фиръавнлар замонидан ёдгор бўлиб қолган кўҳна обидалар ва маҳобатли ҳайкаллар, балки оддий одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи билан ҳам қизиқишади. Баъзи қишлоқ хонадонларига кириб, уларнинг кундалик машғулотларини томоша қилишади.

Маҳаллий гидлар сайёҳларни қишлоқ одамлари билан учраштиришаркан, албатта, шу қишлоқда ўзининг ғайриоддий қилиқлари билан ном чиқарган девонасифат қария – Нажибни ҳам таништириб ўтишарди. Энг қизиғи, Нажиб кўринишидан ақли ноқисга ўхшамасди. У сайёҳларнинг ҳар бир саволига ўйлаб, мушоҳада билан жавоб берарди. Аммо унга чойчақа сифатида эзгиланган ўн фунтлик қоғоз пул билан баравар 50 пиастрик танга таклиф этишса, у ўйлаб ўтирмасдан тангани танларди. (Ҳолбуки, бир фунт 100 пиастрдан иборат.)

Бу ҳол сайёҳларнинг эътиборини тортар, улар чиндан ҳам қарияни синаб кўриш учун унга қоғоз пул ва танга таклиф этишар, Нажиб тангани мамнуният билан олиб, саховатпешаларга миннатдорлик билан кўз қисарди.

Айнан шу феъли сабабли Нажибнинг номи бутун мамлакатга таралганди. Шоҳлар водийсига келган ҳар бир меҳмон албатта, қария ҳақида эшитиб қолар, бу машҳур девонани ўз кўзи билан кўришга ва билан кўнгилхушлик қилишга уринарди. Яқинлари бир неча бор девонага пулларнинг фарқини тушунтиришди. Қоғоз пул тангага нисбатан бир неча баравар юқори қийматга эга эканини уқтиришди. Аммо чол барибир ўз фикрида қолди. Таклиф қилинган чойчақалар орасидан арзимас чақаларни танлашда давом этди.

Орадан йиллар ўтиб, Нажиб кексайди, ўлим тўшагига михланиб қолди. Сайёҳларни ҳам қабул қилмай қўйди.

Шунда уни анчадан бери биладиган танишлари шу саволни беришди:

– Нажиб ота, ақл-ҳушингиз жойида бўла туриб, нега шу пайтга қадар одамларга кулги бўлиб келдингиз? Ахир хат-саводли, ҳисоб-китобни яхши биладиган киши-сиз-ку! Нима учун ҳар доим сайёҳлардан фақат майда чақаларнигина олардингиз?

Қария Нажиб кулиб бунинг сабабини айтганида, барча таниш-билишлари чиндан ҳам унинг ҳеч қандай де-вона эмас, балки ақли расо одам эканига ишонч ҳосил қилишди.

*Айтинг-чи, Нажиб нима сабабдан танга пулларни қоғоз пуллардан афзал кўриб келган?*

### *Йигирма тўққизинчи ҳикоя*

## **ҚАЛЪАНИ ҚАНДАЙ ЭГАЛЛАШДИ?**

Илк ўрта асрлар. Европа. Франклар навбатда юришга отланишган. Қиролнинг буйруғига биноан, саркарда қисқа фурсат ичида чегарадан анча олисдаги қалъалардан бирини забт этиб келиши керак.

Қалъа душман келаётгани ҳақида аввалдан хабар топган, шу боис, етарлича ҳозирлик кўриб қўйган эди. Юз йиллар аввал римликлар томонидан бунёд этилган бу қалъа деворлари ҳар қандай душман ҳужумига дош бера оларди. Квадрат шаклидаги қалъа деворининг атрофи эни ўн метр келадиган сув тўла хандақ билан ўраб чиқилган. Хандақ устидаги кўтарма кўприклар олиб қўйилган, хуллас, қалъага киришнинг ҳам, чиқишнинг ҳам имкони йўқ. Қалъа аҳолиси эса озиқ-овқат ва сув захираларини ғамлаб қўйишганди.

Саркарда қалъага етиб келганда, хандақ сув билан лиммо-лим эди. Оғир совутлар ва қурол-аслаҳалар билан бунчалик кенг ва жуда чуқур хандақдан сузиб ўтишнинг иложи йўқ. Саркарда дарҳол кўшиндаги зобитларга юзланди.

– Қирол бизга жуда кам муддат берган. Лекин бу кенг хандақдан қандай ўтамыз?

– Биз ўзимиз билан тўрт-бешта нарвон олиб келган-миз, – деди бир зобит.

Шу заҳоти нарвонларни ўлчаб кўришди. Нарвонларнинг барчаси бир хил узунликда бўлиб, уларнинг иккинчи учи нариги қирғоққа бир-икки қарич етмасди, холос.

– Нарвонларни бир-бирига михлаб ё боғлаб чиқсак-чи? – деди яна бир зобит.

Аммо аксига олиб, қўшинда арқон ҳам, мих ҳам йўқ эди. Яқин атрофда эса бундай нарсаларни топиб келиш учун на бирор қалъа, на бирор қишлоқ кўзга ташланарди. Вақт эса жуда кам қолган. Агар қўшин қуруқ қайтса, қаттиққўл қирол саркардани шафқатсиз жазолайди.

– Эҳ, агар шу хандақни кесиб ўтсак етарди, дарвозани бузиб бўлса ҳам қалъага кирардик, бир неча соат ичида қалъага қирол байроғи тикиб ортга қайтардик, – деди саркарда маъюслик билан.

Шундан сўнг саркарда бутун қўшинга юзланиб, хандақдан ўтиш йўлларини излашни буюрди. Оддий аскарлар ҳам бу ҳақда бош қотира бошлашди. Квадрат шаклидаги хандақ соҳили бўйлаб айланиб юрган аскарлардан бирининг миясига кутилмаганда жўяли фикр келди.

– О, буюк саркарда, мен хандақдан қандай ўтиш йўлини биламан!

Саркарда унинг фикрини диққат билан эшитди ва у айтган усулни қўллаб кўришни буюрди. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиш, ҳалиги аскар айтган чорани қўллашган эди, кутилган натижа қўлга киритилди. Қисқа фурсатда аскарлар хандақда ўтиб, қалъа дарвозасини очишга муваффақ бўлишди. Шу тариқа саркарда айтилган муддатда зафар билан ортга қайтди.

*Айтинг-чи, қўшин хандақдан қандай қилиб ўтиб олган?*

### Ўттизинчи ҳикоя

## СОҚЧИНИНГ ТУШИ

Ўрта асрлар. Хуросон мулкининг чегара шаҳарларидан бири. Ярим тун.

Шаҳар доруғаси қалъа деворига туташ қароргоҳида қандайдир варағи титилиб кетган эски китобни ўқиб ўтирарди. Шу аснода унинг эшиги журъатсиз чертилди. Доруға китобдан бошини кўтармай, «киравер» дея амр бергач, эшикдан ёшгина соқчининг ҳадикли юзи кўринди.

– Аъло ҳазрат, сизга... бир нохуш хабарим бор.

Доруға шартта бошини китобдан кўтарди.

– Тинчликми? – сўради сергакланиб. – Ярим тунда нега алаҳсираб юрибсан?

– Ҳозир қалъа девори устида ўтирган чоғимда кўзим илиниб туш кўрибман. Жуда ёмон туш.

– Аллақандай туш учун мени безовта қиласанми? – сўради доруға ғазабини ютишга уриниб.

– Аввал мени эшитинг, – ютинди соқчи. – Болалигимдан бери нима туш кўрган бўлсам, ҳаммаси ўнгидан келган. Шу сабабли мени эшитинг, тақсир. Бу жуда муҳим.

– Хўш, тушингда нима кўрдинг? – истеҳзоли илжайди қалъа бошлиғи.

– Кўчманчилар шаҳримизга қараб от чоптириб келишаётганмиш. Улар минг нафардан кўпроқ, ҳаммаси отлиқ, тиш-тирноғигача қуроолланган. Улар тонгга яқин қалъага етиб келишади. Улар айнан шу тарафдан келишяпти. Шаҳардаги барча қуроолли аскарларни ҳимояга чорламасак, улар қалъани забт этиши ҳеч гапмас.

Доруға аввалига соқчининг ҳовлиқмаларидан жаҳли чиқди. Кейин эса ўйланиб қолди. Ахир тушда воқеалар бежиз рўй бермайди. Қолаверса, соқчи йигит ўзи айтиб турибди – ҳамма туши ўнгидан келармиш.

– Борди-ю, тушинг ўнгидан келмаса-чи? – сўради кўзларини қисиб.



– Тақсир, мен тушларимга ишонаман, улар ҳеч қачон мени алдамаган. Кўрасиз, тонг саҳарда кўчманчилар шаҳарга етиб келишади.

Доруға шу заҳоти шаҳарнинг турли ҳудудларидаги ҳарбийларга одам юборди. Бир соат ичида шаҳардаги барча қуролли аскарлар жамулжам бўлди. Улар уч минг кишидан ортди. Барча камончилар қалъа девори устида саф тортишди. Отлиқлар эса дарвоза оғзида шай бўлиб туришарди. Бироқ, ҳадеганда душман кўринмасди.

«Агар соқчи алдаган бўлса, уни қатл этаман, – ўйлади доруға. – Шу муштдек боланинг гапига кириб, шунча тайёргарлик кўрибман-а!»

Шу пайт узоқдан чанг кўтарилди. Девор тепасидаги жангчилар пастга хабар беришди. Ҳамма дарҳол ишга киришди.

Кўчманчилар қўшини яқинлашиши билан, камончилар аёвсиз ўқ ёғдира бошлашди. Бундай ҳозирликни кутмаган босқинчилар довдираб қолишди. Ҳали улар ўзларини ўнгламай туриб, қалъа девори очилди-да, ўзларидан уч баравар кўп қўшин уларнинг устига ёпирилди.

Босқинчилар жуда катта талафот билан ортга чекинишга мажбур бўлишди. Мудофаачилар орасидан эса ўн чоғли ярадорни айтмаганда, деярли бирор талафот йўқ эди. Хуллас, хавф тўла-тўқис бартараф этилганди.

Доруға кечаси кароматли туш кўрган соқчи йигитни ҳузурига чорлади.

– Сен бизни жуда катта хатардан асраб қолдинг, – деди доруға кулимсираб. – Бу ишинг учун сен ҳар қандай мукофотга лойиқсан.

Шундай дея у шаҳар ғазначисини чақириб, соқчига уч йиллик маоши миқдорида мукофот беришни буюрди. Соқчи қуллуқ айтиб чиқиб кетмоқчи бўлганида, доруға уни тўхтатди:

– Шошма, ҳали бу ҳаммаси эмас. Сен бир ой ҳибсга маҳкум этиласан, – шундай дея у сарбозларига буюрди. – Уни ҳозироқ зиндонга ташланг.

Соқчини шу онда қўлини ортига қайириб олиб кетишди.

*Ўйлаб кўринг-чи, доруға соқчини нима сабабдан жазолаган?*

### *Ўттиз биринчи ҳикоя*

## **АВТОБУСДА ЙЎҚОЛГАН ПУЛ**

Бир гуруҳ юқори синф ўқувчиларини ўз бағрига олган автобус сўлим қир-адирлар оралаб, ёзги оромгоҳ сари илгарилаб борарди. Автобусда кетаётган йигит-қизлар, ҳатто икки нафар тарбиячию ҳайдовчининг ҳам кайфияти чоғ. Ёшлар қарсак чалиб қўшиқ айтиб боришарди. Кутилмаганда ўқувчилардан бири – Аброр нимадир қидириб чўнтагини кавлаштирдию, пули йўқолганини пайқаб қолди. Ранги қув ўчган ўқувчи беҳол тарбиячи ўтирган ўриндиқ тарафга судралиб борди ва унинг қулоғига энгашиб, юз берган нохушлиқдан огоҳ этди.

Тарбиячининг қувноқ юзи бирдан тундлашди. Шартта болаларнинг диққатини жалб қилиш учун қўлини кўтарди. Ҳамма жимиб қолгач, тарбиячи Аброрга юзланди.

– Аввал ўзинг ҳамма ёғингни текшириб кўрдингми? Балки сумканга қўйгандирсан? Балки ҳали автобусга чиқмасингдан аввал тушириб қолдиргандирсан?

– Йўқ, – йиғлагудек жавоб берди Аброр. – Автобус қўзғалганда пулимни санаб кейин ён чўнтагимга солиб қўйганди. Ҳамма ёқни қарадим. Пул йўқ.

Бир зумда ҳамма бир-бирига шубҳали қарай бошладди. Аммо ҳеч кимдан сас-садо чиқмасди. Шунда иккинчи тарбиячи гапга қўшилди.

– Агар Аброрнинг гапига ишонадиган бўлсак, автобус ҳаракатланаётганда пул унинг чўнтагида бўлган. Автобус шу пайтгача тўхтамасдан келяпти. Ҳеч ким тушиб қолгани ҳам йўқ. Демак, пул ҳам, ўғри ҳам шу ерда – автобусда.

– Афсуски шунақа, – деди биринчи тарбия бош чай-каб. – Дам олишнинг бунақа кўнгилсиз бошланишини ҳеч ким кутмаганди. Бу ишни ким қилган бўлса ҳам тўғри қилмапти. Яхшиси Абзорнинг пулини қайтариб берсин.

Ҳамма жим, ҳеч ким миқ этмасди.

– Қайтариб бериш ниятида бўлса, ҳеч қачон пулни олмаган бўларди, – деди биринчи тарбиячи. – Мен ажойиб бир усулни биламан. Бу усул жуда кўп синовдан ўтган, бирор марта панд бермаган.

– Қанақа усул? – сўради кўлчилик қизиқиб.

Тарбиячи ўз сафархалтасидан битта бутун нон чиқарди.

– Мен бир қизиқ дуони биламан. Ўша дуони ўқиб мана бу нонга дам соламан. Кейин уни ҳаммага бир тишладан тарқатиб чиқаман. Айбсиз одам нонни қийналмасдан ютиб юборади. Ўғрининг эса томоғига тикилиб қолади. Шу тахлит айбдор маълум бўлади. Хўш, шу усулни кўллаб кўрамизми?

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Тарбиячи нималарнидир пичирлаб нонга дам солди. Кейин нонни бурдалаб, ҳаммага тарқатди. Автобустагиларнинг бари нон бурдаларини чайнашга тушишди. Бирдан орқа қаторда ўтирган қорамағиз бола бўғзини ушлаб типирчилаб қолди. Ҳамма унинг бошида тўпланди. Сув ичиришди. Бир тишлам нон аранг унинг томоғидан ўтиб кетгач, зўрға хириллади:

– Мени кечиринглар, пулни мен олгандим. Бошқа қилмайман.

...Манзилга етиб боргач иккинчи тарбиячи шеригидан сўради:

– Шунақа зўр кароматинг бор экан-у, билмас эканман.

– Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, – деди биринчи тарбиячи. – Ҳаммаси жуда оддий.

*Айтинг-чи, тарбиячи айбдорни қандай аниқлаган?*

*Ўттиз иккинчи ҳикоя***ЎНТА ҚҶЙ НИМА БЎЛАДИ?**

Воқеа юз йиллар аввал рўй берганди. Ўзбек қишлоқларидан бирида бир бой яшарди. Унинг каттагина ери, мол-ҳоли, хуллас, қишлоқ шароитида бамайлихотир яшашга етадиган дов-дастгоҳи бор эди. Бироқ бой ўз ҳамқишлоқлари орасида ўта зиқналиги, ҳар бир танга устида ётиб жанжаллашиши билан довруғ таратган эди.

Ўша қишлоқда турадиган бир чўпон бола бойнинг ўнта қўйини боқарди. Ҳар куни эрталаб бой қўрасидан ўнта қўйини битталаб санаб чиқариб берар, чўпон кун бўйи қир-адирларда қўйларни боқиб, уйига қайтганида, чўпон бойга битталаб қўйларини санаб унинг қўрасига камарди.

Бола ҳам бойнинг бу одатига кўникиб қолганди. Шу боис, у ҳар куни қўйларга кўз-қулоқ бўлар, энг серўт яйловларга бориб ўтлатар, қандай бўлмасин, бойни рози қилиб, ўз уйига бир-икки танга пул олиб киришни кўзларди.

Кунлар шу тариқа ўтиб борарди. Кунларнинг бирида чўпон йигит кеч тушиши билан қўйларни йиғиб ортга қайтмоқчи бўлганида, қўйлардан бири йўқлигини пайқаб қолди. Атрофни қанча қидирмасин, ўша битта қўйдан ном-нишон йўқ эди. Қоронғилик тобора қуюқлашиб борар, қўйларни бойнинг уйига вақтида етказиб бормаса ҳам балога қолади. Инжиқ бой кечикканини баҳона қилиб, чўпонни ишдан қувиб юбориши ҳам мумкин. Агар битта қўй йўқолганини билса-ку, нақ қиёмат кўпади.

Бола қандай йўл тутиш ҳақида бош қотира бошлади. Қўйни қоронғида топишнинг иложи йўқ. Эрталабгача бўри-мўри еб кетиши турган гап. Муҳими, бугун вазиятдан эсон-омон қутулиб олиши керак. Эрталабгача бой қўйларнинг бири йўқолганидан хабар топмаслиги лозим. Эртага эса... бир гап бўлар!

Бола қирдан то бойнинг уйига етгунича шу ҳақда ўйлаб келди. Бой ҳар доимгидек уни дарвозаси олдида кутиб турарди. «Тамом, ҳозир у ўнта қўйдан биттаси йўқлигини билади ва нақ теримга сомон тикади», ўйлади бола ичидан зил кетиб. Аммо, сўнгги лаҳзада хаёлига ажойиб бир фикр келиб қолди. Агар шу ҳийласи иш бериб қолса, бой қўйларнинг бири йўқолганини пайкамайди. Эрталаб қўрадан санаб чиқараётганда қўйлар тўққизта чиқиб қолса ҳам чўпон жавоб бермайди.

Хуллас, чўпоннинг ҳийласи иш берди. Қўйларни санаб қурага киритаётганда шундай ҳийла ишлатдики, бой қўйларнинг биттаси камлигини сезмай қолди. Эртасига гарчи қўрадаги қўйлар биттага камайганини сезса-да, у чўпонни айблашга асос тополмади. Чунки, кеча кечқурун қўрага қамаётганда қўйлар ўнта чиққанди-да!

*Ўйлаб кўринг-чи, чўпон қандай ҳийла ишлатган бўлиши мумкин?*

### *Ўттиз учинчи ҳикоя*

## **ОДАМХҲҮРЛАДАН ОМОН ҚОЛГАН ДЕНГИЗЧИ**

Атлантика океанининг қоқ ўртасига етганда инглиз кемаси ҳалокатга учради. Кучли тўфон кемани чирпирак қилиб юборди. Кема чўкаётганда денгизчилардан кимдир қайиққа ўтиришга улгурди, кимдир сув остига равона бўлди.

Денгизчи Жон ҳам қайиққа ўтиришга улгурганлардан бири эди. Бир неча соат давом этган тўфон тинганида, у атрофда ўзидан бошқа ҳеч кимни кўрмади. Ё бошқалар ҳам қайиқлари билан денгизга фарқ бўлишган ё оқим уларни бошқа тарафларга суриб кетганди. Тўрт тараф чексиз сувдан иборат. У айнаи чоғда қаерда эканини, қаёққа қараб сузиш кераклигини ҳам билмасди.

Шу тариқа у икки кун очиқ денгизда қолиб кетди. Жон ўзини тақдир ҳукмига топширган, омон қолиш учун

курашишни ҳам ўйламай қўйганди. Кутилмаганда унинг умидсиз кўзлари уфқ тарафдан кўринаётган ерни илғади. Аввал кўзларига ишонмади. Кейин эса ўша тарафга суза бошлади. Қирғоққа етгунча бир соатдан кўпроқ сузишга тўғри келди.

Мана, ниҳоят, у қуруқликка етиб келди. У атрофга сер солиб, уммон ўртасидаги ороллардан бирида эканини англади. Кўринишдан чакки эмасдек. Ҳамма ёқ ям-яшил. Бир пайт узоқдан қулоғига аллақандай ноғорага ўхшаш асбобнинг товуши чалинди. Кейин эса ярим-яланғоч одамлар у тарафга югуриб кела бошлади.

«Оббо, улар мендан нима иташаркин? Ахир мен уларга бирор ёмонлик қилмоқчи эмасман». Жон ўзининг қуролсиз эканини кўрсатиш учун икки қўлини баланд кўтарди. Ёввойилар шу заҳотини унинг қўлларини орқасига қайириб, номаълум тарафга бошлаб кетишди. Бир оздан сўнг у ўзини орол сардорининг чодирда кўрди. Сардор уни синчиклаб кўздан кечирди. Чамаси у Европа тилларидан анчасини биларди: Жонга француз, испан, португалча гапириб кўрди. Кейин инглизчасига сўроққа ўтганида, Жоннинг кўзларида умид порлади.

– Ҳа, сэр, инглизман, кемамиз ҳалокатга учради. Мендан ёрдамингизни дариғ тутмасиз?

– Биз одамхўрлармиз, – деди сардор афтига кўрқинчли тус бериб. – Оролга тушиб қолганларни тирик қолдирмаймиз. Аммо бугун кайфиятим аъло. Сенга бир топишмоқ бераман. Агар уни ҳал эта олсанг, сени омон қолдираман. Бу ердан инглиз кемалар тез-тез ўтиб туради. Сен бу кемалар келгунча бизнинг меҳмонимиз бўласан, кема келгач эса ўз юртингга бемалол етиб оласан. Агар шартни бажара олмасанг, биз сени еймиз.

Сардорнинг буйруғи билан иккита қум соат келтиришди. (Қум соатдаги қум оқиб бўлгач, уни тескарисига ағдариб қўйиш мумкин, қум ўртасидан иккига бўлинган шиша идишнинг бир қисмидаги иккинчи қисмига оқиб тушаверади.) Сардор уларни Жоннинг олдига қўйди.

– Мана, сенга иккита қумсоат, биридаги қум тўрт дақиқада, иккинчисидаги қум эса етти дақиқадан оқиб тугайди. Сен ушбу қумсоатлар ёрдамида аниқ тўққиз дақиқа ўтганини ҳозирнинг ўзида аниқлаб берасан. Тай-ёргарлик учун вақт берилмайди. Қани, вақт кетди.

Жон жони хавф остида эканини сезиб ишга киришди ва ўша ондан бошлаб роппа-роса тўққиз дақиқа ўтгач, ишини битирди. Шу тариқа сардор унга омонлик берди.

*Сиз ҳам Жоннинг ишини хаёлан такрорлаб кўринг-чи? У тўққиз дақиқа ўтганини қандай аниқлади экан?*

### *Ўттиз тўртинчи ҳикоя*

## **САККИЗ КУЛЧА ВА САККИЗ ТИЛЛА**

Икки отлиқ олис йўлдан келишарди. Қош қорайиб қолганди. Бийдек дала. Яқин атрофда на бирор қишлоқ, на бирор қалъа кўринмайди.

– Бу ёғига оз қолди, – деди қотмадан келган, новча суворий худди ўзига таскин бераётгандек. – Агар тўхта-масдан йўл боссак, ярим тунда шаҳарга кириб борамиз.

– Қорин ҳам роса очди, – деди унинг миқти, пакана ҳамроҳи. – Балки бироз тўхтаб тамадди қилиб олармиз?

Бу таклиф шеригига маъқул тушди шекилли, йўл че-тидаги қуриб қолган дарахт олдида отини тўхтатди. Ик-ковлашиб, хуржунларни туширишди, отларни боғлаб, катта харсанг устига белбоғ ёзишди.

– Менда бешта кулча қолган, – деди новча белбоғ устига нонларни териб чиқаркан.

– Менда эса уч дона, – илжайди пакана ҳам борини дастурхонга тўкиб.

– Ҳа, бемалол қорнимиз тўяди, ҳатто ортиб ҳам қо-лади, – новча шундай деб мешда қолган сувдан ютоқиб ича бошлади.

Шу пайт узоқдан чанг кўтарилди.

– Оббо, ошга пашша тушаркан-да, – семизнинг афти буришди. Новча индамади.

Кўп ўтмай, улар сафига учинчи отлиқ келиб қўшилди. У ҳам отини дарахтга боғларкан, дастурхон устидаги кулчаларга суқ билан тикилди.

– Биродарлар, – деди у аранг ютиниб. – Шаҳаргача оз қолди, аммо икки кун саҳрода оч-наҳор қолиб кетдим. Оёғимда зўрға турибман, мени ҳам дастурхонингиздан баҳраманд қилсангиз, Худо хайрингизни берсин.

– Майли, биродар, дастурхонимизда сенинг ҳам насибанг бор экан.

Шундай дея у саккизта нонни бурдалаб чиқди. Нон ва сувдан иборат тамадди узоққа чўзилмади. Бир зумда дастурхон устида ҳатто увоқ ҳам қолмади. Бироқ, ҳар қалай учала йўловчининг нафси сал бўлса-да, ором олганди.

– Биродарлар, – учинчи йўловчи икки ҳамроҳга узрли жилмайди. – Сизлар ҳаётимни сақлаб қолдинглар, десам хато бўлмайди. Ахир бу аҳволда шаҳарга етиб олишим қийин эди. Агар хафа бўлмасанглар... – у шундай дея белбоғига қистирилган ҳамёнини суғуриб олди ва саккизта тилла тангани дастурхон устига ташлади. – Мана шу арзимас ҳадямни ўзларинг тақсимлаб олсангизлар. Энди менга рухсат, шошиляпман...

Учинчи йўловчи шундай дедию, отига сакраб минди. Шу заҳоти қоронғилик ичига сингиб кетди.

– Бир нечта кулча нон учун саккиз танга, – семизнинг кўзлари чақнаб кетди. – Худо бераман деса, ҳеч нарса эмас экан. Тўрт тангадан бўлиб оламиз-да, энди.

– Йўқ, ўртоқ, менимча ҳар кимнинг дастурхондаги улушига қараб, – томоқ қирди новча. – Менда бешта нон бор эди, сенда эса учта. Демак, беш тангаси меники, қолгани сеники!

– Бекор айтибсан, кемага тушганнинг жони бир. Мусофирни иккимиз ҳам тенг меҳмон қилдик.

Кутилмаганда орада низо чиқди. Ҳар иккиси ўз фикрини маъқулларди. Охири икковлашиб, шаҳарга етгач можарони қозининг қабулида ҳал қиладиган бўлишди.



Эртаси куни қози уларни қабул қиларкан, ҳар иккисининг даъвосини диққат билан эшитди.

– Демак, сиз йўловчининг ҳадясини фақат адолат нуқтаи назаридан тақсимлашимни сўрайсиз, шунда ҳар иккинги менинг тақсимотимга кўнасиз, тўғрими?

– Албатта, – дея бош ирғади ҳар икки ҳамроҳ.

– Унақада, манави етти тилла сеники, деди қози олдида турган тангаларнинг еттитасини новчага тутқазиб.

– Сенга эса бир тилла тегади.

Қози шундай сўнг, бу тақсимотни ўта оқилона тарзда исботлаб берди. Ҳар икки тараф бу тақсимот қаршисида лол қолишганди.

*Айтинг-чи, қози нимага асосланиб, тиллаларни бундай тақсимлади экан?*

### *Ўттиз бешинчи ҳикоя*

## **СУВ ОСТИДАГИ ОЛМОС**

Воқеа қадим замонларда бўлиб ўтган эди. Бир мамлакатнинг ҳукмдори ўз мулкининг турли сарҳадлари бўйлаб саёҳатни ёқтирарди. Кунларнинг бирида у энг сара йигитлари ва содиқ мулозимлари билан саёҳатга отланди. Ўз мулки ҳудудидаги жуда кўп шаҳар ва қишлоқларни, ўрмон ва саҳроларни кезиб чиқди.

Ҳукмдор ўз йигитлари билан юра-юра бир тоғ этагидаги қўл бўйига етиб келди. Шу ерда чодир тикиб, тунаб қолмоқчи бўлишди. Атроф бениҳоя гўзал, жозибали эди. Шоҳ қўл бўйини айланиб юраркан, бир дарахт панасига келиб тўхтади. Беихтиёр сув остидан ярақлаб кўриниб турган, каптар тухумидек катталиқдаги олмосни кўриб қолди. Олмос шу қадар ёрқин нур сочардики, уни бемалол сувга қўл тиқиб олиш мумкиндек эди.

Шоҳ сувга қўл солиб кўрди. Аммо олмос сув тубида бўлгани боис, унга қўли етмади. Шунда у дарҳол йигитларини ёнига чорлади.

– Менга ана шу олмосни олиб чиқинглар, уни мен ўз тожимга ўрнатмоқчиман.

– Бу муаммо эмас, – деди баҳодир йигитлардан бири.  
– Олмосни ҳозироқ олиб чиқиб берганим бўлсин.

Шундай дея у ўзини сувга ташлади. Анча пайт сув остида тимирскиланиб қайтиб чиқди.

– Ҳукмдорим, сув остидан ҳеч қандай олмосни топа олмадим.

Шунда бошқа бир навкар шартта ўзини сувга ташлади. У ҳам аввалги шериги сингари анча пайт сув тубини пайпаслаб, бўш қўл билан қайтиб чиқди. Шу тариқа бир қанча мулозимлар сувга тушиб, ундан қуруқ чиқишди. Ҳукмдорнинг эса қовоғи солиниб, кайфияти бузилиб борарди.

Мулозимлар орасида ёш, аммо ақллилиги билан бошқалардан ажралиб турадиган бир йигит бор эди.

– Ҳукмдорим, – деди у ўз валинеъматига таъзим бажо қиларкан. – Агар изн берсалар мен ҳам ўз омадимни си-наб кўрсам.

Бошқа йигитлар унинг жасоратига ҳайрат, ҳатто мас-хара билан қараб туришарди. Ахир манаман деган баҳодирларнинг қўлидан ҳеч иш келмагач, у нима ҳам қила оларди. Ҳукмдор маъқул, дегандек бош ирғади.

– Фақат, мен чуқурроқ шўнғий олишим учун мана шу дарахтнинг тепасидан чиқиб, сувга калла ташлайман, – деди ёш мулозим.

– Менга фарқи йўқ, – деди ҳукмдор кибр билан. – Менга олмос керак. Агар топиб чиқа олмасанг, сени саройдан қувиб юбораман.

Йигит шартта ўрnidан туриб, устки кийимларини ечди-да, чаққонлик билан дарахтга тирмашди. Дарахт-ни энг тепа шохига чиқиб олгач, ўша ердан сувга калла ташлади. Кўп ўтмасдан, сувдан йигитчанинг боши кўринди. Кейин эса сувдан чиқиб, қўлида ял-ял ёниб турган олмосни ҳукмдорга тутқазди.

Ҳамма ҳайратдан лол бўлиб қолганди. Ҳукмдор ҳам олмосни қўлига олиб кўраркан, севинчини ичига чиқмасди.

– Сенга қойил қолдим, – деди ҳукмдор. – Бугундан бошлаб, сени энг яқин мулозимим этиб тайинлайман. Фақат айт-чи, бунга қандай эришдинг?

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳукмдорим, – деди йигит ва бу олмосни қандай қўлга киритганини айтиб берди.

*Айтинг-чи, ҳеч ким қилолмаган ишни бу ёш йигитча қандай уддалаган бўлиши мумкин?*

### *Ўттиз олтинчи ҳикоя*

## **ОТ ҚАНДАЙ ТЎХТАТИЛДИ?**

Баҳорнинг илиқ кунлари бошланган. Париж бу фаслда янада гўзаллашади. Айниқса, Сена бўйида ажойиб манзара ҳукмрон.

Сюзан ўз машинасида дарё соҳилидаги равон йўлдан кетиб бораркан, олдиндаги дақиқаларни ўйлаб, юраги орзиқиб кетди. Албатта, машинасида истаган пайтда истаган жойга бора олади. Аммо, отда сайр қилишнинг гашти бўлакча. Очиқ осмон остида қадрдон отингни елдириб кетаверсанг, кетаверсанг... О, бунинг завқини бошқа нарса билан ўлчаб бўлармиди?

Мана, ниҳоят, у машинасини таниш отчопар дарвозаси олдида тўхтатиб, ичкари кирди. Мураббий уни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

– Сизнинг ҳафсалангизни пир қиламанми деб кўрқаман? – айбдор қиёфада гапирди мураббий. – Пьерни бугун сизга беролмаймиз. Уни бошқа бир чавандоз олиб кетганди. Яқинда нуфузли бир мусобақага тайёргарлик кўряпти.

Сюзаннинг кайфияти тушиб кетса-да, жилмайишга ҳаракат қилди. Пьер у ҳар доим машғулотларда мина-

диган отнинг лақаби эди. У олти ойдан бери фақат шу отда сайр қилар, жониворнинг табиати унга беш қўлдай маълум эди. Пьер ҳам Сюзанга ўрганиб қолган, аёлнинг истакларини ич-ичидан сезиб турарди гўё. У бошқа отга миниб ҳам кўрмаган.

– Унда... бошқа бирор отни бера оласизми?

– Майли, – мураббий манеж четида турган отлардан бирининг жоловини Сюзаннинг қўлига тутқазаркан. – Ўзи ювош от, фақат бироз ҳуркович. Эҳтиёт бўласиз.

Сюзан мураббийнинг ёрдами билан бир сакраб отнинг эгарига ўрнашиб олди. Кейин секин юрғизиб, йўлакка олиб чиқди. «Бу ҳам ёмон эмас» ўйлади Сюзан ва ўзини қўлга олиб, отнинг сағрисига қамчи босди. От аввал оҳиста йўртиб борди.

Гарчи бу сайр Сюзанга ёқаётган бўлса-да, негадир кўнгли ғаш тортиб турарди. Барибир Пьер яхши эди-да! У Сюзанни жуда авайлаб чопарди. Бирданига Сюзан олдинга мункиб кетиб, ерга ағанашига оз қолди. От нимадандир қаттиқ ҳуркиб кетганди. Боя мураббий айтганди-я! Мана, от уни номаълум тарафга опқочиб кетяпти. От ҳуркиса ёмон. Ҳар қанча жоловини тортганин билан тўхтамайди. Бордию, шу пайт отдан йиқилиб тушса борми, камида ногирон бўлиб қолади. Энди нима қилади.

Мураббий ҳам манеж бошида алланималар деб қичқирар, аммо унинг овози Сюзанга етиб келмасди. Энди нима қилади? Отни қандай тўхтатиш мумкин? «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма», деб шуни айтишаркан-да?

Кўрқув пайтида мия ҳам фаоллашиб кетади. Шу чоқ қаердадир ўқиган бир усул лоп этиб эсига тушди. Ҳа, бошқа чораси қолмаганди. Ишқилиб, наф берсин-да! Мана, Сюзан ўша усулни қўллади. Мўъжиза юз берди: ўқдек учиб кетаётган от бирдан тўхтади. Сюзан отдан пастга тушганида ҳамон тиззалари қалтираб турарди. Бу

вақт ичида мураббий ҳам бошқа от билан унинг ортидан етиб келди.

*Ўйлаб кўринг-чи, Сюзан отни қай йўсинда тўхтатган бўлиши мумкин?*

### *Ўттиз еттинчи ҳикоя*

## **ШАХМАТ ТАХТАСИГА САЧРАГАН ҚОН**

Лондон. Ўтган асрнинг бошлари. Машҳур изқувар Шерлок Холмс ва унинг қадрдон дўсти ҳар доимгидек ўз уйларида ўз ташвишлари билан машғул. Холмс трубкасини тозалаб, янги тамаки тўлдириш билан овора, Ватсон эса тонгда миссис Хадсон келтириб берган газеталарни кўздан кечирарди.

– Ватсон, сиз тонги «Таймс»ни ўқияпсиз, шекилли? – сўради Шерлок Холмс трубкасини лабига қистирганча, дўстининг ёнидан жой оларкан. – Ҳўш, нималарни ёзишибди?

– Кўп нарсаларин ёзишибди, – Ватсон газетанинг биринчи саҳифасидаги сарлавҳага имо қилди. – Айлана ҳалқа йўлида йирик автоҳалокат рўй берибди. Қарама-қарши йўналишда катта тезликда келаётган иккита автомобил тўқнашиб кетган. Ҳар икки машинанинг ҳайдовчиси оғир аҳволда касалхонага етказилган. Қизиғи, бу ҳолатда ҳар икки машинага ҳеч қандай зиён етмаган.

– Бу жуда оддий-ку, Ватсон, яна нима гап?

– Холмс, сиз учун ҳамма нарса оддий бўлиши мумкин, – деди доктор кекса изқуварга синчков тикиларкан. – Мана бунга нима дейсиз? «Шахматчи қотиллар». – У шундай дея газетада чоп этилган навбатдаги хабарни овоз чиқариб ўқий бошлади. – «Гувоҳларнинг айтишича, хонадонда уч оёқли журнал столи устида шахмат тахтаси ўрнатилган, унда икки шахматчи бир-бирига қарши дона сураётган, учинчиси эса кузатиб турган эди. Шу чоқда чироқ ўчиб қолади, чироқ ёнган пайтда эса

учинчи шахматчи полда ётар, бўғзида пичоқ санчилик турарди. Дарҳол полиция етиб келган. Биринчи шахматчи шундай деган: «Чироқ ўчганда, хуноб бўлиб, қайси донани қаерга юриш ҳақида асабий бош қотираётгандим, шу боис қулоғимга ҳеч нарса кирмади». Иккинчиси эса шундай кўрсатма берган: «Шахмат тахтаси турган стол лиқиллаб ғашга тегаётганди. Чироқ ўчган пайтда бир парча қоғозни буклаб, столнинг бир оёғи тагига тиқиш билан овора бўлдим. Бир пайт чироқ ёнди, қарасам...» – Ватсон шундай дея бошини газетадан кўтарди. – Хуллас, бу ёғи маълум. Ҳозир тезкор гуруҳ учинчи шахматчини икки шерикдан қайси бири ўлдиргани ҳақида бош қотирмоқда.

– Бу ҳам жуда оддий, Ватсон, – хотиржам трубка тутатди Холмс. – Кейинги пайтда газеталар намунча оддий, содда нарсаларга ёпишиб олмаса? Изқуварлар-чи? Улар очиқ-ошкор кўриниб турган нарсалар учун ҳафта-лаб бош қотиришади.

– Холмс, – Ватсон газетани тахлаб, четга қўйди. – Мен ҳам ҳеч нарсага тушунмаяпман. Ҳар иккала хабар ҳам ғирт жумбоқ-ку? Қанақасига, машинага шикаст етмай, ҳайдовчилар оғир яраланиши мумкин?

– Нимасига ҳайрон қоласиз? – Холмс юзини дўстидан четга буриб, тутун пуркади. – Икки машинанинг ҳайдовчиси қарама-қарши йўналишда ойнадан бошини чиқариб кетаётганда, икковининг боши бир-бирига урилган ва ҳар иккови ярадор бўлишган. Бунинг нимасини тушунмайсиз?

Ватсон айбдорона жилмайди.

– Буни-ку, тушундим, – деди хиёл машқи пасайиб. – Лекин анави шахматчилар... Улардан қай бириси қотил, сизнингча?

– Албатта, иккинчиси, – деди Холмс бепарволик билан.

*Ўйлаб кўринг-чи, Холмс нимага асосланиб, иккинчи шахматчини қотилликда айблаган?*

*Ўттиз саккизинчи ҳикоя***АЁЛЛАР ОРОЛИДАГИ ҲОДИСА**

Ривоятларга кўра, қадимги Юнонистоннинг Крит оролида бир замонлар фақат аёллардан иборат қабила яшаган экан. Бу қабиланинг ўз раҳбари, ўз қонун-қоидалари бўлган.

Оролдаги ҳаётнинг давомийлиги учун бир йилда бир марта аёллар қайиқларда бошқа оролларга бориб, у ерларда ишқий саргузаштларни бошдан кечириб қайтишар, уларнинг аксарияти оролга қайтганидан сўнг кўзи ёрир, агар чақалоқ ўғил бола бўлса, маълум муддатдан сўнг, аёллар ҳар йилги саёҳатлари даврида ҳалиги ўғил болани қўшни оролларга ташлаб келишар, қизларни эса ўзлари тарбиялаб ўстиришарди. Улар ўзларининг ташқи кўринишига етарлича эътибор қаратишар, шу боис, ҳусну малоҳати, кўрку таровати билан бошқа мамлакатларнинг аёлларидан кескин фарқланиб туришарди.

Бу оролга эркакларнинг қадам босиши қатъиян тақиқланганди. Агар адашиб ёки нимадир иш билан эркак зоти бу оролга келиб қолгудек бўлса, аёллар уни дарров ҳибсга олишар, кейин эса қатл этишарди.

Крит хотин-қизларининг ҳар йилги саёҳатлари асосида улардан бирини қўшни оролда яшовчи бир йигит ёқтириб қолибди. Аёллар ўз оролига қайтгач, ҳалиги йигит ўз маҳбубасининг фироғида туну кун фарёд чека бошлабди. Қизнинг ортидан Критга бориш эса ўлим билан баравар эди. Аммо муҳаббат унинг кўзларини кўр қилиб қўйганди. Ҳатто ўз жони ҳам кўзига кўринмасдан, шартта қайиққа ўтириб, Крит оролига йўл олди.

Орол қирғоқлари соқчи қизлар тарафидан мунтазам қўриқланарди. Йигит қирғоққа келиб тушиши билан шартта унинг қўл-оёғини боғлаб, қабила бошлиғининг олдига олиб кетишди.

Оролнинг қонунлари юз йиллар давомида бузилмай келарди. Демак, бу ошиқ йигитни ҳам қатл этиш лозим.

Қабила сардори йигитни ўлимга буюрди. Оролнинг марказий майдонида тикилган дор остига йигитни олиб келишди. Қабиланинг удумига кўра, ҳар қандай маҳқумнинг биргина илтимоси сўзсиз бажарилиши лозим эди. Албатта, маҳқум илтимос сифатида ўзининг ўлимдан озод қилинишини сўрай олмасди. Аммо шу онда йигитнинг мияси фавқулудда ишлаб кетди.

У орол сардорига қарата шундай бир нарсани илтимос қилдики, унинг атрофини ўраб олган барча аёллар жим қолишди. Кейин эса ҳамма ўзаро пичирлаша бошлашди. Бу пичир-пичир охир-оқибатда катта можарога айланиб кетишига оз қолди. Ниҳоят, сардор қўлларини кўтариб ўз фуқароларини тинчитди.

– Дарҳақиқат, бу йигитча жуда ҳам доно экан, ҳамма-мизнинг ўта нозик еримиздан ушлади. Бу оролда унинг сўнги истагини бажо келтиришнинг асло иложи йўқ. Шу боис, мен асрий удумимизни бузишга мажбурман. Йигит, сен ўз севгилингни ол-у, бу оролга қайтиб қадимингни боса кўрма. Кейинги гал сени аяб ўтирмаймиз.

Шу тариқа йигит ўлимдан қутулиб, ўз маъшуқаси билан юртига қайтиб кетади.

*Айтинг-чи, йигит қандай ҳийла ишлатган бўлиши мумкин?*

*Ўттиз тўққизинчи ҳикоя*

## **НИЯТИДАН ҚАЙТГАН ЎҒРИ**

Ярим тун. Ҳатто сарой қўриқчиларини ҳам мудроқ босган. Хазина эшиги олдида ўтирган бақувват посбон хазина эшигининг мустаҳкам пўлат калитини маҳкам бағрига босганча, уйқуни урмоқда.

Хазина жойлашган кенг бинода эса... Тўғри бу бионинг метин деворларини ҳеч ким тешиб ўта олмайди. Аммо, қачондир ер остидан кимдир бу мустаҳкам ғазна учун йўл топиб келиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.



Дафъатан хонанинг ўртасидан аввал кичкина тирқиш очилди. Кейин бу тирқиш кенгая бошлади. Аввал бу туйнукдан йигитнинг боши кўринди. Унинг қоронғиликка кўникиб қолган кўзлари бирор хавф-хатарни илғамади чоғи, туйнукдан секин ташқарига чиқди. Атрофга боқиб энгил тин олди.

У уч йиллик умрини шу ишга сарфлади. Хазинанинг қаерда жойлашганини сўраб-суриштириб чиқди. Бутун имкониятини мўлжални тўғри олишга сарфлади. Кечаю кундуз тиним билмай ишлади. Одамлар сезиб қолмаслиги учун лаҳм қазирни ўз уйдан эмас, ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган овлоқ бир майдондан бошлади. Уч йил ичида не-не кунларни бошидан кечирмади. Фикридан қайтмоқчи ҳам бўлди. Бундан кўра, ҳалол меҳнат билан кун кечиргани афзал эди. Аммо... у ҳам озмунча заҳмат чекаптими? Бу хазина халқнинг пешона тери эвазига тўпланган. Бунда унинг ҳам ҳақи бор. Албатта, бир ўзи бутун хазинани ўмариб кетолмайди. Наридан борса бир қоп олтин олчиқар...

Шу ишни битиргач, ўғрилиқдан воз кечади. Қолган умрини тоат-ибодатда ўтказади. Балки шу йўл билан гуноҳларини ҳам ювишга улгурар. Унинг содда ва торфалсафаси ана шундан иборат эди.

Мана, ниятида етди. Олтин-кумуш, хилма-хил қимматбаҳо тошлар атрофда сочилиб ётибди. Истаганича қопини тўлдириб кетиши мумкин. Йигит шу заҳот ишга киришди. Қўлига илинган қимматбаҳо тош ва олтин тангаларни қопга жойлади. Бўлди. Кўзи очлик қилса ўзига зиён. Кўтариб кетолмайди. Агар қўлга тушиб қолса, нақ терисини шилишади.

У эндигина қопни судраб лаҳм оғзига келганида, беихтиёр оёқ остида ётган қандайдир маъданга кўзи тушди. Қизиқ бу нима бўлдийкин? Олтинга ўхшамайди, Кўриниши ҳам бирор бир қимматбаҳо тошга мос келмайди. Беихтиёр ҳалиги тошни тилига теккизиб кўрди. Аммо, дафъатан... унинг кўзлари олайиб кетди.

Бир зум нима қилишини билмай қотиб турди. Кейин оғир уф тортди. Лаҳм оғзида турган қопига бир қараб қўйди-ю, индамай ўзини лаҳм ичига урди.

Посбон хазинанинг ичига кириб донг қотди. Олтину жавоҳир тўла қоп лаҳм оғзида ҳамон турар, ҳеч ким кўринмасди. Шу заҳоти хазинабон келиб, бутун хазинани кўздан кечирди. У ердаги бойликларни қайта ҳисоблаб чиқишди. Хазинадан ҳатто бир чақа ҳам ўғирлаб кетилмаган эди.

Лаҳм қазилган, ўғри тушгани аниқ, лекин... Лаҳмнинг нариги оғзи бўм-бўш ялангликка олиб чиқар, ўғрининг изидан тушишнинг ҳам иложи йўқ эди. Ҳаммани, ҳатто шоҳни ҳам битта нарса ўйлантирарди: ўғри шунча меҳнат қилиб, нега олтинларни ташлаб кетди? Нима уни аҳдидан қайтарган бўлиши мумкин?

*Бу ҳақда сиз ҳам ўйлаб кўринг-чи?*

### *Қирқинчи ҳикоя*

## **ЧОРАСИ ТОПИЛДИ**

Бу воқеа ўтган аср ўрталарида Осиё давлатларидан бирида бўлиб ўтган.

Ривожланиб бораётган бу давлатдаги йирик пой-абзал концерни раҳбари йиллик ҳисоботларни таҳлил қиларкан, даромадларнинг кейинги йилларда пасайиб бораётгани уни ташвишга соларди. Маҳсулотларга талаб яхши, хомашё ўз вақтида етиб келяпти. Лекин негадир фойда кутилганидан кам.

Раҳбар дарҳол ижрочи директорни ёнига чорлади. Биргалашиб узоқ муҳокама қилишди. Ҳар томонлама ҳисоблаб кўришди. Ҳозирги вазиятда концерннинг даромади бугунгидан камида икки баравар кўпроқ бўлиши керак эди.

– Балки, ишчилар бирор қаллобликка қўл ураётгандир? Ахир иш пайтида уларнинг тепасида туриб куза-

тишнинг имкони йўқ. Ҳар куни ҳар бир ишчи бир жуфт оёқ кийимини ўзи билан олиб чиқиб кетса...

Ижрочи айбдорона бош ирғади.

– Бу масалани тезда ҳал қилмасак бўлмайди, – дея столга мушт урди раҳбар. – Эртагаёқ директорлар кенгаши аъзоларини чақиринг. Мажлис қиламиз.

Мазкур концерннинг мамлакат икки шаҳарида ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлиб, ҳар иккисида деярли бир хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Иккала фабриканинг мутасаддилари концерн биносининг мажлислар залида тўпланишди. Музокаралар чиндан ҳам фабрикаларда ўғирликлар рўй бераётгани, бу концерннинг иқтисодий аҳволига жиддий таъсир кўрсатаётганини исботлади.

– Биз қўлдан келган барча чораларни кўряпмиз, – деди фабрика бошқарувчиларидан бири. – Лекин қўл остимда мингдан ортиқ ходим ишлайди. Фабрика ҳудуди жуда катта. Ҳар бир ишчини мунтазам назорат қилиб бўлмайди.

– Бу қанақаси? – бўғилди концерн раҳбари. – Мен эртадан кечгача корхонамни ривожлантириш устида тинмай бош қотирсам-у, сенлар топган-тутганимни ўғирларга ем қилсаларинг. Сенларга нима учун маош тўлаяпман. Бугуннинг ўзида, ҳозироқ бу муаммога барҳам берасанлар. Қандай ёрдам керак бўлса, берман. Лекин, шундай қилинглarki, ишчилар фабрикадан биттаям пойабзални олиб чиқиб кетмасин.

Залда жимлик чўқди. Шунда, иккинчи фабриканинг бошқарувчиси журъатсизлик билан сўз олди:

– Ўртоқ бошлиқ, рухсат берсангиз, менда бир фикр туғилди. Тўғри, бу иш бироз ғалати туйилиши мумкин. Аммо, шу усулни қўлласак, фабрикалардаги ўғирликлар тамоман барҳам топади.

– Хўш, қулоғим сенда? – деди раҳбар қовоғини очмай.

Фабрика бошқарувчиси таклифини айтгач, залдагилар кулиб юборди. Раҳбар эса қўлини кўтариб, уларни тинчитди.

– Менимча, бу таклифда жон бор. Қўллаб кўрамиз.

Эртаси кундан янги таклиф амалиётга жорий қилина бошлади. Бир ой деганда кўрсаткичлар бутунлай ўзгарди. Чиндан ҳам ўғирлик мутлақо йўқолиб кетди.

*Уйлаб кўринг-чи, иккинчи фабрика бошқарувчиси қандай таклиф берган бўлиши мумкин?*

### *Қирқ биринчи ҳикоя*

## **ОҚИЛОНА ЖАВОБ**

Қадимда Шарқ мамлакатларидан бирида бир ғалати подшоҳ ҳукмронлик қилганди. У вазирлар орасида ўтирганида баъзида ишониш қийин бўлган бемаъни гапларни айтиб қолар, сарой аъёнлари унинг бу феълини билишар, аммо ҳеч ким унинг гапларига эътироз билдирмасди.

Кунларнинг бирида бу мамлакатга қўшни юрт шоҳи ўз элчисини юборадиган бўлиб қолди. Бу хабарни эшитган сарой аъёнлари саросимага тушиб қолишди. Ахир элчи билан учрашув чоғида подшоҳ ўз одатига мувофиқ тарзда бўлар-бўлмас гапларни айтаверса, элчи қандай хаёлга бориши мумкин? Ундан ҳам ёмони, элчи подшоҳнинг телба-тескари гапларини ўз ҳукмдорига бориб етказса нима бўлади? Ахир қўшни мамлакат шоҳи мана шундай калтабин, аҳмоқ киши ҳукмронлик қилаётган мамлакатга қўшин тортиб келса, бутун юртга қирғин ёғилмайдими?

Сарой аъёнлари элчининг ташрифидан сал аввалроқ йиғилишиб, подшоҳ учрашув давомида нима демасин, унинг гапларини оқилона талқин қилишга келишиб олишди. Ниҳоят, саройга қўшни мамлакат элчиси ташриф буюрди. Бутун сарой аҳли уни катта тантана билан кутиб олди. Элчи шарафига дабдабали зиёфат ҳам уюштирилди. Вазирлар агар подшоҳ «қовун тушириб» қўядиган бўлса, унинг гапини «шарҳлаб» беришга ҳозир ру нозир бўлиб туришарди.

Ниҳоят подшоҳ жим тураверишни ўзига лозим топмай, гап бошлади:

– Бир куни сарой ҳовлисига чиқиб турсам, осмондан итнинг акиллагани эшитилиб қолса бўладими?

Элчи бу гапни эшитиб ҳайратда қолди. Ахир ҳеч замонда ит ҳам осмондан акилларканми? Унинг юзидаги таажжуб ифодасини кўрган вазир, томоқ қириб, изоҳ берди:

– Элчи жаноблари, бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Бу чиндан ҳам юз берганди. Биз ҳам подшоҳимизнинг ёнларида тургандик ўша пайтда. Ростдан осмондан ит акиллагани эшитилди. Қарасак, бир каттакон бургут кичкина кучукваччани чангалига олиб учиб кетяпти. Кучук эса унинг чангалидан қутулиш учун жон ҳайбатида акиллаяпти. Подшоҳимиз ўша воқеани эсга олдилар.

Элчи бу гапга ишонч ҳосил қилди ва таом тановул қилишга ўтди. Вазирлар ишқилиб подшоҳ яна битта бемаъни гап айтиб қолмасин-да, деган хавотирда унинг оғзини пойлаб туришарди. Подшоҳ ул-бул еган бўлиб, яна элчига юзланди.

– Бир куни қизиқ иш бўлди. Вазирларим билан овга чиққандик. Узоқдан битта кийикни кўриб қолдим. Шартта елкамдаги камонни қўлга олиб, унга қараб ўқ уздим. Ўқ кийикнинг оёғидан кириб, қулоғидан чиқиб кетди.

Бу гапни эшитган элчи ҳам, вазирлар ҳам қотиб қолишди. Бу қанақаси бўлди? Вазирлар ҳам танг аҳволда қолишганди. Шоҳнинг гапига бирор ақлли изоҳ берилмаса, элчи унинг ақли жойида эмас, деган хаёлда ўз юртига қайтади. Бу эса яхшиликка олиб келмайди. Аммо шоҳнинг вазирларидан бири бу гапни шу тариқа чиройли изоҳлаб бердики, бу гал ҳам элчининг шубҳалари ўз-ўзидан йўққа чиқди. Хайриятки, подшоҳ бошқа ҳеч қандай алмойи-алжойи гапларни гапирмади. Элчи ҳам шоҳнинг ақлу заковатига шубҳа қилмаган ҳолда ўз мамлакатига қайтиб кетди.

*Вазир подшоҳ айтган бу лофни қандай «шарҳлаган»?*

*Қирқ иккинчи ҳикоя***ХАТГА ТУШДИНГ, ЎТГА ТУШДИНГ...**

Ўрта аср Европа шаҳарларидан бирида диний байрам кенг нишонланаётган пайт. Шаҳар ҳокими бундай байрамлар арафасида зиндондаги гуноҳи енгилроқ маҳбусларни озод қилиш ҳақида буйруқ чиқарарди. Шу тариқа ҳар йили жуда кўп инсонлар озодликка чиқарди.

Бу йил ҳам шундай бўлди: судьялар барча маҳбуслар ҳақидаги маълумотномаларни ҳоким ҳузурига олиб киришди. Ҳоким кези келганда турли кўнгилхушликларни уюштириб турадиган ҳазилкаш одам эди. Аммо, унинг ҳазиллари гоҳида инсоф чегарасини ошиб ўтарди. У айрим маҳкумларни шунчаки эрмак учун турли усулларда ўлдиришни ёқтирарди. Гоҳида уларни турли саволлар, мантиқий ўйинлар билан синаб кўрар, бу синовлардан ўта олган маҳбусларга ростдан ҳам озодлик насиб этарди.

Бу гал ҳам ҳокимнинг яна ана шундай дилхушлик қилгиси келиб қолди. Оғирроқ жиноят сабабли узоқ йилга озодликдан маҳрум қилинган тўрт шерикнинг жиноят иши билан боғлиқ маълумотларга кўз ташларкан, миясида ажойиб бир ўйин ғояси туғилди.

Маҳбуслар ҳақида барча маълумотларни суриштириб бўлгач, қамоқхона нозирига юзланди.

– Сен бу тутқунларга бориб менинг буйруғимни етказ. Улар эртагача бир варақ қоғозда ўз исм-фамилияларини ёзиб беришсин. Ҳамма исм-фамилиялар тўлиқ ва аниқ-равшан бўлиши лозим. Тўқима исм ўйлаб топишни хаёлларига ҳам келтиришмасин. Чунки улар ҳақида ҳамма маълумотлар бизда бор. Шарт шуки, рўйхатнинг бошида турган одам қатл этилади, қолганлари эса озодликка чиқарилади. Агар ақл-фаросатни ишлатишса, тўртови ҳам озодликка чиқади. Акс ҳолда, тирик қолиш учун эрталабгача бир-бирини ғажиб ташлайди.

Қамоқхона бошлиғи топшириқни олиши билан ҳалиги маҳбуслар ётган турмага югурди. Уларнинг ёнига кириб, бу ғаройиб буйруқнинг мазмунидан хабардор қилди. Кейин хунук тиржайганча камерани тарк этди.

Торгина камерада совуқ жимлик чўкканди. Ҳамма бир-бирига душман кўзи билан қарай бошлаганди. Кейин бирма-бир ушбу буйруқ ҳақида ўз фикрларини билдира бошлашди. Баҳс жанжалга айланишига бир баҳя қолганида, уларнинг ичида ёши каттароғи ғалати таклиф киритди.

– Мен ҳокимни биламан, у кўнгилхушликни ёқтиради. Биз шундай чора топишимиз керакки, биз тутган йўл унга маъқул бўлсин. Шунда у бизнинг ҳаммамизни озодликка чиқариб юбориши мумкин.

– Хўш, қанақа йўл тутсак бўлади?

Кекса маҳбус бир варақ қоғозда тўрт кишининг исм-фамилиясини ўзига хос тарзда битиб берди. У тутган йўл қолганларга ҳам маъқул бўлди. Эртаси куни қамоқхона нозири ҳалиги рўйхатни олиб, ҳоким хузурига югурди. Ҳоким ҳалиги қоғоз парчасига кўзи тушиши билан кулиб юборди:

– Оббо шоввозлар-ей, боплашибди-ку? Ўзимам худди шундай йўл тутишса, уларни қўйиб юбораман, деб тургандим. Ақлли одамлар экан. Ҳаммасини кечирдим, уларни қўйиб юборинг.

Шу тахлит тўрт маҳбус бараварига эркинликка чиқибди.

*Ўйлаб кўринг-чи, улар исм-фамилияларини қандай тартибда ёзишган?*

### *Қирқ учинчи ҳикоя*

## **СОАТДАГИ СИР**

Воқеа Россиянинг йирик шаҳарларидан бирида юз берганди. Шаҳар чеккасидаги бир квартирада икки талаба Таня ва Лена ижарада яшашарди. Кунларнинг бирида кечки пайт Танянинг астойдил пардоз қилаётганини кўрган Лена сўради:

– Тушунарли, демак, ҳозир янги севгилинг билан учрашувга чиқасан?

– Ҳа, – деди Таня лабларига дид билан лаббуёқ сураркан. – Анчадан бери кўришмагандик. Аввал концерта тушамиз, кейин бирор ресторанда овқатланамиз.

– Жуда кеч келаркансан-да? – сўради Лена хаёлчанлик билан.

– Ҳа, эшикни ичкаридан беркитмасанг ҳам бўлади, – деди Таня кўзгудаги аксига боқиб. – Мен қачон қайтишимни аниқ айтолмайман. Жуда кеч қайтсам, уйқунгни бузмаслик учун қўнғироқ тугмасини босиб ўтирмайман. Ўзим сени безовта қилмасдан эшикни ўз калитим билан очиб киравераман.

– Оқшом келмай қолишинг ҳам мумкинми?

– Аниқ бир нарса деёлмайман, – пардозида давом этди Таня ва шўхчанлик билан кўз қисди. – Балким, келмасман?

Таня чиқиб кетгач, Лена бироз тамадди қилиб олди-да, уй юмушларини бажариб бўлгач, дарсларини тайёрлади. Қайсидир китоб керак бўлганида дугонасининг хонасига кириб, унинг дарслигини олиб чиқди. Уй вазифаларини битиргач, китобни жойига қўйиш учун дугонасининг хонасига кирди. Негадир ўзини хиёл ҳорғин ҳис этди. Бироз дам олгиси келдию, дугонасининг каравотига ўзини ташлади. Негадир Танянинг каравоти ўзиникига нисбатан анча юмшоқ, ёқимли туйилди. Шу заҳоти чироқни ўчирдию, уйқуга кетди.

Таня қайтиб келганида тун ярмидан оққанди. Дугонасини уйғотиб юбормаслик мақсадида эшикни секин очиб, оёқ учида ўз хонасига кирди. Чироқни ҳам ёқиб ўтирмай, каравотига ўзини ташлади. Уни романтик оқшом таассуротлари ҳануз тарк этмаганди.

Володя билан танишганига икки ойча бўлди. Очиғи, у билан шунчаки дўстона гаплашиб юраман, деб ўйлаганди. Аммо муносабатлар чуқурлашиб кетди. Вазият шу



даражага бориб етдики, аввалги севгили Серёжага эътибор ҳам қаратмай қўйди. Албатта, Серёжа бундан хабар топиб, анча-мунча тўполон кўтарди. Бақирди-чақирди, ҳатто Таняга таҳдид ҳам қилиб кўрди. Аммо, начора, юракка буюриб бўлармиди? Янги муҳаббат унинг қалбидан эски ҳисларни сиқиб чиқарди... Тўғри-да, Володянинг олдида Серёжа ким бўпти? Володя жуда маданиятли, ақлли, чиройли! Тагида «иномарка»си, шаҳар марказида уч хонали квартираси бор. Серёжа-чи? Фирт жанжалкаш, қўпол, ароқхўр. Бунинг устига фирт дарбадар. Бу квартирага ҳам илгари кўп келиб турарди, ҳатто унга калитнинг бир нусхаси ҳам бериб қўйилган.

Лекин Лена Таняга қатъий талаб қўйди.

– Мен сенинг бу «дўст»ингдан жуда қўрқаман. Илтимос, у уйимизга келмасин. Ёки мен чиқиб кетайми?

Ҳарқалай Серёжа ҳам курашиш бефойдалигини англадими, чекинди. Мана, бир ҳафтадан бери телефон ҳам қилмайди, қадами ҳам узилган...

Танянинг хаёлини кўчадан келаётган машина овози бузди. Кўзларини катта-катта очган чоғида машина чироғининг ўткир нурлари дераза тўғрисидаги девор соатига урилдию, Таня донг қотди. Ўрнидан сапчиб туриб, чироқни ёқди. Даҳшат! Каравотининг тагида Ленанинг қонга беланган жасади ётарди.

...Полиция шу куниёқ ишга киришди. Тергов ва суриштирув натижасида маълум бўлишича, Серёжа ўша оқшом ярим кечаси қўлидаги калит билан квартирага кирган, Танянинг хонасига кириб, каравот устида қотиб ухлаётган қизни пичоқлаган, кейин жасадни каравотнинг тагига киритиб, ўзи ғойиб бўлганди. Албатта, қотил ўз айбига яраша жазога тортилди.

*Фақат биргина савол очиқ қолмоқда. Таня нега девор соатига қараб қўрқиб кетди?*

*Қирқ тўртинчи ҳикоя***ТҮРТ ХОНАЛИ СОН**

Воқеа Озарбайжоннинг чекка ҳибсхоналаридан бирида юз берганди. Соқчилар ёш, келишган, кўркам бир йигитни кекса бир чол ўтирган камерага киритишди.

– Хўш, ўғлим, нима бўлди? – сўради чол йигитга ачиши билан кўз ташларкан. – Шу ёшингда қандай номаъқул ишга қўл урдинг.

– Э, отахон, – йигит сим каравотга ўтираркан, пешонасини муштиради. – Автоҳалокат. Одам уриб юбордим. Хаёл билан кўрмай қолибман.

– Эҳ, ёшлар, ёшлар, – кулимсиради қария. – Хўш, нима бўлганди ўзи? Нимани ўйлаб келаётгандинг?

Йигит бироз жим қолди. Кейин эса бошидан ўтганларни ҳикоя қилишга тушди.

– Отахон, асли боқуликман. Ўқишга киролмадим. Отам «тўйингга ўзинг пул топарсан» деб, янги машина сотиб олиб берди. Таксичилик қилиб, кунимни кўриб юргандим. Асосан аэропорт олдидаги майдончада турар, янги келган меҳмонларни манзилига олиб борардим.

Кунларнинг бирида Боку – Москва рейсидан тушган ёшгина, ҳаддан ташқари гўзал рус қизи тўғри менга томон юриб келди. Бокуга икки кунлик иш билан келгани, шу вақт давомида уни бутун шаҳар бўйлаб олиб юрсам, яхшигина ҳақ тўлашини айтди. Очиғи, мен бу қизни бутун умр текинга машинада олиб юришга ҳам тайёр эдим.

Қиз ҳақиқатан ҳам жозибали, маданиятли, камгап эди. У бошқа рус қизларига ўхшамас, ҳатто кўзимга тик қараб гапиришга ҳам ҳаё қиларди. Шу боис, унга ортиқча гапиришни ўзимга эп билмадим. Икки кун давомида у билан бутун шаҳарни айландик. Ичери шаҳар, Қиз қалъаси, Ширвоншоҳлар саройи, Бульвар... Очиғи унга шу қадар боғланиб қолгандимки, икки кун ҳеч қачон тумамаслигини истардим. Ростини, мен уни севиб қолгандим.

Аммо бу ҳақда оғиз очишга журъатим етмади. Балки, унинг севгилиси бордир? Балки, турмушга чиққандир? Нима қилай, қизлар билан мулоқотга киришишга уқув-сизлигим панд берди.

Балки, қизнинг ўзи ҳам менга бирор раъбат билдирганида, бироз дадилланармидим? Ҳатто унинг телефон рақами, электрон манзилини ҳам сўрамабман. Унинг шаҳардаги ишлари битгач, уйига қайтадиган бўлди. Аэропортга етиб келганимизда, биргина савол беришга журъат этдим.

– Икки кунда шаҳримизни кездингиз, сизга энг ёққанни нима бўлди?

Қиз кулимсираб, сумкасидан бир варақ қоғоз чиқарди. Унда тўрт хонали сон ёзилганди. Қиз шундай дея, бир даста долларни ўриндиқ устига ташлаб, машинадан тушиб кетди. Мен эса пулга эътибор ҳам бермай, қўлимдаги ёқимли атир ҳиди уфуриб турган қоғоз парчасини юзимга босганча қолавердим.

Қизни жўнатиб юборгач, шаҳар бўйлаб бемақсад изғир эканман, кўз олдимда шу тўрт хонали сон кетмасди. Хаёл билан бўлиб, йўлни кесиб ўтаётган кампирни кўрмай қолибман... Шифохонага етмаёқ кампирнинг жони узилди. Мени суд қилишди. Беш йилга қамашди. Аммо мени умримнинг беш йили панжара ортида ўтиши ҳам ўйлантираётгани йўқ. Ҳамон ўша жумбоқни ечолмай юрибман...

– Ўша қоғоз ёнингдами? – сўради йигитдан кекса маҳбус.

– Албатта! – йигит шоша-пиша чўнтагидан ўша қоғоз парчасини олиб кўрсатди. Қоғозга бир қарашдаёқ тўрт хонали сон аниқ-тиниқ кўзга ташланарди: 1361.

Чол бироз тикилиб турди-да, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

– Ўғлим, сен наҳотки бу сонларнинг тагига етолмадинг?

– Йўқ, – йигитнинг қароқлари порлади. – Нима, сиз унинг маъносини тушундингизми?

– Бўлмасам-чи? – дея чол қоғоздаги сирни тушунтириб берганида, йигит «эх» дея пешонасига муштлади.

*Айтинг-чи, бу сон қандай маънони англатган?*

### Қирқ бешинчи ҳикоя

## КЎПРИК ОСТИДАГИ МУАММО

Ёзнинг илк кунлари. Тонналаб ҳўл мева юкланган контейнер шимолдаги гавжум шаҳарларнинг бири томон йўл олганди. Юк машинасини ёшгина ҳайдовчи бошқарар, унинг ёнида юкнинг ҳақиқий эгалари – кексароқ эркак ва ёшгина йигит кетиб боришарди.

Йўл узоқ, машина шу пайтгача уч кун йўл босгани учун ҳар учала ҳамроҳнинг юз-кўзларида ҳорғинлик сезилиб турарди.

– Барибир янги машина бошқача-да, – деди ҳайдовчи жим кетишни ўзига эп билмай. – Мана, уч кундан бери маза қилиб кетяпмиз. Йўлда машинанинг бирон ери тик этгани йўқ. Айниқса, мана бундай трассаларда шамолдек учади.

– Барибир эҳтиёт бўлиб ҳайданг, – деди кекса савдогар. – Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, дейишган. Бу машина билан узоқ йўлга энди чиқишингиз. Ҳали унинг феъли-хўйи, паст-баландини билмайсиз.

– Сизам гапни жа оласиз-да, – мийиғида илжайди ёш савдогар. – Йўлнинг паст-баланди, одамнинг феъли-хўйи бўлади. Бу машина, бир уюм темир-да!

– Амаки тўғри айтяптилар, – деди ҳайдовчи йўлдан кўз узмай. – Машинанинг пасти-баланди бўларкан. Мана янги машинам аввалгисидан 40 сантиметрга баландроқ.

– Нима фарқи бор? – қўл силтади ёш савдогар. – Машина бир-икки қарич баланд бўлди нима, паст бўлди нима?

Ҳамроҳлар яна жимиб қолишди. Юк машинаси поён-сиз саҳрони қоқ иккига бўлган текис, равон йўлдан кетиб борар, ярим кечаси бўлгани учун қарама-қарши йўлдан келаётган камдан-кам машина кўзга ташланарди.

Узоқдан ушбу катта йўлни тепасидан ўтган кўприк кўзга ташланиши билан кекса савдогар сергакланди.

– Машинани секинлаштиринг, кўприкка яқинлашяпмиз.

– Нега? – ҳайдовчи ҳамроҳининг мақсадини тушун-маса-да, машинани секинлатди.

– Машинангиз олдингисидан 40 сантиметр баланд, тўғрими? Лекин мана бу кўприк йўлимиздаги энг паст кўприк. Контейнер унинг тагидан ўтолмаслигидан кўрқяпман.

– Э, ҳайдайверинг, ўтади, – уйқусираб гапга аралаш-ди ёш савдогар. Ҳайдовчи эса кимнинг гапига киришни билмасди.

– Тўхтатинг ҳозироқ!

Машина кескин тормоз босилганидан кейин ҳам бир неча ўн метрча юриб кейин чийиллаганча тўхтади. Бу пайт контейнер бортининг тепаси бетон кўприкнинг пастки қисмига жуда-жуда яқинлашиб қолганди.

Ҳар учала ҳамроҳ машина салонидан пастга тушиш-ди. Кекса йўловчи ён тарафдан машинанинг борти ва кўприк ости оралиғини чамалаб кўрди.

– Худо бир асрабди, – деди ниҳоят бош чайқаб. – Бу кўприкнинг лойиҳасини ким чизганини билмадим-у, лекин ҳозирги янги машиналарни эътиборга олмагани аниқ. Машинанинг баландлиги кўприк ости билан де-ярли барабар. Агар машинани тўхтатмай кириб кетга-нимизда, энг яхши ҳолатда ҳам кўприк тагида тиқилиб қолган бўлардик.

– Уф, молни эртага тушгача буюртмачига етказишимиз керак, – деди ёш савдогар бош қашлаб. – Ҳўл мевани узоқ ушлаб бўлмайди. Бунақада кеч қолиб кетамиз-ку?

Ҳайдовчи кекса савдогарнинг тавсияси билан кўприк ва машина бортининг ҳақиқий баландлигини ўлчаб чиқди.

– Лоақал машинамиз 2 – 3 сантиметр пастроқ бўлганида ҳам бемалол ўтиб кетарканмиз, – дея хулоса ясади ҳайдовчи.

Боядан бери бу мунозарадан ўзини четга тортиб турган ёш савдогарнинг бирдан кўзлари чақнаб кетди:

– Топдим...

Унинг таклифи ҳамроҳларга ҳам маъқул тушди. Контейнер бу усул билан кўприк остидан бемалол ўтиб кетди.

*Айтинг-чи, ёш савдогар қандай таклиф билдирган бўлиши мумкин?*

### *Қирқ олтинчи ҳикоя*

#### **ОЗОДЛИК ЭШИГИ**

Жанг тугагач, ғолиб султон ҳузурига мағлуб қўшиннинг асир тушган саркардасини олиб келишди. Саркарда султонга мағрур кўз тикиб турарди. Чамаси уни қандай қисмат кутаётгани саркарда учун энди ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасди.

– Сен жуда яхши урушдинг, – деди султон унга кинояомуз тикилиб. – Лекин биз барибир ютиб чиқдик. Хўш, бу ёғига нима дейсан? Сени нима қилсам экан?

– Тан оламан, сизнинг қўлингиз баланд келди, – деди саркарда ўзини йўқотмай. – Жангнинг қоидаси шу, кимдир ютади, кимдир ютқизади. Тақдирим сизнинг қўлингизда. Лекин пойингизга тиз чўкиб, омонлик сўрамоқчи эмасман. Сиз тарафга ўтиб жанг қилишни ҳам истамайман. Ҳақиқий жангчи жанг майдонида ўлиши керак эди. Аммо, афсуски, ғафлатда қолдим, мени асирга олишди. Тезроқ буюринг, мени қатл этишсин.

Султон худди унинг сабрини синамоқчидек саркардага синовчан тикилиб қолди.

– Қанчалик мардлигингни яна бир бор намойиш этдинг, – деди султон унга ҳавасманд боқиб. – Сендан

бошқача жавобни кутганим ҳам йўқ. Аммо, ана шу мардлигинг ва жасурлигинг ҳаққи, сенга бир имкони-ят бераман. Сен жуда ақллисан. Агар ақлингни муносиб тарзда ишлата олсанг, марра сеники. Сени озод этаман.

Шундай дея султон ўзи ўйлаб қўйган қизиқарли ўйин шартини саркардага маълум қилди. Ушбу ўйин шартига кўра, саркардани қоронғи бир хонага олиб киришди. Бу хонанинг яна икки эшиги бўлиб, ҳар икки эшикни биттадан сарбоз қўриқларди. Эшиклардан бири мутлақ озодликка, иккинчиси умрбод тутқунликка олиб борарди. Сарбозлардан бири ҳар доим ёлғон гапирар, иккинчиси эса ҳамишга рост сўзларди. Албатта, ҳар бир сарбоз қайси эшик қаерга олиб чиқишини яхши биларди.

– Мана, қаршингда икки эшик ва икки сарбоз, – деди султон саркардага қараб. – Сен табиийки, уларнинг қайси ростгўй, қайси ёлғончи эканини билмайсан. Сен уларнинг фақат биттасига ўзинг истаган бир саволни берасан. Сарбоз берган жавобдан тўғри хулоса чиқариб, эшиклардан бирини танлайсан. Агар аниқ ишонч билан озодлик эшигини топа олсанг, тўрт томонинг қибла. Тутқунлик эшигини танласанг, умрбод зиндонда қоласан.

Саркарда биларди: султон гарчи душман томоннинг ҳукмдори бўлса-да, у мард, ҳеч қачон алдамайди. Агар унинг мақсади саркардани чиндан ўлдириш ё ҳибс этиш бўлганида, бунақа шарт қўйиб ўтирмасди. Демак, ўйин шартларини пухта англаб, ақл юритса, яна ўз юртига – оиласи бағрига қайтиши мумкин.

У анчайин ўйлаб тургач, кўзлари қувончдан чақнаб кетди. У нажот йўлини топганди. У сарбозлардан бирига шундай бир савол бердики, унинг жавобига қараб, қайси эшик қаерга олиб чиқишини дарров англаб ета олди.

*Ўйлаб кўринг-чи, саркарда сарбозларга қандай савол берган бўлиши мумкин?*

## Қирқ еттинчи ҳикоя

**ОРОЛДА ЧИҚҚАН ЁНҒИН**

...Санокли тадқиқотчилардан иборат экспедиция аъзолари архипелагининг энг чекка қисмидаги бу оролга эсон-омон етиб келишгач, уларни бу ерга олиб келган кема ортига, бундан бир неча юз мил наридаги оролга қайтиб келганди.

Орол унчалик катта эмасди. Унинг ҳамма ёғи паст бўйли буталар билан қопланган, ёзнинг жазирама ойлари бўлгани боис, буталар қовжираб кетганди.

– Ҳавоси яхши экан, – деди экспедиция раҳбари Шарқ тарафдан эсаётган енгил шамолга кўксини очиб. – Бу ерларга анча салқин тушиб қолибди. Лекин жазирама аллақачон бутун оролни ўз забтига олган кўринади. Буталарнинг қуриб-қақшаганини қаранглар.

– Ҳа, анчадан бери ёмғир ёлмаган кўринади, – деди тадқиқотчилардан яна бири.

Шу тариқа тадқиқотчилар оролни қадам-бақадам ўрганишга киришишди. Улар оролнинг бутун манзарасини суратга олишди. Орол Шарқдан Ғарбга томон кўтарилиб борарди. Унинг уч тарафи баланд қоялардан иборат, кема фақат нишабликдан иборат Шарқий соҳилдагина тўхтаётди оларди.

Айнақса, баланд қоялар этагидан туриб пастга қараш ҳам завқли, ҳам қўрқинчли эди. Бу ердан қирмизи уфққа туташиб кетган уммон айрича кўриниш касб этар, аммо бу баландликдан пастга сакрашни тасаввур қилишнинг ўзиёқ даҳшатли эди.

– Бу орол баҳорда нақадар чиройли бўлса керак-а? – деди ҳамроҳлардан яна бири орзумандлик билан.

Экспедициянинг бир неча кунга етарли озиқ-овқати бор эди. Шу боис бу ерда чодир тикиб бир муддат қоладиган бўлишди.

Кунлар ўтиб борар, экспедиция ҳам чамаси ўз зиммасидаги ишни бажариб бўлганди. Фақат архипелагининг



марказидан келиши керак бўлган кемани кутиш қолганди, холос.

– Бу ерда уяли алоқа ҳам ишламайди, – деди экспедиция раҳбари қўл телефонига умидсиз термилиб, кейин эса ёрдамчисига буюрди. – Келишувимиз бўйича кема бугун келиши керак. Сен шарқий соҳилдан хабар олиб кел. Узоқдан кема кўриниши билан менга хабар қиласан.

Ёрдамчи ёлғиз ўзи пастга, шарқий қирғоқ томонга кетди. Ёрдамчи жуда ёш, тажрибасиз эди. Бир муддат соҳилни кезиб юрди, олисдан ҳеч қандай кеманинг қораси кўринмасди. Беихтиёр чўнтагидан сигарет чиқариб, лабига қистирди. Гугурт чақиб сигаретасини ёндиргач, ҳали ўчиб улгурмаган чўпни хаёлчанлик билан ерга улоқтирди.

Қуруқшаб ётган буталар бирданига гуриллаб кетди. Ёрдамчи аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Олов шиддат билан ёйилиб борарди. Ёрдамчи жонҳолатда тепаликка, қоялар лабида турган шериклари тарафга югурди. Шарқдан эсаётган шамол ёнғинни янада кучайтириб юборди. Бир зумда олов оролнинг шарқий қисмини эгаллаб олди. Қолган уч томондан денгизга тушишнинг иложи йўқ эди.

– Олов, олов... – деди ёрдамчи шериклари олдига араб етиб келаркан. Чиндан ҳам пастдан ёнғин қуруқ буталарни ямлаб келарди. Экспедиция аъзолари танг аҳволда қолди.

– Ёнғин узоғи билан бир соатда биз турган жойга етиб келади, – деди экспедиция раҳбари. – Тезроқ бир йўлини топмасак ҳалок бўламиз.

Вазият ўта қалтис эди. Тезда бирор қарорга келиш керак. Қоялардан пастга сакраш ўлим билан барабар. Мўр-малахдай бостириб келаётган оловнинг ҳам устидан ҳатлаб бўлмайди. Шарқдан эсаётган шамол ёнғиннинг ғарбга томон ҳаракатини янада тезлатмоқда.

Худди шу аснода экспедиция аъзоларидан бири антиқа таклиф берди. Бу таклиф аввалига бироз эриш

туйилса-да, бошқа чора қолмаганди. Шу усулни қўлашганди, экспедициянинг ҳамма аъзолари омон қолди. Кўп ўтмай кема келиб, уларни архипелаг марказига олиб кетди.

*Айтинг-чи, улар ёнгин балосидан қай усулда омон қолишди экан?*

*Қирқ саккизинчи ҳикоя*

### **АЖОЙИБ ТАМАДДИ**

Оила аъзолари ҳамиша дастурхон бошида жамул-жам бўлиб, тамадди қилишарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жамила опа дастурхонга қандай емак ҳозирлаш кераклиги ҳақида унча бош қотириб ўтирмади. Хаёлига биринчи бўлиб урилган таомни ҳозирлашга киришди. Газнинг қулоғини бураб, масаллиқни қозонга солди.

Жамила опанинг бир-биридан шўх уч фарзанди онасининг ҳар бири ҳаракатини кузатиб турарди. Жамила опа дўкондан ул-бул харид қилиш учун кўчага чиқиб кетган пайтда катта ўғил, етти ёшли Фарҳод секин қозонга қаради. Стол устида турган туздонни қўлида олиб, қозонга бир ҳовуч тузни ташлади. Бу ҳолатни кўриб турган унинг укаси олти ёшли Дилшод ҳам акасининг изидан келди. Оёғининг тагида кичикроқ стулча қўйиб стол устида турган туздонни олди ва у ҳам акасининг ишини такрорлади.

– Энди овқатимиз роса шўр бўлиб кетса керак, – айёрона кулимсиради Фарҳод.

– Мен туздондаги қолган тузни қозонга бўшатдим, – мақтанди Дилшод.

– Мен ҳам, мен ҳам қозонга туз ташлайман, – хархаша қилишга тушди кичкинтой Озод. – Агар менгаям туз топиб бермасаларинг ҳаммасини ойимга айтиб бераман.

Дилшод ва Фарҳод бир-бирига қараб қолди. Бироздан сўнг Фарҳод токчада турган бир қути тузни олиб,

кичкина укасига тутқазди. Хуллас, кенжатой ҳам акаларидан орқада қолишни истамеди. Акаларининг ёрдамида икки ҳовучини тўлғазиб, қозонга туз солди.

Кўп ўтмай ойиси дўкондан қайтиб келди.

– Ойи, нега овқатга туз солмадингиз? – дея Жамиланинг оёғига эркалаб суркалди ўртанча ўғил Дилшод.

– Вой шумтака-ей. Агар сен шуни хоҳласанг, ҳозир туз соламиз-да! – у шундай дея кафтини тўлдириб, туз олди ва қозонга ташлади.

– Мен учун ҳам, мен учун ҳам туз соласиз, – ер тепинди кичкинтой Озод.

Жамила кулимсираб, яна бир чимдим туз олиб қозонга ташлади ва катта ўғлига ўгирилди:

– Балки сен учун ҳам туз солишим керакдир? – болаларидан осонликча қутулолмаслигини билган Жамила шундай дея қозонга яна бироз туз ташлади. – Бўлдими, энди учовингининг ҳам кўнглингиз жойига тушдими?

Болалар мамнун ирғишларди.

Тамадди пайтида оила бошлиғи Бекзод кириб келиши билан болалар жимиб қолишди. Жамила эрининг олдида дастурхон ёзди. Бу пайтда қозондаги овқат ҳам тайёр бўлиб қолганди.

– Хўш, бизни нима билан хурсанд қиласизлар? – сўради Бекзод дастурхон бошига келиб ўтираркан.

Шумтакалар негадир бир-бирига кўрқибгина тикилиб туришарди. Ниҳоят, овқат дастурхонга келтирилди. Одатга кўра, таомга биринчи бўлиб, оила бошлиғи кўл узатди. Таомдан татиб кўриб, хотинига юзланди:

– Ҳаммаси жойида, лекин туз эсдан чиқибди-ку?

Жамила узр дегандек бош ирғаб, шартта бўшаб қолган туздонга туз солиб эрининг олдида келтириб қўйди. Бекзод қорнини тўйғазиб мамнун жилмайди. Чамаси тамадди унга ёққан эди.

*Ўйлаб кўринг-чи, бу қандай овқат бўлиши мумкин?*

*Қирқ тўққизинчи ҳикоя***ҚИММАТГА ТУШГАН ЁЛҒОН**

Кунларнинг бирида Шарқ ҳукмдорларидан бири кўнгилхушлик қилишни истаб қолди. У бутун мамлакат бўйлаб ёлғончилар танловини ўтказмоқчи бўлди.

Танлов шартни қуйидагича эди. Иштирокчилар ўзлари тўқиган ёлғон билан шоҳни қойил қолдиришлари лозим эди. Агар шоҳ бирор гапни эшитиб, «бу ёлғон» деб юборса, ўша иштирокчи танловда ютган ҳисобланарди. Агар шоҳ «Ҳа, бундай бўлиши мумкин, ишондим» деса, иштирокчи енгилар ва унга жазо тариқасида юз дарра уриларди.

Бир зумда бу танлов ҳақида жарчилар бутун мамлакатга хабар тарқатишди. Катта мукофот умидида мамлакатнинг турли бурчакларидан лофчилар, ёлғончилар шоҳ саройига оқиб кела бошлашди. Шоҳ маълум вақтда талабгорларни қабул қилар, уларнинг ёлғон-яшиқларга тўлиб-тошган ҳикояларни мийиғида кулимсираганча эшитар, кейин эса киприк қоқмасдан «жуда ишонарли, нега ишонмаслигим керак экан», дея фикр билдирарди. Шу заҳоти сарбозлар уни олиб чиқиб калтаклашар, бечора лофчи саройга келганидан пушаймон бўлиб, аранг уйига қайтиб кетарди.

Мамлакатнинг бир бурчагига уч ака-ука лофчи яшарди. Лоф тўқишда ҳеч ким уларнинг олдига тушолмасди. Улар ҳам омадларини синамоқчи бўлиб, шоҳ саройига келишди. Шоҳ уларни бирма-бир қабул қилди.

Уч ойғайнининг каттаси ўзи тўқиган ёлғонни бошлади:

– Мен яқинда далага бир тарвуз уруғини ташлагандим. Тарвуз уч кунда униб чиқди. Уни сўйиш учун тепасига нарвон қўйиб чиқдим. Тарвузга эндигина пичоқ ургандим, пичоғим тарвузнинг ичига тушиб кетса бўладими? Дандон сопли пичоқ эди. Тарвузнинг ичига кириб уч кун қидириб, аранг топдим.

– Жуда ишонарли, – бош ирғади шоҳ. – Бунақа тарвузлар бизнинг полизда ҳам етиштирилади. Ҳар битта данаги буқадек келади.

Катта лофчини роса калтаклашди. Навбат ўртанчасига келди:

– Яқинда уйимизнинг олдидан оқиб ўтадиган ариққа балиқ илинармикин, қармоқ ташлаб ўтирсам, битта катта балиқ илиниб қолди. Шартта ушлаб уйга олиб кирдим. Балиқ шу қадар катта эдики, сўйганимдан кейин унинг қорнидан арабларнинг учта юк кемаси чиқса бўладими?

– Бўлади, – деди шоҳ тасдиқлаб. – Яқинда балиқчиларим тутиб келган балиқнинг ичидан бутун бошли Баҳрайн ороли чиқиб келди.

Хуллас, иккинчи лофчининг ҳам лофи иш бермади. У ҳам юз қамчини еб, ихраб-сихраб, қатордан чиқди. Навбат кенжа лофчига келди.

– Хўш, сен нима қилдинг? Тарвуз ўстирдингми, балиқ овладингми? – сўради шоҳ унга масхараомуз юзланиб.

Кенжа лофчи гапни чўзиб ўтирмади. Аммо, шундай бир гап айтдики, шоҳ ҳангу манг бўлиб қолди. Кенжа лофчининг гапини ҳукмдор тасдиқлашни ҳам, инкор этишни ҳам билмай қолди. Чунки ҳар икки ҳолатда ҳам у лофчига мукофотни бериши лозим эди. Ниҳоят, у шоҳнинг саройидан 100 тилла мукофотни олиб, акалари билан уйига равона бўлди.

*Айтинг-чи, кенжа лофчи шоҳга нима деган бўлиши мумкин?*

*Эллигинчи ҳикоя*

## **ПИХИНИ ЁРГАН ЖИНОЯТЧИ**

Воқеа 80-йилларнинг ўрталарида Тайванда юз берганди.

Кечки пайт нуфузли тадбиркор Хо Сингнинг иш телефони асабий жиринглади.

– Рафиқангиз қўнғироқ қиляпти, – деди гўшакни кўтарган котиба қиз.

Хо Синг гўшакни олиши билан хотинининг ваҳимали товушини эшитди:

– Ўғлимиз йўқ! Ўғирлаб кетишибди!

Хо Синг қандай тезликда ўз уйига етиб борганини билмайди. Аёли йиғлайверганидан кўзлари шишиб кетганди.

– Эшик тагидан манави хатни топиб олдим.

Тадбиркор шоша-пиша қоғозга кўз ташлади. Хат чап қўлда, қингир-қийшиқ ҳарфлар билан ёзилгани кўришиб турарди:

*«Жаноб Хо Синг! Ўғлингиз сиз учун қадрли экани аниқ ва умид қиламизки, таклифимизга розилик берасиз. Сизда 20 каратли мовий олмос борлигини биламиз. Албатта, бу олмос ўғлингизнинг жонидан арзон туради. Сиз эртага кечқурун ушбу олмосни шаҳар марказий хиёбонни ичида жойлашган телефон будкасига олиб келасиз. Қолган гапни ўша ерда гаплашамиз. Бизнинг талабимиз бажарилгач, ўғлингиз кечки пайт уйингизда бўлади».*

Хо Синг саросимага тушиб қолганди. Аввалига индамасдан номаълум кимсаларнинг талабини бажармоқчи ҳам бўлди. Аммо, бу фикрдан дарҳол воз кечди. Жиноятчи қимматбаҳо жавоҳирни олиб, болани қайтириб бермаса-чи? Тўловни яна икки баравар кўпайтирса-чи? Нима бўлганда ҳам у қўлга тушиши керак. Акс ҳолда эртага яна бошқа бировнинг боласини шу йўл билан ўғирлаб пул талаб қилади.

Ўйлай-ўйлай, охири полицияга мурожаат қилди. Шу заҳоти полиция ходимлари ишга киришди. Хатни экспертга беришди. Аммо бундан бир иш чиқмади. Демак, айтилган жойга жиноятчи ёки унинг шериги барибир келади. Шу боис хиёбонни ўраб олиш керак.

Эртаси куни хиёбоннинг пана жойларига қуролланган полициячиларни жойлаштириб чиқишди. Хо Синг ҳалиги олмос билан хиёбонга кириб келди.

Полиция қандай бўлмасин жиноятчи ёки унга алоқадор бирортасини ушлаб, шу орқали бу жиноятни фош этишга қаттиқ ишонганди. Аммо... Улар ўйлагандек бўлиб чиқмади.

Хо Синг будкага кириб, жиноятчининг тегишли кўрсатмасини бажарди. Жиноятчи ҳам ваъда қилганидек, унинг ўғлини қайтарди. Болани кўзларини боғлаб олиб кетишган, қайтариб опкелиш вақтида ҳам шу йўлни тутишган, бола фақат юзига ниқоб таққан одамларни кўрган, уларнинг ҳатто овозини ҳам эшитмаган.

Хуллас, полиция ҳар қанча уринмасин, на жиноятчи, на унинг шеригини топа олди.

*Сиз нима деб ўйлайсиз, жиноятчи будкадан олмосни қай тарзда қўлга киритган бўлиши мумкин?*

*Эллик биринчи ҳикоя*

## **ГУВОҲЛИК ИНОБАТГА ОЛИНМАДИ**

Чикагонинг чекка массивларидан бири. Жиноят оламига алоқадор, таниқли тадбиркор Баффало Феннининг жасади у яшайдиган меҳмонхона ҳужрасида топилди. У хонада турган электрон уйғоткич соатнинг сими билан бўғиб ўлдирилгани кўриниб турарди. Эрталабки 7:30га созланган соат 7:00 да тўхтаб қолганди.

Инспектор Винтерс жиноят тафсилотларини пухта ўрганишга киришди. Маълумотларга кўра, Баффало жиноят оламининг яна бир вакили «Жаллод» лақаби билан танилган Пит Сконс билан азалий адоватда бўлган. Инспектор уни чақириб сўроқ қилди.

У ашаддий қиморбозлиги билан танилган, казинодан уч-тўрт кунлаб чиқмаган пайтлари бўларди. У қотиллик юз берган пайтда ҳам «Рояль» казиносида шериклари билан покер ўйнаётган экан. Бунини у билан ўйнаётган шериклари ҳам, казино маъмурияти ҳам тасдиқлади.

Инспекторнинг боши қотганди. Баффалода яна кимнинг қасди бўлиши мумкин? Яқин орада унинг ким биландир шубҳали алоқалари ҳақида тайинли маълумот чиққани йўқ.

Баффалонинг ўлими, жасади унинг қачон, қаерда, қай ҳолатда топилгани, суриштирув жараёни ҳақида матбуотда бонг уриб ётарди.

Шу тариқа орадан бир ҳафтача вақт ўтди. Инспектор ҳануз бирор тайинли далил-исботни қўлга киритолмади. Кутилмаганда, паст бўйли, тепакал, соқолдор бир кимса уни йўқлаб келди. Никки исмли бу кимса инспекторга яхши таниш. Унинг жиноят олами билан ҳам яхшигина алоқаси бор. Зарур пайтларда у полицияга жиноятчилар ҳақидаги маълумотларни етказар, шунинг эвазига чойчақа олиб турарди.

Лекин Никкининг пул учун айрим ҳолларда ёлғон маълумотлар ёки далилларни топиб келиши ҳам инспекторга маълум эди. У баъзида суриштирув жараёни билан матбуотда танишиб, кейин гоҳида шу ҳолга мос тушадиган ёлғон далиллар, баҳоналар ҳам тўқиб, полициядан пул ундирмоқчи бўларди. Шу билан бирга унинг ёрдамида очилган жиноятлар ҳам йўқ эмасди.

– Беш юз долларга арзийдиган маълумот топдим, – деди Никки айёрона кулимсираб.

– Ўтган сафарга ўхшаб алдайман деб уринма, – дея хўмрайди Винтерс. – Сенинг феълингни яхши билиб олганман.

– Мени ранжитяпсиз, инспектор, – деди Никки ялтоқланиб. – Баффалонинг Бродвей Бэн деган қўшниси бор. Битта меҳмонхонада, битта қаватда туришади. У эрталаб йўлақдан ўтиб кетаётганида Баффалонинг эшиги чала очиқ турган экан. Аввалига у ичкарига қулоқ тутиб, будильникнинг чиқиллашидан бошқа ҳеч нарса ни эшитмаган, кейин рўпарадан келаётган «Жаллод»ни кўриб қолган. Бродвей Бэн пастга тушиб, янги газеталар билан танишган ва ярим соатлардан кейин яна ўз қава-



тига кўтарилган. Бу пайтда «Жаллод» Баффалонинг эшигидан чиқаётганди. «Жаллод» пастга тушиб кетгач, Бэн қўшнисининг ҳамон чала очиқ турган эшигига яна қулоқ солган. Бу сафар ҳатто будильникнинг ҳам чиқиллаши эшитилмаётганди. Шундан сўнг Бэн кийиниб ишга кетган. Қотиллик ҳақида унга кейин қўнғироқ қилиб айтишган. Шу пайтгача у қўрққанидан бу маълумотни яшириб юрган экан. Истасангиз, Бэнни чақириб келаман. Фақат беш юз...

– Сен ўша фирибгар танишинг билан мени чув туширмоқчисан, – дея энсасини қотирди инспектор. – Бор, бошимни қотирма, қиладиган ишларим кўп.

Никки тарвузи қўлтиғидан тушиб ортга қайтди.

*Айтинг-чи, инспектор унинг алдаётганини қаердан билди экан?*

*Эллик иккинчи ҳикоя*

## **АҲДИДАН ҚАЙТГАН ШОГИРД**

Бундан юз йиллар аввал Бағдоднинг чекка маҳаллаларидан бирида бир қария ёлғиз ўзи, фақирона умр кечирарди.

Кунларнинг бирида қош қорайган маҳалда уйда мудраб ўтирган чол эшикнинг туйқусдан тарақлаши сабабли сергак тортди. Қўлига фонусни олиб, дарвоза илгагини туширди. Бўсағада соқол-мўйлаби энди сабза ура бошлаган йигитча турарди.

– Сенга ким керак? – сўради чол йигитнинг саломига алик оларкан.

– Отахон, мен узоқ Басрадан келяпман. Сизга бир юмушим бор эди.

Чол кутилмаган меҳмонни хушламайгина уйига киритди. Унинг ҳужраси ҳам ўзига яраша, тор, зах, ортиқча лавозимотдан холи эди. Йигитча негадир ҳамма ёққа олазарак кўз югуртириб чиқди.

– Айбга буюрмайсан, ўғлим, – деди чол дастурхон устига икки бурда нон, уч-тўрт дона хурмо келтириб қўяркан. – Топганим шу бўлди. Ҳа, айтганча қайнонанг яхши кўраркан. Боя қозонга озроқ шўрва солиб қўйгандим. Насибанг қўшилган экан.

– Отахон, овора бўлманг, меҳмондорчилик учун келганим йўқ, – деди йигитча тавозе билан. – Сизнинг таърифингизни кўп эшитганман. Сизни ўз касбининг ҳақиқий устаси дейишади. Ҳамкасбларингиз орасида шу пайтгача сиздан ўтадигани чиқмаган экан.

– Ҳа, бир пайтлар шунақа дейишарди, – чол узоқ ўтмишни, сурурли ёшлик йилларини эслаб, ҳузурланиб кўзларини юмди. – Энди эса қаридим. Кўзимдан нур, белимдан қувват кетди.

– Наҳотки ортингиздан бирорта муносиб шогирд қолдиришни истамасангиз?

– Э, ўғлим, ким ҳам бу оғир касбнинг машаққатига дош берарди, дейсан? Шу пайтгача олдимга «мени шогирдликка олинг», деб келганлар кўп бўлди. Лекин ҳаммаси биринчи дарсдан кейиноқ жуфтакни ростлаб қолишади.

– Мен ҳам сизга шогирд тушиш учун олис йўл босиб келяпман, – қўлини кўксига қўйди йигитча. – Отахон, мен ҳар қанча машаққатга чидайман. Ишонинг.

– Ўғлим, ҳали ёш экансан. Яхшиси, ўзингга бошқа касб танлай қол.

– Йўқ, отахон, мен ҳаммасига тайёрман. Илтимос, йўқ деманг, бугундан бошлаб сизга садоқатли шогирд бўлай. Ҳозироқ дарсни бошлашингиз мумкин.

– Шунақами? – чолнинг хира кўзларида қувлик акс этди. – Тайёрман, дегин? Унда биринчи дарсни бошладик.

Чол кулимсираб ўрнидан турди ва кўп ўтмай иккита чети учган сопол косада овқат сузиб келтирди. Йигит йўл юриб очқаган эди. Қолаверса, шўрванинг хушбўй ҳиди унинг иштаҳасини очиб юборди. Чолнинг манзиратини кутмасдан косага қошиқ солганида, мезбон уни тўхтатди.

– Шошма, ўғлим, овқатни... чап қўл билан ейиш керак.  
– Бу қанақаси? – ажабланди йигит. – Болалигимдан ота-онам менга ўнг қўлда овқат ейишни ўргатишган.  
– Агар менга издош бўлмоқчи экансан, аввало чап қўлда овқат ейишни ўрганишинга тўғри келади.

Йигит ажабланиб чап қўлига қошиқни олди. Лекин негадир қўли қовушмай, овқатни дастурхонга тўкиб юборди.

– Ҳечқиси йўқ, ўрганасан, – деди чол чап қўли билан шўрва ичиб кўрсатаркан. – Биринчи дарс ана шундай бошланади, ўғлим.

– Майли, буни-ку ўрганарман, – деди йигит таажжубини яширмай. – Лекин бу ишнинг касбингизга қандай алоқаси бор?

Чол унинг гапига жавоб қайтариши билан йигит ўйланиб қолди. Кейин қошиқни косага ташлаб, ўрнидан турди:

– Отахон, узр, менга рухсат. Айтганингиздек, бошқа касб қидириб кўрарман.

*...Ўйлаб кўринг-чи, чолнинг касби нима бўлган ва у йигитга нима деганки, йигит ўз қароридан воз кечган?*

*Эллик учинчи ҳикоя*

## **ИККИНЧИ ПАРАШЮТ**

Воқеа бир неча ўн йиллар олдин рўй берганди...

Самолёт булутлар уммони бағрида бир текисда сузиб борарди. Йўловчилар ҳам бежавотир кетишар, кимдир газета ўқир, кимдир монитор орқали фильм томоша қилар, яна кимдир иллюминатор оша булутлар уюрини хаёлчан кузатарди.

Шу пайт самолёт бортида янграган жарангдор овоз ҳаммани сергак торттирди:

– Ҳурматли йўловчилар, илтимос, ваҳимага тушманг! Лекин, афсуски, мен қуроолланганман. Қўлимда ҳақиқий граната турибди. Агар экипаж аъзолари ва сиз

азизлар билан келиша олсак, барчангиз ўз манзилингизга эсон-омон етиб бора оласиз. Акс ҳолда, бутун самолётни ердан 10 минг метр баландликда портлатиб юбораман!

Ўттиз ёшлардаги, хушбичим, малласоч, юзида билинар-билинемас тиртиғи бор йигит қўлида лимон катталигидаги мосламани ушлаб турарди. Шу ондаёқ самолёт ичида саросима бошланди.

Кўп ўтмай бошқарув хонасидан чиқиб келган иккинчи учувчи имкон қадар юмшоқлик билан террорчи йигитга юзланди:

– Жаноб, биз ҳозироқ диспетчер хизмати билан боғланиб барча талабларингизни бажаришга ҳаракат қиламиз. Фақат салонда эмас, бошқарув хонасига ўтсак. Йўловчиларимизни ташвишга қўймайлик.

Бошқарув хонасида террорчи ўз талабларини маълум қилди:

– Ҳозироқ энг яқин орадаги аэропортга қўнишга рухсат оласиз. У ерга қўнишимиз билан аэропорт хизматчилари самолёт бортига 100 минг доллар пул ва иккита парашют олиб чиқишади. Қолганини кейин айтаман.

Ёрдамчи пилот яқин орадаги аэропорт диспетчери билан боғланиб, террорчининг талабини етказди. Аэропортдан қўниш учун рухсат берилди. Самолёт ерга қўниши билан аэропорт ходимлари террорчи айтган пул ва парашютларни чиқариб беришди:

– Умид қиламанки, пулларнинг ҳаммаси ҳақиқий, – у шундай дея пулларнинг ўртасидан бир нечтасини бармоқлари ила пайпаслаб кўрди, кейин ишонч билан қўшимча қилди. – Энди парвозни давом эттирамиз, – деди қўлидаги гранатани хотиржам айлантириб томоша қиларкан. – Мен ўзим хоҳлаган жойда самолётдан сакрайман.

Террорчидан ҳар қандай қабоҳатни кутиб турган учувчилар бу гал ҳам унинг амрига бўйсунди. Самолёт яна кўкка парвоз қилди.

Террорчи бир қўли билан пул солинган сумка, иккинчи қўлида гранатани тутиб турар, парашютларни қўлтиғига қистириб олганди.

Самолёт ям-яшил ўрмонлар устидан уча бошлаганида, йигит сумкани тишида тишлаб, бир қўлида парашютнинг тутқичидан ушлади. Иккинчи қўлида ҳамон гранатани чангаллаб турарди.

– Энди эса, марҳамат қилиб, эҳтиётлик билан эшикни очсангиз. – У шундай дея ерда ётган иккинчи парашютга имо қилди. – Буни эса ўзингизга эсдаликка олиб қўярсиз.

Шундай дея йигит ўзини пастга отди. Зум ўтмай парашют очилди ва у қўлидаги сумка билан ям-яшил ўрмон бағрига сингиб кетди. Аммо, ўша ондаёқ унинг ҳар бир хатти-ҳаракати кузатув остига олинганди. У ерга тушиши билан уни излашга киришилди. Бир неча кундан сўнг террорчи қўлга олинди ва сўроққа тортилди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари террорчининг ҳар бир ҳаракати қанчалик кучли мантиққа асосланганига ич-ичларидан тан бериб ўтирарди. Аммо қинғир ишнинг қийиғи фош бўлиши аниқ эди.

Фақат, бир савол очиқ қолмоқда эди. Террорчи нима сабабдан бир эмас, иккита парашют талаб қилди экан? Ахир у барибир парашютлардан биттасини ташлаб кетди-ку?

*Бунинг сабабини йигит албатта гапириб берган. Аммо, сиз буни қандай изоҳлайсиз?*

*Эллик тўртинчи ҳикоя*

## **ҚАЕРДА АДАШДИ ЭКАН?**

Фарангиз ширин хаёллар оғушида парвоз қиларди...

Отабек билан танишганига уч ойдан ошди. Аммо у ҳақда энг яқин дугоналари, ҳатто Мафтунага ҳам бир оғиз айтгани йўқ. Чунки ҳали Отабекдан тайинли таклиф чиққани йўқ. Балки бу ҳақда дугоналарига оғиз очмай тургани маъқулдир? Эҳтимол, вақти келиб, уларни тўй таклифномаси билан ҳайрон қолдирар?

Нима бўлганда ҳам Отабек ёмон йигитга ўхшамайди. Келишган, хушмуомала, ўқимишли... Ўтган йили институтни битирган, ҳозирда нуфузли бир идорада ишларкан. Шаҳарда ўз уйи, машинаси бор экан. Яна нима керак?

Бугун Отабек уни концертга таклиф қилди. Кейин ресторанга киришаркан. У ердан чиқиб, тунги шаҳар бўйлаб сайр қилишади. Шундан сўнг у Фарангизни уйигача кузатиб қўяди.

Фарангиз бугунги учрашувнинг қандай кечиши ҳақида тасаввурларга берилган онда қўл телефонидан СМС хабар келганини билдирувчи овоз фикрини бўлди. Ҳарқалай, Отабек бўлса керак.

Шоша-пиша телефонни қўлига олди. СМС Отабекдан эмас, Мафтунадан экан.

*«Салом, Фари! Қалайсан? Бугун дам олиши кунни, ҳарқалай, уйда бўлсанг керак. Бугун квартирангга ўтмоқчиман. Роса зерикдим. Хонадошларимнинг иккови ҳам қишлоғига кетиб қолишибди. Эрталабгача валақлашиб чиқамиз. Бўптими?»*

Фарангиз хатни ўқиб ҳафсаласи пир бўлди. Тўғри, у Мафтунани жуда яхши кўради. Биринчи курсдан бери қадрдон. Фақат унинг оиласи бироз камхаржроқ бўлгани учун Мафтуна ётоқхонага туради. Квартирага тўлашга қурби етмайди. Фарангиз эса биринчи курсдан бери икки ҳамқишлоқ дугонаси билан ижарада туришади. Эртага якшанба бўлгани учун тушдан кейин иккови ҳам қишлоққа кетишган. Бугун дарс пайтида Фарангиз Мафтунага уйда ёлғиз қолишини айтганди.

Аммо Мафтуна келадиган бўлса, Отабек билан учраша олмайди. Ёки Мафтунага ҳаммасини очик-ойдин айтиши керак ёки... Йўқ, ҳозирча Фарангиз Отабек тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмоқчи эмас. Яхшиси бирорта ишонарли баҳона тўқигани маъқул.

Шаҳарда Фарангизнинг холаси яшайди. Бу ҳақда Мафтунага айтган. Фарангиз ёзадиган гапларини аввал хаёлан бир ипга тизиб, кейин СМС ёзишга тушди.

*«Салом, Мафтун! Қалайсан? Сени жон-жон деб кутиб олган бўлардим. Аммо ҳозир холамникидаман. Бироз мазалари бўлмай қолибди. Телефон қилиб чақирдилар. Иситмалари бор. Бугун ўша ерда қоламан. Хафа бўлмагин, жоним, эртага келасан, хўп?»*

Фарангиз хатни яна бир карра ўқиб чиқди-да, «жўна-тиш» тугмасини босди. У тўқиган баҳонаси қанчалик ишонарли чиққани ҳақида ўйлаб ўтирганида, жавоб хати етиб келди.

*«Фари, ёлғон тўқимасдан, «келишингни истамайман», десанг ҳам бўларди...»*

Фарангизни ток ургандек бўлди: «Бу қанақаси? Мафтун алдаганимни қаердан билди? Балки Отабек... Бўлиши мумкин эмас. Улар бир-бирини умуман танимайди. Холамнинг ҳам телефонини билмайди. Унда қанақасига...»

*Сиз ҳам бир фикр юритиб кўринг-чи, Фарангиз қаерда хато қилди экан?*

*Эллик бешинчи ҳикоя*

## **НОШУД ОТБОҚАРНИНГ ХАТОСИ**

Қадимги Ажам ҳукмронларидан бири Анушервон ўзининг одиллиги ва раиятпарварлиги билан ном чиқарганди. Анушервоннинг бир учқур оти бор эди. У ушбу отини жуда ҳам ёқтирар, овга ё сафарга чиққанида албатта уни миниб чиқар, отбоқарига унга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишни топширганди.

Отбоқар ҳам бу от учун жавобгарликни чуқур ҳис этар, туну кун шу отга кўз-қулоқ эди. Бироқ, асраган кўзга чўп тушади, деб бежиз айтишмаган. Нимадир бўлдию, айнан шоҳнинг севимли оти касалланиб қолди. Отбоқар оёғини қўлга олиб, жониворнинг оёққа туриши учун қўлидан келганини қилди. Отнинг аҳволи ўнганмагач, бу ҳақда шоҳга ҳам хабар қилди. Севимли арғумоғининг аҳволидан хабар топган шоҳ ўзини қўярга жой топа олмади:

– Қулоқ сол, – деди у отбоқарини ёнига чақириб. – Шу от учун сен жавобгарсан. Унга қарашинг учун сенга катта маош тўлаб келдим. Бордию, отимга бир гап бўлса, дорга осиласан.

Шоҳ амри вожиб эканини отбоқар яхши биларди. Бироқ, шўрлик отбоқарнинг ҳамма ҳаракатлари зое кетди. Номалум хасталикка йўлиққан тулпор типирчилаб-типирчилаб жон берди. Отбоқар унинг тепасида кўз ёш тўкканча қолаверди

Отнинг ўлиmidан хабар топган Анушервоннинг тепа сочи тикка бўлди. Дарҳол сарой аъёнларини тўплади. Отнинг ўлимида айбдор деб топилган отбоқарни ҳам оёғини ерга теккизмай шоҳнинг ҳузурига олиб келишди. Жонидан бошқа нарса кўзига кўринмаган отбоқарнинг рангида қон қолмаганди. Кела солиб, ўзини шоҳнинг оёқлари остига ташлади:

– Олампаҳо, бир қошиқ қонимдан кечинг! Ҳамма айбимга иқрорман. Фақат ёш болаларимга раҳм қилинг. Мени ўлдирсангиз, уларнинг ҳоли не кечади.

Анушервон ҳар қанча одил бўлмасин, айтини чоғда у ғазабини бошқара оладиган ҳолатда эмасди. Чунки, у ўз отини жонидан ортиқ кўрарди-да! Қолаверса, у «отимга бир гап бўлса, сени ўлдираман» деб кўпчиликнинг олдида сўз берган. Лафзидан қайтиш шоҳга ярашмайди. Шу боис, сарой аъёнлари Анушервондан шўрлик отбоқарга шафқат қилишни сўрашга журъат этолмай туришарди.

Шоҳнинг доноликда тенгсиз Бузургмеҳр исмли вазир бор эди. Шоҳ ҳеч кимга қулоқ солмаган тақдирда ҳам унинг маслаҳатларига амал қиларди. Аммо у ҳам айтини пайтда отбоқарни афв эттириш ваколатига эга эмасди. Ахир шоҳнинг амри – вожиб! Унга қарши бориш ҳам осийлик!

Бузургмеҳр хийла ўйга толди. Ниҳоят, соқолини тутамлаб, сўз бошлади.

– Олампаҳо, бу ярамас отбоқар сизнинг жаҳонда тенгсиз тулпорингизнинг ўлимига сабаб бўлгани учун



қатл этилиши лозим ва лобуддур. Ўлим унинг учун ғоят ҳақли жазо. Аммо у бундан минг карра оғирроқ бўлган яна бир жиноятга қўл урмоқдаки, унга қандай жазо бериш кераклигини ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

Сарой аҳли сергак тортди. Қизиқ! Бу шўрлик отбоқар яна қандай ноўрин ишга қўл урдийкин?

Бузургмеҳр отбоқарга юклаган айбни эшитиб, Анушервон ҳам бир зумга ўйга толди. Кутилмаганда у ўз аҳдидан қайтди ва отбоқарни озод қилиб юборди.

*Ўйлаб кўринг-чи, вазир маҳкумга юклаган қандай айб уни жазодан озод этган бўлиши мумкин?*

*Эллик олтинчи ҳикоя*

### **КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?**

Округ прокурори терговчи ташлаб кетган янги жиноят иши материаллари билан пухта танишиб чиқиб, хиёл ўйга толди.

Ҳаммаси аниқ ва равшан эди: кекса, сўққабош Билл округнинг чекка бир шаҳарчасида аҳоли пункидан анча нарида жойлашган вилласида банкдаги омонатларидан келадиган фойда ҳисобидан яхши яшаган. Уни яқиндан таниган-билганларнинг айтишича, ҳеч ким билан адоватда бўлмаган. Табиатан хушчақчақ, оқкўнгил одам бўлган.

Биллнинг ҳар куни эрталаб, нонуштадан аввал ўз мулки атрофларини, боғини кезиб чиқадиган одати бўлган. Ҳодиса содир бўлган куни эрталаб хизматкор уни сайрга отланаётганда кўрган. Бу пайтда Биллнинг ҳудудида ҳеч зоғ бўлмасди. Хизматкор Биллнинг боғдаги эман дарахти тагида ғалати алпозда турганини кўриб, ўша тарафга югурган. Ўша пайтда у Биллнинг қўлида тўппонча борлигини аниқ кўрган.

Хизматкор етиб келгунича, Билл ўзини отиб қўйган. Аслини олганда, синчиклаб суриштириб ўтирмаса ҳам бўлади: ҳаммаси яққол кўриниб турибди. Тўппончада

Биллдан бошқа бировнинг бармоқ излари йўқ. Боғда ҳам у ва хизматкоридан бўлак ҳеч кимнинг оёқ излари топилмади. Ўқлар ҳам айнан шу тўппончадан отилгани маълум бўлди.

Демак, Билл ўз жонига қасд қилган, дейиш учун ҳамма асослар бор.

Прокурорнинг миясига илкис нимадир урилди-да, хизматкорнинг кўрсатмасини синчиклаб ўқишга тутинди:

*«Мистер Билл Перкинс анчадан бери ноҳуш кайфиятда юрганди. Сўнгги пайтларда унинг хонасидан ўз-ўзини ўлдириш билан тугайдигин жудд кўп асарларни кўрганман, аммо бу ҳақда унинг ўзидан сўрашни лозим топмагандим. Шу кун эрталаб боғда тонгги юмушлар билан банд эдим. Мистер Перкинс қари дарахт остидан нимагадир тараддудланиб турарди. Унинг кўлида тўппончани кўришим билан ўша тарафга отилдим. Аммо, етиб боргунимча у тўппончасини чаккасига тираб, икки марта ўқ узишга улгурганди. Уни сақлаб қолишининг иложи бўлмади».*

Экспертиза хулосаси ҳам унинг гапларини тасдиқларди. Марҳумнинг миясини иккита ўқ тешиб ўтганди.

Прокурор тугмани босиб, шу иш билан шуғулланаётган терговчини чақирди.

– Хизматкор ҳақида барча маълумотлар борми? – прокуратурада иш бошлаган ёшгина ходимдан.

– Ҳа, сэр, – терговчи ўзи билан олиб кирган жилд ичидан икки варақ қоғозни олиб, прокурорга узатди.

Маълум бўлишича, у Перкинснинг кўлида ўн беш йилдан бери ишлар, соҳиби банкдаги мол-мулкнинг 25 фоизини унга васият қилиб қолдирган экан. Бироқ, хизматкор ҳожасидан жуда кам маош олган. Перкинс эса жисмонан соғлом, қувноқ одам бўлган. Унга васият қилинган бойликка қачон эришиши номаълум эди.

– Хизматкорни яхшилаб текиширинг, қайта-қайта сўроқ қилинг. Перкинс ўз жонига қасд қилмаган.

– Сэр, аммо экспертиза...

– Сиз нафақат экспертиза хулосасига, баъзида мантиққа ҳам таяниб иш кўришингиз керак. Ахир ҳаммаси очиқ-равшан кўриниб турибди-ку!

Прокурор айтган биргина далил терговчини лол қолдирди. Нега бу ҳақда унинг ўзи ўйлаб кўрмади?

Терговчининг бу галги изланишлари самара берди. Хизматкор аниқ далиллар қаршисида ўз айбини тан олишдан бошқа чора тополмади.

*Энди ўйлаб кўринг-чи, прокурор унинг айбдор эканини қаердан билди экан?*

*Эллик еттинчи ҳикоя*

### **ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ**

Сотиболдини исми жисмига муносиб эмас. Чунки у одатда бирор нарсанинг пулини тўлаб, сотиб олишни ёқтирмайди. Аксинча, эгаси кўрар-кўрмас ўзлаштиришнинг ҳадисини олган. Айнан шу қўли эгрилиги сабаб уч йил «ўтириб», яна туғилиб ўсган қишлоғига қайтди.

Сотиболдини нафақат ўз ҳамқишлоқлари, балки яқин атрофдаги беш-олти қишлоқ одамлари ҳам яхши танишади. Унинг қайтиб келганидан ўз ҳамқишлоқлари унча ҳавотирга тушишмади. Чунки Сотиболди «ҳалол» ўғри. Ўғриларнинг қадимий удумига амал қилади: ўз қишлоғидан «ов» қилмайди. «Ов»ни ҳам кунда эмас, ҳар ҳар замонда, «хунар»нинг хумори тутганда қилади.

Нима бўлди-ю, Сотиболдига пул зарур бўлиб қолди. Демак, яна ўз «қасб»ига мурожаат қилишга мажбур. Сотиболди анча йиллик тажрибага эга бўлгани учун қачон, қаердан, кимникидан нимани ва қай тарзда ўғирлаб чиқишни яхши билади. Қишлоқда энг кўп кўзга ташланадиган ва қўлга илинадиган нарса нима? Албатта, сигир-бузоқ, эчки-улоқ, хуллас, тўрт туёқли жонивор-да!

Сотиболди эски дўпписини тиззасига кўйиб обдан бош қотирди. Ўғрилик учун беш чақирим наридаги, мол бозор яқинидаги Хумкалла қишлоғини танлади. Чун-

ки ўйлаб қараса, яқин ўн йил ичида у қишлоқни ора-ламаган экан. Бир-икки кун аввал «разведка»га бориб, ўғирликка кириш қулай бўлган «объект»ларни ўрганди. Нормат новчанинг уйи маъқул келди. Ҳовлиси кўча билан қўшилиб кетган. Оғилида беш-олтита мол-ҳоли бор. Қишлоқнинг четидаги ҳовли. Анча хавфсиз.

Ўғирликни айнан бозор куни тонгда амалга оширишга қарор қилди. Сабаби ўша куни сотувчию харидорлар молини бозорга опчиқади. Ўша тарафдан мол етаклаб келаётганида ундан ҳеч ким гумонсирамайди. Бозордан олиб кетяпти, деб ўйлашади. Сўраб қолишсаям, бозордан, боқишга олдим, дейди. Биратўла бозорга опчиқиб пулласаям бўлади. Аммо қишлоқда моли йўқолган одам борки, биринчи галда молбозорга югуради. Чунки ўғри ўғирланган молни тезроқ пуллаш пайида бўлади-да! Йўқ, Сотиболди анойилардан эмас. Қолаверса, уни атроф-жавонибда отнинг қашқасидай танишади.

Хуллас, Сотиболди ҳаммасининг ҳисоб-китобини қилиб, бозор куни тонгга яқин Нормат новчанинг уйига ўғирликка тушди. Оғилнинг эшигига битта эски хода тираб қўйилганини айтмаса, очиқ эди. Сездирмай оғил ичини кўздан кечирди. Агар унинг ўрнида бошқа ўғри бўлганида оғил тўрида бўрдоқига боқиладиган ярим тонналик буқани етаклаб чиқарди. Сотиболди эса ўртача катталиқдаги, икки-уч ой боқса бўладиган қорамолни танлади. Инсоф юзасидан эмас, албатта. Қўни-қўшнилари семиз бўрдоқини етаклаб келаётганини кўришса, дарров шубҳага тушишади. «Сотиболди қассоб бўлмаса, яқин орада тўй қилаётгани йўқ, бунақа семиз бўрдоқини нима қилади?» дейишади-да! Кичикроқ буқача кўзга ташланмайди. Сўраб қолишса, «Бозордан олдим, семиртириб сотаман», дейди.

Хуллас, у Нормат новчанинг уйдан эсон-осон буқачани етаклаб чиқди. Тонг ёриша бошлаганди. Хумкаладаги мол бозори ярим кечаси бошланиб, тонгга яқин тугайди. Бунақа пайтда молбозорда ҳам савдо сийрак-

лашиб, харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам қайта бошлайди. Хумкалладан то ўзининг қишлоғига чиқиб олгунча юрак ҳовучлаб борди. Бу ёғига хавотир олмаса ҳам бўлади. Ана, ўзига ўхшаган мол, қўй етаклаганлар ҳам кўрина бошлади.

Бир-иккитаси Сотиболдидан буқачани қанчага олганини сўради. Сотиболди бозордаги нарх-навони яхши билади. У сўраганларга тананинг бозордаги тахминий нархини айтиб борарди. Қишлоққа яқинлашганида бир гуруҳ оқсоқоллар мачитдан чиқишаётганди. Улар Сотиболдини мол етаклаб келаётганини кўриб, шивир-шивирни бошлашди:

– Ие, анавини қаранг, Сотиболдими?

– Буқа етаклаб келяптими?

– Бир камбағалнинг шўрини қуритдими дейман-да!

– Йўғ-э, бугун бозор-ку, сотиб олгандир?

– Ҳў, Сотиболди, бахайр, қанча бўлди?

Сотиболди, буқачани судраб келаркан, ҳаммага айтган нархни айтдию, тезроқ чоллардан нарироққа ўтиб кетишга уринди.

– Ие, шошманглар, – деди Ҳақберди ота Сотиболди ва буқани диққат билан кўздан кечираркан. – Буқани бозордан олмагани аниқ. Ана, кўриниб турибди-ку?

– Қаердан билдингиз? – сўрашди бошқа чоллар.

Ҳақберди бобонинг жавобини ҳамма бир овоздан маъқуллади.

– Тўғри пайқабсиз, бу бола аниқ ўғирлаган. Тезда милицияга хабар қилиш керак.

Бешта қишлоқни бирлаштирган милиция таянч пунктига молнинг эгаси аллақачон хабар қилишга улгурганди. Ҳақберди бобонинг зийраклиги сабаб бир соат ичида ўғри қўлга тушди.

*Ўйлаб кўринг-чи, Ҳақберди бобо буқанинг ўғирланганини қайда билди экан?*

*Эллик саккизинчи ҳикоя***ХАВФСИЗЛИК КАМАРИНИНГ «КАРОМАТИ»**

Ўтган асрнинг 70-йиллари. АҚШнинг Луизиана штатига қарашли Сент-Жеймс шаҳарчасида машиналар оқими кўпая бошлаган пайтлар. Шаҳарда шахсий автомобилларнинг кўпайиши ўзига яраша муаммоларни келтириб чиқара бошлаганди. Шаҳар кўчалари тор. Машиналар эса кўпайгандан кўпайиб боряпти. Йўл ҳаракати ҳодисалари туфайли жабр кўрганлар сони ҳам тобора ошмоқда.

Бу эса наинки шаҳар, штат раҳбариятини ҳам қаттиқ ташвишга сола бошлади. Йўл полицияси иштирокида ўтган кенгайтирилган мажлисда ҳам бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш масаласи жиддий муҳокама қилинди. Факт ва рақамлар атрофлича таҳлил қилинди.

– Биргина ўтган йил мобайнида шаҳримизда 184 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. 168 киши шифоҳонамизга ётқизилган, – дея ҳисобот берди шаҳар клиникаси бошлиғи.

– Кичкина шаҳар учун бу анча катта рақам, – ташвишли бош чайқади штат вакилларида бири. – Инсонларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш учун жиддий бош қотиришимиз керакка ўхшайди.

Мажлис давомида ҳар ким ҳар хил фикр билдирди. Кимдир рухсат этилган тезлик миқдорини камайтиришни айтди. Яна кимдир қоидабузарларга қарши чораларни кучайтиришни маслаҳат берди.

– Балки, биз ҳам Висконсин штатида жорий этилган усул – хавфсизлик камари тақишни жорий этсак-чи? – деди штат маъмурларидан бири.

Ўша пайтларда хавфсизлик камаридан фойдаланиш ҳали у қадар урфга кирмаганди. Мамлакатнинг айрим штатларидагина ушбу воситадан фойдаланиш қонунан белгилаб қўйилганди.

– Фойда берармикин? – бош қашиди губернатор ёрдамчиси.

– Буни лоақал Сент-Жеймс миқёсида синаб кўриш керак. Кейин йил давомида фактлар тўплаб, натижаларни таҳлил қилиб кўрамиз.

Мажлис шу тариқа ниҳоясига етди. Тегишли муассасалар ишга киришди. Йўл полицияси томонидан шаҳар миқёсида ҳайдовчи ва йўловчилар учун хавфсизлик камарини тақиш мажбурий этиб белгиланди. Бу усул аввалига одамларга жуда ғалати туйилди. Ҳатто бу усулнинг устидан кулганлар, масхара қилганлар ҳам топилди.

Хуллас, орадан бир йил ўтиб, штат миқёсида янги усулнинг муҳокамасига бағишланган йиғилиш ташкил этилди. Ҳамма ўз фикрини билдира бошлади. Навбат яна Сент-Жеймс шаҳар клиникаси бошлиғига берилди.

– Янги маълумотларга қараганда, ўтган йил давомида 191 та йўл-транспорт ҳодисалари юз берган. Бу аввалги йилга нисбатан 7 тага кўп демакдир. Мазкур ҳодисалар туфайли шифохонамизга тушганларнинг сони йил давомида 263 тани ташкил этади. Бу эса аввалги йилга нисбатан 95 та ёки қарийб 55 фоиз кўп демакдир...

– Шошманг, – хитоб қилди губернатор ёрдамчиси. – Бу қанақаси? Ахир биз айнан бахтсиз ҳодисаларнинг сонини камайтириш учун шу усулни қўллагандик. Наҳотки, бу усул фойдага эмас, зиёнимизга ишлаган бўлса? Демак, шунча уринишларимиз бекор кетибди-да?

Мажлисида ғала-ғовур бошланди. Бироқ, клиника раҳбарининг изоҳидан сўнг ҳаммаси равшан бўлди-қолди.

*Сиз нима деб ўйлайсиз, нима учун янги усул сабабли шифохонага тушган йўловчи ва ҳайдовчиларнинг сони кўпайган?*

*Эллик тўққизинчи ҳикоя***СЎНГИ ЧОРА**

Италиянинг тоғли ҳудудлардан бири.

Кеч тушиб қолган. Яқиндагина турмуш қуришган Алберто ва Каролина Аленин тоғлари бўйлаб саёҳатга чиқишганди. Алберто аллақандай қўшиқни хиргойи қилганча икки кишилик «Ламборжини» машинасини бошқариб келмоқда.

– Тоғ йўллари жуда хатарли, секинроқ ҳайда, азизим, қўрқаман, – деди Каролина севгилисининг елкасига бош кўяркан.

Шу пайт кутилмаганда ҳамма ёқни момақалдиروқ овози тутди. Шиддат билан ёмғир қуя бошлади. Яқин атрофда бирорта чироқ кўринмайди. Энг яқин аҳоли пунктигача юзлаб чақирим йўл босиш керак. Алберто тезликни камайтирди. Шу пайт Каролинанинг кўзи йўл четидаги эски кулбага тушди.

– Тезроқ шаҳарга етиб олишимиз керак. Бу ҳудудларда ёмғирдан кейин кучли сел келишини айтишганди, – деди Алберто хиёл хавотир билан.

– Алберто, кел, ёмғир тингунича анави уйчага кириб турайлик, майлими?

Алберто унинг талабини бажо келтирди. Машинани йўл четида тўхтатди. Уй ичида хирагина чироқ кўзга ташланарди. Эшикни ўрта ёшлардаги эркак очди.

– Профессор, наҳотки бу сиз бўлсангиз?! – ҳайратда қолди Алберто.

– Узр, сизни танимайроқ турибман.

– Лекин мен сизни яхши танийман, – деди Алберто ва Каролинага ўғирилди. – Бу киши профессор Фернандо. Бир пайтлар онамни операция қилиб ҳаётини асраб қолган.

– Бўлиши мумкин, – деди профессор ғамгин бош чайқаб. – Биласизларми, ғалати вазиятда қолдик. Бу кулбада узоқ йиллик дўстим Жованни ёлғиз яшайди.



Машинамда уни кўргани келгандим. Яхшиям келганим. У оғир бетоб экан, – у шундай дея диванда азобдан инграб ётган уй эгасини кўрсатди. – Аксига олиб машинам бузилиб қолди. Ёнимда ҳеч қандай дори ёки керакли асбоблар йўқ. Уни тезроқ шифохонага етказиш керак. Бунинг устига ўзимнинг ҳам шаҳарда кечиктириб бўлмайдиган ишларим бор.

Алберто ўйланиб қолди. Машинасида фақат бир кишини олиб кетиши мумкин. Шаҳаргача камида икки соат йўл босиши керак. Касални олиб кетай деса, Каролинани ташлаб кетиши керак. Ҳар қалай бундай таҳликали вазиятда у ўз хотинини бегона эркакнинг олдида ташлаб кетолмайди. Профессорни ҳам ташлаб кетиш инсофдан эмас. У Албертонинг онасини қутқариб қолган, ҳам шошиб турибди. Касални ташлаб кетиш эса ҳақиқий номардлик.

– Машинада фақат бир кишини олиб кета оламан, – деди Алберто худди ўзига ўзи гапиргандек. Ҳамма унинг оғзига термилганча жавобини кутарди.

*Бир ўйлаб кўринг-чи, унинг ўрнида бўлганингизда сиз нима қилардингиз?*

---

### Олтмишинчи ҳикоя

## УЧИНЧИ ТАЛАБ

Бу воқеа бир неча асрлар муқаддам, аждодларимиз умргузарон қилиб ўтган она заминимизда юз берганди. Ўша замонларда бу ҳудудда ўзининг одиллиги ва оқиллиги билан ном таратган бир хоқон ҳукмронлик қиларди. У ўз халқининг тинчлиги ва омонлиги учун бутун умри ва ҳаётини сафарбар этганди. Унинг ҳукмронлик йилларида юрт обод бўлди, тинчлик ва омонлик ҳукм сурганди.

Кунларнинг бирида ўзининг беомонлиги ва куч-қудрати билан донг қозонган бир салтанат ҳукмдоридан элчи келди. Хоқон элчи орқали юборилган мактубни

Ўқиб хийла ранжиди. Мактубда қўшни ўлка ҳукмдори хоқоннинг энг суюкли отини ҳадя тариқасида жўнатишни сўраганди.

Сарой аҳли бу хатнинг мазмунидан хабардор бўлгач, ғазабга минди. Ахир от – хоқоннинг куч-қудрати тимсоли эмасми? Демак, қўшни ҳукмдорнинг нияти аниқ. Хоқоннинг иззат-нафсига тегиб, уни жангга чорламоқчи.

– Олампаноҳ, изн беринг, қўшинни жангга ҳозирлаб, бу малъунни сарнигун қилайлик, – дейишди аъёнлар.

– Тўхтанглар, – қўлини кўтарди хоқон. – Жангда қанчадан-қанча мард йигитларимиз нобуд бўлади. Битта жонзот уларнинг жонидан азиз бўптими? Шу тулпор керак экан, олаверсин.

Элчи хоқоннинг аргумоғини етаклаб ўз юртига қайтди. Яна орадан кунлар, ойлар ўтди. Кутилмаганда қўшни ҳукмдор яна хоқонга навбатдаги элчисини юборди. Бу галги талаб ҳар қандай кишининг қонини қайнатарди. Номада ҳукмдор хоқоннинг севимли аёлини сўраганди.

– Ахир бу ҳақорат-ку, – хитоб қилди вазири аъзам. – Изн беринг, бугуноқ йўлга тушиб, ул иблиснинг салтанатини ер билан бир қилиб келайлик.

Хоқон чуқур ўйга толди. Ва ниҳоят жиддий қиёфада бош чайқади.

– Ҳар қанча оғир бўлмасин, бу гал ҳам унинг талабини бажарамиз. Майли, оқиши мумкин бўлган дарё-дарё қонлар олдида битта аёл нима деган гап?

Сарой аҳли ҳар қанча ғазабга минишмасин, хоқоннинг амрига қарши чиқа олишмади. Элчи маликани олиб, ўз ҳукмдори қошига равона бўлди.

Яна орадан анча вақт ўтди. Мамлакатда ҳамон тинчлик, осойишталик ҳукм сурурди. Шу билан қўшни ўлка ҳукмдорининг иддаолари тугади, деб ўйлаган хоқон янглишганди.

Кўп ўтмай у яна элчи жўнатди. Султоннинг бу галги мактубини ўқиган мулозимлар таажжубга тушишди. Ав-

вал сўралган нарсалар олдида бу галгиси арзимасдек туйиларди. Бу сафар ҳукмдор қўшни юрт ҳукмдорининг талабини ҳеч иккиланмай бажо келтиришини кутишганди.

Бироқ, мактубни ўқиган хоқон қаҳр отига минди. Дарҳол қўшинни жангга ҳозирлашни буюрди. Душманни жанг майдонига чорлаб, уни ер билан яксон этиб, ортига қайтди. Юрт муқаррар хавфдан халос бўлди ва фаровонликда яшашда давом этди.

*Айтинг-чи, қўшни ўлка ҳукмдори учинчи бор хоқон олдига қандай талаб қўйган бўлиши мумкин?*

*Олтмиш биринчи ҳикоя*

## **БАДАВИЙНИНГ ТУЯСИ**

Воқеа қадимда, туялар карвони мағрибдан машриққа, машриқдан мағрибга қатнаб юрган пайтда юз берганди. Бир куни жуда катта бир карвон Дамашқдан Бағдодга йўл олди. Карвондан бир кекса бадавий ҳам ўрин олганди. Карвон узоқ йўл юриб, бир манзилда тўхтади. Савдогарлар туялар устидан юкларни тушириб, шу жойда чодир тикишди.

Бадавий ҳам ўз туясининг юкларини енгиллатиб, бошқа туялар қатори боғлаб қўйди. Ўзи бошқа ҳамроҳлар қатори овқатланиб олгач, чодирга кириб, ухлаб қолди. Эрталаб карвон аҳли уйғониб йўл тадоригига тушишди. Ҳамма ўз туялари ва юклари томон кетди. Бадавий ҳам туялар боғланган ялангликка чиқди. Э воҳ! Унинг туяси йўқ эди. Чамаси арқон бўш боғлангани сабабли туя ечилиб кетганди.

Бутун карвон аҳли бадавийнинг туясини қидира бошлади. Аммо яқин атрофда унинг туяси кўринмасди.

– Биродар, туянг шу саҳрода, аллақайси барханлар ортида янтоқ кавшаб юргандир, – деди карвонбоши, – майли, туянгни излаб топиш учун карвонга бироз вақт бераман.

Бадавийнинг ичига чироқ ёқса ёришмас, қўлида туя-сидан қолган ягона ёдгор – бўш арқонни ғижимлаб асабийлашарди.

– Падарига лаънат бу саёқ туянинг, – деди охири бадавий бўғилиб. – Бу учинчи марта йўқолиши. Аввал ҳам бошқа карвонлар билан йўлга чиққанимда шунақа ҳолат юз берган. Бу ҳайвонни излайвериб, сарсоним чиққан. Аллоҳ ҳаққи онт ичаманки, агар бу гал ҳам туям топилса, бу ярамас жониворни бир дирҳамга пуллаб юбораман.

Унинг гапини бутун карвон аҳли эшитиб турарди.

– Бекор қасам ичдинг, – деди карвонбоши кулиб, – ҳали туянг топилиб қолса, ичган қасамингдан пушаймон бўласан.

– Чиндан ҳам, туянинг нархи нақ юз дирҳам туради. Сен уни юздан бир нархига сота олармидинг?

Бошқалар ҳам бу гапларни қўллаб-қувватлашди. Туядан дарак бўлмагач, карвон яна йўлга тушди. Бадавий ночор бошқа бир савдогарнинг туясига мингашиб борарди. Бир соатлар чамаси йўл босишгач, бир ўзи ўтлаб юрган туяни кўриб қолишди.

– Ие, анави туяни қаранглар, балки у бадавийнинг туясидир?

– Ҳа, бу саҳрода ундан бошқа эгасиз туя нима қилади?

– Бу айнан менинг туям-ку, – деди бадавий севиниб. Ҳамроҳининг уловидан тушиб, бамайлихотир янтоқ кавшаётган туясининг олдига югурди. Туясининг бўйнига эркалаб сийпалади. – Мени қаерларга ташлаб кетдинг, қадрдоним? Сендан айрилиб қолдим, деб дилим хуфтон бўлиб турувди-я!

Туя ҳам эгасини кўриши билан айбдорона бошини эгди, кейин тиз чўкиб, ҳожасини ўркачига миндирди.

– Ие, энди қасаминг нима бўлади? – деди савдогарлардан бири. – Бу ярамасни топсам, бир динорга сотаман, демаганмидинг?

– Ҳа, худди шундай дегансан. Аллоҳни ўртага қўйиб онт ичгансан.

– Ҳозироқ туянгни бир дирҳамга сотиб олишга розиман.

– Мен ҳам...

– Мен ҳам...

– Эҳ, нодон, ўйлаб гапириш керак эди, – деди карвонбоши бадавийнинг елкасига шапатилаб. – Сенга айтмаганмидим, ҳали бу гапингдан пушаймон бўласан деб.

...Бадавий қўлидаги арқонни туянинг бўйнига ташлади-да, бир зум ўйга толди. Кейин бамайлихотир карвон аҳлига шундай гап айтдики, натижада у ўз қасамига ҳам содиқ қолди, шу қасам туфайли моддий зарар ҳам кўрмади.

*Айтинг-чи, бадавий бу вазиятдан қандай чиқиб кетган бўлиши мумкин?*

#### *Олтмиш иккинчи ҳикоя*

### **ЎҚИТУВЧИНИНГ «ҲИЙЛА»СИ**

...Туман халқ таълими бўлимидан келган текширувчилардан бири Нодирбек бу гал ҳам шу мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ғайбулла аканинг дарсини зимдан кўзатарди. Нодирбек кўп йиллардан бери Халқ таълими бўлимидан ишлайди. Шу пайтгача тумандаги ҳар бир мактабга ўнлаб маротаба борган. Ҳар бир ўқитувчининг қандай дарс ўтиши унга кундек равшан. Фақат, айнан шу мактабга келиб, Ғайбулла муаллимнинг дарс ўтишига ич-ичидан тан берган.

Тан олиш керак, Ғайбулла муаллим ўз соҳасини жуда яхши билади, яхши кўради. Мавзунинг энг майда тафсилотларигача диққат билан тушунтиради. Ўз вазифасини виждонан бажаради. Шу боис бўлса керак, халқ таълими бўлимидан бир неча маротаба ташаккурнома олган, нафақат тумандаги, ҳатто вилоятда ҳам энг яхши ўқитувчилар қаторидан ўрин олган.

– Ҳўш болалар, ўтган дарсда қайси мавзунини ўтган эдик? Ким айтади?

Ғайбулла муаллимнинг жарангдор овози бир зум Нодирбекнинг хаёлини бўлди. Худди шу аснода бутун синф қўлини кўтарди. Бундай ҳолат текширувчиларига жуда яхши таниш. Ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос тайёрлиги бу. Ўқувчиларини ҳам бунга ҳар жиҳатдан тайёрлайди. Тўғри, айрим ўқитувчилар текширувчи олдида савол берилганда ҳамма ўқувчиларга барабар қўл кўтаришни олдиндан тайинлаб қўйишади. Ўқитувчи барибир ўзининг билимдон ўқувчисини яхши билади ва ўшани ўрнидан турғизади. Бу «ҳийла» яхши таниш. Нодирбек қайси мактабда, қайси ўқитувчи барабар қўл кўтариб турган ўқувчилар орасидан айнан қайси ўқувчини турғазиб, саволига жавоб олишини ҳам яхши билади, лекин индамайди. Чунки текширувчи олдида ўша ўқитувчининг изза бўлишини истамайди. Ахир синфда ҳамма ўқувчиларнинг иқтидори бир хил бўлавермайди-ку? Агар ўқувчининг қобилияти бўлмаса, энг моҳир устоз ҳам унга иқтидор беролмайди-ку?

Лекин Нодирбек барибир Ғайбулла муаллимнинг дарс ўқитишига қойил қолади. Майли, Ғайбулла муаллим комиссия келишидан аввалроқ ҳамма саволларнинг жавобларини барча ўқувчиларга ёдлатган ҳам дейлик. Аммо Нодирбекнинг ўзи бир неча марта тегишли мавзу бўйича савол берганида ҳам бутун синф барабар қўл кўтарган.

... – Биз ўтган дарсимизда «Амир Темур ва Темурийлар даврида маданий ҳаёт» деган мавзунини ўтгандик, – дея жавоб қайтарди орқа қаторда ўтирган бир бола.

Нодирбек шу мавзуда савол ўйлай бошлади. Қайси саволни берса экан? Ўзининг ўқувчилик йилларини эсга олди.

– Битта савол берсам, бўладими? – у муаллимга юзлашиб, тасдиқ ишорасини олгач, сўради. – Ким айтади,

Темурий ҳукмдорлар ва шаҳзодалар орасида қайсилари шоирлик ҳобилиятига эга бўлган?

Яна ўша аҳвол. Бутун синф қўл кўтариб турибди. Наҳотки, шу қадар енгил савол берган бўлса? Барибир кимдир билмаслиги мумкин эди-ку?

– Қани, Собиров, сен айт-чи? – турғизди Ғайбулла муаллим. Ўрта қатордан озғингина бола ўрнидан турди:

– Ҳазрат Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида ёзилишча, Амир Темури бобомиз шеър ёзмасалар-да, шеърятни яхши тушунганлар. Темурийлар орасида Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ҳукмдорлар, Шоҳ Ғариб Мирзо, Саид Аҳмад Мирзо сингари шаҳзодалар шеър ёзишган. Ҳатто Мирзо Улуғбек бобомиз ҳам гоҳида шеър ёзиб турганлар...

Жавоб кутилганидан ҳам ортиқ эди. Бу ҳолат аввал ҳам такрорланган. Тўғри, ким жавоб беришини ҳам фақат муаллим белгилаган, лекин саволларга битта ўқувчи эмас, ҳар гал ҳар хил болалар жавоб беряпти-ку? Йўқ, бу ерда қандайдир сир бўлиши керак. Ғайбулла муаллим ниманидир яширади...

Орадан йиллар ўтди. Ғайбулла муаллим нафақага чиқди. Бир тўйда Нодирбек у билан ёнма-ён ўтириб қолди Гап айланиб, ўша «нозик масала»га тақалди. Нодирбек сўради:

– Устоз, йиллар давомида шу ҳақда ўйладим. Барибир бунинг қандайдир сирини бўлиши керак-ку? Сиз бунга қандай эришгансиз?

Устоз кулимсираб жавоб қайтарди...

*Сиз ҳам ўйлаб кўринг-чи, у комиссия олдида қандай ҳийла ишлатган бўлиши мумкин?*

*Олтмиш учинчи ҳикоя*

**ВАЗИР ЖОНИНИ АСРАБ ҚОЛДИ**

Қадимда бир шоҳ ўзининг хурмача қилиқлари, инжиқлиги, адолатсизлиги билан ном чиқарганди. У ҳатто энг яқин мулозимларини ҳам арзимаган қилмишлари учун қаттиқ жазоларга ҳукм қилар, таҳқирлар, уларнинг устидан кулиш учун турфа усулларни ўйлаб топарди.

Шоҳнинг бир одил вазири бор эди. У ҳар қандай вазиятдан осонгина чиқиб кета олиши билан бошқалардан ажралиб турарди. Шу пайтгача шоҳ бир қанча вазирни арзимас баҳоналар билан ўлимга ҳукм қилса-да, оқил вазир ўзининг ўткир зеҳни, фаросати билан ўз жонини қутқариб қоларди.

Нимадир бўлдию, кунларнинг бирида шоҳ оқил вазирнинг қайсидир ҳаракатидан қаттиқ ғазабга минди. Дарҳол жаллодни чақириб, уни ўлимга буюрди. Сарой аҳли шоҳнинг сажъиясини яхши биларди. Баъзида шоҳ кимларнидир ўлимга ҳукм қилганидан сўнг, фикри ўзгариб қолар, «фалончини нега дарров ўлдириб юбординглар, бир икки кун кутмадинглар» деб маломат қилмаслиги учун маҳкумлар маълум муддат сақлаб туриларди.

Оқил вазирни бир ҳафта зиндонда сақлашди. Бехосдан шоҳнинг эсига ўша вазир тушиб қолди ва аъёнларига юзлади:

– Қани у? Уни ўлдириб юбордингларми?

– Олампаноҳ, ул нобакор муқаррар ўлим даҳшатини ўйлаб, кўпроқ азоблансин дея бир муддат ҳибсда ушлаб тургандик, – дейишди унга аъёнлар.

– Яхши, дарров уни олдимга олиб келинглар!

Шоҳнинг миясига яна бир ажабтовур режа туғилган, у яна кўнгилхушликни тусаб қолганди. Маҳбус вазирни шоҳнинг ҳузурига олиб келишди. Шўрлик вазир чиндан ҳам бир ҳафтада ўзини анчагина олдириб қўйганди.

– Хўш, донолар доноси, – деди шоҳ унга истехзоли қараб. – Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор.



Тўғрими? Лекин, сен жуда ақллисан-ку, балки ўлимдан ҳам қутулишнинг йўлини топа оларсан?

– Ҳар ким пешонасига битилганини кўради, олампа-ноҳ, – деди вазир ерга қараб. – Агар тақдиримда ўлим битилган бўлса, унда мен нима ҳам қила олардим?

– Менга ҳозироқ битта хўроз топиб келинглар, – деди шоҳ муғамбирона илжайиб.

Қисқа фурсатда шоҳнинг амрини бажо келтиришди. Сарой аҳли унинг тадбирини ҳам қизиқиш, ҳам кўрқув билан кутиб туришарди.

Шоҳ хўрозни кўздан кечириб, уни вазирга беришни буюрди.

– Мана шу хўрознинг тақдири сенинг қўлингда, – деди у вазирга қараб. – Сен уни ҳозироқ ўлдиришинг керак. Лекин шарт шуки, сен бу жониворни қай тарзда ўлдирсанг, жаллод ҳам сени худди шу усулда қатл этади.

Сарой аҳли шоҳнинг бу бемаъни қароридан ҳайратда, бироқ ҳеч ким чурқ этолмасди. Вазир бир зум ўйга толди.

– Агар жаллод мен қўллаган усулда ўлдиролмас-чи?

– Кўрамиз, – деди шоҳ кулимсираб. – Агар шундай усулни қўллаш оқсанг ва сени бундай йўл билан ўлдиришнинг асло иложи бўлмаса, унда майли, сени озод этаман. Яшайвер!

Худди шу онда кутилмаган ҳол юз берди. Вазир хўрозни шундай усулда ўлдирдики, бу усулда вазирни ўлдиришнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди. Шоҳ унинг заковати-га яна бир карра таҳсин ўқиди ва уни ўлимдан озод этди.

*Савол: Вазир хўрозни қандай усулда ўлдирган бўлиши мумкин?*

### *Олтмиш тўртинчи ҳикоя*

## **ЎН УЧИНЧИ МЕҲМОН**

Таниқли бир тадбиркор бир шаҳарда меҳмонхона очиб, ҳамма шароитларни яратди, зарур ашёларни сотиб олди. Фақатгина уни бошқариш учун ақлли, ҳалол,

ишбилармон иш бошқарувчи керак эди. Маҳаллий газетанда эълон берилгач, тадбиркорнинг ёнига жуда кўп талабгорлар кела бошлашди. Бироқ, ҳар бир талабгорнинг нимасидир тадбиркорга тўғри келмасди.

Ниҳоят, бир талабгор унга маъқул тушгандек бўлди. Йигитчанинг ёши ҳали ўттизга бормаган, меҳмонхона бизнеси бўйича олий маълумотга эга, уч йиллик малакаси ҳам бор экан. Кўринишидан ишончли йигитга ўхшайди. Таржимаи ҳолидан ҳам рад этишга лойиқ бирор сабаб кўринмади.

Тадбиркор йигитчанинг ишбилармонлиги, топқирлигини ҳам синовдан ўтказмоқчи бўлди ва миясига урилган бир саволни ўзи ҳам мулоҳаза қилиб ўтирмай ҳалиги талабгорга берди:

– Тасаввур қилинг, сиз кичкина бир меҳмонхонани бошқаряпсиз. Меҳмонхонангизда 12 та бир кишилик хона бор. Шу пайт меҳмонхонанинг эшигини бир гуруҳ сайёҳлар тақиллатишди. Уларнинг сони 13 нафар. Ҳар бири алоҳида хонада тунамоқчи. Ва ҳаммаси айнан битта меҳмонхонада қолишни истайди. Уларни қўлдан чиқарсангиз, яхшигина даромаддан қуруқ қоласиз. Хўш, сиз уларни қандай қилиб жойлаштирган бўлардингиз?

Талабгор йигит бироз ўйланиб қолди. Олдида турган қоғоз қалам билан нималарнидир ҳисоблаб чиқди. Кейин меҳмонхона эгасига юзланди:

– Бунинг қийин жойи йўқ. Мен ҳозир сизга ҳаммасини ҳисоблаб бераман. Демак, хонамиз 12, меҳмонларимиз эса 13 нафар. Мен биринчи ва ўн учинчи рақамли меҳмонимизни вақтинча, бир неча дақиқага битта хонада ўтириб, қўшимча хона топилишини кутиб туришларини илтимос қиламан. Албатта, улар йўқ дейишмайди. Шундан сўнг учинчи меҳмонни иккинчи хонага, тўртинчи меҳмонни учинчи хонага, бешинчи меҳмонни тўртинчи хонага, олтинчи меҳмонни бешинчи хонага, шу тариқа ўн иккинчи меҳмонни ўн биринчи хонага жойлаштираман. Демак, ўн иккинчи хонамиз ҳали бўш турибди. Дарҳол

биринчи хонага келиб, ўн учинчи меҳмонни оламан-да, уни ўша бўш – ўн учинчи хонага жойлаштираман.

Меҳмонхона эгаси аввалига ҳайрон қолди. Рақамлар уни шошириб қўйганди. Кейин ўзича йигитчанинг жавобини салмоқлаб кўра бошлади. Чиндан ҳам унинг гапида жон бордек туйилди. Ортиқча бош қотириб ўтирадиган вақт эмасди. Ҳар қалай бу йигит бошқалардан кўра уддабурон кўринади.

Дарҳол ҳалиги йигитча билан меҳнат шартномаси имзолади ва уни янги меҳмонхонанинг менежери этиб тайинлади.

Аммо унинг миясини йигитчанинг жавоби бутунлай маҳв этганди. Ахир у бу саволни ўйлаб ҳам ўтирмай берган, мантиқан бу саволнинг жавоби йўқлигини ўзи ҳам биларди-ку? Йигитча қандай қилиб, ўн уч меҳмонни ўн икки хонага жойлаштириб чиқа олди. Унинг жавобида қандай сир бор?

Орадан анча пайт ўтиб, тадбиркор меҳмонхона иш жараёни билан танишиш учун келди ва менежерни ёнига чақирди.

– Сен ўша куни бу жумбоқни қандай ҳал этдинг? Ахир бир кишига жой етмай қолиши керак эди-ку? Лекин сенинг жавобинг бўйича...

Менежер кулиб юборди ва ўз жавобини изоҳлаб берди.

*Айтинг-чи, у қандай қилиб, 13 нафар меҳмонни 12 хонага бир кишидан тақсимлай олганди?*

*Олтмиш бешинчи ҳикоя*

## **УЗУК ҚАЙСИ ҚУТИДА?**

Қадимги подшоликлардан бирида Пандора исмли малика яшаганди. У ҳусну малоҳатда ҳам, ақлу заковатда ҳам барчани лол қолдиришга қодир эди. Унинг таърифи етти иқлимга ёйилган, Мағрибу Машриқдан унинг қўлини сўраб, не-не шаҳзодалару амирзодалар совчи юбормаганди.

Малика худди ўзи сингари зеҳнли, тасаввури кенг, фаросатли инсон билан умр риштасини боғлашга аҳд қилди. У ўзининг антиқа бир шартини бажарган йигитга турмушга чиқиши мумкинлигини эълон қилди. Бу эълондан сўнг ўз бахтини излаб Пандоранинг саройига томон ошиқаётган йигитлар оқими янада кучайди.

Маликанинг шарти қуйидагича эди: талабгорлар қаршисида учта қутича келтириб қўйиларди. Уларнинг бири олтин, иккинчиси кумуш, учинчиси бронзадан ясалган эди. Ушбу қутичалардан бирига малика Пандора ўз узугини солиб қўйган ва қутичаларнинг ҳар бирига биттадан маълумот ёзилганди.

Олтин қутичанинг қопқоғидаги ёзув: «Узук шу қутичада».

Кумуш қутича қопқоғидаги ёзув: «Узук бу қутичада эмас».

Бронза қутича қопқоғидаги ёзув: «Узук олтин қутичада эмас».

Маликанинг айтишича, ушбу қутичадаги битикларнинг ё ҳар учаласи ёлғон, ё улардан биттасидагина рост гап битилган экан. Узук қайси қутичада жойлаштирилганини билиши учун эса чуқур мантиқий тафаккур керак бўларди.

Албатта, кимнингдир омади чопиб, бу қутичалардан бирини таваккал кўрсатиши ва узукни топиши ҳам мумкин эди. Бироқ, Пандора бундай таваккалчиликка йўл бермади:

– Ҳар бир талабгор нимага асосланиб, узук айнан шу қутичада экани ҳақида қарор қилганини асослаб бериши лозим, – дерди малика уларга.

Шу сабабли куёвликка талабгорлар таваккал қилиб, бирор қутичани кўрсатишар, аммо нима учун шундай қарорга келишганини исботлаб беришолмас, алалоқибат, саройдан қуруқ қўл билан чиқиб кетишга мажбур бўлишарди.

Кунларнинг бирида саройга олис мамлакатдан бир шаҳзода маликанинг қўлини сўраб келди. Узоқ навбат кутиб, ниҳоят Пандоранинг қабулига киришга муяссар бўлди. Малика бир кўришдаёқ бу шаҳзодани ёқтириб қолди. Қанийди, шу шаҳзода унинг жумбоғини тезроқ ҳал этса-ю, бу ўйинлар тезроқ интиҳо топа қолса...

Малика унга ҳам барча талабгорлар қатори жумбоқ шартини тушунтирди. Шаҳзода қутичаларга тикилганча бир муддат тафаккурга берилди. Қутичалар ҳақидаги ҳар бир эслатмани атрофлича ақл тарозисида ўлчаб чиқди. Кейин эса...

– Маликам, мен бу жумбоқни ҳал этдим, – деди ғолибона овозда ва ҳеч қийналмай қутичалардан бирининг қопқоғини очди. Унинг ичида ростдан ҳам узук бор эди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди малика қувончини аранг яшириб. – Сиз айнан нима сабабдан ушбу қутичани танлаганингизни айтишингиз керак.

Шаҳзода ўз жавобини мантиқий жиҳатдан асослаб берди. Шундан сўнг маликанинг ҳам елкасидан тоғ ағдарилди. У оқил шаҳзода билан турмуш қуриб, узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечирди.

*Шаҳзоданинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг-чи, узук қутичада эканини ва унинг сабабини тушунтириб бера оларсиз?*

*Олтмиш олтинчи ҳикоя*

## **ДАРАХТ ОСТИДАГИ ТИЛЛА**

Қозихонада одатий кунларга қараганда одам сийрақроқ эди. Кекса, тўладан келган қози қаршисида титраб-қақшаб ўтирган эркакка зимдан разм солди. Эғнида хийла уриниб қолган кимхоб тўнига қараганда, бир пайтлар яхши пул топиб, эндиликда камбағаллашиб қолган одамга ўхшайди.

– Хўш, биродар, қулоғим сизда, ҳаммасини бир бошдан сўзланг, – деди қози хайрихоҳ оҳангда.

– Тақсир, – ғамгин оҳангда гап бошлади даъвогар.  
 – Бир пайтлар катта савдогар эдим. Хитойдан тортиб Ҳиндистонгача, Эрондан Мисргача қатнардим. Бир йилча аввал сармоямдан ортган тиллаларни битта хумчага жойлаб, шаҳар ташқарисидаги кекса бир дарахтнинг тагига кўмиб келгандим. Кейин яна савдога отландим. Аммо сафардан қайтишда ярим йўлда карвонимизни қароқчилар тўдаси талон-торож қилди. Савдогарлардан бир қанчасини қиличдан ўтказишди. Мен аранг жонимни қутқариб, бир амаллаб уйимга етиб келдим. Гарчи бутун сармоям таланган бўлса-да, дарахт остидаги дафинамга умид боғлагандим. Кечқурун дарахтнинг тагига бориб қарасам... – савдогар гапини охирига етказмасдан йиғлаб юборди. – Қарасам, дарахтнинг ости кавланган, хумчани эса кимдир опкетипти.

«Мол аччиғи – жон аччиғи» ўйлади қози ундан кўз узмасдан.

– Сиз хумчани кўмгани борганингизда қоронғимиди?

– Кўз кўзни кўрмайдиган даражада зим-зиё эди, – хийла жонланди савдогар.

– Ёнингизда бирор ҳамроҳингиз бормиди? Балки атрофда кимдир сизни кузатгандир?

– Мен боришимда ҳам, қайтишимда ҳам бирор одам қорасини сезмадим, тақсир.

Қози бошини эгиб, бир зум ўйланиб турди. Кейин яна савдогарга юзланди.

– Мени ўша дарахтнинг ёнига бошлаб борасизми?

– Бажонидил тақсир, – савдогарнинг кўзларида умид йилтиллади.

Иккита отда узун-қисқа бўлиб йўлга тушдилар. Шаҳар дарвозасидан чиқиб, ярим соатча юрганларида тепалиқда якка ўсган дарахт кўзга ташланди. Қози отдан тушиб, дарахтни яхшилаб кўздан кечирди.

«Жуда антиқа дарахт, номи экан? Илгари ҳеч кўрмаган эканман. Балки кўрган бўлсам ҳам эътибор бермагандирман».

Қози дарахт тагидаги чуқурга эгилиб қаради. Чуқур дарахтнинг илдизига қараб кавланган, дарахтнинг илдиздан бир қисми қирқиб олинган эди.

– Шошманг, шошманг, кимдир дарахтнинг илдизини ҳам қирқиб кетипти. Сиз хумчани қўйганингизда дарахтнинг қирқилган илдизларига кўзингиз тушмаганмиди?

Савдогар ҳам кўзларини қисиб, чуқурга қараб эгилди. Қўллари билан дарахт илдизини пайпаслаб кўрди.

– Йўқ, тақсир аниқ эсимда, мен хумчани қўйиш учун чуқур қазиганимда илдиз бутун эди.

Қози мамнун қиёфада қаддини ростлади.

– Шаҳарга қайтамыз. Менимча, хумчани қаердан, кимдан сўрашни биладиган ўхшайман.

Савдогар қувончдан қичқириб юборди.

– Ростданми?

– Қувонишга эрта, ҳали гумондорлар топилганда ҳам, бўйнига оладими-йўқми, бир нима дейиш қийин.

Икковлон шаҳарга қайтишгач, бир муассасанинг олдига етганда, қози отдан тушиб, жиловни савдогарга топширди.

– Сен шу ерда тур, мен аниқлаб чиқаман.

Ушбу ташрифдан сўнг орадан хийла суриштирув, юзлаштирув ишлари амалга ошгач, тиллани олган одам аниқланди ва у топилмани эгасига қайтарди.

*Айтинг-чи, табиб шаҳарга қайтгач, кимнинг ёнига ва нима учун кирган?*

*Олтмиш еттинчи ҳикоя*

## **БИР ДОЛЛАРНИ КИМ ОЛДИ?**

Улар уч киши эдилар. Собир, Нодир, Ботир. Сафарда ҳамроҳ бўлишларига тўғри келди. Аэропортдан тушишлари билан таксига ўтириб, ҳайдовчидан шаҳардаги энг арзон меҳмонхоналардан бирига ҳайдашни сўрадилар.

– Тушунарли, – деди ҳайдовчи инглизчалаб, машинани ўт олдиранкан. – Шаҳар четроғида битта меҳмоно-

нани биламан. Шароитлари унчалик эмас. Лекин нархи сизларга маъқул бўлади. Одам бошига 10 доллардан олишарди, адашмасам.

Инглизчани яхши биладиган ҳамроҳлар кўз уриштириб олишди. Ҳар қалай бу шаҳарда ўн долларлик меҳмонхонанинг борлиги улар учун кутилмаган ҳодиса эди. Ахир, ўз ҳисобидан хорижга чиққан одам имкон қадар пулни тежашга интилади.

Меҳмонхона табиийки, пулига яраша эди. Мўъжазгина икки қаватли бино. Уларни ёшгина меҳмонхона маъмури очиқ чеҳра билан кутиб олди.

– Хуш келибсизлар меҳмонлар! Сизларга қандай хона керак. Алоҳида турасизларми, биргами?

– Бирга турамыз, – ҳар учала ҳамроҳ баравар жавоб қайтаришди.

Маъмур уларнинг паспортини олиб, ўз дафтарига зарур маълумотларни кўчириб олди. Кейин улардан ўттиз долларни санаб олди-да, калит тутқазди.

– Марҳамат, иккинчи қаватга кўтариласиз, зинадан кейин ўнгдаги хона сизларники!

Шериклар мамнун қиёфада юқорига кўтарилишди. Қимматроқ меҳмонхона бўлганда-ку, ҳаммол юкларни ўзи орқалаб чиққан бўларди-я!

Хона уч кишига мўлжалланган бўлиб, ортиқча ҳою хашамдан холи эди. Учта каравот, телевизор, учта стул, битта стол. Тунаш учун шароит етади. Барибир эрталаб туриб кетишади-ку.

– Демак, меҳмонхона учун ҳар биримиздан ўн доллар кетди, – ҳисоб-китоб дафтарига ёзишга тушди Собир.

– Мен камида 100 – 200 доллар кетса керак, деб ўйлагандим, – гап қистирди Нодир.

– Бизга ўхшаганлар учун шоҳона қасрнинг нима кераги бор? – қўшилди Ботир.

Шу пайт эшик тақиллаб бўсағада ҳалиги маъмур йигит пайдо бўлди.



– Маъзур тутасизлар, – деди ҳалиги йигит узрли жилмайиб. – Меҳмонхона хўжайини сизнинг меҳмон эканингизни билиб, махсус чегирма белгилади. Хона учун 25 доллар олиб қолиб, беш долларни қайтиб беришимни айтди.

Шерикларга жон кирди.

– Жа яхши бола экан-ку хўжайини, – йигитчанинг қўлидан бешта купюрани оларкан, севинчини яширолмади Ботир.

– Ўзбекларни ҳамма ерда ҳурмати баланд, – билагонлик қилди Собир. – Бизниям курумсоқ деб ўйлашмасин, икки долларни шу болапақирга чойчақа қилиб берворайлик.

– Майли, – деди Нодир. – Шунда қолган уч долларни тенг бўлиб оларканмиз.

Маъмур икки долларни оларкан, қайта-қайта раҳмат айтиб хонани тарк этди.

– Бугун жуда омадимиз чопди-ку, – бир долларни авайлаб киссага урди Собир. – Шундай қилиб, бир доллардан қайтариб олдик, – демак, хона ҳар биримиз учун тўққиз доллардан тушди.

– Тўхта, – нималарнидир ўзича ҳисоблай бошлади Нодир. – Демак, биз меҳмонхонага эгасига ҳаммаси бўлиб 27 доллар тўлаган бўлиб чиқамиз. Икки долларни анави болага бердик.

– 29 доллар бўляпти-ку? – елка қисди Ботир. – Биз дастлаб 30 доллар бергандик. Яна бир доллар қаерга кетди?

*Ростдан ҳам, бир ҳисоблаб кўринг-а, бир доллар қаерга йўқолди экан?*

*Олтмиш саккизинчи ҳикоя*

### **ЧЎКИБ КЕТГАН ТУЯ**

Воқеа бундан юз йиллар муқаддам Бухоро яқинида юз берганди. Икки ўртоқ йиққан-терган пулларига туя сотиб олиб, юк ташиб тирикчилик қилмоқчи бўлишди. Биргалашиб туя олгани бозорга чиқишди. Туя сотиб

олиш учун шериклардан бирида ўн тилла, иккинчисида ўттиз тилла пул бор эди. Туя харид қилишгач, икковлашиб, фойдани тақсимлаш ҳақида келишиб олишди.

– Демак, гап бундай, – деди ўттиз тилланинг эгаси. – Туя нархининг тўртдан уч ҳиссасини мен қўшдим. Демак, иккаламиз ишлаб топган пулни тўрт ҳиссага бўламиз: уч ҳиссаси меники, қолгани бир ҳиссаси сеники бўлади.

Иккинчи шерик рози бўлишдан бошқа илож топмади. Шу кундан бошлаб ишга киришдилар. Келишилганидек, улар савдогарларнинг юкини ташиб, манзилига етказиб беришар, олинган даромадни тўртга тақсимлашар, шериклар бири пулнинг чорагини, иккинчиси эса қолган қисмини оларди.

Шу тариқа орадан анча фурсат кечди. Кунларнинг бирида улар юкни манзилга етказиб, уйга қайтишарди. Бир дарёнинг бўйига етиб келишди. Унинг устидаги кўприк анча эскириб қолганди. Икки шерик олдинда борар, юксиз туяни эса етаклаб ўтишмоқда эди. Шу пайт кўприк синиб тушди. Икки шерик бир амаллаб жон сақлаб қолишди. Аммо туя ўзини ўнглолмай қолди ва дарёга чўкиб келди. Даставвал шериклар ўзлари тирик қолганига шукр қилишди. Кейин эса туя учун асосий пулни тўлаган шерик мол аччиғига дош беролмади

– Эсиз, шундоқ туямиз чўкиб кетди, бир амаллаб оиламизни боқиб турган эди-я!

– Нимасини айтасан, – деди шериги. – Начора, тақдир экан. Пешонамизга сиғмади.

– Энди бундай қиламиз, – деди биринчи туякаш. – Туя учун пулнинг тўртдан уч қисмини мен тўлагандим, энди зарарини лоақал тенг иккига бўлайлик.

– Бу нима деганинг?

– Яъни сен менга ўн тилла тўлайсан, шунда орамиз очиқ.

– Бу қанақаси бўлди? Пулнинг тўртдан уч қисмини сен тўлаган бўлсанг. Фойданинг ҳам асосий қисмини сен олдинг-ку? Туяни мен чўктириб юбормадим. Ўзи қўл учида кун кўрсам, ўн тиллани қаердан оламан?

– Мен билмайман, ўттиз тиллага куйиб қолавераманми? Қани, ўн тиллани чўз.

Шу тариқа уларнинг орасида низо келиб чиқди. Бир-галашиб қозихонага бордилар. Қози уларнинг даъвосини диққат билан эшитиб, ўйга толди.

– Тақсир, сиз нима десангиз шу! Фақат ўзингиз адолат билан ҳукм чиқарсангиз бас.

Қози бир муддат ўйга толиб, кейин бошини кўтарди:

– Модомики, адолат талаб қилар экансиз, унда амримни эшитинг: туянинг тўртдан уч қисмига эгалик қилган киши чорак қисм эгасига ўн тилла тўлаши лозим.

Бу антиқа ҳукмдан ҳар иккала тараф ҳайратда қолди. Қози эса, бу ҳукмнинг мантиқий асосини тушунтириб берганда, ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмади.

*Айтинг-чи, қози нимага асосланиб бундай ҳукм чиқарган?*

*Олтмиш тўққизинчи ҳикоя*

### **ЙЎҚОЛГАН САНЧҚИ**

Аҳмад ва Маҳмуд пойтахтда ўқиб юрган кезлари танишишган. Ораларидан қил ўтмасди. Ўқишни битиргач, Маҳмуд ўз вилоятига жўнаб кетди. Аҳмад эса пойтахтда қолди. Давлат муассасаларидан бирига ишга кирди. Шу тариқа эски дўстлар анча пайт кўриша олишмади. Ҳар иккиси иш билан бўлиб, телефонлашишни ҳам унута-ёздилар.

Қунларнинг бирида Аҳмадни иш юзасидан Маҳмуд яшайдиган шаҳарчага хизмат сафарига юборишди. Аҳмад шу баҳона эски дўстини ҳам кўриб келиш имкони туғилганидан хурсанд бўлди. Анчадан бери йўқламаган дўстига сим қоқди. Хайрият рақамини ўзгартирмаган экан. Келишилганидек, Маҳмуд дўстини шаҳарчининг кичик шоҳбекатида қарши олди. Дўстининг ишини ҳал қилишида қўлидан келган ёрдамини аямади. Кўп ўтмай кеч тушиб қолди.

– Сени кун бўйи овора қилдим, – деди Аҳмад дўстининг елкасини қоқиб. – Энди яна бир хизмат бор: мени бирор яхшироқ меҳмонхонага жойлаштирасан.

– Дўстим, бизнинг шаҳримиз жуда кичкина, – деди Маҳмуд. – Бизда ўзи биттагина меҳмонхона бор эди. Униям ҳозир таъмирлашяпти. Бугун бизникида қоласан.

– Қанақа бўларкин, – ноқулай аҳволга тушди Аҳмад. – Сени жуда овора қиламан-ку?

Маҳмуд уни ўз уйига етаклади. У кўп қаватли уйларнинг бирида, бир хонали квартирада тураркан. Эшикни рангпаргина аёл очди.

– Синглим билан мана шу каталақда яшаймиз, – деди Маҳмуд хийла хижолат бўлиб. – Лекин сендек қадрдонлар учун бағримиз кенг.

Аёл дастурхонга топганини келтириб қўйди. Аҳмад эса негадир ўйга толганди: қизиқ, у Маҳмуд билан пойтахтда тўрт йил бир хонада турган. Лекин бир марта бўлсин синглиси борлигини айтмаган экан. Дўсти қорачадан келган, аёл эса... Ҳечам бир-бирига ўхшамайди. Дарвоқе, Маҳмуд шу ёшга кириб, ҳалиям синглиси билан яшаши қизиқ.

– Маҳмуд, шу пайтгача уйланмадингми? – сўради меҳмон.

– Йўқ, – мезбон бир нуқтага тикилиб қолди. – Тўй қилсам, сендек дўстимни чақирмасмидим.

«Алдаяпти. Кўзларини олиб қочишидан маълум. Эҳтимол, тўйга айтмагани учун маломат қилишимдан қўрқиб, ўз хотинини синглим деб таништирдимикин? Ҳар қалай бунинг тагига етаман!»

Ичидан шундай мулоҳазаларни кечирган Аҳмад сир бой бермади. Кечки овқат келтирилди. Маҳмуд дастурхон устида ялтираб турган қимматбаҳо санчқиларни кўрсатди:

– Бу санчқилар кумушдан. Раҳматли отамдан ёдгорлик бўлиб қолган. Энг қадрли меҳмонлар келгандагина ишлатамиз.

Тамадди тугагач, ётишга ҳозирландилар.

– Ҳали айтганимдек, уйимиз тор, хафа бўлмайсан, – деди мезбон ва ётоқ диванига ишора қилиб. – Одатда бунда мен ётаман. Синглим эса манавинда ётарди, – у шундай дея деворга суяб қўйилган йиғма каравотга ишора қилди. – Бугун сен диванда, мен йиғма каравотда тунайман. Синглим бу кеча ошхонада бир амаллаб тонг оттиради.

– Сизни ташвишга қўйганимдан қаттиқ хижолатдаман, – деди Аҳмад.

– Қўй, дўстим, озиб-ёзиб бир келибсан...

Эртаси кун Аҳмад пойтахтга жўнаб кетди. Орадан уч кун ўтиб, Маҳмуд унга телефон қилди:

– Аҳмад, тузукмисан, яхши етиб олдингми? – дея сўрашди совуқ оҳангда.

– Йўқ, ҳаммаси жойида, – деди Аҳмад хотиржам. Нима гап, овозинг бошқачароқ...

– Шу... – Маҳмуд бир зум жим қолди. – Сен кетганингдан кейин... отамдан қолган санчқилардан бири йўқолиб қолди. Мабодо...

– Мен санчқини ўғирлаганим йўқ, – деди Аҳмад пинагини бузмай. – Аксинча сенинг ёлғончи эканингни исботладим. Ҳайронман, хотинингни синглим деб таништиришга қандай тилинг борди?

– Қанақасига? – ажабланиб қичқирди Маҳмуд.

*Бир ўйлаб кўринг-чи, Аҳмад дўстининг ёлғон гапирганини қандай исботлаган?*

*Етмишинчи ҳикоя*

## **ДАРВЕШНИНГ ЖАВОБИ**

Воқеа қадим замонларда бўлиб ўтганди. Шаҳар ташқарисидаги бир ғорда бутун ҳаётини тоат-ибодатга бахшида қилган бир дарвеш яшарди. У гоҳ-гоҳ ўз маконидан ташқари чиқиб, тоғ-тошларни кезар, гоҳида харсанглар устида ўтириб, тафаккурга чўмарди.

Кунларнинг бирида дарвеш тонгги ибодатдан сўнг, яна тоғ сайрига отланди. Кетма-кет саф тортган харсанглардан ҳам бир ҳикмат топгандек уларга термилиб қолди. Кейин харсанглардан бирининг устига ўтириб, одатдагидек ҳаёт ҳикматлари устида бош қотира бошлади.

Шу пайт ёлғизоёқ сўқмоқдан жон аччиғида югуриб келаётган бир кимсани кўриб, хаёли қочди. Ҳалиги кимсанинг соч-соқоли ўсиб кетган, бошига қора намат кuloҳ кўндириб олган, эғнидаги кўк яктаги тўзиб кетганди. Афғ-ангоридан жуда қўрқиб кетгани кўриниб турарди.

– Ҳа, ўғлим, бахайр, каллаи саҳарлаб бу томонларда нима қилиб юрибсан? – деди ҳалиги кимса нафаси оғзига тиқилиб.

– Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ. Аммо бир пайтлар султон зулмига қарши бош кўтаргандим. Мени тутиб зиндонбанд қилишганди. Бугун эрталаб ҳибсдан қочдим. Лекин соқчилар изимга тушишган. Саноқли дақиқаларда ортимдан етиб келишади. Улар, албатта, сиздан мен ҳақимда сўрашади. Агар сиз бунақа одам бу ердан ўтмади, десангиз, улар сизга ишонишади ва орқага қайтиб кетишади. Акс ҳолда бирпасда менга етиб олишади ва бу гал аямай дорга тортишади. Менга раҳмингиз келсин.

Шундай дея, қочоқ яна қочишда давом этди. Дарвеш эса ўйланиб қолди. Ахир бу қандай бўлди? Дарвеш йигитнинг беҳуда ўлиб кетишини истамасди. Ахир у ҳеч кимни ўлдиргани йўқ, ўғрилиқ қилмади, бировнинг оиласини бузмади. Фақат, султонга осийлик қилди, холос. Соқчилар изига тушишган бўлса, улар албатта бу ерга келишади. Чунки бу ёлғизоёқ йўл албатта дарвешнинг ёнидан ўтиши тайин. Демак, соқчилар уни кўришади ва албатта сўрашади.

Албатта, дарвеш «Йўқ, бу ердан ҳеч ким ўтгани йўқ», деса, олам – гулистон. Соқчилар ҳам уни танишади. Умрини тақвога бағишлаган одамга сўзсиз ишонишади. Аммо, бу гап қип-қизил ёлғон-ку? Ёлғон эса энг оғир гуноҳлардан. Йиллаб қилган ибодатлари шу биргина

ёлғон билан ювилиб кетмаслигига ким кафолат беради? Ҳар қалай, туғилганидан бери бир марта ёлғон гапирмаган одам учун бу жуда ҳам қийин жумбоқ эди.

Шу пайт пастан қуюқ чанг кўтарилди. Уч отлиқ шиддат билан тепага, дарвеш турган тош олдига қараб от чоптириб келишарди. Улар табиийки, кекса дарвешни дарров танишди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, сўрашди:

– Тақсир, ашаддий жиноятчи зиндондан қочиб кетди. Уни шу тарафга қараб чопиб келаётганини кўргандик. Аммо кутилмаган изини йўқотиб қўйдик. Кўриниши бир аҳволда: соч-соқоли ўсган, бошида қора намат кулоҳи бор. Кийимлари тўзиб кетган... У сизнинг ёнингиздан ўтмадимиз?

Чол нима қилишни, нима дейишни билмасди. Агар «йўқ» деса, ўз виждонига, ўзи мансуб бўлган тариқатнинг аҳкомига зид иш тутган бўлади. Гарчи бу ёлғон бир кимсанинг ҳаётини сақлаб қолса-да, ўз виждони, иймонини сақлаб қолармикин? «Ҳа» деса, ундан ҳам ёмон. Улар ҳориб-толиб қолган собиқ маҳбусни бирпасда тугиб олишади. Кейин эса дорга тортиши ё бошини танидан жудо қилиши тайин. Хўш, нима қилмоқ керак?

Кутилмаганда дарвешнинг хаёлига бир келди. Агар у шундай йўл тутса, ҳам виждонига қарши чиқмаган ҳолда рост гапни айтган, ҳам йигитнинг ҳаётини қутқариб қолган бўлади.

*Савол: Дарвеш қочоқ кимсанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қандай йўл тутган?*

*Етмиш биринчи ҳикоя*

## **ШОҲОНА ИЛТИФОТ**

Воқеа ўтган асрнинг ўрталарида, Шарқдаги монархияга асосланган давлатлардан бирида юз берганди.

Давлат раҳбари – қирол жуда олижаноб, мурувватли, бағри кенглиги билан ажралиб турарди. Юртда адолат ва барқарорлик ҳукм сурарди. Қонун посбонларининг ўз вазифасини сидқидилдан бажаргани боис, бу юртда

жиноятчилик ҳам жуда паст даражада эди. Мамлакатда ўлим жазоси ҳам бекор қилинган, энг оғир жиноятни содир этган кимса кўпи билан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин эди.

Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, қиролнинг ёши қирқдан ўтиб қолганига қарамай, ўғил фарзанди йўқ эди. Шу боис кечаю кундуз Яратгандан ўз мулкига муносиб ворис беришни тиларди.

Кунларнинг бирида қиролнинг илтижолари ўз ижобатини топди. Унинг кенжа хотини паҳлавондек ўғил туғди. Қирол бу воқеадан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ахир у ҳаётидаги энг катта орзусига эришган эдида! Бу хурсандчилик унинг ҳотамтойлигини янада ошириб юборди. Мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқларида валиаҳд шаҳзода туғилгани муносабати билан катта-катта зиёфатлар берилди. Хайрия тadbирлари ўтказилди. Хорижий давлат раҳбарлари унга устма-уст қутловлар жўнатишди. Мамлакат матбуоти ҳам бу оламшумул ҳодисани дунёга дoston қилишди.

Бу мамлакатда ҳеч ким қиролнинг шоҳона илтифотидан бебаҳра қолмади. Қирол маҳбусларни ҳам унутмаганди. У одатда турли миллий байрамлар муносабати билан амнистия эълон қилар, аммо бу имтиёз фақат айрим тоифадаги, айби енгилроқ маҳбусларга нисбатан қўлланарди.

Бироқ, бу гал қиролнинг ҳиммати жўшиб кетди. Шу куниёқ қуйидаги мазмунда фармон чиқарди ва унга имзо чекди:

*«Мамлакатим ҳудудидаги барча қамоқхоналарда, зиндонларда сақланаётган маҳбусларнинг жазони ижро этиш муддатининг шу кунгача ўталмаган қолган қисми тенг ярмига қисқартирилсин».*

Фармон шу куниёқ матбуотда эълон қилинди. Ҳукумат расмийлар фармон ижросига киришилди. Шу куни маҳбусларга оид ҳужжатлар қайта кўтарилди. Барча маҳбусларнинг жазо муддати қисқартирила бошлади:



ўн йилга қамалганлар учун беш йил, бир йил озодликдан маҳрум этилганлар учун олти ой...

Фақат биргина кекса маҳбуснинг жиноят ишини кўриб чиқиш асносида муаммо юзага келди. Мамлакатдаги минглаб маҳбуслар орасида фақат угина давлатга хиёнат қилганлик учун умрбод озодликдан маҳрум этилган эди. У умрининг 27 йилини ҳибсда ўтказганди. У айна пайтда кексайиб куч-қувватдан қолган бўлса-да, олий суд ҳукмига биноан то умрининг охиригача қамокда қолиши лозим эди.

Хўш, унга белгиланган жазонинг ўталмаган қисми қандай аниқланади? Ахир унинг қанча умри қолганини ҳеч ким билмаса?

Бу масала ҳатто Ички ишлар вазиригача етиб борди. Фармонни бажариш барча учун бирдек вожиб. Ушбу фармон тайёрланаётганда ёхуд қирол унга имзо чекаётганида, бундай жумбоқ чиқиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Энди фармон сабабли юзага келган бу мушкулотни қандай ечиш керак? Фармонни ижро этмасликнинг иложи йўқ. Аллақандай хоиннинг иши сабаб фармонга ўзгартиришни сўраб, қиролни безовта қилиш ҳам мантиққа тўғри келмайди.

Шунда вазир маслаҳатчиларидан бири антиқа бир усулни таклиф этди. Бу усул ҳар қанча ғайриоддий кўринмасин, бир мунча оворагарчиликларни талаб этса-да, уни ижро этишнинг бошқа йўли қолмаганди. Хуллас, амнистия ҳақидаги фармон юзасидан маҳбус чолга нисбатан антиқа қарор чиқарилди.

*Савол: Амнистия акти чолга нисбатан қандай тартибда қўлланган?*

*Етмиш иккинчи ҳикоя*

## **СУИҚАСДМИ ЁКИ ҚОТИЛЛИК?**

Жиноят қидирув бўлими ходимлари воқеа жойига етиб келишди. Ертўлани рутубат ва нохуш ҳид тўлдириб турар, шифтдаги туйнукдан тушаётган қуёш нури осилиб

турган аёл жасадининг бир қисминигина ёритарди. Аёлнинг эғнидаги уй халати чўнтагидан аллақандай қоғознинг бир учи кўриниб туради. ЕҒ да, жасаднинг остида эса аллақандай нам доира кўзга ташланарди. ЖҚБ ходимлари ҳар бир ҳолатни далилий ашёларни пухта ўрганишди.

Аёлнинг чўнтагидаги хатда «Менинг ўлимимда ҳеч кимни айбламанглар, мен ҳаётдан тўйиб кетганим учун ўз жонимга қасд қилдим», деб ёзилганди. Аммо капитан унвонидаги ЖҚБ бошлиғи жасадга қараб туриб бош чайқади.

– Бу ўз жонига қасд қилиш эмас, – деди ишонч билан. – Ана, қаранглар, жасаднинг оёғи ердан ярим метрлар чамаси тепада турибди. Хўш, у бўйинини сиртмоққа тиқиш учун оёғининг тагига нимадир қўйиши керак-ку? Қани ўша нарса? Демак, уни кимдир ўлдирган. Оёғи остидаги нарсани ҳам бирор ерга гумдон қилган. Биз аёлнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ маълумотларни пухта ўрганишимиз керак.

Бу дастлабки хулоса эди. Ҳар бир деталл атрофлича текшириб кўрилгач, капитаннинг тахмини ўз тасдиғини топди. Чиндан ҳам аёл оёғи остида турган ашёвий далил топилмади. Аёл эри билан бирга яшамаганлиги маълум бўлди. Аниқланишича, фарзандсизлик сабаб эри марҳумадан ажрим талаб қилган. Аммо аёл ажрашишни истаманган. Эр эса аёлни ташлаб уйдан чиқиб кетган. Айни пайтда у бошқа бир аёл билан учрашиб юрган, ҳатто у билан турмуш қуришга ҳам қарор қилган, бу ўринда фақат эркак марҳумадан расман ажрашиши керак бўлган, холос.

Мантиқан ҳаммаси тўғри чиқарди. Марҳумадан қутилишнинг биргина йўли бор эди: уни ўлдириш! Ва эркак бу машъум ишни амалга оширган! Бу тезкор тергов гуруҳининг дастлабки хулосаси эди. Эркак қотилликда айбланиб, қамоққа олинди.

Бу иш бўйича жалб қилинган адвокат ҳам ишга алоқадор ҳамма деталларни пухта ўрганиб чиқди. Эркакнинг

айбсизлигини исботлайдиган далиллар жуда кўп эди. Иш судгача бориб етди. Прокурор барча айбларни суд ҳайъатига тақдим этиб, жинойтчиға муносиб жазо таъинлашни сўради.

Навбат адвокатга берилди.

– Судланувчининг бу ишга алоқадор эмаслигини бир қанча далиллар билан исботлай оламан. Энг катта далил – бу аёлнинг хати. У хатда ўзини ўзи ўлдиришга қатъий қарор қилганини ёзади. Экспертлар хатни аёл ўз қўли билан ёзганини исботлаган. Ертўладан судланувчига тегишли бирор ашёвий далил топилмаган. Аёл ўз жонига қасд қилгани яққол кўриниб турибди.

– Эркак аёлни ушбу хатни ёзишга мажбурлаган бўлиши ҳам мумкин-ку? – эътироз билдирди қораловчи. – Бўпти, сиз айтгандек, аёл ўзини ўлдирган, дейлик. Унда аёл бошини сиртмоққа тиқиш учун оёғи остига нима қўйган? Қани ўша буюм? Ахир ўзини ўлдирганидан кейин дордан тушиб бирор ерга гумдон қилмагандир?

Аммо адвокат бу саволга шундай жавоб қайтардики, суд залидагилар ҳайратда қолишди. Аёлнинг ўз жонига қасд қилганига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Айбланувчининг ҳам айбсизлиги ўз тасдиғини топди.

*Айтинг-чи, адвокат прокурорнинг саволига қандай жавоб қайтарган?*

*Етмиш учинчи ҳикоя*

## **ГУВОҲНИНГ ГУНОҲИ**

Кеч кузнинг изғирин кунлари эди. Берлин полиция бўлимига шаҳарнинг чекка кварталларидан бирида юз берган қотиллик ҳақидаги маълумот келиб тушди. Тунги 23:00 атрофида ресторан раҳбари пичоқлаб кетилган. Ҳодиса юз берган пайтда ресторандаги мижозлар ҳам, хизматчилар ҳам кетиб бўлганди. Ресторан раҳбари сўққабош бўлгани учун гоҳида ресторанда тунаб қолар, шу боис қоровул ёллашга ҳам ҳожат қолмаганди.

Изқуварлар ишга киришди. Воқеа жойидан марҳумнинг кўксигаги пичоқдан ташқари қўлга илинарли ашёвий далил топилмади. Бегона изларни аниқлашнинг имкони йўқ. Чунки ресторанда ҳар куни юзлаб одам кириб чиқади. Пичоқ дастасида бармоқ излари ҳам аниқланмади. Чамаси қотил бу ишга яхши тайёрланиб келган. У ресторанга кирган пайтда сигнализация ҳам, кузатув камералари ҳам ишламаган.

Жиноят ҳақида кўчадан ўтиб кетаётган бир йўловчи полицияга хабар берганди. Одатда ярим тунда бу кўчадан одам жуда кам ҳоллардагина ўтарди. Гувоҳнинг тун ярмида ушбу ресторан ёнидан ўтиши полиция терговчисида шубҳа уйғотди. Шу боис уни диққат билан сўроқ қилишга тушди:

– Сиз шу ресторан яқинида турасизми?

– Ҳа, бир квартал нарида, – жавоб берди гувоҳ диллик билан.

– Сиз келаётганда ресторан эшиклари ланг очиқмиди?

– Йўқ, лекин ичкаридаги чироқ ёниқ турарди.

– Ресторан соҳиби ўлдирилганини қаердан билдингиз?

– Ресторан ойнасидан.

– Ойнадан марҳумнинг гавдаси аниқ кўриниб турармиди?

– Йўқ, ойнадан фақат ичкаридаги чироқ ёруғи сезилиб турарди, холос. Ташқари совуқ эди. Ойнани буғ қоплаб олганди. Ойнага яқинлашиб, буғни артиб ташладим. Шунда ерда қонга беланиб ётган ресторан раҳбарини кўрдим.

– Сиз бу одамни илгари танирмидингиз?

– Ҳа, бир-икки марта ресторанига кириб овқатланган пайтларимда гаплашиб қолганман. Марҳум камгап, хокисор одам эди.

– Марҳумга нисбатан адоватингиз сабабини билсак бўладими?

Гувоҳ бирдан сергак тортди:

– Бу нима деганингиз? Қанақа адоват? Айтяпман-ку, уни яқиндан танимасдим. Бир-икки марта...

– Алдаманг, – терговчи гувоҳнинг кўзларига синчков тикилди. – Сиз марҳумни жуда яхши танирдингиз. Унга нисбатан адоватингиз ҳам бўлган. Марҳум кечалари ресторанда ёлғиз қолишини ҳам, сигнализация ва кузатув камералари ишламаслигини ҳам билгансиз. Сиз барибир изқуварлар қўлига тушиб қолишдан қўрққансиз ва ўзингизни шубҳадан холи кўрсатиш мақсадида гўёки ҳодисага тасодифан гувоҳ бўлиб қолган кимсадек кўрсатгансиз.

«Гувоҳ» донг қотиб қолганди. Аввал ўзини ҳар томонга отиб кўрди. Аммо терговчининг қатъияти олдида таслим бўлди.

– Рост, – деди бошини қуйи солиб. – Мен ресторан раҳбаридан катта миқдорда қарз олиб, бизнес бошламоқчи эдим. Кутилмаганда ҳамма режаларим барбод бўлди. Бор пулимдан айрилдим. Бу ҳам етмагандек ресторан хўжайини мендан қарзини сўрай бошлади. Қарзни тўлай олмасам, у мени судга беришидан қўрқиб, қулай фурсат пойладим ва уни ўлдирдим.

*Шу тариқа айбдор қўлга олинди ва ўз жазосини олди. Аммо терговчи унинг қотил эканини қандай аниқлади экан?*

*Етмиш тўртинчи ҳикоя*

## **ТУННЕЛДАН ТОПИЛГАН ЖАСАД**

1955 йил. Япониянинг Хонсю ва Хоккайдо ороллари-ни бир-бири билан боғловчи Сэйкан туннелидан қирқ ёшлардаги эркак кишининг жасади топилгани ҳақида Аомори префектураси жиноят-қидирув бўлимига хабар қилинди.

Тергов-суриштирув ишлари бошланди. Жасад Кусиро префектурасида яшовчи Хироши Накамура исмли шахсга тегишли экани шу кунгича ўз тасдиғини топди. Маълум бўлишича, Хироши туғма ногирон бўлиб, шу

чоққача уйланмаган, кекса отаси ҳамда акаси Киоши билан бирга яшаган.

– Укам кўзи ожизлиги сабабли ёлғиз ўтишни ихтиёр этганди, – дея кўз ёшларини тиёлмай, ҳикоясини бошлади Киоши. – Биз чекка қишлоқда яшардик. Мен укамнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан кўз-қулоқ эдим. У жуда эътиборталаб, таъсирчан, кўнгли нозик инсон эди.

Маълумотларга қараганда, Хироши кейинги пайтларда ҳаддан ташқари тушкун вазиятга тушиб қолганди. Кутилмаганда у радиодан пойтахтда янги кўз жарроҳлиги маркази очилгани ҳақида эшитиб қолади. Жуда кўп туғма кўзи ожиз беморлар ушбу марказда жарроҳлик амалиётидан сўнг ёруғ дунёни кўриш бахтига муяссар бўлишганди.

Киоши укаси билан бирга Токиога кетолмасди. Чунки оталарининг аҳволи оғир, ўзгалар кўмагисиз ўрндан кўзғалолмас, бу хонадонда чолнинг иссиқ-совуғидан фақатгина катта ўғил – Киоши хабардор эди. Киошининг аёли қазо қилган, икки қизи эса бошқа шаҳарларга турмушга чиқиб кетишганди. Хуллас, у отасининг ёнидан бир қадам ҳам жиллолмаслиги аниқ.

Токиода Киошининг қадрдон дўсти Масару истиқомат қиларди. Телефон орқали ҳаммасини гаплашиб олишди: Киоши укаси Хирошини поездга солиб жўнатадиган, Масару эса уни вокзалда кутиб оладиган ва жарроҳлик марказига олиб бориб жойлаштирадиган бўлди.

Кўзғатилган жиноят иши юзасидан ушбу марказ жарроҳидан ҳам кўрсатмалар олишга тўғри келди. Хирошини текширувдан ўтказган жарроҳ операция муваффақиятли ўтгани, фақат жароҳатлар тўлиқ битиши учун ҳали кўзидаги боғич ечилмаганини маълум қилди. Марказ мутахассислари Хирошидан яна икки кун қолишни сўрашган эса-да, отасидан хавотир олган бемор муддатидан олдин уйга жавоб беришни сўраган.

Масару дўстининг укасини марказдан олиб, вокзалга етказган ва Киошига қўнғироқ қилиб, поезд етиб борадиган вақтни маълум қилган. Масарунинг айтишича, хайрлашув олдидан Хироши жуда хушчақчақ кайфиятда бўлган. Телефонда акаси билдан гаплашган Хироши унинг ташқи кўринишини сўраб, «сени ўзим вокзалдаёқ таниб оламан», деб ҳазиллашганди.

Хирошининг чиптаси умумий вагонники эди. Вагонда юзлаб йўловчилар бор эди. Шу боис поезд ичидан Хирошининг йўқолиб қолганини ҳеч ким сезмаган. Поезд хизматчилари Хирошини вагонга чиқаётган пайтда кўришган экан. Кейин унга ҳеч ким эътибор қилмаган. Ҳақиқат шуки, поезд ўтиб кетганидан кейин унинг жасади Япониядаги энг узун туннел – Сэйканнинг ичидан топилган. Хироши катта тезликда келаётган поезд эшигидан улоқиб тушган ва туннелнинг бетон деворига боши урилиб мажақланган. Натижада у воқеа жойида дунёдан кўз юмган.

– Сиз нима деб ўйлайсиз? – сўради жиноят-қидирув бўлими бошлиғи яқинда ишга келган ёш терговчидан. – Бу қотилликми ёки ўз жонига қасд?

– Марҳумнинг ўз-ўзини ўлдириши учун бирор асоси бўлмаган, – деди терговчи ишонч билан. – Акс ҳолда шунча йўл босиб, кўзини очиш учун Токиога келмаган бўларди. Унинг ҳаётдан умиди бўлган. Лекин поездда азалий ғанимларидан бири унинг изига тушган бўлиши мумкин. Ахир, Хирошининг ўзини ўзи ўлдиришига бирор сабаб кўрмаяпман.

– Адашдингиз, сабаб бор эди, – деди кекса изқувар. – Хироши ўз жонига қасд қилган.

Жиноят-қидирув бўлими бошлиғи бунинг сабабини ҳам айтганида терговчи ҳайратда лол бўлиб қолган.

*Айтинг-чи, Хироши нима учун ўз жонига қасд қилган?*

*Етмиш бешинчи ҳикоя***ОЙДИН КЕЧАДАГИ ХУНРЕЗЛИК**

Икки ҳафтадирки, мудҳиш жиноят иши бўйича бошланган тергов ва суриштирув ишлари боши берк кўчага кириб қолганди. Гувоҳлар қайта-қайта сўроқ қилинса-да, воқеа жойидан топилган далиллар қайта-қайта ўрганиб чиқилса-да, ҳали ҳануз Клемпнер фамилияли бу шўрликнинг қотили аниқлангани йўқ.

Инспектор Варнике бу бошоғриқ ишга жалб қилинган, у мазкур жиноят тафсилотлари билан батафсил танишиб чиқди. Кейин ҳодиса ҳақида биринчи бўлиб хабар қилган Мозес исмли гувоҳнинг кўрсатмалари унинг диққатини тортди. Полициядан у билан учрашиш учун рухсат сўради. Орадан бир ярим соат фурсат ўтиб, Мозесни полиция идорасига олиб келишди.

– Агар ижозат берсангиз, ҳаммасини ўша, воқеа юз берган жойда гаплашсак, – деди Варнике гувоҳ билан сўрашиб бўлган.

– Мен ҳаммасини терговда айтганман, яна ўша гапларимни қайтаришим мумкин, – деди Мозес алланечук мужмал оҳангда.

Хуллас, инспектор кечки пайт, икки нафар полициячи ҳамроҳлигида гувоҳ Мозес билан биргаликда воқеа жойига йўл олди.

Ушбу жиноят шаҳардан анча ташқарида ўрмон четидан кесиб ўтувчи сўқмоқда рўй берганди. Тўлин ой дарахт ва буталар узра ўзининг кумушранг нурларини аямай сочар, бу сокинлик қўйнида хунрезлик содир этиш мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

– Аниқ эсимда: икки ҳафта илгари кечқурун худди мана шу йўлдан велосипедда келаётгандим, – деди Мозес буталар орасидан ўтган ёлғизоёқ сўқмоққа имо қилиб. – Худди мана шу ерга келиб, буталарнинг шитирлашидан сергак тортдим ва велосипедни тўхтатдим.



Бирдан баланд бўйли, оч кулранг куртка кийиб олган эркак буталар орасидан югуриб чиқди-ю шу сўқмоқ бўйлаб, яшин тезлигида чошиб кетди. Нимадир бўлганини тушуниб, велосипеддан тушдим ва буталар орасига кўз югуртирдим. Ҳалиги одам чиққан жойдан беш-олти қадам ичкарида, майсалар устида қонга беланиб ётган эркак кишининг жасадини кўриб, қотиб қолдим. Кейин эс-ҳушимни тўплаб, велосипедимни миндим-да, яқин орадаги полиция участкасига йўл олдим. Бўлган гап шу, инспектор.

– Демак, сиз барча тафсилотларни аниқ кўрдингиз, тўғрими? – сўради инспектор Варнике хиёл ўй суриб.

– Бўлмасам-чи, ахир ой худди бугунгидек тўлган, ёрқин нур сочиб турганди. Ҳамма нарса аниқ-тиниқ кўзга ташланарди.

– Сиз марҳумни шахсан танирмидингиз?

– Унчалик яқин эмасдик, лекин ҳар қалай кўпдан буён таниш эдик. Биз худди ўша оқшом у, яна бир-иккита танишлар билан ёзги ресторанда ўтиргандик. У биз билан яхшигина ичди. Ўша куни гап орасида лотереяда катта пул ютиб олганини ҳам айтиб ўтди.

– Тушунарли, – деди инспектор Варнике хийла кулимсираб. – Давомини айтмасангиз ҳам бўлади. Сиз қамоққа олиндингиз.

Гувоҳ турган жойида қотиб қолганди. Аввалига ўзини ҳар ёққа ташлаб кўрди. Аммо, охир-оқибатда айбини бўйнига олишдан бошқа чора топмади. У чиндан ҳам катта пул ютиб олган танишини тўнаш мақсадида у билан изма-из шу ёлғизоёқ сўқмоқдан боргани ва қулай фурсат топиб, шўрликни ўлдирганини тан олди.

*Ўйлаб кўринг-чи, нимага асосланиб, инспектор гувоҳ Мозесдан шубҳаланган бўлиши мумкин?*

*Етмиш олтинчи ҳикоя***ГУМОН ОСТИДАГИ ТЎРТОВЛОН**

– Ёмғирга қаранг, тўрт кундан бери тўхтай демайди, – деди Доктор Ватсон деразадан кўз узмай. Бу пайтда Шерлок Холмс эрталабки газеталарга кўз югуртираётган эди.

– Бу жуда оддий, Ватсон, – деди у газеталарини четга суриб, трубка тутатаркан. – Октябрь Лондон учун энг серёғин ой саналади.

Уларнинг об-ҳаво ҳақидаги суҳбатини хонадон бекаси мисс Хадсоннинг қадам товушлари бузди.

– Сизга Скотланд-Ярддан махсус кэб юборишди, мистер, – деди бека Холмсга юзланиб. – Тезлик билан пастга тушаркансиз. Полиция комиссари сизни йўқлаяпти.

– Менимча, шаҳарнинг шимолий қисмида кеча юз берган жиноят – лорд Уотерснинг ўлдирилиши бўйича чақиришяпти, – деди Холмс эгнига ёмғирпўшини иларкан. – Одатда боши берк кўчага кириб қолишса, мени чақиришади.

Орадан ярим соатча вақт ўтиб улар Скотленд-Ярдда, полиция комиссари хонасида ўтиришарди. Гарчи Шерлок Холмс газеталар орқали қотилликдан хабар топган бўлса-да, полициянинг иш юзасидан тўплаган ҳар бир маълумоти билан синчиклаб танишиб чиқди.

Уотерс Хиллингдондаги қасрмонанд уйлардан биринда ўғли, хотини ва икки хизматкори билан кун кечирган. Кексайган пайтида лорд жуда жиззаки ва жанжалкаш бўлиб қолганди. Унинг аёли миссис Уотерс бир неча марта ажрашиш учун судга ариза ҳам берган, аммо лорд ажрашгач, мулки иккига бўлинишидан қўрқиб, ажримга рози бўлмаган. Ўғли Уильям Уотерс ҳам отаси билан келишолмай юрган. Лорд аллақачон ўғлини меросдан маҳрум қилиш ҳақидаги васиятномани расмийлаштирган ҳам экан.

Лорд ҳатто хизматкорларнинг ҳам жонига текканди. Ўтган ҳафта овқати ёқмагани учун у идишни оқсоч аёлнинг башараси улоқтирган. Боғбоннинг ҳам иши лордга ёқмай қолган ва уни анчадан бери ишдан ҳайдаш билан қўрқитиб келаркан.

– Қотиллик юз берган пайтда лорднинг яқинларидан ким қаерда бўлган? – сўради Холмс.

– Ҳамма гап шунда, – жонланди полиция комиссари. – Қотил четдан келмаган. Чунки қаср хандақ билан ўралган, агар ичкаридан туриб осма кўприк хандақ устига туширилмаса, ҳеч ким киролмайди. Қотиллик юз берган паллада Миссис Уотерс ўз хонасида китоб ўқиб ўтирган экан. Лорднинг ўғли бир кун аввал зиёфатдан кеч қайтгани учун ҳали ётоғида боши оғриб ётган экан. Оқсоч аёл бу пайтда ошхона тозалаётган экан. Боғбон эса қаср ҳовлисидаги гулларни суғориш билан машғул бўлган. Оқсоч аёл ошхонадаги ишларини битириб, лорднинг хонасига қаҳва олиб кирганида у жон талвасасида хирллаб ётарди. Шу заҳоти унинг қаттиқ дод солганини эшитиб, лорднинг ўғли, хотини, боғбон югуриб келишган. Аммо худди шу лаҳзада лорднинг жони узилган. Бир қарашда ҳар тўртовининг ҳам ўлдириш учун асоси бўлган. Иккинчи тарафдан ҳар бирининг ўз алибиси бор.

– Хўш, дўстим, бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз? – сўради у одатига кўра докторга Ватсонга юзланиб.

– Бу чигал масала, – мужмал елка қисди доктор. – Агар чуқурроқ мулоҳаза қилинса...

– Менимча, мен бу жумбоқнинг жавобини топганга ўхшайман, – деди Шерлок дўстининг мулоҳазасини кутмаёқ. – Бу жуда оддий, Ватсон!

У шундай дея ўз гумонини ва бунинг сабабларини тушунтириб берди. Айбдор Холмсинг аниқ далиллари қаршисида айбини тан олишдан бошқа чора тополмади.

*Айтинг-чи, Холмс кимни ва нима учун қотилликда айбдор деб гумон қилган?*

*Етмиш еттинчи ҳикоя***МАҲБУСНИНГ ЖАВОБИ**

Воқеа қадим замонларда юз берганди. Пойтахтнинг энг чекка ҳудудидаги тор, қоронғи ва зах қамоқхонада учта кекса ёшли маҳбус жойлаштирилганди.

Уларни бу қамоқхонага тиққан ҳукмдор аллақачон бу оламни тарк этиб кетган, улар нима сабабдан қамалганини ҳатто маҳбусларнинг ўзи ҳам унутаёзганди. Чамаси бу маҳбуслар учун ҳам энди озодликнинг қизиғи қолмаганди.

Кунларнинг бирида ҳукумат тепасига ёш бир ҳукмдор келди. У бошқарувининг илк кунлариданоқ қамоқхонада сақланаётган маҳбуслар билан қизиқди. Ҳар бир маҳбуснинг нима учун қамалганини нозирлардан эринмасдан сўраб чиқди. Ноҳақ қамалганларни озодликка чиқариш бўйича фармон берди. Енгилроқ жазога ҳукм қилинганларнинг муддатини янада узайтиришни буюрди.

Навбат бир ҳужрага ҳибс этилган қарияларга келди. Ёш ҳукмдор қамоқхона нозирларидан бу маҳбусларнинг ўтмишини сўради.

– Очиғи, мен бу ерга келганимга беш йилча бўп қолди. Бу чоллар эса камида ўттиз йилдан бери сақланса керак. Уларнинг нима гуноҳ қилганини ҳам аниғи, билмайман.

Қамоқxonанинг бошқа ходимлари чоллар қамалишидан анча кейин ишга келишганди. У пайтларда ҳужжатлар ҳам у қадар эҳтиёткорлик билан сақланмас эди. Ушбу маҳбусларга тегишли ҳужжатлар аллақачон йўқолиб кетганди. Маҳбусларнинг ўзидан уларнинг айбини сўраш албатта ёш ҳукмдорга ярашмасди.

Шу пайт ёш ҳукмдорнинг хаёлига бир қув фикр келди. У одамлар билан ҳазиллашишни, турли қизиқарли савол-жавоблар билан уларнинг идрокини синаб кўришни истарди. Ҳозир ҳам қариялар билан бир ҳазиллашиш иштиёқи туғилди. Агар қариялар унинг хоҳишини у ўй-

лагандек донолик билан адо этишса, қамоқдан чиқариб юборади – бу аниқ. Агар топишолмаса... Начора, шундоғам чоллар шу ерни ёшини яшаб бўлган.

Хукмдор ҳужрага кириб, кексаларга ўзини таништирди. Кейин эса уларга юзланиб шундай деди:

– Отахонлар, мен сизларга битта топшириқ бераман, агар шуни адо этолсангиз, барчангиз озодликка чиқасиз. Қолаверса, сизларни умрбод нафақа билан ҳам таъинлайман. Агар бу жумбоқ сизларга оғирлик қилса...

– Хўш, эштайлик-чи? – дейишди қариялар ҳам қизиқсиниб. Улар учун ҳам озодликка чиқишдан кўра, шу жумбоқни топишга уриниб кўриш қизиқроқ туйилаётганди.

Хукмдор ёнидаги мулозимнинг қулоғига алланима деб пичирлади. Мулозим бош эгиб ҳужрадан чиқиб кетди ва кўп ўтмай, қоқ ўтасидан иккига бўлинган шиша идиш ва игна-ип олиб келтирди.

– Мана сизларга бўлинган шиша ва игна-ип, – деди у ҳалигиларни чолларнинг олдига қўяркан. – Сизлар кўпни кўргансиз. Бу ерга бекорга тушмагандирсиз. Ҳар нарсага ақлингиз етади. Менга ҳозирнинг ўзида мана бўлинган идишни манави игна-ип ёрдамида тикиб берсангиз бу ердан чиқариб юбораман.

Чоллар бирин-кетин синган шиша ва игна-ипни қўлларига олиб кўра бошлашди. Ҳатто баъзилари хукмдорнинг топшириғини бажаришга уриниб ҳам кўришди.

– Олампаноҳ, иложи йўқ иш бу. Ундан кўра, шу ерда умрбод қоласанлар, десангиз ҳам бўларди.

Хукмдор нимадир дея оғиз жуфтлаган пайтда чоллардан бири шишани олиб, уни яна хукмдорнинг қўлига тутқазди.

– Мен сизнинг амрингизни бажо қиламан, фақат...

Чол ўз навбатда ундан бир нарсани сўрадики, натижада ёш хукмдор унинг ақл-заковатига тан берди ва шу заҳоти ҳар учала қарияни озодликка чиқариб, ваъдасига биноан уларни умрбод нафақа билан ҳам таъминлади.

Хўш, маҳбус чол хукмдорга нима деган бўлиши мумкин?

*Етмиш саккизинчи ҳикоя***БИЛАҒОН БОЛАНИНГ СИРИ**

Қишлоқма-қишлоқ юриб одамларга ҳар хил томошалар кўрсатадиган бу гуруҳни ҳамма интизорлик билан кутарди. Бу сайёр цирк гуруҳи таркибида полвонлар ҳам, дорбозлар ҳам, ҳуққабозлар-у масхарабозлар ҳам, кўзбойлоғичлар ҳам бўларди. Улар кўрсатган турли томошалар одамларни лол қолдирар, кулгили саҳна кўри-нишларидан томошабинларнинг ичаги узиларди.

Бу гуруҳ қаерда томоша берса, албатта, бориб қатнашадиган, томошаларни мириқиб кўрадиган ашаддий мухлислар ҳам бор эди. Улардан бири ҳар бир саҳна кўриниши ортидаги «сирлар»гача хабардор эди. Аммо битта чиқишнинг тагига ҳеч етолмасди.

Бу чиқишда масхарабоз саккиз-тўққиз ёшли бир шогирдини етаклаб чиқар, уни томошабинларга «ўта билағон, зийрак бола» деб таништирарди. Кейин эса унинг кўзини махсус боғич билан боғларди. Гоҳида томоша ишончли чиқиши учун боғичларни текширгани томошабинларни ҳам чақириб кўрарди. Ўша мухлис ҳам бир неча бор бунга шахсан ишонч ҳосил қилганди. Улар боғичнинг қалинлиги, унинг ортидан ҳеч нарсани кўриб бўлмадлиги, боланинг кўзлари маҳкам беркитилганини тасдиқлашгач, томоша бошланарди.

Мана, бу гал ҳам томоша шу тариқа бошланди. Масхарабоз ўз шогирдини давра бўйлаб айлантира бошлади.

– Ўғлим, манави амакининг эғнидаги свитер қанақа рангда? – сўради масхабароз ўрта ёшдаги, қизил свитерли эркакнинг ёнига бориб.

Бола қўллари билан ҳалиги эркакнинг кийимини пайпаслаб кўраркан:

– Қизил, – деб дадил жавоб берди.

– Манави йигит кийган кўйлакнинг рангини айта оласанми? – масхарабоз бошқа бир томошабиннинг ёнида тўхтаб.

Бола унинг ҳам кўйлагига кўлини теккизиб кўрди:

– Оқ, – деди ишонч билан.

Шу тариқа масхарабоз яна бир қанча томошабиннинг кийимлари рангини боладан сўраб чиқди:

– Манави акангнинг футболкасини рангини биласанми?

– Яшил.

– Манави хола кийган кўйлакнинг ранги қанақа?

– Сариқ.

– Бу бола қанақа рангдаги иштон кийиб олган?

– Кўк.

– Бу кишининг костюми-чи?

– Қора.

– Бу қиз кийган кофтанинг рангини айта оласанми?

– Оқ.

Қизиғи, боланинг кўзида ҳеч қандай боғич йўқдек, ҳамма ранглари беҳато айта оларди.

Ҳалиги мухлис айнан шуни тушуна олмасди. Албатта, бунинг қандайдир оддий сири бўлиши керак. Чунки ҳатто унча-мунча фолбинлар ҳам бундай вазиятда хато қилишлари мумкин.

Мухлис бу сирнинг тагига етишга аҳд қилди. Гуруҳ билан изма-из юриб, унинг томошаларини қолдирмасдан кўриб борди. Аввалига у «Масхарабоз томошабинлар орасига махсус одамларни кўйиб чиқса керак», деган фикрда эди. Аммо кузатишлар бунинг мутлақ аксини кўрсатади. У ҳар бир томошада бутунлай янги-янги одамларнинг кийимини сўрар, шогирди кўзи боғлиқ ҳолда барча кийимларнинг рангини беҳато айтиб берарди.

Мухлис то шу сирнинг тагига етмаса, тинчимаслигини англади. Аммо вақт ўтиб борар, унинг ишлари ҳам ўлда-жўлда қолиб кетар, гуруҳнинг ортидан юриб, унинг томошаларини диққат билан кузатишда давом этарди.

Вақт ўтиши билан буни сайёр цирк гуруҳининг раҳбари ҳам сезиб қолди. Ҳалиги мухлисни ёнига чақириб,

улар билан изма-из юришининг боисини сўради. Мухлис ниҳоят ичидаги дардини айтди.

– Мана, икки йилдан бери ҳамма ишимни ташлаб, шу масхарабоз ва унинг билагон шогирди сирини очмоқчи бўламан. «Шу сирнинг тагига етмасам қўймайман», деб қатъий аҳд қилганман. Лекин барибир ақлим етмаяпти. Илтимос, менга бунинг сирини айтинг.

Цирк раҳбари аввал ўйлаб турди. Кейин эса мухлисга раҳми келди.

– Майли, мен сизга бу сирни очаман, фақат сиз бошқаларга айтмасликка қасам ичасиз.

*Ҳалиги мухлис қасам ичгач, цирк раҳбари бу сирни очди. Сиз ҳам бу сирни билишни истайсизми?*

*Етмиш тўққизинчи ҳикоя*

### **СУВ ҚАЁҚҚА ҚАРАБ ОҚЯПТИ?**

Бадавий Саҳрои Кабир бўйлаб йўлга чиққанидан буён орадан бир ҳафтача вақт ўтганди. Бир ҳафта ичида у не-не машаққатларни бошидан кечирмайди. Агар яна бир кун ичида шаҳарга етиб боролмаса, ичимлик захираси тугаб, саҳронинг қоқ ўртасида нобуд бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бадавийнинг туясига-ку фарқи йўқ. У яна бир неча ой сувсиз йўл боса олади. Аммо надоматким, инсон туя сингари бардошли мавжудот эмас. Фақат анча чарчаб ҳолдан тойган, холос.

Саҳро бўйлаб кетиб бораркан, узун сарғиш чизиқ унинг эътиборини тортди. «Бу нима бўлди экан?» ўйга толди бадавий. Яқинлашгач, ҳаммаси равшан бўлди: ахир бу Саҳрои кабирни кўндалангига кечиби ўтган сув қувури-ку? Бу қувур бундан қирқ йилча аввал Нафураддан Сарирга томон тортилган, Сарир аҳлини сув билан фақат мана шу қувур таъминлаб турарди. Қувур саҳро бағридаги айрим қишлоқчалар ҳудудидан ҳам ўтар, бу қишлоқларда нари борса 10 – 15 оила истиқомат қилар,



улар учун қувурнинг қорин қисмига махсус жўмрақлар ўрнатилган эди.

Мана, бадавий ниҳоят қувур олдига етиб келди. Унинг кўриниши худди геометриядаги «тўғри чизиқ» атамасини эслатарди. Бу «чизиқ» ҳар икки тарафга чексиз узангандек кўринарди. Аслида эса қувур чексиз эмас, унинг боши ҳам, охири ҳам бор.

Бадавий хуржундан сув идишини олиб, исиб қолган сувдан авайлабгина бир-икки қултум хўплади. Агар авайлаб ишлатса, бу сув бир кунга аранг етиши мумкин. Қувурдан ошиб манзилига етиши учун эса бир кун етмаслиги аниқ. Бу саҳрода сувсиз юриш ўлим билан баравар. Демак, қандай бўлмасин, узоғи билан бир кун ичида сув топиши керак.

«Қувурни тешсаммикин?» – ўйлади бадавий ва дарҳол бу фикрдан қайтди. Йўқ, бундай қилиб бўлмайди. Биринчидан, агар қувурга шикаст етказса, бутун бир шаҳарни сувсиз қолдириш мумкин. Буям майли. Қувур ўта қаттиқ пўлатдан ишланган. Унга қўл кучи ёрдамида етишишингни асло имкони йўқ. Фақат қувурга ўрнатилган энг яқин жўмракка етиб олишдан бошқа чора қолмаганиди.

Бадавий туясидан тушиб, қувурни пайпаслаб кўрди. Ажаб, куннинг тиғида мана шу қувур ичидан муздек оби ҳаёт оқмоқда. Шу сабабдан қувур ҳам совуқлигича қолган. Шу тобда ўзи турган жойдан сал нарида қувурга илинган тахтачага кўзи тушди. Шошиб ўша тарафга ошиқди:

*«Сув оқими бўйлаб Қалб ул-Ъасад қишлоғига қадар 100 километр. Сувни ўша ердан ичишингиз мумкин».*

Бадавий эълонни ўқиб, яна ўйга толди. Юз чақирим масофани туяда босиб ўтиш учун ҳам бир кун вақт керак бўлади. Фақат бунинг учун сув оқимини билиш зарур. Бир қарашда ҳамма ёқ теп-текис, қувур ичидаги сув қаердан қай томонга оқаётганини аниқлашнинг эса иложи йўқ.

Таваккал қилиш эса хавфли. Агар тахминан бўлса-да, қишлоқни топиб борса, хўп-хўп. Лекин қарама-қарши тарафга кетиб қолса-чи? Бир кун беҳуда йўл босиб борса, захирадаги сувни ичиб адо қилади. Гарчи ўшанда ҳақиқат маълум бўлса-да, кечикади. Қишлоққача яна икки кун йўл босиши керак. Бу эса ҳалокат дегани.

Қанийди, сув оқимини аниқ билганида... Идишларини сувга тўлдириб олар ва шу тариқа шаҳарга ҳам бемалол етиб борарди. У чиқиш йўли ҳақида тинимсиз бош қотираркан, бирдан миясида нимадир ярқ этгандек бўлди.

«Нега бу ҳақда олдинроқ ўйламадим?»

У адашмаган эди. У қўллаган усул дарҳол иш берди ва сув йўналишини осонгина аниқлади. Туяга миниб ўша тарафга йўл олди. Дарҳақиқат, бир кун деганда қишлоққа етиб борди. Миттигина воҳада ҳаёт нафаси сезиларди. У қувур қорнидан туртиб чиққан жўмракка лабини босиб, зилол сувдан тўйиб сипқарди. Идишларини сувга тўлдириб, манзилига ҳам эсон-омон етиб олди.

*Хўш, бадавий сув оқимини қандай аниқлаган бўлиши мумкин?*

#### Саксонинчи ҳикоя

### «ГАЗЕТАНГИЗ СОХТА ЭКАН»

Лондонлик машҳур коллекционер мистер Саймонд ҳар кунгидек кўзига пеннесини қўндирганча, эски газета тахламларини варақлаш билан машғул эди. Шу пайт ёнига ёрдамчиси Хопкинс кириб антиқа янгиликни маълум қилди.

– Сэр, кун кеча бир киши ўзида ўта ноёб газета борлигини айтиб телефон қилганди.

Саймонд кўзойнаги оша ёрдамчисига тикилди.

– Биласан-ку, менинг бой коллекциячи эканимни билиб, ҳар хил фирибгарлар ўзининг арзимас матосини ўтказмоқчи бўлишади. Бу гал яна нимани тиқиштиришяпти.

– Айтишича, 1914 йилгача босилиб, кейин номаълум сабабларга кўра ёпилиб кетган бир немисча газета экан. Газета эгасининг айтишича, Биринчи жаҳон уруши бошлангани ҳақидаги илк хабар бутун дунё бўйича айнан шу газетада босилган экан. Шу боис, бу газетани жуда кўп харидорлар сотиб олмоқчи бўлишса-да, эгаси сотмаганмиш.

Саймонд «Ким билсин», дегандек елка қисди ва қўшиб қўйди:

– Майли эртага соат 11 да учрашув белгиланг, ўзим гаплашиб кўраман, ҳа, ўша газетасини ҳам ўзи билан олиб келсин!

Мистер Саймонд бутун мамлакатдаги энг катта газеталар коллекциясига эгалиги билан донг таратган, унинг хазинасида 38 мамлакатда, 42 тилда нашр қилинган 10 минг нусхадан ортиқ газеталар бор эди. Айрим газеталарнинг ёши бир неча юз йилларга бориб тақаларди. Мистер Саймонд ўзининг нефть савдоси билан шуғулланадиган компаниясига эга бўлгани учун мамлакатнинг бой инсонларидан бири саналар, у нодир газеталар сотиб олиш учун пулини аяб ўтирмасди.

Шу боис, унинг ёнига дунёнинг турли бурчакларидан нодир матбуот нашрларини олиб келувчилар кўпчиликни ташкил этарди.

Эртаси кун унинг ёнига тепакал, пакана бир киши келиб, ўзини Херр Гольдберг деб таништиради. Айтишича, унинг катта бобоси австриялик ношир бўлиб, ўтган аср бошларида Венада «Heute» (Бугун) деб номланган кундалик газета чоп этган, аммо сиёсий сабабларга кўра, бу газета уч ой чиқиб кейин тақиқлаб қўйилган экан. Гольдбергнинг айтишича, газета ўта тезкорлиги билан бошқалардан ажралиб турган, у кечкурун чоп этилиб тарқатилиши боис, кундузи юз берган воқеалардан ўқувчиларни тўла-тўқис хабардор эта оларди.

– Мана, газетанинг 1914 йил 28 июлда чоп этилган махсус сони, – дея хийла эскириб қолган газетани кол-

лекциячига узатди меҳмон. – Адашмасам, немис тилини яхши тушунсангиз керак.

– Мен етти йил Берлинда ишлаганман, – деди Саймонд синчковлик билдан меҳмонни кўздан кечириб.

Кейин эса газетани кўздан кечира бошлади.

Газетанинг илк саҳифасидаги мақолага немис тилида «Бугун Биринчи жаҳон уруши бошланди» деган сарлавҳа қўйилганди. Унда Австрия–Венгрия раҳбарияти 48 соат ичида қўйилган талабларни бажармагани учун эрталаб Сербияга уруш эълон қилгани, мунтазам қўшинлар ушбу мамлакат чегарасини ошиб ўтгани, айти пайтда Германия ҳам Россияга қарши уруш бошлашга тайёр экани айтиб ўтилганди.

– Қойил, – деди Саймонд бошини ликиллашиб, – тан бермасдан иложим йўқ. Тарихий воқелик бағоят аниқ ва асосли ёритилган.

– Дидингизга тан бераман, – деди тепакал меҳмон умидворлик билан кафтларини ишқалаб. – Мен бу газетани бир пайтлар 25 минг еврога ҳам сотмагандим. Сиз эса, ишонаманки, бундан ҳам кўпроқ тўлайсиз.

– Бекорга бу нархга сотмаган экансиз, чунки бу газетангиз сариқ чақага ҳам қиммат, – деди коллекциячи бепарволик билан. – Билмадим, ё кимдир сизни лақиллатган, ё сиз мени чув туширмоқчи бўляпсиз. Бу газета ўта устомонлик билан худди юз йил аввалги матбуот нашрига ўхшатиб ясалган, холос.

– Бундай дейишга ҳаққингиз йўқ, – тутақиб кетди Гольдберг. – Сиз ҳали ҳеч қандай экспертиза ўтказмасдан, бир қарашдан бу газетани сохтага чиқара олмайсиз. Сиз олмасангиз, оладиганлар топилиб қолар.

Шундай дея у эски газетани шартта олиб чўнтагига солди ва Саймонднинг ҳужрасини тарк этди.

*Айтинг-чи, у газетанинг сохта эканини осонлик билан аниқлашига нима сабаб бўлган?*

*Саксон биринчи ҳикоя***УЧИНЧИ НОМЗОД**

Изқувар Жон Адамс ўз қабулида ўтирган уч нафар талабгор йигитни зимдан кўздан кечириб чиқди.

– Демак, сизлар ҳам изқувар бўлмоқчисиз? – Адамс шундай дея стол устида турган маълумотномаларга бирма-бир кўз ташлади.

...У бир ҳафта муқаддам газетада ўзига ёрдамчи қидираётгани, номзодлар махсус синов асосида танлаб олиниши ҳақида эълон берган, унда учрашув вақти ва жойини ҳам аниқ кўрсатганди. Айтилган вақтда унинг Скотленд – Ярд яқинидаги офисига ўнлаб талабгорлар келишди. Бироқ танловнинг биринчи босқичидаёқ уларнинг аксарияти йиқилиб ортига қайтди.

Шу уч нафар номзод берилган тест саволларининг барига тўғри жавоб беришди. Қолаверса, уларнинг ҳар учови юридик маълумотга эга, нуфузли таълим муассасаларини битиришган. Бироқ муаммо шундаки, Адамсга фақат биргина ёрдамчи керак, холос. Демак, ана шу муносиб ёрдамчи шу уч нафар номзод орасидан танланади.

Билим жиҳатидан олиб қаралса, ҳар учала номзод бир хил балл тўплаган. Жисмоний жиҳатдан ҳам улардан бирор камчилик топиш мушкул. Бироқ Адамс яхши билади: инсонларнинг ақлий салоҳияти бир хил бўлиши мумкин эмас. Унга энг билимдон, энг сергак ва ақлли ёрдамчи керак. Хўш, қандай усулни қўлласа бўларкин?

Терилиб турган йигитларни бир зум кўздан кечириб турди-да, ниҳоят миясига жўяли фикр келдими, туйқусдан кўзлари чақнаб кетди:

– Йигитлар, китоб ўқишга қизиқасизларми?

Саволга ҳар учала йигит баравар «Ҳа» деб жавоб беришди.

– Мен ҳозир сизларнинг ҳам китобга бўлган қизиқингиз, ҳам тезкорлигингиз, ҳам зеҳнингизни синаб

қўриш учун бир топшириқ бераман. Мен талабалик йилларимда Лондон кутубхонасига аъзо бўлганман. Ўша йиллари у ердан Даниэль Дефонинг 1897 – йилда Оксфорд университети нашриётида босилган «Робинзон Крузо» китобини олиб ўқиганман. Китобнинг 123 – 124 бетлари орасида битта варақ қоғозча қистириб қўйганман. Унда нима ёзилганини китобни топганингиздан сўнг билиб оласиз. Қай бирингиз шу қоғозчани биринчи бўлиб менга олиб келсангиз, шу номзод биринчи бўлиб ишга қабул қилинади ва мендан изқуварликнинг энг махфий сирларини ўрганиши мумкин.

Адамс ҳали гапини тугатмасдан туриб, номзодлардан иккитаси ўрнидан шарт турди-да, ўзини эшикка урди. Фақат учинчи номзод кулимсираганча, изқуварга тикилиб тирарди.

– Хўш, сиз нега қараб турибсиз, мистер? – сўради Адамс ҳалиги йигитчадан. – Нима, сиз менга ёрдамчи бўлиб ишлаш қароридан воз кечдингизми?

– Мен-ку, бу қарордан воз кечганим йўқ, фақат...

Учинчи номзод ўз гапини тугатиши билан Адамс тантанавор оҳангда эълон қилди:

– Сиз бугундан бошлаб менинг ёрдамчимсиз, ишга олинганингиз билан табриклайман.

*Айтинг-чи, учинчи номзод жаноб Адамсга нима деган бўлиши мумкин?*

*Саксон иккинчи ҳикоя*

## **МУЗЕЙДАГИ ЎҒРИЛИК**

Округ полицияси комиссари саноқли дақиқалар ичида шаҳардаги машҳур шахсий санъат музейи раҳбарининг қўнғироғига биноан етиб борганди.

– Еттинчи асрга мансуб Хитой чиннисидан ясалган кўза эди, – деди музей эгаси йиғлагудек бўлиб. – Унинг учун не-не коллекционерлар миллионлаб доллар ваъда қилишган, лекин мен бу кўзани сотмагандим. Ер юзида

ягона нусха эди. Уни ўғри барибир ҳеч кимга сота олмайди. Мамлакатдан олиб чиқа олмайди. Кимга ва нима учун керак бўлди экан-а бу кўза?

Комиссар музей залига кўз югуртирди: кичкина зал, ҳамма ёқ топ-тоза, фақат синган витринани айтмаганда... «Кўза бир пайтлар мана шу ойнанинг ортида турган» – ўйлади комиссар ва ниманидир қидиргандек пол устини кўздан кечира бошлади. Синган витринанинг қирралари худди кимгадир қайралган тиғдек совуқ таҳдид солиб турарди. Чамаси ўзи излаган нарса комиссарнинг кўзига чалинмаганди.

– Залнинг калити кимда туради?

– Бир нусхасини ҳамиша ўзим билан олиб юраман, – деди музей раҳбари. – Иккинчи нусхаси музейимнинг эр-хотин хизматчиларида туради. Улар музейнинг тозалиги учун жавоб беришади.

– Эр-хотин денг? Улар қаерда? – сўради комиссар.

– Шу ерда, ҳозир чақираман, – деди раҳбар ва илова қилди. – Лекин улардан шубҳаланмаслигини сўрадим. Улар менинг қўлимда жуда кўп йиллардан бери ишлашади. Барча ишларини виждонан бажаришади. Мана, кўриб турибсиз-ку, ерда битта ортиқча хас тушганини кўрмайсиз. Улар ҳар куни мен кетганимдан сўнг, зални тозалаб кейин кетишади.

Шундай дея, раҳбар кимгадир сим қоқди. Зум ўтмай, эр-хотин хизматчилар комиссарнинг қаршисида туришарди.

– Хўш, сиз бу ерда ўғирлик содир этилганини қачон билдинглар?

– Эрталаб, сэр, – деди эркак хизматчи ҳозиржавоблик билан. – Кечкурун биз музейдан чиқиб кетаётганимизда ҳамма нарса жой-жойида турганди. Чинни кўза ҳам ўз ўрнида эди. Хотиним билан полларни, витрина ойналарини яхшилаб артиб, кейин музейни қулфлаб уйимизга кетдик. Эрталаб келиб эшикни очиб кирсак, кимдир витринани синдириб, қимматбаҳо кўзани олиб кетганди.

Комиссар бир зум эр-хотинга тикилиб турди. Кейин кулимсираганча эркакка юзланди:

– Сиз қадимий кўзалар коллекцияси билан анчадан бери шуғулланасизми?

Эркак аввал шошиб қолди, кейин кўзларини пирпиратиб, бир комиссарга, бир музей соҳибига қаради.

– Т-тушунмадим, бу нима деганингиз? Қ-қандай ҳаққингиз бор мендан шубҳаланишга? Ахир... ахир...

– Сиз ҳамма ишни жуда тўғри ва бехато бажаргансиз. Аммо бир арзимас хатойингиз сирингизни фош қилиб қўйди. Яхшиси кўзани жойига келтириб, витринанинг ойнасини бутлаб қўйинг. Қолгани хўжайинингизга боғлиқ. Агар сизнинг узоқ йиллик садоқатингизни ҳисобга олиб, даъвосидан ўтса, жиний жавобгарликдан озод этилишингиз мумкин.

Хизматчи ҳамма айбини бўйнига олиб, кўзани ўз ўрнига келтириб қўйди.

*Ўйлаб кўринг-чи, хизматчи қандай хатога йўл қўйган бўлиши мумкин?*

*Саксон учинчи ҳикоя*

### **«ҲИЙЛАНГИЗ ЎТМАЙДИ»**

Бу ҳодиса венгриялик изқувар-детектив Андраш Беркеши ҳаётида бундан эллик йиллар бурун юз берганди. Ўшанда у таниқли ёзувчи Иштван Радашнинг сирли ўлими юзасидан иш олиб борганди.

Изқувар ёзувчини анчадан бери биларди. Унинг асарлари пештахталарда узоқ турмасди. Радаш, асосан, детектив мавзудаги асарлар ёзар, шу боис, у Беркешидан тез-тез маслаҳат сўрарди. Сўнгги бор изқувар уни ўлимидан уч-тўрт кун бурун учратган, ўшанда ёзувчининг кайфияти ёмон эмасди. У янги детектив роман ёзишни режалаштираётганини айтиб, айрим ҳолатлар юзасидан Беркешининг маслаҳатларини олди.



Ёзувчининг аёлларга суяги йўқлиги ҳам изкуварга маълум эди. Табиийки, у ва баъзи «мухлисалар» ўрта-сидаги муносабатлар анча чуқурлашиб кетар, бу эса кўпинча Радашнинг оиласида турли келишмовчилик ва ҳатто жанжалларга сабаб бўларди. Радашнинг аёли Аннуш ҳам адабиётни яхши тушунар, у ҳам адибнинг эски мухлисаларидан эди.

Кунларнинг бирида ёзувчи Беркешига ҳазиллашиб, «Бу кетишда хотиним мени заҳарлаб ўлдирмаса яхши эди», деганди. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин деркан. Кўп ўтмай, Беркеши нохуш хабар эшитди. Иштван Радаш ўз ижодхонасида ўлик ҳолда топилган. Ёзувчининг хотини ўқ овозини эшитиб, унинг хонасига юрган. Аммо адибнинг миясини тешиб ўтган ўқ ўз ишини битирган, Иштван аллақачон жон таслим қилганди.

Ҳам марҳумнинг яқин таниши, ҳам мутахассис сифатида Андраш полиция бўлимига чақиришди. Бир қарашда ҳодисани «Ўз жонига қасд қилиш» деб баҳолаш учун барча асослар етарли эди: марҳум ва унинг хонасида қаршилик аломатлари сезилмайди. Тўппонча унинг кўлида ётар ва албатта, бармоқ излари ҳам унга тегишли эди.

Агар Андраш Беркеши марҳумни аввалдан танимаганида, унинг оиласидаги вазият ҳақида хабардор бўлмаганида, ёзувчининг ўз жонига қасд қилиши унга ғайритабиий бўлиб туйилмасди. Радаш жуда қувноқ, ҳаётнинг қадрига етадиган одам эди. Агар у ўзини ўлдирмоқчи бўлиб юрганида, янги романни бошламасди ҳам. Қолаверса, у Аннуш Радашнинг ўта рашкчилигини ҳам биларди. Балки, адиб «Хотиним мени ўлдирмоқчи» деган гапни ҳам шунчаки ҳазиллашиб айтмагандир.

Детективнинг кўрсатмаси билан Радаш хонимни яхшилаб сўроқ қиладиган бўлишди. Аёл кузатув остига олинди. Ундан шаҳардан чиқиб кетмаслик учун тилхат ҳам олинди. Гумон остида қолганини англаган Радаш хоним ўзини ҳар ёққа урди. Шаллақилик билан полиция маҳкамасини

бошига кўтарди. Бироқ қонунга қарши чиқиб бўлмади. Ҳаммаси аниқлангунча сабр қилиш керак.

Аёл дарҳол таниш адвокати Кечевешни ишга жалб этди. Тергов бошланганидан сўнг орадан бир ойча вақт ўтди ҳамки, якуний хулосага келилмади. Кунларнинг бирида детектив полиция бошлиғи олдида шу иш юзасидан суҳбатлашиб ўтирган пайтда папкасини қўлтиқлаб Кечевеш келиб қолди.

– Мен энди ўз мижозимни айбловдан қутқаришимга имоним комил, – деди адвокат сумкасидан бир парча қоғозни чиқараркан. – Радаш хоним марҳум эрининг қўлёзмаларини тартибга келтираётиб, ўлим олдидан ёзган мактубини топиб олган. Аввал бу мактуб бир даста қораламанинг ичида бўлгани учун ҳеч ким эътибор бермаган. Мана, бир ўқиб кўринг.

Изқувар мактубга кўз ташлади. Хат ёзув машинкасида битилган, унинг тагида Радашнинг жимжимали таниш имзоси турарди.

*«Бу хатни кимдир ўқийётган пайтда мен ўлган бўламан. Одатда инсон ўз ҳаётидан, ишидан қониқмаса, шу тахлит иш тутади. Мен Хэмингуэй, Жек Лондон, Акутагава, Эржебет Галгоци, Сергей Есенин нега ўз жонига қасд қилганини энди тушуняпман. Ўлимимда ҳеч кимни айблашларини истамайман. Мен ўша кун иана шу қарорим қатъий эканини тушундим ва тўппончамни қўлимга олдим... Мени кечиринглар! Сен ҳам кечир мени Аннуш... сана, имзо».*

– Бу хат уйдирмадан бошқа нарса эмас, – дея уни адвокатга ирғитди изқувар. – Буни Радаш хоним ўзини оқлаш мақсадида тўқиб чиқарган..

*Ўйлаб кўринг-чи, изқувар нега бундай қарорга келди?*

*Саксон тўртинчи ҳикоя***ҚАЛОВИНИ ТОПОЛМАГАН МЕҲМОН**

Олег бу шаҳарга келганидан бери орадан икки ҳафтача вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз кўниколмасди. Ҳавонинг иссиқлиги, кўчалардаги тартибсизлик, тирбандлик, муссон ёмғирлари... Майли, буларга-ку амаллаб чидаса бўлар. Аммо, манави чивинлар...

Олег Даккада яна бир ҳафта қолишини ўйлаб, юраги зирқиради. То уйга қайтгунча чивинларга буткул ем бўлади-ку? Тўғри, чивинлар ҳамма жойда бор. Москвадаги квартирасида ҳам баъзан ёнғиллаб, чақиб жонга тегарди. Шунда шартта дўконга тушиб, фумигаторми, спрейми, хуллас, бирорта восита сотиб олар, хонани шамоллатиб, ҳалиги воситаларнинг ёрдами билан тинчгина уйқуга кетарди.

Бу ерда эса иқлим ҳам, вазият ҳам, ҳатто чивинлар ҳам бошқача. Тропик чивинлар билан қандай курашиш кераклигини билмаса... Ниҳоят, шу шаҳарда анчадан бери яшаб келаётган, аллақайси рус компанисининг ваколатхонасида ишлайдиган таниши Сергейга сим қоқди. Қисқача салом-алиқдан кейин вазиятни тушунтирди.

– Ҳа, бу ерда яшашнинг ўзи бўлмайди, – деди Сергейга салмоқлаб ва ҳар бир дорихонада чивинларга қарши турли хил препаратлар борлигини айтди.

Чивинлардан тоқати тоқ бўлган Олег шу заҳоти меҳмонхонадан чиқиб, энг яқин дорихонага кирди ва таниши айтгандек чивинларга қарши воситани сўради. Сотувчи бола хушмуомалалик билан бош ирғаб, хорижлик харидорга суртма кўринишидаги препаратни узатди.

Олег ўз хонасига қайтгач, дарҳол воситанинг йўриқномасини кўздан кечирди. Жин урсин, ҳаммаси бенгал тилида ёзилган экан. Олег эса бу тилда салом-алиқдан бошқа нарсани тушунмайди. Айниқса, гажакдор бенгал ҳарфларининг бирортасига ҳам тиши ўтмайди. Балки меҳмонхона хизматчисини чақириб, таржима қилиб

беришини сўрар? Афсуски, меҳмонхона хизматчиси ҳам русчасини тушунмайди. Олег эса инглиз тилини яхши билмайди.

Сергейга қўнғироқ қилишдан ҳам воз кечди. Ҳадеб қўнғироқ қилаверадими? Йўриқномада нима деб ёзишарди? Фалон-пистон касалликларга қўллаш мумкин эмас, фалон шаҳарда ишлаб чиқарилган ва ҳоказо. Олег учун ушбу препаратнинг ўзига хос хусусиятларидан кўра, фойдаси муҳимроқ. Нима бўлса ҳам шу савил чивинлардан қутулса бўлгани.

Шартта ечиниб, мазни баданига яхшилаб ишқалади-да, чироқни ўчириб кўрпага кирди. Аммо кечаси билан ухламади. Назарида, чивинлар ҳар кунгидан-да кўпроқ чақиб ташлаганди. Эрталаб туриб, чивинлар баданини илма-тешиқ қилиб ташлаганини кўрди. Бу қанақа дори ўзи? Ё Сергей атайин унинг устидан кулдимикин? Балки дорихоначи адашиб бошқа дорини бергандир? Ё дорининг номини хато айтдимикин? Нима бўлганда ҳам дори унга акс таъсир кўрсатгани аниқ.

Асабийлашиб, хонадаги телефондан Сергейга сим қоқди.

– Мен дорининг йўриқномасини кўрмасдан бир нима деёлмайман, – деди Сергей. – Ярим соатларда олдинга бораман.

Сергей ҳамюртининг ёнига етиб келганида, унинг аъзои баданини чивинлар талаб ташлаганини кўриб, ҳам ачинди, ҳам кулгиси қистади. Кейин ҳалиги дорининг йўриқномаси билан танишиб чиқаркан, у қаҳ-қаҳ кулгидан ўзини тутиб туролмади.

*Сизнингча, йўриқномада нима деб ёзилган бўлиши мумкин?*

*Саксон бешинчи ҳикоя***ГУМОНДОР МАШИНАНИНГ РАҚАМИ**

...Воқеа ўттиз-қирқ йилча аввал Европанинг кичик шаҳарларидан бирида юз берганди. Бир ҳафтадирки шаҳар полициясининг уринишлари натижа бергани йўқ. На ўғрилардан хабар топилди, на уларнинг машинаси ҳақида пичоққа илингулик маълумот қўлга киритилди.

Капитан рутбасидаги шаҳар полиция бошқармаси бошлиғи жиноят ишига оид ҳужжатларга, эҳтимолки, юзинчи марта кўз ташларкан, асабий пешонасини тириштирди.

Воқеа шундай бўлганди: куппа-кундуз куни шаҳар четроғидаги банк бўлинмасига иккита ниқобли босқинчи бостириб кирган. Банк ходимларига тўппонча ўқталиб, бор пулни халтага жойлаганча, бинодан ўқдек учиб чиқиб кетишган.

Банк ходимларидан тайинли маълумот қўлга киритилмади. Чунки босқинчиларнинг ҳақиқий башарасини ҳеч ким кўрмаган. Иккови ҳам ёш йигит бўлгани тахмин қилинади, холос. Кузатув камералари эса у пайтларда ҳали у қадар оммалашмаганди. Босқинчилар чиқиб кетиши билан банк ходимлари полицияга хабар қилишган. Аммо полиция ходимлари етиб келган чоғда босқинчилардан ном-нишон қолмаганди.

Гарчи кундузи бўлса-да, кўчада мижоз кутиб ўтирган такси ҳайдовчисидан бошқа ҳеч ким бўлмаган. У банк бўлинмаси биносидан югуриб чиққан икки кишининг йўл четида турган қоп-қора «Ауди»га ўтириб қочибганини ўз машинасининг ён ойнасидан кўриб қолган. Уларнинг ҳаракатлари шубҳали туйилгани учун такси ҳайдовчиси шу заҳоти ёнидан қоғоз-қалам олиб, босқинчиларнинг машина рақамини ёзиб қўйган: НО 0808 ХА. Такси ҳайдовчисининг кўрсатмасига биноан Йўл патрул хизмати бошқармасига тезкор хабар берилди. Қизиғи, бундай рақам ҳали давлат Йўл патрул хизмати томонидан ҳеч

кимга берилмаган ва рўйхатга олинмаган. Бундан чиқадими, ё машинага ўрнатилган рақам сохта бўлган, ё...

Полиция бошқармаси бошлиғи миясига нимадир ярқ этиб урилди-ю, бир қалқиб олди. Гувоҳнинг кўрсатмасини яна бир марта ҳижжалаб ўқиб чиқди ва дарҳол Йўл патрул хизмати бошлиғига сим қоқди. Гўшакни бошлиқнинг ўзи кўтарди.

– Ҳайдовчининг кўрсатмасига бироз тузатиш кири-тадиганга ўхшаймиз, – деди полиция бошлиғи. – Сезишимча, у машина рақамини белгилашда хатога йўл қўйган. Мен сизга бошқа бир рақам айтаман!

Полиция раҳбарининг тузатишига асосан, йўл патрул хизмати ходимлари тегишли рақам бўйича машинани излашга тушдилар. Бу гал иш анча осон кўчди. Янги рақам қўшни вилоятда рўйхатга олинган «Ауди» машинасига тегишли бўлиб, ҳодиса юз берган куни эрталаб шаҳарга кириб келган. Мазкур машина мамлакатдаги йирик талончилар тўдасининг икки нафар аъзоси томонидан ижарага олинган экан. Икки кун ичида босқинчилар қўлга олинди ва жавобгарликка тортилди.

*Айтинг-чи, босқинчиларга тегишли машинанинг ҳақиқий рақами қандай бўлган?*

### *Саксон олтинчи ҳикоя*

## **НАЖОТ КЎПРИГИ**

Иккинчи жаҳон уруши йиллари.

Нацистлар Германияси Иттифоқчилар қаршисида танг вазиятга тушиб қолган кезлар. Ҳукумат имкон қадар мамлакатдаги ички ва ташқи назоратни кучайтирганди. Чегара кучларига мамлакатга четдан ҳеч кимни киритмаслик ва ташқарига ҳеч кимни чиқармаслик бўйича қатъий кўрсатма берилганди.

Германияда, Штутгартнинг кичик шаҳарларидан бирида яшайдиган аёл Ханна Бергер нисбатан тинч ва

фаровон бўлган Швейцарияга ўтишни режалаштириб юрарди. Уруш бошланмасидан аввал синглиси Инга оиласи билан Цюрихга кўчиб ўтганди. Урушда Ҳанна эридан ва ўғлидан жудо бўлгач, унинг учун нацистлар диёрида яшашидан маъно қолмаган, қандай бўлмасин, Цюрихга кетиши лозим эди.

Аммо назорат ўта кучайган бир пайтда чегарадан ўтиш ажал билан ўйнашиш дегани эди. Чегарадан ўтиш учун тегишли идораларнинг махсус рухсати керак бўлди. Оддий, фақир аёл бундай рухсатномани ололмасди.

Ҳанна таваккал қилиб, энг яқин чегара пости томон йўл олди. Чегара Рейн дарёси устидан ўтарди. Машҳур Гайлинген кўприги устида эса тиш-тирноғигача қуролланган соқчи турарди. Назорат қаттиқ бўлгани учунми, чегарани нарёғига ўтишга талабгорлар йўқ эди ҳисоб. Шу атрофда ноумид юрганлардан сўраб билдики, соқчи кечаю кундуз кўприкни қўриқлар, махсус рухсатномасиз ҳеч кимни ташқарига чиқармас, қочиб ўтмоқчи бўлганларни сўроқсиз отиб ташларди. Швейцария томонидан келаётганларни ҳам фақат махсус рухсатнома билан ўтказар, акс ҳолда орқага қайтариб юборар, кўприкдан югуриб ўтмоқчи бўлганларни ҳам отиб ташларди.

Дарёдан кечиб ўтишнинг ҳам асло иложи йўқ. Тезоқар дарё энг моҳир ғаввосни ҳам ўз комига тортиб кетарди. Табиийки, яқин атрофда кема ёки қайиқ топиб бўлмайди.

Агар кўприкнинг нариги тарафига ўтиб олса, швейцариялик аскарлар уни ортиқча ушлаб ўтиришмайди. Чунки Швейцария ҳукумати Германиядан қочоқ сифатида қочиб ўтаётганлар учун ҳамма шароитларни яратиб берарди. Фақат кўприкдан ўтиши билан текшириб кўришади, ёнида шубҳали бирор нарса топилмаса бўлди, ўтказиб юборишади. У ёғи осон. Бир соат ичига Цюрихга, синглисининг уйига етиб боради.

Ҳанна кўприкнинг яқинроғига бориб, соқчининг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатди. Кўприкнинг

бошланиш қисмида битта будка бўлиб, соқчи ҳар соатда шу будкага кирар, роппа-роса уч дақиқа тешик-туйнуксиз будканинг ичида нимадир иш билан машғул бўлар, кейин яна ташқарига чиқиб, атрофни кузатишга киришарди.

Соқчининг шериги йўқ. У будкага кирган пайти кўприкдан қочиб ўтишга уринса бўлади. Чунки будканинг ичидан ҳеч нарса кўринмайди. Аммо бунинг учун уч дақиқа камлик қилади. Ҳаннанинг чамасига кўра, кўприкдан нариги тарафга ўтиш учун 5-6 дақиқа вақт керак бўлади. Демак, у кўприкнинг ярмига етиши билан соқчи будкадан чиқади ва аёлни ортга қайтаради.

Ҳанна қандай бўлмасин, Цюрихга бориши керак. Бу ерда бир кун ҳам яшолмайди. Бутун ақлу идроки, кучини сарфлаб бўлса-да, кўприкдан ўтиши шарт.

Шу пайт Ҳаннанинг хаёлига кутилмаган фикр келиб қолди. Агар шу режаси амалга ошса, у бемалол кўприкдан ўтиб кета оларди. Аёл таваккалга қўл урди. Кутилмаганда, унинг режаси иш берди ва осонгина нариги тарафга ўтиб кета олди. Эсон-омон сингисининг уйига етиб олди ва урушдан кейин ўз ватанига қайтиб, узоқ йиллар бахтиёр ҳаёт кечирди.

*Айтинг-чи, у қандай ҳийла ишлатган бўлиши мумкин?*

### *Саксон еттинчи ҳикоя*

## **КОНВЕРТ ИЧИДАГИ ПУЛ**

Женифер уйқудан уйғонганида кун ёришиб кетганди. Ўрнидан туриб, эринчоқлик билан керишди. Ювиниб чиққач, ошхонага ўтди. Онаси ҳар доимгидек унинг учун нонуштани тайёрлаб, барвақт ишга чиқиб кетганди.

Женифер оиладаги якка-ю ягона эрка қизалоқ. Яқиндагина 18 га тўлади. Аммо ота-онаси кўпгина америкаликлар қатори унга тўла-тўкис эрк буриб қўйган бўлсалар-да, унинг моддий таъминотини ўз ҳолига ташлаб қўйишмаган. Ҳар куни эрталаб нонуштасини онаси тай-



ёрлаб қўяди. Отаси ҳам қизининг кундалик харажатлари учун пул ташлаб кетади.

Женифер қорнини тўқлаб, кийинади-да, отаси қолдирган «чўнтак пули»ни сумкачасига жойлаб, ўқишга – коллежга отланади.

Ҳар ойнинг бошида отаси қизига одатидагидан кўра сал кўпроқ пул қолдирар, нақд пули бўлмаса, махсус кредит картасини конвертга жойлар, унинг устига эса қалам билан картадаги пулнинг умумий қиймати ёзилган бўларди. Бу гал ҳам конвертни қўлига оларкан, унинг устидаги рақамларга кўз ташлади: 98! Демак, кредит картада 98 доллар пул бор.

Женифер учун бу унча катта пул саналмаса-да, коллеж ўқувчисининг кундалик харажатлари учун бу пулни унча кам деб ҳам бўлмасди. Ҳар қалай, дўконга кириб, ўзига бир сидра ўртамиёна кийим-бош харид қилса бўлади.

У конверт ичидан картани олди ва конвертни ғижимлаб ахлат челагига улоқтирди. Коллеждаги дарслари тугагач, яқин орадаги кийим дўконига кирди. Ҳар қалай 98 долларга янги кроссовка, битта футболка ва янги урфдаги жинси шим сотиб олса бўларкан. Умумий нархи 92 доллар чиқди. Ортиб қолган олти долларга бир қути чипс харид қилади-да, уйда телевизор қаршисида ўтириб, бирор яхшироқ кино кўради.

Ана шу хаёлда отаси ташлаб кетган кредит картани кассада ўтирган ўзидан сал каттароқ қизга узатди.

– Ҳисобингиздаги пул етмаяпти, – деди кассир қиз қуруқ оҳангда картани терминалдан чиқариб, пештахта устига қўяркан.

Кассир қизнинг бепарволиги ва совуқ муомаласи Женифернинг ғашини келтирди.

– Кечирасиз, хоним, – деди кассир қиз олдидаги турган кийимлардан кўзини узмасдан. – Буларнинг нархини тўғри ҳисобладингизми?

Сотувчи энсаси қотиб қўлидаги калькуляторнинг экранини Жениферга қаратиб, у олган кийимларнинг нархини қўшиб чиқди:

– Мана, 92 доллар!

– Менинг картада эса 98 доллар бор, – деди ўжарлик билан Женифер. – Яна олти доллар ортиб қолиши керак.

– Кечирасиз, лекин айнан ўша олти доллар мана бу пулни тўлашга етмаяпти, асал қиз! – лабини бурди сотувчи ва кийимларни жойига илиб қўйиш учун орқа тарафда турган ёрдамчи қизга узатди. – Илтимос, четроққа турсангиз, бошқа харидорлар кутиб қолишди!

Женифернинг фиғони фалакка чиқиб кетганди. Наҳотки, отаси алдаган бўлса? Йўқ, отаси жуда талабчан, ҳисоб-китобга уста ва ростгўй одам. Шундай бўлса-да, у дарҳол отасига қўнғироқ қилди:

– Дада, бу нима қилганингиз? – деди йиғламсираб, – дўконда ҳамманинг олдида шарманда бўлдим. Нега конвертга нотўғри рақам ёзиб қўйдингиз? Пул сиз айтгандан кўра камроқ чиқди-ку?

– Бўлиши мумкин эмас, – деди отаси. – Мен картада қанча пул бўлса, конвертга ҳам шунча ёздим. Яхшилаб текшириб кўр.

*Женифер қайта текшириб ҳам кўрди. Пул ростдан ҳам кам эди. Бу ерда ким ноҳақ? Жениферни отаси алдадими ёки сотувчи?*

*Саксон саккизинчи ҳикоя*

## **ФОРДНИНГ КУТИЛМАГАН ҚАРОРИ**

Генри Форд асос солган «Ford Motor Company» дунё автомобил саноатида етакчиликни қўлга киритган йиллар. Мазкур компания ишлаб чиқараётган машиналар дунёнинг ўнлаб мамлакатларига кириб борар, унинг даромади кун сайин эмас, соат сайин ўсиб борарди.

Генри Форд ўз компаниясига қарашли корхоналарнинг раҳбаридан то энг кичик ходимини танлашгача ўта катта масъулият билан ёндашар, яхши иш кўрсатиб, катта даромадга сабабчи бўлган ташаббусларни рағбатлан-

тирар, ишончни оқдолмаган ходимлар билан ҳам тезда ҳисоблашарди.

Кунларнинг бирида у шахсий ёрдамчисини ёнига чақириб, барча корхоналар эришаётган ютуқлар бўйича ҳисобот тайёрлашни буюрди. Ёрдамчи бир неча соатдан сўнг айтилган ҳисоботни раҳбарнинг столи устига келтириб қўйди. Барча корхоналарда иш бир маромда борарди. Барча раҳбарларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари деярли тенг эди.

– Яхши, – деди Форд қониқиш билан бош ирғаб. – Сизга яна бир муҳим топшириқ. Барча директорлар билан боғланиб, кейинги ҳафтанинг бошида меҳнат таътилига чиқишини айтасиз. Улар учун Кариб денгизи мамлакатлари бўйлаб, саёҳат уюштирасиз. Сайёҳлик компаниялари билан гаплашиб, энг яхши кема, энг нуфузли меҳмонхоналарни аниқлаб олинг. Ходимларимиз бунга арзийди.

– Хўп бўлади, сэр, – деди ёрдамчи итоаткорлик билан. – Фақат бир нарсага тушунмаяпман, нега ҳамма раҳбарларни бирдан жўнатмоқчисиз? Бу ишлаб чиқариш суръатига таъсир қилиши...

– Илтимос, тезда ишга киришинг, – деди Форд ёрдамчининг сўзини битиришига имкон бермай, янги газеталарни варақлашга тушаркан.

Ёрдамчи шу заҳоти ишга киришди. Табиийки, бу кутилмаган саёҳат ҳақидаги хабар барча корхона ва бўлимлар раҳбарларига хуш ёқди. Ўз даврининг энг нуфузли сайёҳлик компанияларидан бири «Форд»нинг раҳбар ходимлари учун буюртирилган саёҳатни олий даражада ташкиллаштирди. Ҳамроҳлар энг замонавий ва хавфсиз кемада йўлга тушишди. Кемада ҳар бир саёҳатчи учун барча қулайликларга эга каяоталар ажратилган эди. Уларга юксак маҳоратга эга кема персонали хизмат кўрсатарди.

Саёҳат бир ой давом этди. Бу муддат ичида компания раҳбар ходимлари Мексика, Колумбия, Ямайка, Гонду-

рас, Аруба, Никарагуа, Гаити сингари ўнлаб мамлакатларда бўлишди. Беш юлдузли меҳмонхоналарда тунаб қолишди. Бу давлатларнинг энг диққатга сазовор масканлари, қадимий обидалари билан танишишди.

Компания раҳбар-ходимларнинг бу имкониятдан боши осмонга етганди. Уларнинг барчаси «олий раҳбар»нинг мурувватидан чексиз миннатдор эдилар. Ҳамроҳларнинг барчаси бутун саёҳат давомида, барча мамлакатларда сайёҳлик маданиятига муносиб амал қилишди. Ҳеч ким қонундан, тартиб қоидалардан, йўриқномадан ташқари ортиқча ҳаракат қилгани йўқ.

Хуллас, бир ойлик олиймақом саёҳат барча раҳбар-ходимларнинг бир умр ёдида қоларли таассурот уйғотди. Саёҳат тугаб, ҳамма ўз иш жойига қайтгач, Генри Форд яна ёрдамчисини ўз ҳузурига чорлади.

– Хўш, ходимлар саёҳатдан мамнунми? – сўради у яна ҳужжатлардан бошини кўтармай.

– Улар сиздан бениҳоя миннатдор, – деди ёрдамчи. – Саёҳат жуда зўр бўлди, дейишяпти. Ҳар бирининг...

– Мана сизга иккита буйруқ, – деди у икки варақдаги рўйхатни ёрдамчисига тутқазиб. – Ишга киришинг.

Ёрдамчи иккита буйруққа кўз ташлаб, қотиб қолди. Уларнинг бирида саёҳатга чиққан ходимлардан бир гуруҳининг маошини икки баравар ошириш, иккинчи рўйхатга киритилган ходимларни эса ишдан бўшатиш белгиланганди. Бу қанақаси бўлди? Уларнинг барчаси бирдек ишлаган, саёҳат пайтида бирортаси ножўя ишга йўл қўймаган бўлса?

– Фақат, битта нарсани тушунмаяпман, сэр...

– Мен ҳаммасини тушуниб турибман, буйруқларнинг ижросини тезлик билан таъминланг!

*Айтинг-чи, Генри Форд нега ходимларидан бир гуруҳини тақдирлаб, қолганларини ишдан бўшатган?*

*Саксон тўққизинчи ҳикоя***ЎНИНЧИ БУЛОҚНИНГ СИРИ**

Афсоналарга кўра, ёвуз сеҳргар Ўлмас Кошчей яшайдиган Мурома ўрмонида ер тагидан қайнаб чиқадиган ўнта ўлим булоғи бўлган экан.

Булоқларнинг ҳар бири 1 дан 10 гача тартибда рақамлаб чиқилган экан. Ушбу булоқларнинг тўққизтасидан ҳар қандай одам сув олиши мумкин экан. Аммо уларнинг биттаси фақат Кошчей яшайдиган ғор ичида жойлашган бўлиб, ундан фақат ёвуз сеҳргардан бошқа ҳеч ким сув ололмас экан.

Ушбу булоқлардан чиқаётган сувнинг таъми ва ҳиди оддий булоқ сувидан асло фарқ қилмас экан. Бироқ ушбу ўрмондаги булоқларнинг барчаси заҳарли бўлиб, кимки улардан бирининг сувидан ичиб кўрса, бир неча соатдан сўнг ажал билан юзлашаркан. Аммо бу ҳали муқаррар ўлим дегани эмаскан. Булоқ сувлари зидди заҳар, яъни заҳарнинг кучини кесиш қудратига ҳам эга экан. Агар ушбу булоқларнинг биридан сув ичган одам тартиб бўйича ундан кейинги ўринда турадиган булоқ сувидан ичса, заҳар ўз кучини йўқотиб, ҳалиги одам тирик қоларкан.

Масалан, 1-рақамли булоқдан сув ичган одам, ўзидан каттароқ сон билан рақамланган барча булоқлардан – 2-булоқдан 10-булоқгача – чиққан сувни ичиб, ўлимдан қутулиб қоларкан. 2-булоқнинг сувини одам заҳардан халос бўлиши учун 3-дан 10-гача бўлган булоқлар сувини ичиши керак экан. Шу тариқа, 9-булоқ сувини ичган одамнинг ҳаётини фақат Кошчейнинг ғоридаги ўнинчи булоқ суви асраб қоларкан. Ўнинчи булоқ барча булоқлардаги заҳарни даф қилиш хусусиятига эга бўлса-да, унинг сувини аввал ичган одамни ўлимдан қутқаришнинг асло иложи йўқ экан.

Ўлмас Кошчей ўз қасрига бир гўзал маликани ўғирлаб келтирган ва уни ҳибсда сақларкан. Шу пайтгача

маликани халос қилиш учун Мурома ўрмонига жуда кўп шаҳзодалар ва паҳлавонлар келган бўлса-да, уларнинг барчаси Кошчейнинг ёвуз шартини бажара олмасдан ўлиб кетишаркан.

Кошчей ўз рақибларига шундай шарт қўяркан:

«Мана, қаршингизда тўққизта булоқ. Уларнинг хусусиятларидан эса хабардорсиз. Ҳар биримиз иккинчизга кўрсатмаган ҳолда, исталган булоқдан сув оламиз ва бир-биримизга тақдим этамиз. Кейин эса зидди заҳар ўрнида ўзимиз ҳоҳлаган булоқ сувини ичамиз. Агар мен заҳарланиб ўлсам, маликани қасримдан олиб кетаверасиз. Сиз ўлсангиз, ўзингиздан кўринг...»

Кошчей бу олишувга ҳамиша ўзининг ғоридаги ўнинчи булоқнинг сувини олиб чиқаркан. Ўз-ўзидан маълумки, ўнинчи булоқ суви бошқа барча булоқлардаги заҳарни кеса олади. Аммо бу булоқ сувидаги заҳарни бошқа булоқлар суви кесолмайди. Бинобарин талабгорлар тутган ушбу тўққизта булоқдан ҳеч бирининг заҳри Кошчейга таъсир қилмас, ўзи эса рақибини ўнинчи булоқ суви билан нобуд қиларкан.

Кошчейнинг бу шарти ҳақида чор атрофга хабар ёйилган экан. Шунда бир ақлли йигит ҳам ўз бахтини синаб кўриш учун Мурома ўрмонига қараб йўл олибди. У Ўлмас Кошчей рақибларни қай йўл билан маккорона ўлдиришини яхши биларкан. Шу боис, у ҳам Кошчейга қарши оқилона бир йўл тутишга қарор қилибди.

Уни қарши олган Кошчей йигитнинг мақсадини англагач, эски шартини эслатибди.

«Марҳамат, бир-биримизни булоқ суви билан сийлаймиз. Унинг ортидан исталган булоқ сувини зидди заҳар сифатида ичамиз. Қолгани пешонамиздан».

Кураш эртаси куни тонг пайтда белгиланибди. Рақиблар бир-бирига бир жомдан сув тутқизишибди. Ўлмас Кошчей қўлидаги муқаррар ўлим шароби ҳисобланган 10-булоқ сувини йигитга узатибди. Ўзи эса йигит тутган жомни бир сипқаришда бўшатибди ва ортидан 10-бу-

лоқ сувини ҳам ичиб юборибди. Йигит ҳам Кошчей тутган жомни сўнгги томчисига қадар сипқарибди.

Орадан бир соат вақт ўтиб, Ўлмас Кошчей томоғини чангаллаганча, дод солиб ерга қулабди ва жон таслим қилибди. Йигитга эса ҳеч нарса бўлмабди ва қасрга кириб, маликанинг қўлидан тутибди-да, изига қайтибди.

*Айтинг-чи, ҳалиги ақлли йигит, қай йўл билан Кошчейни ҳалок этиб, ўзи тирик қолган бўлиши мумкин?*

*Тўқсонинчи ҳикоя*

### **ҚОТИЛГА АЙЛАНГАН МУХЛИС**

– Таниқли спортчи Молли Фирс ўз уйининг остонасида ўлдириб кетилган, – дея ахборот берди инспектор Винтерс доктор Меридитга. – Мархума оддий ошхона пичоғи билан ўлдирилган. Кейин эса пичоқ дастаси яхшилаб артилган. Шу боис биз пичоқдан ҳеч қандай из топа олмадик. Лекин ҳозирча биз икки нафар гумонланувчини ушлаб турибмиз. Улардан бири Дерик Комин, иккинчиси эса Эрик Ходер. Маълумотларга кўра, уларнинг ҳар иккиси спортчининг ашаддий мухлиси бўлишган ва уни бир-биридан қизганган.

– Қизиқ, – оқ оралаган сочлари орасига бармоғини киритганча, мушоҳадага толди доктор. – Ҳа, ашаддий мухлислардан ҳар нарсани кутса бўлади. Нега айнан улардан шубҳаланаётганингизни билсак бўладими? Гумонланувчилар билан гаплашиб кўрдингизми?

– Албатта, – деди инспектор худди шу саволни кутиб тургандек. – Гап шундаки, Моллининг жасади топилган пайтда, унинг эғнида трикотаж футболка ва шортик, оёғида кроссовка бўлган. Жасадни ҳодисадан бир соат ўтиб, қоровул кўриб қолган. Маълум бўлишича, Молли океанда ўтадиган моторли яхталар мусобақасида иштирокчи сифатида рўйхатига олинган. Мусобақа шу куни тушдан кейин ўтиши лозим эди. Қизиғи, Молли айнан

Дерик Коминнинг жамоаси аъзоси бўлган. У аввал ҳам худди шу жамоада бир неча марта ўйнаган экан.

– Унда Дерикдан шубҳаланишга бирор асосингиз борми? – инспекторнинг гапини бўлди доктор. – Ахир у ўз жамоасида қатнашиши керак бўлган спортчини ўлдириб, ўзига ўзи зиён етказмаса керак?

– Ҳа, лекин Молли ва Дерик ўртасидаги ишқий муносабатлар бир неча йилдан бери давом этиб келган. Бироқ орада рассом Эрик Ходер пайдо бўлиши билан муносабатларга дарз кетган. Гап шундаки, Молли ҳар иккиси билан хуфийна учрашиб тураверган. Чамаси, Молли улардан биттасини танлашга роса иккиланган кўринади.

– Тушунарли, Дерик ҳодиса пайтида қаерда бўлган?

– Дерик мусобақа жадвалига кўра, ўз яхтасида соат 11 да соҳилга етиб келиши лозим эди. Аммо у бир соат кечикиб келди. Ўзининг айтишича, яхтанинг моторида муаммо юзага келган ва унинг ўзи моторни очиб, уни тузатган. Аммо бу фикрни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким исботлаб беролмайди. Чунки унинг мотор тузатаётгани ҳеч ким кўрмаган. Бинобарин, унда Моллининг уйига бориб, уни ўлдириб келиш учун етарлича вақт бўлган.

– Буни тушундим, – деди доктор Меридит. – Энди рассом Эрик Ходернинг бу ишга қандай алоқаси борлигини айтиб берсангиз.

– Эрик Ходер эрталаб Моллининг уйи ёнида у билан гаплашиб турганини кўришган. Эрикнинг таъкидлашича, у Моллини тушликка таклиф қилган. Қиз эса тушгача гўзаллик салонига бориб, сочини турмаклатиш учун навбатга ёзилганини айтган. Шундан сўнг рассом Эрик Ходер ўзининг устахонасига йўл олган ва кечгача шу ерда ижод билан машғул бўлган. Бироқ унинг ҳам сўзларини тасдиқлай оладиган бирор гувоҳ йўқ. Биз унинг ўз устахонасида бўлганми ё бошқа ердами, буни аниқ-долмадик.



– Хўш, улардан бири қотил бўлса, сиз қайси биридан кўпроқ шубҳаланяпсиз? – сўради доктор Меридит синчковлик билан ҳамсуҳбатига тикиларкан.

– Менимча, ҳар иккисидан ҳам шубҳаланиш учун бир хилда асосимиз бор, – хулоса қилди инспектор.

– Йўқ, улардан бири аниқ алдаяпти, – деди Меридит ишонч билан. – Агар сиз пухтароқ сўроқ қилсангиз, масала ойдинлашади. Мен унинг қотил эканига шубҳа қилмаяпман.

*Сизнингча, доктор Меридит кимдан ва нима учун шубҳаланган бўлиши мумкин?*

*Тўқсон биринчи ҳикоя*

### **ИЗҚУВАРНИНГ «ГУНОҲИ»**

Мадриднинг кўзга кўринган тадбиркорларидан бири Мигель Фернандеснинг ўлими округ полицияси комиссари Хулио Родригесни анча ўйлантириб қўйганди. Наҳотки бу шунчаки худкушлик бўлса?

Бир қараганда, Фернандес ўзини ўзи ўлдиргани ҳақидаги фараз ҳақиқатга жуда яқин. Ҳозиргача тўпланган ва тасдиқланмаган маълумотларга кўра, бу пайтда унинг корхонаси касодга юз тута бошлаган. Хотини Розалиа Дельгадо анчадан бери у билан ажрашиш ниятида юрган. Бироқ ортиқча гап-сўз ва харажатдан қочиб, Фернандес бу ишни ортга суриб келган. Бунинг устига руҳан хаста фарзандининг келажаги уни қаттиқ қайғуга солиб қўйган. Оилавий бахтсизлик ва ишдаги омадсизлик Фернандесни ўз жонига қасд қилишга ундаган бўлиши мумкин.

Аммо изқуварлик бурчи барчасини пухта текшириб, ундан кейин аниқ хулоса чиқаришни талаб этади. Икки кундирки, комиссар шу ҳақда бош қотиради. Мана, ҳозир ҳам у ёрдамчиси Луис Монтальво билан Мадрид четидаги Альмудена қабристонига тадбиркорнинг дафн маросими келган ва одамларни синчковлик билан кузатмоқда.

Луис яқиндагина полицияга ишга кирган, йигирма икки ёшлардаги хушбичим йигит. Унинг ташқи кўриниши полициячидан кўра кўпроқ Голливуд актёрларини эслатарди. Йигитнинг ўткир нигоҳлари одамлар орасидан Фернандеснинг қотилини излаётгандек олазарак боқади. Шу аснода унинг ҳассос кўзлари анчадан бери унга қаттиқ тикилиб турган бир жуфт шахло кўз билан тўқнашди-ю, қалқиб кетгандек бўлди. Тавба, бу қизалоқ ким бўлди? Нега бунча қаттиқ тикилмаса? Унинг қарашларидаги алақандай телбавор куч йигитнинг ичига тушунарсиз таҳлика солганди.

– Лаура Фернандес, – деди бошлиғи Хулио уни ҳар бир ҳаракатини кузатиб тургандек. – Марҳумнинг қизи. Ўн саккиз ёшда. Туғма кар-соқов, бунинг устига руҳий касал... Мигелнинг ундан бошқа зурёди бўлмагани учун қаттиқ изтироб чекар экан.

...Дафн маросими тугагач, комиссар машинасини полиция маҳкамаси томон бошқариб бораркан, ёнида ўтирган ёрдамчисига навбатдаги топшириқни берди:

– Сен марҳумнинг ишидагилар билан яхшилаб гаплашасан. Кейинги пайтлар кимлар билан яқин алоқада бўлган ёки зиддиятга бориб қолганини, кирим-чиқимларини, банк ҳужжатларини текширасан. Оилавий муаммоларини ўзим ўрганаман. Агар бирор шубҳали далил чиқмаса, ишни ёпаверсак бўлади.

Луис бошлиғи айтгандек иш тутди. Аммо Фернандеснинг ишхонасида бирор шубҳага асос бўладиган нарса топмади. Рост, кейинги пайтда корхонанинг даромадлари сезиларли даражада пасайган. Бироқ ҳамма ҳужжатлар ўз ўрнида, марҳумнинг ходимлари ва ҳамкорлари билан алоқаси ҳам рисоладагидек бўлган. Луис марҳумни тириклик пайтида кўрмаган, у ҳақда эшитганди холос. Луис анча пайтгача марҳумнинг қизи Лауранинг ғалати нигоҳларини кўз олдидан кетказолмай юрди. Бора-бора ишлари кўпайиб эсидан чиқариб юборди.

Чамаси, Хулио Родригес ҳам унинг оиласи, яқинлари билан гаплашиб, ҳеч қандай шубҳали ҳолатни пайқама-

ган кўринади. Марҳум ўз жонига қасд қилган, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Орадан икки ойча вақт ўтганди. Бир куни Фернандес шогирдини мавҳум қиёфада кутиб олди.

– Розалия Дельгадо бугун эрталаб ўз уйида ўлик ҳолда топилган. – Комиссар шундай дея бироз тин олди ва шогирдининиг даҳшат тўла нигоҳларига тикилди, – Илк тахминларга кўра, аёл ухлаб ётганида бўғиб ўлдирилган. Уйда марҳуманинг қизи Лаурадан бўлак ҳеч ким бўлмаган.

Луиснинг кўзлари пирпиради:

– Ҳеч нарсани тушунмаяпман? Сиз бу билан Дельгадо хонимнинг ўлимига Лаура айбдор демоқчимисиз?

– Айбдор Лаура эмас, сенсан, – деди Хулио Родригес ва бунинг сабабини асослаб берди.

*Сизнингча, бу жинойтга Луиснинг қандай алоқаси бўлиши мумкин?*

---

### *Тўқсон иккинчи ҳикоя*

## **ЖАЗО ВА МУКОФОТ**

Тарихда адолатли ҳукмдорлиги билан шуҳрат қозонган Ажам ҳукмдорларидан бири бўлган Анушервони Одил бўш вақтларида турли кўнгилочар ўйинлар томошасини хуш кўрарди. Аммо бу томошалар ойда йилда, вақти бемалол бўлгандагина ўтказилар, антиқа томошалар билан уни ҳайратга сола олган томошачилар шохнинг совға-саломларидан бебаҳра қолишмасди.

Бир йили Наврўз тантаналари пайтида Анушервон ўз аъёнлари билан сайилга чиқди. Халқ удумларига кўра, бу кун полвонлар, ҳуққабозлар, чавандозлар ўз ҳунарлари билан одамларни хурсанд қилишар, хонандаю созандалар куй-қўшиқлари билан оммани хушнуд этишга чоғланган эдилар. Шох бу томошалар ёнидан табассум билан ўтиб борар, айримлари олдида бир неча дақиқа туриб қолар, кимнингдир хатти-ҳаракатлари уни ҳайратга солса, ортидан келаётган хазинабон уни шохнинг инъомлари билан сийлаб борарди.

Шу чоқ бир жойда тўпланиб турган одамлар шоҳнинг эътиборини тортди. Давра ўртасида бир бақувват, девкелбет одам ўз ҳунарини кўз-кўз қилишга шай турарди. Шоҳни кўриб давра аҳли дарҳол қуллуқ қилиб унга йўл бўшатишди.

– Сен нима ҳунар кўрсатмоқчисан? – сўради Анушервон ҳали паҳлавоннинг қаршисидан жой оларкан.

– Шаҳаншоҳим, изн беринг, бу томошани сизга кўрсатай, аминманки, мулкингиздаги ҳеч бир инсон мен қилган ишни такрорлай олмас.

– Қани, кўрсат ҳунарингни, – деди шоҳ.

Шунда паҳлавон ёшгина шогирдини чақирди ва унинг қўлига кичик бир игнани тутқазди. Кейин унга етти қадам нарига бориб туришни буюрди. Ҳамма «Бу ўзи нима қиларкин?» деган қизиқиш билан унинг ҳаракатларини кузатиб турарди. Паҳлавон қўйнидан ингичка ип ўрамини чиқарди ва ундан ярим қулочини қирқиб олди. Ипнинг бир учини лаблари орасида ҳўллаб олди-да, кейин шогирдининг қўлига турган игна томонга ирғитди. Бу ҳақиқий мўъжизанинг ўзи эди. Ип баайни қанот чиқариб учди ва унинг бир учи ўз-ўзидан шогирдининг қўлида турган игнанинг тешигига қадалди. Ҳамма қийқириб юборди.

Ростдан ҳам бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди. Ахир бир қатим енгилгина ип қандай қилиб ҳавонинг қаршилиқ кучини енгиб, етти қадам нарида турган игнанинг тешигидан ўтиши мумкин? Игнадан ипни шунчаки қўл билан ўтказишнинг ўзи қанча вақт ва бир мунча маҳоратни талаб этади-ку?

Анушервон ҳам ҳайратда эди. Ҳатто кўзларига ишонмасдан шу ҳаракатни такрорлашни буюрди. Алпкелбат паҳлавон қуллуқ қилди ва ўз ҳаракатини осонгина такрорлади. Бу гал ҳам ип игнанинг тешигига бехато келиб қадалди. Яна олқишлар...

– Бунга қандай эришдинг? – сўради шоҳ ҳайратини яширолмаб.

– Буюк шаҳаншоҳим, – деди паҳламон ер ўпиб, – бу хунарим аслида етти йиллик меҳнатим маҳсулидир. Мен етти йил кечаю кундуз мана шу биргина машқни такомилга етказиш учун тиним биламадим. Барча машаққатларни енгиб, мана бугунгидек камолга эришдим.

– Қойил, – деди шаҳаншоҳ бош ирғаб. Сенинг бу хунаринг таҳсинга лойиқ. – Шундай дея хазинабонга имо қилди. – Бу паҳлавонга юз тилла мукофот берилсин.

Хазинабон шу заҳоти шоҳнинг тилагини бажо келтирди.

– Бу сенинг ҳеч кимда учрамайдиган ноёб иқтидоринг учун, – деди шоҳ табассум билан, кейин эса сарбозларига амр қилди, – энди бунинг оёқ қўлини боғлаб, бутун халқ ичида елкасига юз дарра уринглар!

Ҳамма ҳайратда эди. Ҳалиги паҳлавон ҳам шу заҳоти ўзини шаҳаншоҳнинг оёғи остига отди:

– О, буюк шаҳаншоҳ, мислсиз марҳамат кўрсатиб мукофотлаганингиздан бошим кўкка етганди. Мендан қандай гуноҳ ўтдики, мени ҳамманинг ичида дарралаб шарманда қилсангиз?

Анушервон паҳлавонни нима сабабдан бу жазога маҳкум этганини айтгач, йиғилганлар шоҳнинг ақли ва адолатига яна бир карра таҳсин айтишди.

*Ўйлаб кўринг-чи, шоҳ паҳлавонни нима учун жазолаган бўлиши мумкин?*

Тўқсон учинчи ҳикоя

### «ЛОЧИН»НИ КИМ ЎЛДИРДИ?

Воқеа ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида бўлиб ўтганди. Шаҳардаги кичик жиноий тўдалардан бирининг раҳбари, «Лочин» лақаби билан танилган кимсани эрталаб кўчада, ўз машинаси ичида ўлик ҳолда топишганди. Уни пичоқлаб кетишганди. Шаҳар жиноят қидирув бўлими ва прокуратура дарҳол оёққа турди.

Кейинги пайтларда шаҳарда жиноий гуруҳлар анча фаоллашган, улар орасидаги зимдан кураш авж олганди.

Ҳар бир гуруҳ шаҳарда мутлақ ҳукмронликка даъво қилар, бу борада бошқаларни янчиб ташлашга тайёр эди.

«Лочин» ўз атрофида бир қанча жиноятчиларни тўплаб олган, шаҳарда янги очилган ширкатлар, дўконлардан ўз «улуш»ини оларди. Шаҳардаги «Қашқир» лақабли бошқа бир тўдабоши унинг ҳар қадамини пойлаб юрарди. «Лочин» ўлдирилганидан кейин асосий гумон табиийки, «Қашқир»нинг тўдасига тушди. Аммо ҳуқуқ-тартибот ходимларининг қўлида «Қашқир»ни айблаш учун бирор далил-исбот йўқ эди.

Қутилмаганда, «Лочин»нинг бошқа шаҳарда яшовчи ҳамкорларидан бирига ўлимидан сал илгари хат жўнатгани аниқланди. Маълум бўлишича, «Лочин» ҳодиса куни эрталаб тонг саҳарда машинасида келиб, туман почта идораси эшиги олдидаги қутига хат ташлаб кетган. Қути эрталаб почта ходимлари ишга келиши билан очилиб, ундаги хатлар тегишли манзилга юборилган. Хатни икки кундан сўнг адресатнинг ўзи келиб, жиноят қидирув бўлими ходимларига топширган.

Машинкада ёзилган хатда табиийки, жиноий фаолиятга алоқадор сўзлар деярли йўқ эди. Шунчаки у эски танишидан ҳол-аҳвол сўраган, шу билан бирган ундан олган қарзини кейинги ойнанинг охирларида тўла қайтаришини эслатганди. Аниқланишича, марҳум чиндан ҳам танишларига хат йўллаб турар ва ҳеч қачон хатни қўлда ёзмас, фақат ёзув машинкасида фойдаланаркан.

Фақат бир жумла кўп нарсага ойдинлик киритарди:

*«Почта бўлимига келаётганимда, «Қашқир»нинг йигитларидан бири изимга тушганини пайқадим. Қора рангли, қора ойнали рақамсиз «Жигули» ортимдан қолмаяпти. Анчадан бери улар пайт пойлаб юришибди, мендан қасос олишмоқчи. Майли, улардан қўрқадиган аҳмоқ йўқ. Ишларингга омад».*

Ушбу хат кўпгина тахминларга ойдинлик киритарди. Чиндан ҳам, «Лочин»нинг ўлигини почта бўлимидан

унча узоқ бўлмаган жойдан топишган. Марҳумнинг хати эрталаб рўйхатга олинган ва дарҳол жўнатилган. Қора рангли ва қора ойнали, рақамсиз «Жигули» ҳам айнан «Қашқир»нинг йигитларига тегишли эканини аниқланди.

Гумондор жиноятга дахли йўқлигини ҳар қанча таъкидламасин, далиллар унга қарши эди. Ўша куни эрталаб тонгга яқин шу машинани шаҳар кўчаларида, яна айнан почта биноси атрофларида кўришган.

Мазкур ишни назорат қилаётган туман прокурори марҳумнинг хатини синчиклаб ўқиб ўтирарди. Аксига олиб, хат қўлда ёзилмаган, дастхат кимга тегишли эканини аниқлаш мушкул. Ҳатто хат охирида имзо ҳам йўқ (Марҳум аввалги хатларини ҳам имзосиз ёзиб юборгани аниқланди). Хатни ўқиб бўлиб, кулимсираганча уни бир четга ташлади ва терговчига юзланди:

– Хатни «Лочин» ёзмаган, бу аниқ. Уни ўз тўдасидагилар ёки бошқа жиной тўдалар гумдон қилган бўлиши мумкин. Аммо «Қашқир»нинг йигитлари эмас. Шунчаки ким бўлсаям, айбни «Қашқир»га тўнкамоқчи бўлган. Хатни ҳам шу мақсадда уюштиришган, аммо чучварани хом санашибди.

*Айтинг-чи, прокурор хатнинг сохта эканини қаердан билган бўлиши мумкин?*

*Тўқсон тўртинчи ҳикоя*

## **ЭР ҚАДРИНИ БИЛГАН ХОТИН**

Шарқ ўлкаларидан бирида фақир бир чўпон яшарди. У қишлоқдошларининг мол-ҳолларини боқиб, оқила ва меҳрибон аёли билан қўл учида кун кечирарди.

Хотини эрининг иззат-ҳурматини жойига қўяр, ҳар куни уни далага ширин сўз, меҳр-муҳаббат ила кузатар, кечкурун очиқ юз ва интизорлик ила қарши оларди. Шунинг учун қишлоқда у энг бахтиёр одам ҳисобланарди. Аёлнинг ақли, одоби, садоқати ва вафодорлиги бутун қишлоққа ёйилганди. Қишлоқда эркак зоти борки,

чўпонга ҳавас билан қарар, мабодо бирор оилада эр хотинидан жаҳли чиқса, «Чўпоннинг хотинидан ибрат олсанг бўлмайдими?» деб уришарди.

Кунлардан бир кун қишлоқ оқсоқоли хотинидан қаттиқ хафа бўлди ва уни чўпоннинг аёлидан ибрат олишга чақирди. Бу гапдан бегойимнинг кўнгли оғриди. Эртаси куни қашшоқ чўпоннинг аёлини нега ҳамма эркаклар ўз хотинига ибрат қилиб кўрсатишининг тагига етмоқчи бўлиб, унинг уйига йўл олди.

Чўпоннинг аёли ҳовлининг ўртасида уйдаги эски-туски кийимларни ямаб ўтирар, олдида битта косада сув турарди. У меҳмонни иззат билан қарши олди. Оқсоқолнинг хотини йўлдан чанқаб келганди. Шу боис чўпоннинг хотинидан сув сўради. Хонадон бекаси ичкаридан муздек сув олиб чиқди. Меҳмон ажабланиб, «Сиз нега менга муздек сув ичириб ўзингиз офтобда турган сувдан ичяпсиз?» деб сўради.

Уй бекаси кулиб шундай жавоб бердики, меҳмон оғир уйга ботди ва индамасдан паранжисини ёпиниб ўз уйига равона бўлди.

*Уйлаб кўринг-чи, чўпоннинг аёли унга нима деган бўлиши мумкин?*

*Тўқсон бешинчи ҳикоя*

## **ЭНГ ШУМҚАДАМ ОДАМ**

Ҳиндистонда узоқ йиллар ҳукм сурган Бобурийлар сулоласинининг забардаст вакили, Жалолиддин Акбаршоҳ<sup>2</sup> ирим-сиримларга хийла ўч бўлгани ҳақида анча ривоятлар сақланиб қолган. Қуйидаги жумбоқ ҳам ана шу ривоятлардан бири асосида тайёрланган.

Айтишларича, кунларнинг бирида Акбаршоҳ ўз мулозимлари билан овга йўл олди. Шоҳ қанчалик қудратли бўлмасин, ўз фуқароларига ўта меҳрибон ва камтарин эди. У шаҳардан чиқаётганида ўтин орқалаб келаётган

<sup>2</sup> Жалолиддин Акбаршоҳ (1556– 1605).



бир кишига кўзи тушди. Ҳалиги ўтинчи подшоҳни кўриши билан ўтинини ерга қўйиб, таъзим ила салом берди. Муслмон одатига кўра, Акбаршоҳ ҳам унинг саломига тавозе билан алик олиб, қуюқ сўрашиб ўтиб кетди.

Шунда Акбаршоҳнинг ёнидаги мулозимларидан бири унинг қулоғига шипшиди:

– Олампаноҳ, унинг саломига бекорга алик олдингиз?

– Бу не деганинг? – ажабланди подшоҳ отнинг жилловини тортиб. – Ахир салом суннат бўлса, алик фарздир, демишлар.

– Шундай-ку-я, – бироз чайналди мулозим, – лекин бу одам мамлакатингиздаги энг шумқадам, хосиятсиз кимса. Ким эрталаб унга йўлиқса, у билан ҳамсуҳбат бўлса, кун бўйи иши юришмас экан. Буни шаҳар аҳли яхши билади.

Бу гапни эшитиб, Акбаршоҳнинг кўнгли хижил тортди. Дарҳол ҳалиги ўтинчини ушлаб, ҳибсга олишни буюрди. Сарбозлар ўтинчининг оёғини ерга теккизмасдан зиндонга йўллашди.

Подшоҳ йўлида давом этди. Чиндан ҳам шу куни ови бароридан келмади. Мулозимлари билан қанча ҳаракат қилишмасин, тайинли ўлжани қўлга киритишолмади. Буям етмагандек, нимадандир ҳурккан от Акбаршоҳни эгардан йиқитиб, судраб кетди. Подшоҳнинг оёғи қаттиқ лат еди. Шунда беихтиёр унинг эсига мулозимнинг эрталабки танбеҳи тушиб, ғижиниб қўйди.

Пойтахтга қайтиши билан биринчи бўлиб, эрталаб йўлда учраган ўтинчини олиб келишни буюрди. Подшоҳ амри – вожиб. Шу заҳоти ўтинчини зиндондан чиқариб, саройга олиб келишди.

– Сени шумқадам, дейишганига ишонмагандим, – деди подшоҳ ҳамон сим-сим оғриб турган оёғини уқаларкан. – Буни ўзимда синаб кўрдим. Сен билан эрталаб саломлашганим учун овим юришмади. Яна оёғим лат еди. Шу пайтгача мендан ташқари яна қанчадан-қанча одамларга кулфат келтиргансан. Бундан кейин ҳам яна қанча одамларга бахтсизлик келтиришинг мумкин. Сен

чиндан ҳам мамлакатимдаги энг шумқадам кимса экансан. – Кейин сарой аъёнларига юзланди, – Хўш раиятга зарар келтирадиган бундай кимсанинг жазоси недур?

– Улим! – дейишди сарой аҳли бир овоздан.

– Подшоҳим, – деди ўтинчи ўзини аранг қўлга олиб. – Агар бу салтанатда мендан ҳам шумқадамроқ, хосиятсизроқ бир одам борлигини айтсам, мени озод этасизми?

Подшоҳ бироз ўйланиб турди:

– Ҳа, агар сўзингни исбот қилолсанг, сени озод қилганим бўлсин!

Шундан сўнг ўтинчи подшоҳга ўша хосиятсиз одам ким эканини айтиб, буни исбот ҳам қилиб берди. Подшоҳ эса унинг жавоби олдида ожиз қолди ва ваъдасига биноан ўтинчини ўлимдан озод этди.

*Ўйлаб кўринг-чи, ўтинчи подшоҳга нима деган бўлиши мумкин?*

*Тўқсон олтинчи ҳикоя*

## **МАДРАСАДА ЙЎҚОЛГАН ПУЛ**

Самарқанддаги мадрасалардан бирида, бир ҳужрада тўрт нафара талаба истиқомат қилишарди. Ўша пайтларда вақф ҳисобидан талабаларга оз миқдордаги нафақа тўланар, бундан ташқари ҳамхоналар дарсдан бўш пайтларида бозорга чиқиб, одамларнинг юмушларини бажариб, тирикчилик учун беш-тўрт танга орттиришарди.

Талабалар ўзаро келишиб, ҳар ҳафта орттирган пулларидан бир қисмини алоҳида битта хумчага ташлаб қўйишарди. Кундалик харажатлардан ташқари, фавкуллода ҳолларда пул зарур бўлиб қолганда, кимдир ўз қишлоғига бориб келишига тўғри келиб қолса, кимнингдир тоби қочиб қолса, ана шу жамғарилган пулдан ишлатиларди.

Кунларнинг бирида ҳамхоналар навбатдаги даромадан ажратилган улушларини қўшиш учун ҳалиги хумчани беркитилган жойдан олишди-ю, ҳайратдан донг

қотишди. Хумча бўм-бўш эди. Кимдир унинг ичидаги ҳамма пулларни гумдон қилганди. Талабалар бир-бирига анграйганча қотиб қолишди.

Хумча беркитилган жойни шу тўртовлондан бошқа биров билмасди. Хонанинг калити ҳам фақат шу тўрт ҳамхонада бор эди, холос. Хужра ҳеч қачон очиқ қолдирилмасди. Демак, шуниси аниқки, пулни шу тўрт кишидан бошқа ҳеч ким олмаган.

Талабалар узоқ бош қотириб, улар учун анча қадрдон бўлиб қолган бир мударрисни ёрдамга чақиришди. Мударрис ҳолат билан батафсил танишиб чиқиб, ўз хужрасига йўл олди. Кечқурун у қўлида тўрт ўрам ип олиб келди:

– Раҳматли бобом жуда дами ўткир мулла эдилар, – деди мударрис ўрамларни ҳар бир йигитга биттадан тарқатаркан. – «Суф» десалар, сув тескарисига оқарди. Ул зот менга ҳам ана шу илмларидан оз-моз ўргатганлар. Мен ҳозир мана бу ипларга бобом ўргатган усулда дам солиб келдим. Бу ипни кечаси қўйнингизда солиб, ҳар бирингиз алоҳида хужрада тунайсиз. Эрталаб уйғонгач, ипларни ўзимга қайтарасиз. Ким пулни ўғирлаган бўлса, ўшанинг қўлидаги ип бир қаричга узайиб қолади. Шундан ўғрининг кимлигини аниқлаймиз.

Шундай дея, мударрис йигитларни биттадан алоҳида хужрага жойлаштириб чиқди.

Эртаси куни у талабаларни яна бир жойга жамлади. Уларнинг қўлларидаги ип ўрамларини олиб, ҳар бирини синчиклаб қараб чиқди ва йигитлардан бирининг билангидан тутди:

– Бу ишингиз яхшимас, биродар, бировнинг ҳақидан ҳазар қилмоқ лозим. Қани, олган пулингизни дарров жойига қўйиб қўйинг!

Ҳалиги талаба қизариб бўзариб, пулни ростдан ҳам ўғирлаганини тан олди.

*Айтинг-чи, мударрис қўллаган усулда қандай сир бўлиши мумкин?*

*Тўқсон еттинчи ҳикоя***НОМАДАГИ МУДҲИШ БИТИК<sup>3</sup>**

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир йигит яшаган экан. У вояга етгач, ўз қишлоғидан бир гўзал қизга кўнгили кўйибди. Қиз ҳам унинг севгисини жавобсиз қолдирмабди. Шу тариқа икки ёш қалбни боғлаб турган муҳаббат ришталари борган сари мустаҳкамланиб бораверибди.

Йигит ва қиз ҳафтанинг маълум бир кунда белги-ланган вақтда, қишлоқ четидаги овлоқ бир масканда учрашиб, узоқ суҳбатлашиб ўтиришар, келажакдаги турмушлари ҳақида ширин хаёллар суришаркан. Улар ҳар доим учрашув жойига бир дақиқа ҳам кечикмасдан келишга аҳд қилишган экан.

Кунларнинг бирида нимадир бўлиб, йигит учрашувга ярим соат чамаси кечикиб келибди. Қиз унинг йўлларига нигорон кўз тикиб ўтирган экан. Бу интизорлик онлари шўрлик қиз учун асрларга чўзилибди. У йигитни кўриши билан аразлаб, шартта юзини ўгирибди. Йигит кечиккани учун ўзини оқлаб, маҳбубасидан узр сўрай бошлабди. Қиз эса унга чиройини очмай юзини терс буриб ўтираверибди.

– Айт, нима қилсам, олдиндаги гуноҳимни ювиб, сенинг ширин лутфу марҳаматингга муяссар бўламан?

Қиз анча пайт сукутга толибди. Кейин ёнидан қоғоз-қалам олибди-да, алланималарни ёзиб йигитга тутқазибди ва лаб бурганча, уйига жўнаб кетибди. Йигит ўқиш-ёзишни умуман билмас экан. Ҳар қанча тикилиб қарамасин, бир парча қоғозда битилган битиклар сирини била олмабди.

У тушкун кайфиятда уйига кириб келибди. Отаси ўғлини бу аҳволда кўриб, маҳзунлигининг боисини сўрабди.

Йигит ҳеч нарса демасдан қўлидаги қоғозни отасига тутқазибди. Йигитнинг отаси саводли инсон экан. У хатни ўқиб кўргач, қаттиқ хафа бўлибди:

<sup>3</sup> Ургутлик Аҳмад ота Намозов маълумотига таянилган.

– Ўғлим, мен сендан буни кутмагандим. Мени қаттиқ ранжитдинг! Мен нонкўр ўғил ўстирган эканман, бор кўзимга кўринма! – дебди.

Ўғли отасининг қаҳру ғазаби сабабини билолмасдан уйдан чиқиб кетибди. Унинг ўқиш-ёзишдан хабардор яқин дўсти бор экан. У тўғри ўша дўстининг олдига борибди ва унга маҳбубаси ташлаб кетган номани тутқазибди. Дўсти хатни ўқиб кўргач, аянчли бош чайқабди:

– Мен сени ҳақиқий дўстим деб юргандим, лекин бу ишинга умуман тушунмадим. Яхшиси, сендек дўстдан узоқроқ бўлганим маъкул!

Йигит дўстидан бу гапларни эшитиб, ҳайратга тушибди, аммо ундан ҳеч қандай изоҳ талаб қилмасдан ортига қайтибди. Юра-юра бир дарёнинг бўйига етиб келибди. Соҳилда нафас ростлаш учун ўтирган чоғида дафъатан тўлқинлар оқизиб келаётган кичкина қизчага кўзи тушибди. Қизчанинг ортидан яна бир ёши каттароқ эркак ҳам сузиб келар, чамаси у қизчага етиб олиб, уни қутқармоқчи экан. Йигит шартта ўзини сувга ташлабди ва қизчани қирғоққа олиб чиқибди. Кейин ҳалиги эркакни ҳам сувдан тортиб олибди. Хайриятки, қизчага ва унинг отасига ҳеч бир зиён-заҳмат етмаган экан. Бироздан сўнг қизча ҳушига келибди. Буни кўрган ҳалиги эркак қувониб кетибди:

– Бу менинг қизим бўлади, – дебди ҳалиги эркак миннатдорлик билан. – Сен унинг ҳаётини қутқариб қолдинг. Мен сенинг олдинда қарздорман. Худо ҳаққи, сен мендан истаган нарсангни сўрашинг мумкин. Ҳар қандай тилагингни бажо келтираман.

Йигит индамасдан ёнидан маҳбубаси битган номани чиқариб унинг қўлига тутқазибди.

Қизчанинг отаси хатни ўқиб бўлгач, ранг-рўйи оқариб кетибди. Ҳеч нарса демасдан шартта ўзини дарёга ташлаб, сувда оқиб кетибди. Йигит эса ҳеч нарсага тушунмай анграйганича қолаверибди.

*Ўйлаб кўринг-чи, бу хатда нима ёзилган бўлиши мумкин?*

*Тўқсон саккизинчи ҳикоя*

**«ЗОР» БИЛАН ТУГАЙДИГАН ТЎҚҚИЗ ҲАРФЛИ СЎЗ**

Воқеа ўттиз – қирқ йиллар бурун Россиянинг чекка ўлкаларидан бирида юз берганди...

У жуда пихини ёрган, илоннинг ёғини ялаган фирибгар эди. Ҳар қандай мушкул вазиятдан осонликча чиқа оларди. Гарчи унинг жиноятлари маълум ва машҳур бўлса-да, ўз ортидан из қолдирмасликнинг уддасидан чиқар, изқуварлар унинг жиноятини бўйнига қўёлмасдан хуноб бўлишарди.

Аммо кўза кундамас, кунда синаркан. Уни фирибгарлик йўли билан ўзганинг катта миқдордаги мол-мулкани талон-тарож қилишда айблаб, тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишди.

Жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи жуда ақлли, айни пайтда ҳазилкаш одам эди. У қўл остига жўнатилган янги маҳкум ҳақида анча нарсани биларди. Қамоқхонага келган куннинг ўзида уни ўз ҳузурига чақиртирди.

– Шунақа бўп қолдимиз? – деди унга истехзоли тиржа-йиб қамоқхона бошлиғи. – Сени илинтиришнинг иложи йўқ, дейишарди-ку?

– Тақдир экан, – деди фирибгар кўзлари йилтираб. – Пешонада борини кўрамиз.

– Биласанми? – қамоқхона нозири ўрнидан туриб, хонани кезина бошлади. – Сенга тўққиз йил беришди, тўғрими? Мен сенга бир яхшилик қилмоқчиман. Битта топишмоқ айтаман. Жавобини топишинг билан қамоқхонадан озод қиламан.

– Ол-а, – маҳбуснинг энсаси қотди. – Мени ёш бола деб ўйлаясизми? Ҳамма айбларим исботланган, суд ҳукм чиқарган. Мени озод қилиш сизнинг қўлингиздан келмайди, барибир.

– Келади, – деди бошлиқ қатъият билан.

– Хўш, нима топишмоқ экан? – Маҳбуснинг ичида умид шуъласи липиллади.

– Мана эшит, – бошлиқнинг юзига ҳийла табассум югурди. – Бу нарса деярли ҳар бир хонадонда учрайди. Рус тилидаги сўз. Тўққиз ҳарфдан иборат. Охирги учта ҳарфи «зор». Лекин телевизор эмас. Хўш, бу қайси сўз?

Фирибгарга бу савол жуда жўн туйилди.

– Бўпти, камерада ўйлаб, сизга жавобини айтаман, бўладими?

– Бемалол, – деди бошлиқ, – Олдинда тўққиз йил бор. Истаганингча ўйлайвер.

Фирибгар камерасига бориб роса ўйлади. Бошида жуда осон туйилган саволнинг жавоби анча мураккаб кўринади. Рус тилида «зор» билан тугайдиган тўққиз ҳарфли сўзлар унча кўп эмаскан. «Технадзор», «рибнадзор», «ветнадзор»... Лекин буларнинг ҳеч бири тўғри жавобга ўхшамаяпти. Балки, бошқа тилдаги сўздир: масалан ўзбекча «буғдойзор», «жўхоризор»; арманча «цахкадзор»... Йўқ, аниқ рус тилидаги сўз деди-ку?

Шу тариқа фирибгар фақат шу ҳақида ўйлайдиган бўлди. «Тўққиз ҳарфли русча сўз, «зор» билан тугайди, лекин телевизор эмас». У ҳатто ўз-ўзича шу жумбоқни такрорлаб юрадиган одат чиқарди. Қамоқхона бошлиғи ҳар замонда уни ёнига чақириб, жавобини сўрар, аммо фирибгарнинг бирорта жавоби тўғри чиқмасди.

Шу тариқа орада тўққиз йил ўтди. Маҳкум шу тўққиз йилнинг ҳар дақиқасини мана шу жумбоқ жавобини излаб ўтказди. «Тўққиз ҳарфли сўз, ҳар бир уйда бор, лекин телевизор эмас...»

Ниҳоят, у қамоқ муддатини тугатиб уйга йўл олди. Ўз уйига кириши билан бир нарсага кўзи тушди-ю, кўз олди қоронғилашиб, юраги хуруж қилди. Дарҳол «Тез ёрдам» чақиритди. Бироқ, собиқ маҳбус касалхонага етмай омонатини топширди.

*Ўйлаб кўринг-чи, у уйда нимани кўрган бўлиши мумкин?*

*Тўқсон тўққизинчи ҳикоя*

## **ШУБҲА ОСТИДАГИ САДОҚАТ**

Кекса изқувар Глум ҳамкасблари Борг ва Босси билан стол атрофида суҳбат қуриб ўтиришарди. Гап жониворларнинг ғайриоддий хусусиятлари устида борарди.

– Баъзи кимсалар меҳр-оқибат, миннатдорликни жониворлардан ўрганишса бўларди, – трубкасини тутатганча хаёлга чўмди Глум. – Бу воқеани бир танишим – кекса граф айтиб берганди. У биттагина мушуги билан ёлғиз ўзи яшарди. Нонуштада ҳам, кечки овқатда ҳам мушуги билан бир дастурхон бошида ўтирарди. У мушуги учун алоҳида баланд курси, идиш-товоқлар ҳам тайин қилганди. Хуллас, ҳамиша ўз овқатини қадрдон мушуги билдан баҳам кўрарди. Кунларнинг бирида нимадир бўлиб, граф нонуштага кеч қолади. Емакхонага кириб стол устига қараса, дастурхонда, шахсий идиши ичида ўлик сичқон ётганмиш. Маълум бўлишича, мушук жонивор тунда иккита сичқон тутган бўлиб, биттасини ўз ҳожасига «илинган» экан.

Хонада кулги кўтарилди.

– Бўлиши мумкин, мушуклар ўз эгаларига меҳрибон бўлади, – гапни илиб кетди инспектор Борг. Биз одатда товуқларни энг бефаросат жонивор деб ўйлаймиз. Аслида унақа эмас экан. Товуқлар учгача санашни биларкан.

– Йўғе, – икки шериги баравар ажабланди.

– Рост, битта китобда ўқигандим, – дарҳол жавоб берди Борг. – Агар товуқ учтадан кўп жўжа очган бўлса, бирортасини билдирмай олиб қўйилса, у ҳеч нарсага эътибор бермасдан юравераркан. Лекин жўжалари иккита ёки учта бўлиб, биттаси йўқолиб қолса, қақағлаб оламни бузаркан.

– Бунга ҳам ишонса бўлади, – деди ўз навбатида Босси ҳам шерикларини лол қолдириш навбати келганини англаб. – Мен ҳам болалигимда бир воқеа эшитгандим. Узоқ қариндошимизнинг бир ити бўларди. У жуда ҳам ақлли, зотдор ит эди. Қариндошимизнинг юраги хаста



эди. У ҳар доим юраги безовта қилганида музлаткич устида турадиган дори қутисидан пуштиранг хапдорисидан ичиб турарди. Ўша қариндошимнинг айтишича, бир куни унинг юраги қаттиқ хуруж қилади. Унинг ҳатто музлаткич устида турадиган дори қутисини олишга ҳам мажоли қолмаганди. Шунда вафодор ити дори қутини тишлаб олиб келади. Қариндошимнинг кўз олди хираллашиб, дориларни ажратишга ҳам қийналарди. Шунда ит жонивор ўша керакли пуштиранг хапдорини тумшуғи билан олиб, унинг қўлига тутқазади. Шу тариқа ит ўз хўжайинининг ҳаётини асраб қолади.

– Қаранг-а, – Борг қойил қолгандек бош чайқади. – Афсус, шундай ит аллақачон ўлиб кетган бўлса керак.

– Йўқ, у ҳали туғилмаган ҳам бўлса керак, – деди Глум ишонч билан. – Чунки бундай бўлиши мумкин эмас.

– Нега ишонмаяпсиз, – Боссининг нафсонияти кўзиди. – Нима бу билан мени ёлғончига чиқармоқчимисиз? Мен қариндошимдан ўз қулоғим билан эшитгандим.

– Унда ўша қариндошингиз сизни алдабди.

*Айтинг-чи, изқувар Глум нега ўз шеригига ишонмади?*

### Юзинчи ҳикоя

## ҚОПҚОНГА ТУШГАН БОСҚИНЧИ

Туман жиноят қидирув бўлими бошлиғи қўлидаги хўжатлар, суратларга тикилганча, ўйга толганди.

«Бир ойда учинчи худди шу тахлит жиноят, – ўйга берилди бошлиқ. – Бу Тўлаган деганлари жуда пихини ёрган экан, худди балиққа ўхшайди, сирғалиб чиқиб кетаверади. Йўқ, балиқни ҳам илинтирса бўлади, фақат уни қармоққа тушмуғидан илиб олиш мумкин. Фақат яхшигина хўрак топиш керак».

Тўлаган ўғри шаҳарда пайдо бўлганига унча кўп бўлгани йўқ. Унинг ҳақиқий қиёфасини ҳатто кўз билан кўриш ҳам қийин. Кўрганларнинг ҳам кўрсатмалари бир-бирига тўғри келмайди. Чунки Тўлаган деганлари қиёфа-

сини ўзгартиришда устаси фаранг. Кимдир уни бошига шляпасини бостириб кийиб юрадиган, ёши элликка яқинлашган, лекин жуда эпчил эркак, деса, яна кимдир ҳали ўттизга бормаган, соқол қўйиб юрадиган йигитча тимсолида тасвирлайди. Қаердадир уни башанг, сўнги урфга монанд кийимда кўришган бўлса, яна аллақаерда шалвираган, ранги униққан либосда намоён бўлган. Лекин буларнинг ҳаммаси битта одам эканига шубҳа йўқ. У шунчаки қиёфасини тез-тез ўзгартириб туради. Аммо юриши, бўй-басти, қадам ташлаши ўзгармайди. Бироқ қаерни тўнаса, ўзидан из қолдирмасликка уринади. Оғилдаги буқани ҳам, сандиқдаги пулни ўта устомонлик билан ўғирлаб чиқиб кета олади. У ҳатто қонун посбонларини ҳам менсимамай қўйган. Қаерники шип-шийдам қиладиган бўлса, «Тўлагандан салом», дея бир энлик қоғоз ташлаб кетган. Гоҳида босқинчилик ҳам содир этиб туради. Бирор уйга кириб, эгаларига қурол билан таҳдид қилиб, оладиганини олиб, чиқиб кетиш олдидан «Тўлагандан салом» айтишни унутмайди.

...Кўп ўтмай қиш кунларининг бирида туман марказида яна бир ўғирлик содир этилди. Машинасини сотган бир одамнинг уйига ярим кечаси ўғирликка тушган Тўлаган ниқоб тақиб ухлаб ётган уй эгасининг бўғзига пичоқ тираган, «Пулни чиқар, бўлмаса ўлдираман», деб қўрқитган. Кейин пулни олган-у, «Тўлагандан салом», деганча, худди осмонга учгандек ғойиб бўлган.

Уй эгаси санокли сонияларда Ички ишлар бўлимига хабар берган. Изқуварлар ўша заҳоти воқеа жойига етиб келишган.

Жабрланувчининг фикрларини сўраб олишди: босқинчи ниқобда бўлгани учун унинг афтини кўра олмаган. Фақат овозидан 30 – 40 ёшлардаги эркак эканини тусмоллаган, холос.

Кеча ёққан қор изқуварларнинг ишини анча осон қилди: кўчадаги янги пиёда излари уларнинг эътиборини тортди. Яқин орада бу кўчадан бошқа биров юр-

маган. Бегона машина излари ҳам кўринмайди. Демак, у пиёда келган. Жабрланувчи ҳам ҳеч қандай машина шовқинини эшитмаган.

Излар бир кўча наридаги меҳмонхонага бошларди. Тезкор гуруҳ раҳбари икки нафар ходим билан меҳмонхонага кириб, ҳужжат кўрсатди ва хизматчидан шовқин солмасликни сўради.

– Ярим кечаси кимдир меҳмонхонага келиб жойлашдимми? – сўради тезкор гуруҳ раҳбари меҳмонхона маъмуридан.

– Йўқ, ярим тунда ҳеч ким келмади. Лекин кеча соат сакизларда меҳмонхонага келиб жойлашган бир мижоз ярим кечаси қаергадир чиқиб кетди ва ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, яна қайтиб келди.

– У қайси хонада? – сўради изқуварлар бошлиғи жиноятчини тутганига ишонч билан.

Ходим унга тегишли хона рақамини айтиб, қўшиб қўйди:

– У хонада ёлғиз эмас, шериклари ҳам бор.

Изқувар ходим қуролини текшириб кўрди ва икки шериги билан айтилган хона томонга йўналди. Хонада тўрт киши қарта ўйнаб ўтирарди.

– Жойингиздан қимирламанг! – деди тезкор гуруҳ бошлиғи тўппонча ўқталиб.

Хонадаги тўртовлон шу заҳоти ўрnidан туриб қўлини кўтарди.

– Тўлаган деганлари ана шу бўлади, – деди гуруҳ раҳбари қатъият билан тўрда ўтирган эркакка имо қилиб, – Дарҳол унинг қўлига кишан солиб олиб чиқинг!

Ходимлар унинг айтганини қилишди.

*Айтинг-чи, тезкор гуруҳ раҳбари тўрт кишининг орасидан Тўлаганнинг қай бири эканини бир қарашда қандай аниқлаган бўлиши мумкин?*

## ЖУМБОҚЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Сайёҳга бир кун вақт берилган эди. У улкан лупали хонадан тунда ўтиб кетган. Тунда эса қуёш бўлмади.

2. Болалар эчкиларни алмаштириб эмишган, шу тариқа ҳар иккиси ҳам қасамга хиёнат қилмаган.

3. Филни қайиққа тушириб, қайиқнинг сувга ботган қисмига белги қўйишган. Кейин филни тушириб то сув сатҳи яна ўша белгига етгунча унга тилла ортишган.

4. Йигит гулларни синчиклаб текширади ва шабнам қўнмаган гулни танлайди. Чунки тунда гулларнинг юзига шабнам тушади, пари эса эрталаб гуллар ичига кириб олганди.

5. Вазир варақларнинг бирини олиб ютиб юборган. «Агар ўлим сўзи ёзилган қоғоз қолган бўлса, демак, мен ҳаётни танлаб ютиб юборибман» дегач, подшо уни афв этишга мажбур бўлади.

6. Қози жаллодни чақириб, «Қулнинг бошини уз!» деб буюрган. Буни эшитган қул жон талвасасида бошини тортиб олган. Шу тариқа унинг аслида ҳам қул экани маълум бўлган.

7. Муаллим хўрознинг бошига қоракуя сурганди. Ўғри бола хўроз қичқариб юборишидан қўрқиб, хўрознинг бошини силамаган, бошқалар эса қўрқмасдан силашгани учун кафтлари қорайиб қолган.

8. Чол шундай маслаҳат берган: «Отларингизни алмаштириб чопинглар, шунда ҳар иккинги манзилга биринчи бўлиб етишга ҳаракат қиласизлар! Рақибингиз сизнинг отингиз билан биринчи боришга, ўз оти орқада қолиши пайида бўлар. Малика отга урғу берган».

9. Қози шундай ҳукм чиқаради: «Келишувга мувофиқ, пулни қайтариб олиш учун уч ўртоқ баробар келишингиз керак, акс ҳолда кампир пулни қайтармасликка ҳақли».

10. Ҳалиги йўловчи 23 та туяга ўзининг туясини ҳам қўшади. Шунда унинг ярми – 12 тасини катта ўғилга, учдан бири – 8 тасини ўртанчага, саккиздан бири – 3 тасини кенжа ўғилга беради. Қолган битта туя – ўз туясини олиб йўлига равона бўлади.

11. Абу Юсуф вазирга: «Боғнинг ярмини сотиб, ярмини ҳадя қилинг» деб фатво беради.

12. Сотувчи нонни кесиш пайтида ҳар гал пичоқни сувга ботириб олар, сув эса нонга сингиб, унинг вазнини оғирлаштирар, охирида унинг ўзи учун анча нон ортиб қоларди.

13. Кекса маҳбус қоғозга «Мени пайқаб қолишди, олиб чиқиб кетмасангиз мени ўлдиришади», деган гапни ёзган эди.

14. Чунки кассета орқага айлантирилган эди. Мухбир ўзини ўзи ўлдирганида, у ўқ отилгач кассетани яна бошига қайтаришга улгурмаган бўларди. Қотил эса уни ўлдириб, лентани бошига қайтариб, шу тариқа сохта далил тайёрлаб кетган. (У пайтда лентали диктофонлар ишлатилган.)

15. Эрамиздан аввалги 50 йилда бошқача йил ҳисоби юрилган. У пайтларда «Эрамиздан аввалги» деган атама ҳали маълум эмасди.

16. Жосус соқчининг «душман» деган хитобига «дўст» деб жавоб қайтариши керак эди. У эса мени пайқаб қолишди, деб каловланиб қолган. Соқчилар шундан сўнг уни ушлаб кетишган.

17. Уруғлар қайнатилган эди. Аслида бирорта боланинг уруғидан гул ўсиб чиқмаган. Улар мутлақо бошқа уруғдан чиққан гуллари олиб келишганди. Подшоҳ ўзидек ростгўй ва ҳалол бўлгани учун шу болани танлаб олган.

18. Тўрт дона таблетканинг ҳар бирини ўртасидан тенг иккига бўлишган ва бўлаклари иккита алоҳида гуруҳга ажратишган. Шунда ҳар бир гуруҳга ўз-ўзидан биттадан тарёк, биттадан катализатор тўғри келади ва беморнинг ҳаёти сақланиб қолади.

19. Бир инсон бошқа инсоннинг тушида нима кўрганини то ўзи айтиб бермагунча билиши мумкин эмас. Аёл ҳам эри уйғонмай туриб жон берган бўлса, унинг тушига нима кирганини билиши мумкин эмасди.

20. Ҳайдовчи аёлни айтилган манзилга олиб бориб қўйган эди. Кар бўлганида аёл буни унга имо-ишора билан ёзиб тунтирган бўларди.

21. Домла талабалардан «Машинанинг қайси ғилдираги тешилди?» деб сўраган. Табиийки, талабалар ҳар хил жавоб беришган.

22. Деҳқон соқчиларнинг саволига «Мени дорга осилларинг учун келяпман», деб жавоб берган.

23. Қалпоқларнинг умумий сони бешта. Иккита қизил, учтаси оқ. Демак, кўпи билан талабаларга кийдирилган қалпоқларнинг фақат иккитаси қизил бўлиши мумкин. Энг орқадаги талаба олдидаги икки ҳамроҳининг бошида икки қизил қалпоқчани кўрганида ўйланиб ўтирмасдан «Бошимда оқ қалпоқча бор» деган бўларди. Демак, олдинда иккита оқ ёки бир оқ ва битта

қизил қалпоқча бор. Шу сабабли у аниқ жавоб бера олмади. Ўртадаги талаба ҳам олдида турган курсдошининг бошида қизил қалпоқча кўрганида, «Менинг бошимда оқ қалпоқча бор», дейиши мумкин эди. У ҳам ҳеч нарса демади. Демак, шубҳасиз, энг олдиндаги талабанинг қалпоқчаси оқ. Буни мантиқан ўйлаб кўрган талаба «Қалпоғим оқ» деб тўғри жавоб берган.

24. Чжоу шундай дейди: «Ўша пайтда икки яшар боламинг тили чиқа бошлаган пайт эди, мен унинг ширин тилидан чиққан биринчи сўзларни эшитмоқчидим. Мен ўша сўзни эшитиш учун ҳамма нарсага тайёр эдим...»

25. Қайнона гўштни кесган пичоқнинг бир тарафига заҳар суртган эди. Шунда кувёвиге ажратилган гўшт бўлагига заҳар сингиб қолган.

26. Изқувар марҳуманинг эрига телефон қилганида, «Ҳодиса жойига етиб келинг» деганди, аммо манзилни айтмаганди. Эркак эса, қисқа фурсатда ўша ерга етиб борган.

27. Ушбу мамлакатларда араб алифбосидан фойдаланилади. Араб алифбоси эса одатда ўнгдан чапга тараф ўқилади. Одамлар баннердаги суратлардан ҳам тескари маънони ўқишган. Яъни соғлом одам ушбу дорини ичиб, тўшакка михланиши мумкин!

28. Нажиб агар одамлардан фақат йирик пулларни ола бошласа, ҳеч ким унга майда пулни ҳам бермай қўйишини яхши биларди.

29. Қалъанинг атрофидаги хандақ квадрат шаклида бўлгани учун, нарвонларнинг бири хандақнинг бир бурчагига кўндаланг учбурчак шаклида қўйишади. Унинг устидан яна бир нарвон қўйиб хандақнинг икки четини бирлаштиришади.

30. Соқчи қалъани кўриқлаётганда ухлашга умуман ҳақи йўқ эди. У эса ухлаб қолган ва жазоланган.

31. Ўғирлик қилган боланинг оғзи ҳаяжонланганидан қуриб қолган. Шу боис қуруқ нонни ютишда қийналган ва томоғига тикилиб қолган.

32. Чўпон йигит қўйларни кўра оғзига олиб келиб бойнинг кўзи ўнгида тескари санашга тушган: «Мана қаранг, ўн, тўқиз, саккиз, етти, олти... мана яна тўртта қолгани билан ўнта бўлди». Бой буни ҳазил деб тушунган ва индамаган.

33. Жон аввал ҳар иккала қумсоатни ишга туширган. Аввал 4 дақиқали қум соатнинг қуми оқиб тугагач, дарҳол уни тес-

кари ўгириб иккинчи бор ишга туширади. Тўрт дақиқали соатнинг уч дақиқаси тугагач, етти дақиқали қум соатнинг қуми ҳам оқиб тугайди. Шунда дарҳол уни ҳам тўнтариб қўяди. Тўрт дақиқали қум соат тўлиб бўлганда, етти дақиқали соатнинг бир дақиқаси оқиб тушганди. Шунда етти дақиқали соатни яна тескари ўгиради. Ундаги бир дақиқали қум оқиб тушгунча ҳаммаси бўлиб тўққиз дақиқа ўтади.  $(4+4+1=9)$

34. Нонларнинг бештаси новчага, учтаси паканага тегишли. Ҳар бир нон учга бўлинган: жами 24 бурда. Йўловчиларнинг ҳар бири 8 бурдадан еган. Новчанинг 5 та нони 15 бурдага бўлинган, шундан саккиз бурдани ўзи еган, етти бурдаси учинчи отлиққа теккан. Пакананинг учта нони тўққиз бурдага бўлинган. Шундан саккиз бурдасини ўзи, бир бурдасини меҳмон еган. Қози учинчи отлиқ берган саккиз тиллани ҳам икки шерикдан ортган нон бурдалари сонига қараб тақсимлаган: (новчага етти, паканага бир тилла).

35. Олмос сув остида эмас, дарахт устида, қуш уясида бўлган.

36. Қиз отнинг кўзларини икки қўли билан бекитиб олган. Отлар кўзлари беркитилиши билан ҳаракатдан тўхтар экан.

37. Геометрик қонунларга кўра, фазодаги ҳар қандай учта нуқта битта текисликда кесиша олади. Шунга мувофиқ, уч оёқли стол лиқирлаши мумкин эмас. Холмс иккинчи шахматчининг кўрсатмаси ёлғон эканини билиб қолган.

38. Йигит сардордан уни қабиладаги энг хунук аёл қатл этишини сўраган. Бу истакни бажо келтиришнинг иложи йўқ эди. Чунки ҳеч бир аёл ўзини хунук ҳисобламайди.

39. Ўғри топиб олган маъдан туз эди. «Бир кун туз еган жойингга қирқ кун салом бер» нақлига амал қилган ҳолда ўғри ҳеч нарсага тегинмай, чиқиб кетади.

40. Фабрика бошқарувчиси оёқ кийимнинг бир пойини ўша шаҳардаги корхонада, иккинчи пойини эса бошқа шаҳардаги корхонада ишлаб чиқаришни таклиф қилган.

41. Вазирлар шоҳнинг гапини шундай изоҳлашади: «Рост, бу бўлган воқеа! Кийик туёғи билан қулоғини қашлаб турганди. Шоҳимиз отган ўқ кийикнинг туёғини тешиб, бир қулоғидан кириб, иккичисидан чиқиб кетганди».

42. Маҳбуслар ўз исм-фамилияларини айлана кўринишидаги кетма-кетликда ёзиб беришган. Бундай ҳолатда кимнинг исми олдин, кимники кейин ёзилганини билиб бўлмайди.

43. Машина чироқлари девордаги соат ойнасини ёритгач, унда каравот остида ётган жасад акси яққол кўринган ва Таня кўрқиб кетган.

44. Қиз рус эди. Йигитга ҳам табиийки русча жавоб берган. У рус тилидаги «Вы» жавобини босма ҳарфлар билан ёзган пайтида йигитга бу ҳарфлар 1361 сонига ўхшаб кўринган.

45. Савдогар юк машинаси кўприк остидан ўтиши учун унинг ғилдиракларидаги ҳавонинг бир қисмини чиқариб юборишни тавсия қилган.

46. Саркарда сарбозларнинг бирига шундай савол беради: «Агар мен ўртоғингдан қайси эшик озодликка олиб чиқади, деб сўрасам, у менга қайси эшикни кўрсатган бўларди?»

47. Аланга оролнинг қуйи қисмидан тепасига қараб бормоқда. Экспедиция аъзолари пастдаги аланга уларнинг устига етиб келгунича ўзлари турган жойга ўт кўйишади. Шамол таъсирида аланга яна тепага қараб ҳаракатланади ва ўртадаги хас-хашак ёниб, майдон очилиб қолади. Экспедиция бемалол шу ерда жойлашади. Пастдаги аланга эса яна тақир майдонга етиб келгач, ўз-ўзидан сўнади.

48. Қозонда шунчаки оддий сувда тухум қайнатилаётган эди.

49. Кенжа лофчи «Подшоҳим, сиз мендан 100 тилла қарз олгансиз, шуни қайтиб беринг», дейди.

50. Будканинг ичида қафасга солинган кабутар турарди. Хо Синг жавоҳирни кабутарнинг бўйнидаги халтачага солиб учириб юборади. Шу тариқа полиция жиноятчини ҳам, унинг шерикларини ҳам тополмайди. Кабутар эса ўз эгасининг уйига етиб боради.

51. Никки будильникнинг чиқиллаган овозини эшитганини айтади. Аслида электрон будильник ҳеч қандай овоз чиқармайди.

52. Чол илгари ўғрилиқ билан шуғулланган. Қадимда шариат ҳукмига кўра ўғрилиқ қилиб қўлга тушганларнинг ўнг қўли кесиб ташланган. Ўнг қўл кесилгач, овқатни ҳам чап қўлда ейишга тўғри келади. Чол шу ҳолатга бўлажак ўғрилар олдиндан тайёр туриши керак, деган мақсадда йигитга шу машқни ўргатмоқчи бўлган.



53. Террорчи ўз хавфсизлигини ўйлаганди. Чунки у фақат ўзига парашют сўраганида текширилмаган, ҳатто яроқсиз парашют беришлари мумкин эди. Иккита парашют сўраганида, аэропортдагилар у кимнидир гаровга олиши мумкинлигини ўйлаб, иккита текширилган, бутун парашют беришларига ишонарди. Чунки парашютлардан қай бири кимга тегишини олдидан билиб бўлмасди.

54. Хатда Фарангиз аввал холасиникида эканини айтиб, кейин «Бугун ўша ерда қоламан», деб ёзади. Одатда инсон ўзи турган жойга нисбатан «ўша ерда» эмас «бу ерда» ёки «шу ерда» деган сўзни ишлатади.

55. Бузургмеҳр отбоқарга қараб шундай дейди. «Сенинг энг катта айбинг шундаки, сен сабабли одил подшоҳимизнинг шаънига доғ тушади, у тарихда «Битта ҳайвонни деб бир инсонни ўлдирган золим ҳукмдор» сифатида ном қолдиради». Бу гапдан сергак тортган Анушервон отбоқарни кечиради.

56. Хизматкор кўрсатмасида Билл Перкинс ўзини икки марта отганини айтган. Ҳолбуки, инсон ўзига иккита ўқ узолмайди. Биринчи ўқ миясини тешиб ўтгач, иккинчи ўққа ҳожат қолмайди. Бу ҳолатни яхши билган прокурор хизматкордан шубҳаланган.

57. Миллий анъаналаримизга кўра, молни сотишга олиб чиққан эгаси ҳеч қачон харидорга уни арқони билан сотмайди. Одатда харидорлар арқонни молбозорнинг ўзидан сотиб оладилар. Эски арқон билан янгиси бир қарашда фарқланади. Аввалдан ўғрилиги маълум бўлган Сотиболдиннинг эски арқонга боғланган буқани «Сотиб олдим» дейиши Ҳақберди отада шубҳа уйғотган.

58. Шаҳарда хавфсизлик камарини тақиш жорий қилинганидан кейин шифохонага тушганлар сони сезиларли даражада ошган. Шунинг ҳисобига автоҳалокатлар туфайли ҳалок бўлганлар сони сезиларли даражада камайган эди. Ўрни кўпчилик жароҳатланган бўлса-да, хавфсизлик камари туфайли тирик қолган.

59. Алберто машинасини профессорга бериб, ўзи хотини билан кулбада қолган. Профессор бемор дўстини машинага ўтқазиб, шаҳарга шифохонага олиб кетган.

60. Бу гал қўшни мамлакат шоҳи бир парча кераксиз ерни сўраган. Ватаннинг бир парчасини душманга беришни истамаган ҳукмдор жанг қилишни ихтиёр этган.

61. Бадавий қўлидаги арқонни туянинг бўйнига ташлади-да, бир зум ўйга толди. Кейин бамайлихотир карвон аҳлига қараб:

– Туяни сотаман. Унинг баҳоси ҳақиқатан ҳам 1 дирҳам. Фақатгина туя арқони билан сотилади. Арқоннинг баҳоси эса 1000 дирҳам, – дейди. Натижада у ўз қасамига ҳам содиқ қолди, шу қасам туфайли моддий зарар ҳам кўрмайди. Чунки карвондагилар туяни бундай қиммат нархга сотиб олишмас эди.

62. Ҳўқитувчи шундай усулни қўлларди: текширувчилар келишидан олдин бутун синф ўқувчиларига қараб, савол берилганидан кейин, жавобни аниқ биладиганлар ўнг қўлини, билмайдиганлар чап қўлини кўтариши лозимлигини тайинлаган. Комиссия олдида фақат ўнг қўлини кўтарган болаларни турғизган. Комиссия аъзолари болалар қайси қўлини кўтариб турганига эътибор бермаган.

63. Вазир хўрознинг бошини тишлаб узиб ташлаган. Ўз ўзидан равшанки, инсонни бундай усулдан қатл этиб бўлмайди. Шу тариқа шоҳ унинг гуноҳидан кечган.

64. Аслида 13 меҳмонни 12 хонага бир кишидан тақсимлаб бўлмайди. Йигит меҳмонхона раҳбарини сўз билан чалғитган. У ўз жавобида меҳмонларни хоналарга тақсимларкан, биринчи меҳмондан кейин дарҳол учинчи меҳмонга ўтиб кетади. Иккинчи рақамли меҳмон тушириб қолдирилади. Агар уни ҳам қаторга қўшганида, барибир битта хона етмай қоларди.

65. Олтин қутичанинг қопқоғида: «Узук шу қутичада», бронза қутича қопқоғида эса «Узук олтин қутичада эмас», дейиляпти. Бу гаплардан биттаси, албатта, рост. Демак, «Ҳар учала ёзув ёлғон» деган версия йўққа чиқади. Иккинчи версияга кўра, учта ёзувдан биттаси рост, иккитаси ёлғон. Олтин ва бронза қутичадаги ёзувларнинг бири ёлғон, бири рост бўлса, кумуш қутичадаги ёзув аниқ ёлғон бўлиб чиқади. Кумуш қутичада қопқоғидаги ёзув: «Узук бу қутичада эмас». Демак, узук айнан шу қутичада экани мантиқан ойдинлашади.

66. Қози дарахт илдизи қирқилганини кўриши билан вазиятни тушунади. Қадимда дарахт илдизидан асосан шифо мақсадида фойдаланишган. Бу тавсияни эса фақат табиблар бериши мумкин. Шу боис қози шаҳардаги табиб ҳузурига бориб, яқин орада қайси беморга ушбу дарахт илдизини тавсия қилганини сўрайди. Шу тариқа бемор учун дарахтнинг томирини кавлаб, тиллани олиб кетишгани ойдинлашади.

67. Бир доллар йўқолгани йўқ. Саволда чалкаштириш бор эди. Уч оғайни ҳисоб-китобда янглишган. Хизматчи болага берилган 2 доллар аслида хона учун тўланган 27 долларнинг ичига киради. Қолган уч долларни учовлон бўлиб олишган.

68. Маълумки, туянинг чўкиб кетишига унинг оғирлиги, ортиқча вазни сабаб бўлган. Яъни 10 танга қўшган шерик туянинг чорак қисмига, 30 танга эгаси эса унинг тўртдан уч қисмига эгаллик қиларди. Қозининг ҳисоб-китобига кўра, туянинг чўкишига унинг тўртдан уч қисми сабаб бўлган.

69. Аҳмад аёли Маҳмуднинг синглиси эканидан шубҳалангани учун уларни синаб кўриш мақсадида санчқини билинтирмай йиғиб қўйилган йиғма каравотнинг орасига солиб қўйганди. Уч кун мобайнида ҳеч ким йиғма каравотдан фойдаланмаган. Шу боис санчқини топилмаган ва Маҳмуд дўстига телефон қилган.

70. Соқчилар дарвешнинг олдида от чоптириб чиқишганида, у тош устида ўтирганди. У ҳам ёлғон гапирмаслик, ҳам қочқоннинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида секин ўрнидан турарди ва «Мен шу ерда турганимдан бери олдимдан сиз айтган кўринишдаги одам ўтгани йўқ», деб жавоб беради. Соқчилар бу гапдан сўнг изларига қайтиб кетадилар.

71. Кекса маҳбус то вафот этгунига қадар уни бир кун ҳибсда, бир кун озодликда сақлаш ҳақида қарор қилишган.

72. Аёл оёғи тагига катта муз бўлагини қўйган. Ўзини осганидан сўнг, муз эриб кетган.

73. Буғ ҳар доим ойнанинг ички тарафини қоплаб олади. Ташқаридан буғни артиб бўлмайди. Бу терговчида шубҳа уйғотган.

74. Хироши поезд туннелга кирган пайтда кўзидаги боғични олиб кўрганди. У атрофни зулмат билан қопланганини пайқаб, «Кўзим очилмаган», деб ўйлайди ва ўз жонига қасд қилади.

75. «Икки ҳафта илгари худди бугунгидек тўлин ой чиққанди» деган гап терговчида шубҳа уйғотади. Маълумки, ой икки ҳафтада эмас, 29 – 30 кунда тўлиқ ҳолатига қайтади.

76. Ёмғир ёғиб турган пайтда ҳеч қайси боғбон гул суғормайди. Бу эса Холмсда шубҳа уйғотган.

77. Чол ҳукмдордан синган шишанинг терс томонини ағдариб беришни сўраган. Маълумки, кийимлар ҳам ички томондан ямалади.

78. Масхарабоз болани аввалдан савол қай тарзда қўйилса, қанақа жавоб берилиши кераклигига ўргатган. Масалан, «Рангини биласанми?» дейилса, «Яшил», «Ранги қанақа?» деган саволга «Сариқ», «Қанақа рангда?» деб сўралса, «Кўк» деб жавоб бериши керак бўлган.

79. Физика қонунларига кўра, агар қувурнинг остига олов ёқиб турилса, сув оқаётган томонга қараб, қувур қизий бошлайди. Бадавий ҳам олов ёрдамида сувнинг қайси томонга қараб оқаётганини аниқлаган.

80. Тарихдан маълумки, «Биринчи жаҳон уруши» атамаси уруш тугаганидан анча кейин ишлатила бошланган. Уруш бошланган куни бирор газета бу атамани ишлатиши мумкин эмасди.

81. Китобнинг 123-124 саҳифалари битта варақнинг икки томонида жойлашган бўлади. Уларнинг орасида нимадир сақлашнинг иложи йўқ.

82. Эр-хотин витринани ўзлари синдириб, ойна синиқларини ўз касбларига мувофиқ тарзда йиғиштириб, тозалаб қўйишганди.

83. Ёзувчи бу хатни айнан ўз ўлиmidан олдин ёзганида «ўша куни» эмас, «бугун» сўзини қўллаши керак эди.

84. Йўриқномада «Дорини бирор идишга суриб уни ўзингиздан узоққа қўйинг, у ҳамма ҳашаротларни ўзига тортиб олади», дейилган эди.

85. Гувоҳ машина рақамини кўзгуда тескари ўқиган. Машинанинг асл рақами эса АХ 8080 ОН бўлган.

86. Аёл кўприкнинг ярмига бориб, кейин ортга қайтган. Бу пайтда соқчи чиқиб қолган ва аёлни нариги тарафдан келаётган бўлиши мумкинлигини гумон қилган. Шу тариқа у аёлни ортига қайтариб юборган.

87. Конвертдаги картада 86 доллар пул бор эди, холос. Аммо Женнифер конвертдаги рақамни тескари тарафдан ўқиган. Унга бу рақамлар 98 бўлиб кўринган.

88. Форд қўл остидаги раҳбар ходимлар ишни қандай йўлга қўйганини текширмоқчи эди. Бошлиқ йўқ пайтда ҳам яхши иш кўрсатган бўлимларнинг раҳбарларини мукофотлаган, қолганларни ишдан бўшатган.

89. Йигит аввал заҳарли булоқлардан бирининг сувини Кошчейга сездирмасдан ичади. Кошчей тутган сув зидди-заҳар сифатида уни ўлимдан қутқазиб қолади. Кошчейга эса

оддий сув тутқазади. Кошчей ичган сув эса зиддизаҳар эмас, заҳар сифатида таъсир этади ва уни нобуд қилади.

90. Моторли яхталар мусобақасида иштирок этишдан аввал ҳеч ким сочини турмаклатмайди. Чунки кучли шамол ҳар қандай турмакни бузиб юборади.

91. Лаура отасининг дафн маросимида ёш изкувар Луисни кўриб, севиб қолганди. У йигитни шундан кейин қайтиб кўрмайди. Унинг яна дафн маросимида қатнашиши мумкинлигини ўйлаб, ўз онасини ҳам ўлдиради. У руҳий касал эди.

92. Анушервон уни етти йил умрини ҳеч кимга фойдаси тегмайдиган бир машқ учун сарфлаганидан ғазабланиб, ҳалиги йигитни шу жазога ҳукм қилганди...

93. Почта бўлимига келаётган пайтда хат аллақачон конвертга солинган ва елимланган бўлади. Хатда эса мархумнинг почта бўлимига келаётган пайтда гумонланувчини пайқагани ёзилганди. Бу шубҳа уйғотиши табиий эди.

94. Аёл «Эрим шу тобда далаю даштларда юрибди, унинг ёнидаги сув ҳам илиб қолган, у киши илиган сув ичиб юрганда, менинг муздек сув ичиб ўтиришим инсофдан эмас», деб жавоб берган.

95. Ўтинчи шоҳга қараб, «Энг хосиятсиз одам бу сизсиз, чунки мени учратганингиз сабаб, сиз ярадор бўлдингиз, мен эса ўлимга ҳукм қилиндим», дейди.

96. Ҳеч қандай сир йўқ. Айбдор йигит сири очилиб қолишдан кўрқиб, ипни ўзи қирқиб ташлаган.

97. Хатда «Сен менга ҳаётингни беришинг керак», деган ёзув бор эди.

98. Савол ўқувчиларни чалғитиш мақсадида тузилган. Саволда фақат собиқ маҳбус уйида нимани кўриб юраги тўхтаб қолгани ҳақида сўралган, тўққиз ҳарфли, «зор» билан тугайдиган сўз ҳақида эмас. Кўпчилик айнан шу ҳақда бош қотириб тўғри жавобни тополмаган бўлиши мумкин. Жавоб: телеви́зор эди. У уйга қайтиб телевизорни кўргач, ўша савол эсига тушади ва қаттиқ асабийлашиб, юраги тўхтаб қолади.

99. Итлар ранг ажратиш хусусиятига эга бўлишмайди.

100. Тўлаган фақат эркакларга қўйиладиган исм. Унинг қолган уч хонадоши аёллар бўлган.

## МУНДАРИЖА

<i>Биринчи ҳикоя. Уч эшик.....</i>	<i>3</i>
<i>Иккинчи ҳикоя. Қасамни бузмаслик чораси.....</i>	<i>5</i>
<i>Учинчи ҳикоя. Тиллани қандай ўлчашди?.....</i>	<i>6</i>
<i>Тўртинчи ҳикоя. Гуллар орасидаги пари.....</i>	<i>8</i>
<i>Бешинчи ҳикоя. Ўлимдан қутулган вазир.....</i>	<i>9</i>
<i>Олтинчи ҳикоя. Сен қулми, мен қул?.....</i>	<i>11</i>
<i>Еттинчи ҳикоя. Ўғрини тутган хўроз.....</i>	<i>14</i>
<i>Саккизинчи ҳикоя. Маликанинг антиқа шарти.....</i>	<i>15</i>
<i>Тўққизинчи ҳикоя. Кампир балога қолди.....</i>	<i>17</i>
<i>Ўнинчи ҳикоя. Адолатли тақсимот.....</i>	<i>18</i>
<i>Ўн биринчи ҳикоя. Қалтис хитоб.....</i>	<i>20</i>
<i>Ўн иккинчи ҳикоя. «Ортиқча» нон.....</i>	<i>22</i>
<i>Ўн учинчи ҳикоя. Сотқин ким?.....</i>	<i>24</i>
<i>Ўн тўртинчи ҳикоя. Мухбирни ким ўлдирди?.....</i>	<i>27</i>
<i>Ўн бешинчи ҳикоя. Сохта тангалар.....</i>	<i>28</i>
<i>Ўн олтинчи ҳикоя. Қўлга тушган жосус.....</i>	<i>30</i>
<i>Ўн еттинчи ҳикоя. Валиаҳд танлови.....</i>	<i>31</i>
<i>Ўн саккизинчи ҳикоя. Илон чаққан сайёҳ.....</i>	<i>33</i>
<i>Ўн тўққизинчи ҳикоя. Даҳшатли туш асорати.....</i>	<i>34</i>
<i>Йигирманчи ҳикоя. Сергап йўловчининг танбеҳи.....</i>	<i>36</i>
<i>Йигирма биринчи ҳикоя. Баҳонанинг миси чиқди.....</i>	<i>38</i>
<i>Йигирма иккинчи ҳикоя. Деҳқон нима деганди?.....</i>	<i>40</i>
<i>Йигирма учинчи ҳикоя. Қалпоқнинг ранги қанақа?.....</i>	<i>42</i>
<i>Йигирма тўртинчи ҳикоя. Ўғрининг илтимоси.....</i>	<i>44</i>
<i>Йигирма бешинчи ҳикоя. Куёвини захарлаган қайнона.....</i>	<i>45</i>
<i>Йигирма олтинчи ҳикоя. Қотил ўз оёғи билан келди.....</i>	<i>47</i>
<i>Йигирма еттинчи ҳикоя. Реклама баннеридаги хато.....</i>	<i>49</i>
<i>Йигирма саккинчи ҳикоя. Девонанинг танлови.....</i>	<i>51</i>
<i>Йигирма тўққизинчи ҳикоя. Қалъани қандай эгаллашди?.....</i>	<i>53</i>
<i>Ўлтizinчи ҳикоя. Соқчининг туши.....</i>	<i>55</i>
<i>Ўлтizin биринчи ҳикоя. Автобусда йўқолган пул.....</i>	<i>57</i>
<i>Ўлтizin иккинчи ҳикоя. Ўнта қуй нима бўлади?.....</i>	<i>59</i>
<i>Ўлтizin учинчи ҳикоя. Одамхўрлардан омон қолган денгизчи.....</i>	<i>60</i>
<i>Ўлтizin тўртинчи ҳикоя. Саккиз кулча ва саккиз тилла.....</i>	<i>62</i>
<i>Ўлтizin бешинчи ҳикоя. Сув остидаги олмос.....</i>	<i>64</i>
<i>Ўлтizin олтинчи ҳикоя. От қандай тўхтатилди?.....</i>	<i>66</i>
<i>Ўлтizin еттинчи ҳикоя. Шахмат тахтасига сачраган қон.....</i>	<i>68</i>
<i>Ўлтizin саккизинчи ҳикоя. Аёллар оролидаги ҳодиса.....</i>	<i>70</i>
<i>Ўлтizin тўққизинчи ҳикоя. Ниятидан қайтган ўғри.....</i>	<i>71</i>
<i>Қирқинчи ҳикоя. Чораси топилди.....</i>	<i>73</i>
<i>Қирқ биринчи ҳикоя. Оқилона жавоб.....</i>	<i>75</i>
<i>Қирқ иккинчи ҳикоя. Хатга тушдинг, ўтга тушдинг.....</i>	<i>77</i>

Қирқ учинчи ҳикоя. Соатдаги сир .....	78
Қирқ тўртинчи ҳикоя. Тўрт хонали сон .....	81
Қирқ бешинчи ҳикоя. Кўприк остидаги муаммо .....	83
Қирқ олтинчи ҳикоя. Озодлик эшиги.....	85
Қирқ еттинчи ҳикоя. Оролда чиққан ёнғин .....	87
Қирқ саккизинчи ҳикоя. Ажойиб тамадди .....	89
Қирқ тўққизинчи ҳикоя. Қимматга тушган ёлғон .....	91
Эллигинчи ҳикоя. Пихини ёрган жиноятчи .....	92
Эллик биринчи ҳикоя. Гувоҳлик инobatга олинмади.....	94
Эллик иккинчи ҳикоя. Аҳдидан қайтган шогирд.....	96
Эллик учинчи ҳикоя. Иккинчи парашют .....	98
Эллик тўртинчи ҳикоя. Қаерида адашди экан?.....	100
Эллик бешинчи ҳикоя. Ношуд отбоқарнинг хатоси.....	102
Эллик олтинчи ҳикоя. Калаванинг учи қаерда? .....	104
Эллик еттинчи ҳикоя. Қинғир ишнинг қийиғи.....	106
Эллик саккизинчи ҳикоя. Хавфсизлик камарининг «каромати» .....	109
Эллик тўққизинчи ҳикоя. Сўнги чора .....	111
Олтмишинчи ҳикоя. Учинчи талаб.....	112
Олтмиш биринчи ҳикоя. Ғадавийнинг туяси.....	114
Олтмиш иккинчи ҳикоя. Уқитувчининг «ҳийла»си.....	116
Олтмиш учинчи ҳикоя. Вазир жонини асраб қолди.....	119
Олтмиш тўртинчи ҳикоя. Ун учинчи меҳмон .....	120
Олтмиш бешинчи ҳикоя. Узук қайси қутида? .....	122
Олтмиш олтинчи ҳикоя. Дарахт остидаги тилла .....	124
Олтмиш еттинчи ҳикоя. Бир долларни ким олди? .....	126
Олтмиш саккизинчи ҳикоя. Чўкиб кетган туя .....	128
Олтмиш тўққизинчи ҳикоя. Иўқолган санчқи.....	130
Етмишинчи ҳикоя. Дарвешнинг жавоби.....	132
Етмиш биринчи ҳикоя. Шоҳона илтифот.....	134
Етмиш иккинчи ҳикоя. Суиқасдми ёки қотиллик? .....	136
Етмиш учинчи ҳикоя. Гувоҳнинг гуноҳи.....	138
Етмиш тўртинчи ҳикоя. Туннелдан топилган жасад.....	140
Етмиш бешинчи ҳикоя. Ойдин кечадаги хунрезлик .....	143
Етмиш олтинчи ҳикоя. Гумон остидаги тўртовлон .....	145
Етмиш еттинчи ҳикоя. Маҳбуснинг жавоби.....	147
Етмиш саккизинчи ҳикоя. Билағон боланинг сири .....	149
Етмиш тўққизинчи ҳикоя. Сув қаёққа қараб оқяпти?.....	151
Саксонинчи ҳикоя. «Газетангиз сохта экан».....	153
Саксон биринчи ҳикоя. Учинчи номзод.....	156
Саксон иккинчи ҳикоя. Музейдаги ўғрилик .....	157
Саксон учинчи ҳикоя. «Ҳийлангиз ўтмайди».....	159
Саксон тўртинчи ҳикоя. Қаловини тополмаган меҳмон .	162
Саксон бешинчи ҳикоя. Гумондор машинанинг рақами....	164
Саксон олтинчи ҳикоя. Нажот кўприги.....	165

<i>Саксон еттинчи ҳикоя. Конверт ичидаги пул.....</i>	167
<i>Саксон саккизинчи ҳикоя. Форднинг кутилмаган қарори..</i>	169
<i>Саксон тўққизинчи ҳикоя. Ҳининчи булоқнинг сири .....</i>	172
<i>Тўқсонинчи ҳикоя. Қотилга айланган мухлис .....</i>	174
<i>Тўқсон биринчи ҳикоя. Изқуварнинг «гуноҳи».....</i>	176
<i>Тўқсон иккинчи ҳикоя. Жазо ва мукофот .....</i>	178
<i>Тўқсон учинчи ҳикоя. «Лочин»ни ким ўлдирди?.....</i>	180
<i>Тўқсон тўртинчи ҳикоя. Эр қадрини билган хотин.....</i>	182
<i>Тўқсон бешинчи ҳикоя. Энг шумқадам одам.....</i>	183
<i>Тўқсон олтинчи ҳикоя. Мадрасада йўқолган пул.....</i>	185
<i>Тўқсон еттинчи ҳикоя. Номадаги мудҳиш битик.....</i>	187
<i>Тўқсон саккизинчи ҳикоя. «Зор» билан тугайдиган тўққиз ҳарfli сўз.....</i>	189
<i>Тўқсон тўққизинчи ҳикоя. Шубҳа остидаги садоқат.....</i>	191
<i>Юзинчи ҳикоя. Қопқонга тушган босқинчи.....</i>	192
 <i>Жумбоқларнинг жавоблари.....</i>	 195



*Адабий-бадний нашр*

РУСТАМ ЖАББОРОВ

**100 ЖУМБОҚЛИ ҲИКОЯ**

Мухаррир  
Феруза ҚУВОНОВА

Бадний мухаррир  
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник мухаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 27.01.2020 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табағи 6,5. Шартли босма табағи 10,92.

Гарнитура «AGSouvenirСуг». Офсет қоғоз.

Адади 10.000 (1 завод 3000) нусха. Буюртма № 12.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қаторгол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru

23043

84/54)4  
mc-13

Генри Форд ёрдамчисини ёнига чақирибди:

– Хабар беринг, барча директорлар меҳнат таътилига чиқишсин. Улар учун саёҳат уюштиринг. Сайёҳлик компаниялари билан гаплашиб, энг яхши кема, энг нуфузли меҳмонхоналардан жой буюртиринг. Ходимларимиз бунга арзийди.

– Хўп бўлади, сэр, – дебди ёрдамчи итоаткорлик билан. – Фақат бир нарсага тушунмаяпман, нега ҳамма раҳбарларни бирдан жўнатмоқчисиз? Бу ишлаб чиқариш суръатига таъсир қилиши...

– Илтимос, тезда ишга киришинг, – дебди Форд.

Ёрдамчи шу заҳоти ишга киришибди...

Бир ойлик саёҳат тугаб, ҳамма ўз иш жойига қайтгач, Генри Форд ёрдамчисини ҳузурига чорлабди:

– Хўш, ходимлар саёҳатдан мамнунми?

– Улар сиздан бениҳоя миннатдор, – дебди ёрдамчи.

– Мана сизга иккита буйруқ, – дебди Форд икки варақдаги рўйхатни ёрдамчисига тутқазиб. – Ишга киришинг.

Ёрдамчи буйруқларга кўз ташласа, уларда саёҳатга чиққан ходимлардан бир гуруҳининг маошини икки баравар ошириш, иккинчи гуруҳини эса ишдан бўшатиш белгиланган эди. Бу қанақаси бўлди? Уларнинг барчаси бирдек ишлаган, саёҳат пайтида бирортаси хатога қўймаган бўлса?

– Фақат, битта нарсани тушунмаяпман, сэр...

– Мен ҳаммасини тушуниб турибман, буйруқлар ижросини таъминланг!

*Айтинг-чи, Генри Форд нега ходимларидан бир гуруҳини тақдирлаб, қолганларини ишдан бўшатган?*

***Зехни чархловчи ушбу китоб айнан шу ва яна шу каби 99 ҳикоядан иборат.***



www.book.uz

ISBN 978-9943-20-708-0

